

Бахтиёр ИСОҚОВ



**ЎҚИҲ, ИБРАТЛИ
РИВОЯТЛАР**

3

БАХТИЁР ИСОҚОВ

**ЎҚИНГ,
ИБРАТЛИ
РИВОЯТЛАР**

3

**«Vodiy Media» нашриёти
Наманган – 2021**

УДК: 821-512-133-9

КБК: 84(5Ў36)7

И – 9

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг Наманган вилоят ҳудудий бўлинмаси эксперти, Наманган Давлат университети Археология кафедраси доценти, НамДУ «Ахборот гуруҳи» раҳбари, тарих фанлари номзоди, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Бахтиёр Робиддинович ИСОҚОВ томонидан тайёрланган, улуғ аждодларнинг кўп минг йиллик тажрибалари маҳсули бўлмиш, келажагимиз учун беминнат хизмат қилувчи ривоят, ҳикоятлар ҳамда муаллиф қаламига мансуб ибратли битиклардан иборат 3- китобда ҳам ҳозирги ниҳоятда мураккаб, ташвишли ҳаёт муаммоларини одилона ечишнинг оқилона йўллари ва усуллари ибратли, ҳаётий мисоллар асосида ёритилган.

Кўлингиздаги учинчи рисола аввалгилари сингари маънавият ва маърифат тарғиботчилари, зиёли инсонлар – ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари номзоди, доцент А. Саримсоков.

Такризчилар: иқтисодиёт фанлари доктори З. Худойбердиев, фалсафа фанлари доктори А. Мирзааҳмедов, тарих фанлари номзоди, доцент Н. Дехқонов, социология фанлари номзоди, доцент А. Абдулазизов, тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Б. Р. Исҳоқов, тарих фанлари номзоди, доцент А. Эрқўзиев, тарих фанлари доктори (PhD), доцент Б. Халмуратов.

Наманган Давлат университети Ижтимоий фанлар факультети Археология кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан 2021 йил 27 январдаги йиғилишда жиддий муҳокама қилинган, ижобий равишда баҳоланган ҳамда нашрга тавсия этилган (Баённома № 5).

ISBN 978-9943-5918-7-5



© Бахтиёр Исоков, 2021.

© «Vodiy Media» нашриёти.

МУҚАДДИМА

Инсон умри бежиз оқар сувга ўхшатилмайдиди-да. Яъни булок, жилға, дарёнинг суви ўзи оқиб ўтган жойларига яна қайтиб кела олмагани каби, одамнинг яшаб ўтган ҳар куни, соати, дақиқаси ва ҳаттоки сониясини ҳам ортига қайтаришнинг мутлақо иложи йўқ.

Шундай дарёлар борки, айқириб-ҳайқириб, метиндек қаттиқ қирғоқларни ўпириб, емириб ва чор атрофга тўлиб-тошиб, йўлида дуч келганни ямламай ютиб, ваҳимаси ва даҳшатини солиб оқади. Бирон киши, бирор туп ўт-ўланга нафи ва фойдаси тегмай, бориб-бориб чўлу биёбонларнинг қаърига ном-нишонсиз тарзда сингиб кетади. У қанчалар даражада, кучи борича айқириб-ҳайқирмасин, охир-оқибат, барибир беиз, беном, бенишон ва бедарак йўқолади.

Тагин бошқа дарёлар мавжуд – унинг қирғоғидан бошланган яшиллик кўрган кўзларни қувнатади, у шитоб биланмас, астагина тўлғаниб, мулойимлик билан оқади, шовқин-суронини солмайди. Осойиштагина оқиб, йўл-йўлакай турли ирмоқларга ва ариқларга обиҳаётдан ҳада қилади. Ўз навбатида бу обирахмат экинзорлар, боғ-роғларга жилдираб кириб, ширин-шакар мева-ю, сабзавотдан тортиб тилими тилни ёриб юборадиган қовун-тарвуз каби полиз экинлари ва ўт-ўланлару шифобахш гиёҳларга жон бахш этади.

Она табиатга жон-жаҳонини бағишлаган, ҳаёт берган бу дарё холис хизматини ҳеч қачон ҳеч кимга асло кўз-кўзламайди, сира ҳам миннат қилмайди. Аксинча, ўзининг беминнат кўмаги билан қаттиқ сувсаб бемажолгина мудраётган, қайта жонланиб кетган ва энди эса ранг-баранг гулларга бурканиб олган табиатга майин бир жилмайиш, беҳад чуқур қониқиш билан назарини ташлаб қўйиб, тагин ўша эзгу, савобли бунёдкорлик йўлида давом этаверади...

Она табиатнинг чинакам фарзанди бўлмиш Инсоннинг ҳаёти ҳам худди шунга ўхшаб кетади-да. Улуғ аждодларимиздан мерос серсув ирмоқ ва дарёлар ўрнимизга келажак буюк авлоднинг боғ-роғларини қиёматга қадар маърифий обирахмат, бебаҳо ва беқиёс даражадаги махзан (маънавий бойлик) билан таъминлашда тагин таҳдид туғдирмай, тўлиб-тошиб, тўхтамасдан давом этаверади...

МАНФААТ ВА ЯХШИЛИК

Одамзод бу дунёга манфаат деб аталмиш минглаб ришталар ила чамбарчас чирмаб ташланган. Одам фақат ўз нафи, фойдаси ва манфаатлари асосидагина бетиним ҳаракат қилади, ўзини ўтга, чўкка, иссиқка, совуқка, лойга уриб қандайдир фаолият юритади, ишлайди, жонини жабборга беришга ҳам тап-тайёр туради. Одам боласининг, салгина каттароқ маънода айтадиган бўлсак, ихтиёри ўзида эмас. Одам бу дунёга келишида, ота-онани танлай олмайди, қаерда туғилиш ҳам унинг ихтиёридан буткул ташқарида. Кетиш чоғида ҳам одам бечорадир, яъни чорасиз бир кимсадир. Ҳеч бир кимса ундан ҳеч нарсани сўраб ўтирмайди. Одам беҳад ва беқиёс улкан қудрат – манфаат жаноби олийлари қўлидаги бир ўйинчок, Ушбу қудрат одамни хоҳлаган алфозга сола билади: агар истаса, хоҳласа, кўчма маънода, сўқир ё бадбашара нусхага айлантириб ташлайди. Одам амалда камондан отилган бир ўқ сингари умрини кечиради, тирикчилигини қилади, энг улуғлари бўлса, оловланиб яшайди, ўзга инсонлар қалбиниям зиё нурига тўлдириб юборади.

Одамзод жамоа, жамиятларга бирлашиб яшаш заруриятини жуда эрта ҳис қилган. Эҳтимол бу туйғу ибтидоий одам атрофини ўраб турган табиатнинг бешафқат, даҳшатли синовларига яккама-якка дуч келган пайтларида илк маротаба туғилган бўлсаям ажаб эмас. Фақатгина бирлашиб инсоният ўзини наинки тирик жонзот сифатида сақлаб қолиши, шу билан бирга, ривожу равнақ топиши мумкинлигини ҳам англагандир. Кейинчалик, инсоният муайян тараққиёт босқичига эришиб ва меҳнат тақсимооти муаммоларига дуч келгач, жамият зарурлигига янада ўткирроқ эҳтиёж сезилган, албатта. Ахир, ўзингиз ҳам биласиз, якка-ягона одамнинг ўзи бир фурсатнинг ўзида ҳам чорвадор, ҳам деҳқон, ҳам ҳунарманд, ҳам шифокор, ҳам олиму уламо, шоиру санъаткор бўла олмайди-ку?!

Инсон мукамал даражада яшамоғи учун меҳнат турларининг барчасига ҳамда уларнинг хилма-хил эҳсонларига эҳтиёж сезади.

Жамият – ҳар бир инсоннинг моддий ҳамда маънавий, руҳий талабларига мос келадиган, исталган, хоҳланган нарсасини бера оладиган, айти пайтда эса унинг ўзини ҳам қимматли ижтимоий зотга айлантира оладиган фуқароларнинг энг буюк уюшмасидир.

Жамиятнинг юраги – давлат деб аталади. Жамият танаси – иктисодиёт, боши – илм, калби ва руҳи – маърифат, куч-қудрати – маънавият ҳисобланади. Бу дунёдаги мукамал, тараққий этган жамиятларда ҳам наф, фойда ва манфаат деб аталмиш қудрат ҳеч қачон ўзи эгаллаган ўринни ўзга кучга асло бўшатиб бермайди.

Шахс манфаати, оила манфаати, жамоа манфаати, жамият ва давлат манфаатлари ҳамиша бир-бирини тўлдириб, ўзаро таъсир қилиб туради. Инсон ўша, ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биладиган Даниэль Дефонинг Робинзон Крузоси каби кимсасиз оролда эмас, жамият ичида яшар экан, ўз шахсий манфаатларини атрофидаги одамлар, халқ, мамлакати ҳамда давлатининг манфаатлари билан уйғунлаштириб боришга мажбурдир. Акс ҳолатда, яъни, фақат ўз шахсий манфаати йўлида бошқа кишиларнинг эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини сираям назар-писанд қилмай қўйса, яъни халқона тилда ифодаладиган бўлсак, оёғи ердан узилса, ўзидан жуда ҳам узоқларга кетиб қолгудек бўлса унинг алоҳида шахс сифатидаги деградацияси – емирилиш жараёниям шартта бошланиб, кўпинча ҳаддан ташқари тезлашиб, чин ҳалокат сари етаклаб ҳам кетади.

Қадим Чин давлатининг ҳозиргача башариятга холис хизмат қилиб келаётган беқиёс буюк донишманди Конфуций (мил. авв. 552 – 479) шундай доно фикрини ёзиб қолдирган эди: «Олижаноб инсонлар фикру зикри уларнинг ахлоқи биландир, худбинлар эса бир гўшаи маишат ғами, ташвишида бўлгайлар. Олижаноб инсон эса қонун – адолат тантанаси ҳақида қуюнар, худбинлар манфаат деб жонни қуйдирарлар. Яъни, олижаноб инсонлар доимо адолат муддаосида, худбин каслар бўлса мудом манфаат иддаосидадир».

Кўхна Хитой муаррихи Юан Шу (1131 – 1205 йй.) «Мухим тарихий воқеалар баёни» номли китобида ёзишича, мил. авв. 111 йили Давань (Фарғона) давлатига келган «Элчи аслида бойликлар кўрмаган, мавжуд қонун-қоидаларни билмайдиган одам эмасди. (Унга ҳамроҳлик қилиб келган) майда амалдорлар ва жангчилар ўзбошимчалик қилиб, хориж давлатларидаги ҳар хил нарсаларга ўзларини ўта шиддат билан уришди. Улуғ зотлар шон-шарафга, очкўзлар бойликка, безорилар уруш-жанжалга интилади, деган нақл бор. Элчи сифатида юборилган кишилар камбағаллар фарзандлари бўлганлиги туфайли улар совға-саломларга ўчлик қилиб бозорларда ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб иш

тутганлар. Оқибатда эса хориж давлатлари (бундан буёғига) Хан (Хитой)нинг элчиларини сира ҳам ҳурмат қилмай қўйган...»

Шу боисданам машхур француз файласуфи Клод Гельвеций (1715 – 1771) бир неча асрлар қаъридан туриб, Бизларга шундай пурмаъно маслаҳатни бермоқда: «Агар ҳалол иш тутаман десанг, кўпчиликнинг манфаатини кўзлайвер ва кўпчиликка наф, фойда келтиришга доим уринавергин! Одамларни кўп янглиштирадиган асосий ҳолат – фақат шахсий манфаатни кўзлашдан иборатдир».

Падари бузрукворим, устозим Робиддин Исоқов қаламидан бизларни огоҳликка чорловчи бир фард «Халкнома» («Наманган» нашриёти, 2007 йил, 136 бет.) номли китобига кўчиб ўтган эди:

Фақат манфаатинг ўйласанг ёз, қиш,

Элингдан ўзингга олмайсан олқиш.

Ҳикоят. Бир донишманд киши ўзи таълим-тарбия бераётган катта-кичик шогирдлари билан ҳар сафар кўришган чоғида:

– Қани, бугун ким қандай яхшилик қилди? – деб сўрар экан.

Навбатдаги учрашувлардан бирида бир шогирди дебди:

– Кеча тунда бир бечора киши эшигимни роса қоқиб, ёрдам сўради. Уни уйимга таклиф қилиб, ҳурматиниям жойига қўйдим. Аҳволи оғирлигини эшитиб, бор мол-мулкимни унга ҳада этиб юбордим. Эгнимдаги кийимлардан бўлак ҳеч вақом қолмади.

Донишманд ҳеч нима демай, иккинчи шогирдини эшитибди.

– Қайсидир куни шаҳаншоҳ ўрдаси ёнидан ўтиб кетаётсам, бир гуноҳкорнинг ўнг қўлини чопмоқчи бўлиб туришган экан, – ҳикоя қилибди шогирд. Унга ўз қўлимни бағишлаб, оғир жазодан қутқариб қолдим. Мана энди ўзим бир қўлим билан ўтирибман.

Донишманд лом-мим демабди, ундан тагин садо чиқмабди.

– Шогирдлардан қайси бири фидойилиги чинакам таҳсинга лойиқ, – деб донишманддан сўрашса, у шундай жавоб берибди:

– Уларнинг ҳар бири бор-йўғи бир кишига яхшилик қилиш билан чекланишибди. Ҳолбуки, бир инсоннинг яхшиликларидан, эзгу амалларидан бутун эл-юрти баҳраманд бўлиши шарт. Бутун халқ манфаатига хизмат қиладиган ва юртнинг корига ярайдиган эзгулик, ҳикматгина чинакам таҳсинга сазовор. Ахир бир – икки ночорга ҳам бирон-бир нафинг, фойданг тегмаса, бу дунёда ўзинг қандай қилиб инсон деган беҳад улуғ номни кўтариб юрибсан?!

СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИ СУДЛАРИ

Сарбаланд Соҳибқирон Амир Темур салтанати суд тизимида жиноятга жазо беришни кучайтиришга эмас, балки унинг олдини олишга катта эътибор берилган. Темур ва Темурийлар даврида ҳар бир шаҳарда ҳоким саройи, қозихона (суд идораси) ва адлия бошқармаси (Дорул адолат) қурилганди. Улар давлат, жамият ва шахсга қаратилган турфа жиноятларнинг олдини олишда, яъни ҳозирги давр атамашунослигига асослансак, профилактика қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этган. Ўша замонларда ҳар бир шаҳар ва қишлоқ қутволи агар шу ҳудудда бирор нарса йўқолса ёки ўғирланса доруғалар каби йўқолган молни тўлашга мажбур бўлганлар. Йўловчиларни бир манзилдан иккинчисига бехатар етказиб қўйиш учун зобитлар тайинланган. Йўлда ўғирлик ёки ўзга жиноят содир этилса жавобгарлик улар зиммасига юкланган.

Асос мансабидагилар эса тунги қоровуллар, кидирув ишлари бошлиқлари сифатида посбонлар билан турли жойларга бўлиниб фуқаролар тинчлигини таъминлаш ва жиноят ишларини очишда муҳим ўрин тутган эдилар. Ижтимоий муҳитни назорат қилиш ва маънавий бузилиш, парокандаликларнинг олдини олиш вазифаси муҳтасиблар зиммасига юкланган. Улар бозорлардаги тарозидан уриб қолиш ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашганлар, ваколатлари доирасида жазолаш ишларини амалга оширганлар.

Ички ишлар органлари мансабдорлари йасағлик деб аталган. Шихна деб номланган ҳарбий маъмурлар шаҳарларда ҳуқуқни муҳофаза этиш масаласига масъул бўлганлар. Қурчи деб аталган мансабдорлар давлатнинг қурол-яроғларини асраб-авайлаганлар, уларни қаерда ва қандай мақсадда ишлатилаётганлигини назорат қилганлар ҳамда ҳукмдор саройини кеча-кундуз кўриқлаганлар.

Ҳуқуқни муҳофазаловчи органлар ихтисослашган эди. Улар кундузги, тунги, фуқаролик ва ҳарбий бўлинмаларга ажратилган. Шунингдек, уларнинг ҳар бири ўз маълумотларини шошилинч тарзда салтанат пойтахтига етказганлар. Давлатнинг сири билан боғлиқ масалалар махфий кенгашларда, бошқа муаммолар бўлса очик кенгашларда муҳокама қилинган ва ҳудудлардаги мавжуд аҳволга монанд ниҳоятда тезкор чора-тадбирлар кўрилган.

Давлатнинг асл мақсади аҳолини мавжуд қонунларга ҳурмат

руҳида тарбиялаш ва жиноятнинг олдини олиш, содир этилган жиноятга муқаррар равишда жазо белгилаш, жамият тинчлик-хотиржамлигини, барқарорлигини асрашдан иборат бўлган эди. Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни очишда ҳақиқатни аниқлаш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этганди. Бу хусусда «Темур тузуклари»да шундай ёзилган: «Буюрдимки, ҳар ернинг ғаразгўй, тухматчи ва нафси бузук кишилари тухмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳар аҳолисидан ҳеч кимни жазоламасинлар. Фақат бировнинг гуноҳи тўрт киши гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жазолансин». Жиноятга жазо белгилашда тухмат ва ғийбатларга ишониб қолмаслик учун жиддий ўрганилган ва тўғри сўз, ҳалол тўрт киши гувоҳлигига таянилган. Соҳибқирон ҳокимларнинг ҳар қанақа кимсаларнинг тухмат гапларига кириб, аҳолига жабр-зулм қилиш, жарима солишини қатъиян ман этган.

Салтанатда судлар ихтисослашган бўлиб, уларнинг уч тури мавжуд эди. Биринчиси – лашкар қозиси ҳарбий масалаларга оид жиноят ва низоли масалаларни кўрган. Шариат қозиси эса шариат билан боғлиқ низо, жиноятларни кўриб чиққан. Учинчи қозилик дунёвий – фуқаролик ва давлатга тегишли бўлган масалаларни, яъни ўғрилик, молиявий, маъмурий соҳаларига дахлдор жиноят ишларини кўрган. Бу қозидикларнинг ваколатлари, вазифалари аниқ ва изчил белгилаб қўйилган. Судлар фаолияти хусусидаги бари маълумотлар бўйича Девонга шахсан Соҳибқироннинг ўзига ҳисобот бериб турилган эди. Амир Темур ва Темурийлар даври суд тизими қатъий қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган.

Адолат ва қонун устуворлиги тамойили фақатгина салтанат ҳудудидагина эмас, халқаро муносабатларда ҳам бош мезонга айлантирилган. Бу хусусда Шарафиддин Али Яздий ҳозирги давр учун ҳайратланарли маълумот қолдирган: «Соҳибқирондин аввал ҳолдаким, оламдаги вилоятларнинг ҳар бирида бир подшоҳ бор эрди ва аларнинг муҳолифат жиҳатидан мусулмонлар ичида кўб ташвиш бор эрди. Ва ҳеч ерда амин ва амонлик қолмайдур эрди. Ва йўллар ўғри ва қароқчилар жиҳатидин боғланиб эрди. Ва ҳеч мусулмон ҳеч сори боролмас эрди. Вилоятларни золимларнинг иликларидин (қўлларидан – Б. И.) қутқариб, адлу эҳсон била ораста қилди. Ва анинг адлидин андоқ бўлдиким, агарда биров бир табақ олтун ёки кумуш бошига кўйуб йалғуз саҳрода

Бохтардин Ховарғача (Византиядан Хитойга қадар – Б. И.) борғай, ҳеч киши анга асло тик боқа олмас эрди. Аммо ул ҳолда кўб ерларни асиру-торож қилди зарурат жиҳатидинким, агар андоқ қилмаса эрди, олам низом топмас эрди».

Шарафиддин Али Яздий Соҳибқироннинг давлатида бирор кимсага зўравонлик қилинмаганлиги, хатто кўчада бошида бир лаган олтин билан ёлғиз кетган ёш болалар молига ҳам биров кўз олайтира олмайдиган даражада адолат ва қонун устуворлигига эришганини алоҳида таъкидлаб, унинг қаттиққўллигининг бош сабаби жиноятга жазо бермоқлик бўлганини қайд этган. Унинг фикрича, қаттиққўл сиёсат юритилмаса ва бебошлар жазоланмаса оламда тартиб-интизомни ўрнатиб бўлмайди. Бундан зўравонлик ва жиноятга қарши давлат куч ишлатишга мажбур экани шарти келиб чиқади. Шунда адолат ва қонун устуворлигига эришилади.

Марсель Брион қаламига мансуб «Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур» номли китобда Амир Темур тилидан шундай ёзилган: «Бошқарув илмининг асосий шартларидан бири шуки, ҳукмдор ҳеч қачон айбсиз кишини жазоламаслиги, айбдорларни жазосиз қолдирмаслиги лозим. Ўғилларимга сабоқ бериб, садоқат билан хизмат қилган, ўрناق кўрсатган кишилар мукофотсиз қолмасликлари лозимлигини уқтираман. Айбдорларни жазосиз қолдириш ҳукмдорнинг эл олдидаги обрўйини туширади. Унинг атрофидагилари гуноҳ қилган жазога мустаҳиқ бўлишини, содик хизмат қилганлар мукофот олишини билиши керак».

Соҳибқирон замонида ўғрилик, зўравонлик, майпарастлик, зино ва ўзга жиноятлар учун қаттиқ жазо белгиланган. Иброҳим Мўминов бу хусусда шундай ёзган: «Соҳибқирон ёзишмаларидан англанишича, салтанатда вақти-вақти билан сўроқ ва тафтишлар ўтказилиб турилган. Амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, ичкиликбозлик, маиший бузуклик оғир гуноҳ ҳисобланиб, бунга йўл қўйган кишилар қаттиқ жазоланган».

«Темур тузуклари»да келтирилишига кўра, шариатга боғлиқ бўлмаган жиноятларга «Ясо» қонунлари бўйича жазо белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ ва ўрта аср анъаналарига хос равишда бармоқ, қўл, бурун, кулоқ кесиш, кўзга мил тортиб кўр қилиш, дарра ва камчи билан уриш, сазойи қилиш каби жазо турлари қўлланган. Жиноятлар содир этилганлиги ва адолатли жазолар

қўлланаётганлиги ҳақида хабаргирлар улуғ салтанатнинг барча қисмида муттасил ёзма равишда хабар бериб туришлари шарт эди. Агар хабаргир бирор сипоҳий ёки амалдорнинг жиноятини яширса ёхуд ёлғон хабарни ёзса, қилмиши исботлангач қўллари кесиб ташланган. Юз берган воқеа, ҳодисаларни атайлаб ёзмаган хабаргирнинг бармоқлари кесилган. Агар улар тухмат ёки ғараз билан ёлғон хабар ёзсалар қатл этилганлар. Хабарлар кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой Соҳибқиронга етказиб турилган.

Бозорда харидорни алдаш, давримиз бўйича истеъмолчилар ҳуқуқини поймол қилиш ва маънавий бузукликларни жазолаш учун масъул кишилар ихтисоб аҳли деб аталган, уларга муҳтасиб бошчилик қилган. Муҳтасиб берадиган жазо қуйидагича бўлган: муҳтасибнинг паҳлавон бир навқари айбдорни опичиб турган, иккинчиси унинг этагини кўтариб иштонини туширган, учинчиси орқасига раис, яъни муҳтасиб унга айтган миқдорда дарра урган. Шундан кейин эса айбдор муҳтасибга таъзим билан тавба қилиб, кўзини очиб қўйганлиги учун унга миннатдорчилик билдирган. Тавба-тазарру ва миннатдорчилик адо қилинмаган тақдирда жазо чоралари яна керагича давом эттирилиши ҳам мумкин эди.

Давлат амалдорларининг порахўрлиги хавфли жиноятлардан ҳисобланган. Соҳибқирон амалдорларнинг бундай қилмишини давлат ва жамиятга қарши қаратилган жиноят сифатида қаттиқ жазолаган. Жазо халқдан яширинча эмас, очикчасига бозор ҳамда аҳоли гавжум бўлган жойларда ижро этилган. Амир Темур хирож йиғувчи амалдорлар хусусида шундай фикрда бўлган: «Хирожни раиятдан калтаклаш йўли билан эмас, огоҳлантириш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳоким ҳукми-таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир».

Амир Темур масъулият, жавобгарлик, қонунга сўзсиз итоат этишни аввало, ўз фарзандларидан талаб этган, улар қонунга хилоф иш қилсалар, қаттиқ жазолаган. Қонунчилик моҳияти ва марказида шахс ва давлат манфаатлари уйғунлиги турган. Шу боисдан ҳам Бизнинг буюк тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг, муаммоларимизни ечишда қўл келаётган экан, бу меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш бурчимиздир.

БОЙЛИК, ОМАД, СЕВГИ...

Ўтиб кетган замон ва маконларнинг бирида ўз ҳовлисидаги юмушларини бажариб бўлиб, қўшнисининг аҳволидан бир хабар олиб қўйиш ниятида кўчага чиққан аёл дарвозалари олдида ўзаро суҳбатлашиб турган узун оқ соқолли уч нуронийга кўзи тушди. Уларни умрида биринчи марта кўриб тургани боис шундай деди:

– Отахонлар! Сизлар мени танимайсизлар, мен ҳам Сизни биринчи бора кўриб турибман. Тушлик палласи анча яқинлашиб қолди, очикқан бўлсангиз ҳам керак. Илтимос, бизнинг уйимизга бирпасга киринглар, бир пиёла чой ичиб, дуо қилиб кетинглар.

– Хонадонинг устунни бўлмиш эринг уйдаи? – сўради улар.

– Боғдан хабар олгани кетгандилар. Тезда келиб қоладилар.

Минглаб йиллик аждодлар маҳзанини ўзлаштириб олган бу қариялар эркаксиз хонадонга кириб боришга истиҳола қилдилар. Кечкурун эри кунлик барча юмушларини адо этиб келганида, аёл болалари отасини боя содир бўлган гап-сўзлардан бохабар қилди.

– Улар узокка кетиб қолишмаган, мана шу атрофдаги бирон хонадонга кўноқ бўлишган бўлсаям керак. Уларга менинг ишдан келганимни айт, уйимизга таклиф қил! – деди эри мулойимгина.

Ўтган-кетган кўни-қўшнилardan сўраб-суриштириб аёл ўша оксоқоллар қаердаликларини аниқлади ва уларни уйига чорлади.

– Минг афсуслар бўлсин, хаёт – бу ёруғ оламдаги мақсад ва моҳиятимиз тақозосига кўра, биз сизнинг уйингизга биргаликда кира олмаймиз, – дейишди юзидан нур ёгилиб турган қариялар.

– Нега энди? Мана ҳозир биргалашиб юрибсизлар-ку!

Улардан бири мулойимлик билан аёлни хайратда қолдирган, ўзларининг бунақа хатти-ҳаракатлари сабабини изоҳлаб берди:

– Мана бунисининг исми Бойлик, наригисининг исм-шарифи Омад, менинг отим – Севги. Ўзинг олдин уйингга кириб эрингдан сўраб кўр-чи, у қай биримизни ҳовлингизда кўришни истар экан.

Аёл зудлик билан уйига кириб, эрига кўрган-билганлари ва эшитганларининг барини оқизмай-томизмай айтиб берибди. Эри ҳам жуда мамнун бўлиб кетиб, икки кўлини бир-бирига ишқалаб:

– Қандай яхши! Демак, улар бизларга танлаш имкониятини беришибди-да. Хотин, ўзинг яхши биласан, орзуларимиз мўл-кўл,

режаларимиз ҳам бисёр, бунга анча-мунча маблағ кераклигидан ҳам бохабарсан. Шу боисдан уйга Бойликни чорлай қолайлик, у ҳали бизнинг неваря-эвараларимизниям хурсанд қилади, – дебди.

Лекин, туғма ақл-заковатга эга, узоқ-узоқларни кўзлайдиган роса тадбиркор аёл малол келмайдиган тарзда эътироз билдириб:

– Азизим, келинг яхшиси Омадни таклиф қила қолайлик, У ҳар доим ҳаммага ҳам керак бўлишини яхши биласиз-ку! – дебди.

Уларнинг ўта яхши тарбия кўрган қизи ота-онаси орасидаги баҳс-мунозарага қулоқ солиб турганди. Мустақил фикрлайдиган инсон сифатида қиз уларга шундай жўяли таклифини билдирди:

– Дадажон! Нега энди Севгини таклиф қилмаймиз? Ахир У Бахт, Саодат, Роҳат, Фароғатнинг... ҳақиқий яратувчиси-ку!

– Хотин! Майли қизалоғимизнинг фикрига ҳам қўшилалик, – деди Ота. – Тезда бориб, Севгини меҳмонга чақириб келгин!

Мамнун бўлган аёл ташқарига чиқиб, қариялардан сўради:

– Боя кўрсатган пайтингизда ҳаяжонланиб кетганим туфайли ёдимдан кўтарилиб қолибди. Қайси бирингиз Севгисиз? Эрим ва қизим уйимизга кириб, меҳмонимиз бўлишингизни сўрашяпти.

Севги исмли қария хонадон дарвозаси томон қараб астагина қадам босди. Нимагадир аёлга қўйилган шартга биноан, таклиф қилинмаса-да, икки нуруний ҳам унинг ортидан эргашдилар.

Бундан ҳайрон бўлган аёл эса Бойлик ва Омадга сал-палгина андиша ва истиҳола билан мурожаат қилишга ботинди:

– Мен сизнинг шартингизга биноан, хонадонимизга биргина Севгини таклиф қилдим, холос. Сизлар нега ижозатсиз келяпсиз?

Уларнинг бари бараварига шўх-шодон жавоб қайтаришди:

– Агарда сен Бойликни ёхуд Омадни Бахтли хонадонингга таклиф қилганингда, иккаламиз кўчада қолиб кетган бўлар эдик. Бирок, сен, ҳақиқий ўзбекларга хос бўлган, ҳар қандай масалани маслаҳат-машварат, мунозара ва музокара орқали ечиш усулига таяндинг. Эринг ва фарзандингнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, бебошлик қилмай, энг тўғри қарорга келдинг-да!

Яхшилаб эслаб ва ёдингда саклаб қолгин, ҳаётини ҳақиқатдан беҳабар ўзга кишиларниям албатта огоҳлантириб қўйгин: Агарда Севги қаерда бўлса, Бойлик ҳам, Омад ҳам худди шу ерда дарҳол ҳозир у нозир бўлади, бебахт ва бадбахтларнинг дардига чинакам дармон бўлади, кўнгил (дил, қалб) ярасига асл малҳамни қўяди.

ҚЎРҚУВ, ВАҲИМА НИМА ДЕГАНИ?

Фикр-мулоҳазаларимиз ибтидосида ўзимиз ҳам ахён-ахёнда бошимиздан кечириб, юракниям хаприкштириб юборадиган қўрқув турларининг айримларини кўз олдимизга келтирсак, унчалик ҳам даҳшатли, уятли, ҳайратли, ваҳимали – қўрқинчли бўлмаса керак:

Даҳшат – кишиларни тахтадек қотириб қўядиган қўрқув.

Уят – номуссизлик ва беҳаёликнинг олдидаги қўрқув.

Журъатсизлик – бирор хатти-ҳаракат содир этиш қўрқуви.

Ҳайрат – ғайриоддий тасаввурларнинг олдидаги қўрқув.

Ваҳима – тилни калимага келтирмай қўядиган қўрқув

(Ваҳима

кўзгуга ўхшар,

Синдирсанг,

Ўтакангни ёрар

Ҳар бир бўлаги).

Азоб-укубат – номаълумликнинг олдидаги қўрқув...

Тўғри эканлиги маълум бўлмаган, аммо инсоннинг хаёлидан чикмайдиган ноўрин хавотир одатда, васваса деб аталади. Бунақа хавотир одамларнинг ўз ҳис-туйғуларини енголмаслиги оқибати ҳисобланади. Кўнгилдаги қўрқув, турган гапки, шунақа хавотир пайдо бўлиши, туғилишига олиб келади. Масалан, тозалikka рия қилмаслик оқибатида бирон-бир касаликка йўликишдан қўрқиш, ҳафсаласизлик, эътиборсизлик оқибатида турли фалокатга дучор бўлиш сингари ҳолатлар ҳам ана шуларнинг жумласига киради.

Одамда нималардандир чўчиб кетиш, ҳадиксираш, қўрқув ва ваҳимага тушиш туйғуси ўзи қачон пайдо бўлади? Мавҳумлик, нотанишлик, мавжуд жараёнга мослашиб кетолмаслик, воқеликка кўника олмасликдан! Худди шунақа ҳолатлар ҳамда вазиятларда ҳар қандай кишининг қалби, кўнглида мудраётган ё мизғиб ётган қўрқув туйғуси дарҳол уйғониб кетиб, одамни ташвишга солади.

Қўрқиш ҳисси мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилишга ўта қийналадиган, бирон-бир фалокат ёки нохушлик бўлганида тўғри хулосани чиқара олмайдиган кишиларда кўпроқ кузатилади. Улар нотўғри ишлар қилиб қўйишдан қўрқиб, қилган ишларини қайта-қайта текширишга эҳтиёж сезадилар. Бунақа ҳолат касалликкаям

айланиб кетиши мумкин. Баъзи кишилар бўлса такрор-такрор ўз кўлларини совунлаб ювишлари, «Уйдаги чироқни ўчирдимми?» ёхуд «Жўмракни ёпдимми ёки йўқми?» деб бир неча бор назорат қилишлари мумкин. Аслида эса, бундай фикрларни хаёлларидан чиқариш кераклигини жуда ҳам яхши биладилар, аммо назоратни йўқотиб қўйганлар. Вазиятнинг шундай тарзда давом этавериши, бунақа кишини руҳий хасталиклар сари етаклаб келиши мумкин.

Юқорида ҳам қайд этганимиздек, тилни калимага келтирмай кўядиган кўрқув ваҳима деб номланади. Кўркиш керак бўлмаган нарса, воқеа ёки мавжудотга дуч келганда қаттиқ кўркиб кетиш ҳам носоғлом ҳис-туйғу ҳисобланади. Айрим бир кишилар оддий нарсаларга бўлган кўрқув назоратини бугкул йўқотиб, баландлик, ёпик ер ёки очик жойлардан кўрқадилар, шу кўрқувлари туфайли ҳам ҳаракатлари ва ҳаётларини доимо чегаралаб юришга мажбур бўладилар. Бунақа кўрқув ҳар қандай нарсадан кўркишмас, айнан кўркилган нарса билан юзлашишдан дахшатга тушиш, ҳар доим хавотир билан яшашдир. Масалан, ҳеч кимса шифохонага тушиб қолишни истамайди, бироқ, зарурат туғилса, мажбуран боради. Бошқа пайтда эса шифохонага бориш ҳақида мутлақо ўйламайди. Туйғуси носоғлом кишилар бўлса касалхонага тушиб қолишини ўйлаб, юрагини ҳовучлаб кун кечиради. Бунинг оқибатида бўлса, юраги хуруж қилиши, хушидан кетиши, безовта бўлиши мумкин. Бундай кишиларнинг ўзи хавотири ноўринлигини ниҳоятда яхши биладилар, бироқ, ўзларини тузукрок назорат қила олмайдилар.

Одамзоднинг ўзи асли яратилишига биноан кўрқокдир. Энди дунёга келган чақалоқдан тортиб қартайган қариягача – барчани кўрқув умр бўйи таъқиб этиб юради. Чақалоқ кўрқув чинқириғи ва йиғиси билан таваллуд топади. Кейинроқ эса онасини йўқотиб қўйиш, оч қолиш ва иштонини ҳўллаб қўйиш, ўта қаттиқ шовқин-суронлар ва йиқилиб тушиш каби ҳолатлар уни ваҳимага солади. Эсини таниб олгач, катталарнинг дўқ-пўписаси-ю, таъна-дашном ва калтақлари, чакмоқ-момақалдирок ва табиат ҳодисалари, йиртқич ҳайвонлар, жин-алвасти, дев-парилар ҳақидаги гап-сўзлар, алдов, зўравонлик кабилар уни кўрқувга сола бошлайди. Йигитликнинг ҳам ўзига хос кўрқув ўчоқлари бор: ҳаётда ўрнини тополмаслик, имтиҳон топшира олмаслик, ишқ-муҳаббатининг рад этилиши, ўз лаёқатига мос ишни топа олмаслиги ва ҳоказолар. Ҳаттоки, катта

ёшли кишилар ҳам кўрқув таъкибидан омонда бўла олмайдилар. Уларни ҳам бир умрга ҳар хил хасталиклар, омадсизлик, амалдан тушиб қолиш, ғанимлар хусумати, ўз зурриётларининг ноқобил чикиши, «дўстлари» хиёнати, қонун-қоидаларни билиб-билмайин бузиб кўйиш, турли-туман фалокат ва офатлар, раҳбарлар зуғуми, кашшокликнинг домига тушиб кетиш, эл-юрт орасида шарманда-шармисор бўлиш, кирдикорлари фош бўлиши, барвақт қариш ва бевақт ўлим каби ҳолатлар бетиним дахшатга солиб тураверади.

Айниқса, эл-юрт орасида гап-сўзга қолиш ва одамлар таъна-маломатларидан кўрқув инсоннинг роҳат-фароғати ва ороминиям ўғирлаб олади, уни машаққат, турли гуноҳ ишларга, виждонига хилоф ишларгаям рўпара қилиб кўяди. «Эл нима деркин, одамлар гап-сўз қилмасмикин, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, куда-андалар, таниш-билишларнинг орасида шарманда бўлиб, маломатга қолиб кетмасмикинман?» қабилдаги кўрқув туфайли ўз дунёкарашига, эътиқодига қарши боради. Ўзига буюрилмаган ишларни қилишга ҳам мажбур бўлади. Халқ орасидаги машхур-бообрў одамларнинг гапи, маломатидан чўчиб, янада аниғи кўркиб, тўй-маросимлар ва маъракаларни жудаям катта қилиб юборади. Машхур адиб Аҳмад Муҳаммад Турсун, ниҳоятда кўп бора таъкидлаганидек, бундай кимсалар йўқ ердаги бидъат ишлар, хурофотларга қўлини уради. Нопок ҳамда фосиқ кимсалар билан яқинлаша бошлайди. Ана шу кўрқув туфайли гоҳида одам бор-будидан ажралади ва кафангадо бўлиб қолади. Кечираётган ҳаёти, бугун кўраётган куниям буткул ўзининг изидан чикиб кетади. Имон-эътиқодидан ортга чекинади.

Мари Франсуа Аруэ, яъни буюк файласуф Вольтер ҳам ушбу мураккаб масала хусусида ғоятда кўп ўйлаган ва охир-оқибатда қуйидаги хулосага келган эди: «Кўрқув хатони, хато эса жазони келтириб чиқаради... Кўрқоклар ожизга ўз кучини кўрсатади...»

Ваҳима, тушкунликка тушиб қолиш, нималардандир кўркиш ва оқибатда уйқусизликнинг келиб чикишиям инсон руҳиятининг бир кўриниши ҳисобланади. Айниқса, жуда юксак тараққиёт асри сифатида таърифланаётган милодий XXI юз йилликда ҳаётнинг барча соҳаларидаги ривожланиш, энг асосийси эса, техниканинг бемисл тараққиёти ҳамда унинг оқибатида келиб чиқаётган турли хил муаммолар айрим давлатлар ўртасида куролли тўкнашувлар, экстремизм ҳамда терроризм балолари, ахборот ва коммуникация

технологияларининг инсон ҳаётига чуқурроқ кириб бораётгани, ўз навбатида, инсон руҳиятига ҳам, албатта салбий таъсир қилиб, ваҳима, қўрқув, тушкунликка тушиш, бирданига ҳовлиқиб кетиш сингари ҳолатлар одамларда асаб тизимининг зўриқишига олиб келяпти. Ваҳимага тушиш деганда, инсонни ўраб турган ташқи ва ички муҳитдаги кескин ўзгаришлар оқибатида юзага келадиган руҳий ҳолат тушунилади. Тиббиёт нуқтаи назаридан айтилганда, инсон организми ушбу ўзгаришларга тезда мослашиб улгурмаган вазиятларда айрим кишиларда асабийлик кучаяди, касалликларга қаршилиқ қилиш қобилияти – иммунитет эса сусаяди ва ниҳоят, ваҳима ҳолати ўта тез ривожланиб, кечаётган жараён «емирувчи» кучга айланиб кетади. Аксарият ҳолларда бизларнинг у ёки бу хатоларимиз эмас, балки турли-туман ҳаётий муаммоларимизни ҳал этиш жараёнида тўғри қарорни қабул қилишдаги мавҳумлик ва мушкуллик руҳиятимизга жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Бундай ёқимсиз ҳолат бўлса безовталиқни оширади ҳамда ваҳима хурожатларининг юзага келиш имкониятини пайдо қилади. Ваҳима кечинмалари – замонавий шароитда одамларда беҳад даражада кўп учрайдиган ҳис ҳамда туйғуларнинг турларидан бири бўлиб, ҳар биримиз деярли ҳар куни унинг турли-туман шакллари ва кўринишларини ўз бошимиздан кечиришимизга тўғри келади.

Ижтимоий қўрқув одамларнинг бошқа кишилар томонидан доимий кузатилиш, танқид қилиниш, камситилишидан қўрқиш ва хавотирланиш туйғуси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий қўрқув хасталигига дучор бўлиб қолган бунақа болалар катта одамларнинг орасига киришдан қўрқадилар. Бунинг натижасида эса улар ўзлари кечираётган ижтимоий ҳаётда ва таълим-тарбия соҳасида муваффақиятсизликка учраб қолишлари ҳам мумкин-да. «Таълим» арабча «аллама» феълидан олинган истилоҳ бўлиб, бир нарса ҳақиқатини батафсил ҳамда яхшилаб билдириш маъносини англатади. Илм эса бир нарсани воқелиқда қандай бўлса, ишонч билан ўшандай тарзда идрок қилишдир. «Тарбия» сўзи эса арабча «робба» феълидан олинган бўлиб, ўстирди, зиёда қилди, риоясига олди, раҳбарлик қилди, ислоҳ этди каби маъноларини билдиради.

Ижтимоий қўрқув ҳиссини енга олмаган кишилар кўпчилик олдида гапириш, овқат ейишдан ва ҳаракат қилишдан ниҳоятда чўчиб турадилар. Таниқлироқ кишилар билан гаплашиш, меҳмон

кутишдан, баҳс юритишдан ва одамларнинг орасида телефонда гаплашишдан уяладилар. Ҳатто уларга нотаниш кишилар салгина тикилиб қарагудек бўлса ҳам ўзларини қўйгани бирор жой топа олмай қоладилар. Балоғат ёшида бундай унсурлар учраб туриши бўлса табиий ҳисобланади. Чунки, улар ҳозирча ёш, тажрибасиз ва анча укувсиз. Бирданига ривожланиб кета бошлаган танасини қандай тутишни ҳам унчалик яхши билмайди, эгилиб туради ва гаплашаётганида ўз қўлларини қаерларга яширишни билмасдан каловланади ва довдирайди. Анчагина ўзгариб, дўриллаб қолган овози, сўзлашув оҳангини тўғрилашни, фикрини ифодалаш учун керакли сўзларни танлаб олишни зудлик билан ҳал қила олмайди.

Бу даврнинг характерли хусусиятларидан бири диккатнинг таркоклиги, тажрибасизлик сабабли муваффақиятсизликка учраш ҳамда ютукқа эриша олмаслик ҳисобланади. Бошқа томондан эса «Мен аслида боламанми ё ўсмирманми, ёшманми?», «Нималарга, қай даражада ҳаққим борлигини ким айтади?» сингари саволлар билан роса боши қотган. Шунинг учун ҳатоларга йўл қўйиши ҳам мумкин. Ўзининг бунақа тушунарсиз ҳолатидан ҳам ғоятда азоб чекади, ва ниҳоят ўзга кишилар томонидан айблангудек, улардан танбеҳ, дакки эшитгудек бўлса, ўзини зудлик билан четга олади.

Ижтимоий ҳадик юз берган ҳолларда кўпчиликнинг орасида қолинганда юракнинг тезроқ уриши, терлаш, титроқ ва мушаклар бўшаши содир бўлади. Ошқозонда безовталиқ, юракда сиқилиш, совуқ тер босиши, қизиб кетиш сингари ҳолатлар ҳам кузатилади. Одам тагин бунақа аҳволга тушмаслик учун тобора пассивлашиб бораверади. Энди тортинчоқлик ҳаётининг бошқа соҳаларига ҳам салбий таъсир қила бошлайди. Бундай кишилар нотаниш муҳитга тушиб қолганида ижтимоий муносабатларда беҳад қийналадилар. Одам ўзини ғоятда ожиз ва ғарибдек ҳис этади, доим айблайди, бетиним танқид қилади. Бунинг асосий сабаби ўзгаларнинг ундан яхшироқ эканлиги ҳақидаги фикридир. Уларни гўё ҳамма кузатиб юргандек, баҳолаётгандек туюлаверади. Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий кўркув ўта жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Нимадандир, кимдандир кўрккан, кўркоқ одамнинг иродаси суст ва ғайрат-шижоати эса бекиёс даражада бўш бўлади. Бунақа одамлар кўркоқлик орқасидан бемалол, тап тортиб ўтирмай ёлғон гапириши, каззобликнинг чоҳига калласи билан буткул кириб

кетиши, ўйлаб-нетиб ўтирмай, сохта гувоҳликка ўтиши, оиласига, халқига, имон-этикодига, Ватанига хиёнат қилиши, субутсиз ва иродасиз кимсага айланиб қолиши мумкин. Қўрқоқлиги туфайли унақа нусхалар бундан-да оғир жиноятларга ҳам бемалол қўлини ураверади. Ҳаттоки, аввалги замон кишилари наздида, арзимаган мушкулотга тўкнашгач ўз жонига қасд қилишгача етиб боради.

Энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а: бола ўз отасидан кўрқиб қаерда, нима билан машғул бўлганини яширади, ёлғонни ямламай ютади. Демак, шу кундан унинг тарбиясига ҳам рахна етди. Аёл эрининг зуғумларидан кўрқиб, уни алдашга ва баҳона-сабабларни қидиришга ўтади. Демакки, шу фурсатдан эътиборан оилани ишонч, тотувлик ва ҳаё тарк этади. Кичик раҳбар катта бошлиқдан роса кўрққани туфайли ўлда-жўлда қолган режаниям бажарилди, деган маълумотни телефон, факс ва интернет орқали ёқи шахсан ўзи обориб «узатади». Демак, худди ўша корхонанинг иқтисодиям зарар деган жинкўчага бурилиб кетади. Бир қарашда беозоргина бошланган шунақа кўрқув кўққисдан ёхуд қонуний равишда, янадаям аниқроғи, вазиятга асосланиб «туғиб қўйган» алдовлар ва ёлғонлар тўпланиб-йиғилиб охири бир беҳад улкан, осмонўпар ёлғоннинг тоғига айланади. Бир-иккита кўрқоқнинг ёлғон-ҳийлалари тўпланиб, бутун жамият таназзулигаям бемалол сабабчи бўлиб қолаверади. Давлатларнинг ёлғонлари ҳам ўсиб-кўпайиб, башарият тарихини беҳад даражада булғайдиган уруш-ихтилофлар, вайронгарчилик-инқирозларни келтириб чиқаради...

ҚУВВАТХЎРЛИК

Илмдаги миллионлаб атамалар орасида қувватхўрлик деган тушунча ҳам мавжуд. Маълум бир тоифадаги кимсалар ўзининг дард-аламларини бошқа кишиларга «мириқиб» айтиб бериши ва дийдиё қилиши билан ўша инсонларнинг ақлий, руҳий қувватини зулук сингари сўриб олаверади. Ўзлари эса, қанчалик кўп одамга фақат ўзигагина дахлдор бўлган дардини ва оддий ташвишларини айтиб бергани сари шунчалик даражада енгиллашиб бораверади...

...Бир кишлоқда кекса мусаввир яшарди. Шу рассом ўзининг беҳад ноёб асарларини жуда ҳам қиммат нархда (кўпроқ хорижга)

сотарди. Кунлардан бирида камбағал ва қашшоқ кимса ҳузурига келиб, норозилик билдириб, эътироз ва иддао қилиб қолди:

– Жаноб, сизнинг обрўйингиз бор, топиш-тутишингиз бағоят яхши. Бироқ, ҳеч қачон, ҳеч кимга бир кўмаклашиб, ёрдам бериб юборайин демайсиз ҳам. Мана қаранг, нонвой ҳар замонда фақир кишиларга нон беради, қассоб эса гўшт улашади. Сиз не сабабдан бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзгингиз ҳам келмайди? – деди.

Мусаввир унга қараб мийиғида жилмайди, аммо, биронтаям гап-сўз айтмади. Бенаво қас эса эртадан-кечга қадар ўша рассомга қарши гапирар, иғво қилар, ҳаммага ёмонлагани-ёмонлаган эди.

Кунларнинг бирида рассомнинг тоби қочиб қолди. Бирорта киши ундан ҳол-аҳвол, кўнгил сўрашни хаёлининг чеккасига ҳам келтирмади. Оғир хасталик туфайли мусаввир бу ёруғ оламданам кўзини юмди. Орадан бир неча кун ўтиб кетди. Бу орада қашшоқ кимсаларга нонвой одатдаги сингари нон, қассоб эса гўшт бермай қўйди. Улар эса хайрон бўлиб, бунақа ҳолат боисини сўрадилар:

– Сизлар не сабабдан фақирлар насибасини кесяпсизлар?

– Ҳар ойнинг бошида ўша бу оламдан ўтиб кетган мусаввир бизга анчагина катта пул бериб, камбағал кишиларга нон ва гўшт тарқатишни сўрадилар. У бу ёруғ оламдан ўтиб кетгач, ҳеч ким сизларнинг ғамингизни еб, бизга пул бергани йўқ. Шунинг учун... – деб жавоб беришди ўша қашшоқ кимсаларга нонвой ва қассоб...

«Ибрат» газетасининг «Мулоҳаза» рукнида босилган (2019 йилнинг 11 феввали) «Ношукр бўлманг...» сарлавҳали битикдан (муаллифи – Ҳайитали Тўйчиев) ҳам бир парчасини ўқиймиз:

«...Бир неча ой муқаддам болалигида оғир хасталикка учраб, жисмоний имкониятлари анча чекланиб қолган бир укамиз билан суҳбатлашиб қолган эдим. (Ана шундай юртдошларимиз менинг фикрларимни тўғри тушунсинлар). Унинг ҳаётдан норозилигини аввалига хасталигига йўйдим, бироқ сўзларини тинглаган сайин фикрим ҳам ўзгара борди. «Маҳалладагилар («фуқаролар йиғини мутасаддилари» демокчи) ёрдам беришмаяпти, ҳали улар мендан кўрадиганини кўришади. Устиларидан керакли жойларга шундай ёзайинки, сичқоннинг иниям минг танга бўлиб кетсин!» – деди у.

Бу муштдай йигитчанинг кўзларидаги нафрат ва тушуниксиз ифода мени ўйлантириб қўйди. Вақт топиб, маҳалла идорасининг вакиллари, йигитнинг қўшнилари, маҳалладошлари билан обдан

суҳбатлашдим. Маълум бўлишича, яқин бир ярим йил ичида бу йигитга тадбиркорлар, турли ташкилот ва саховатпеша инсонлар томонидан 18 миллион сўмга яқинроқ моддий ёрдам кўрсатилган. Барча харажатлар ҳужжатлаштириб қўйилган, асосли, ҳужжатлар тагида эса худди ўша ношукр, бесабр йигитнинг имзоси ҳам бор.

– Бир йил муқаддам хайрия сифатида маҳалладошлар ҳамда тадбиркорлардан тагин 25 миллион сўмга яқин маблағ тўпландик, ана шу бола операцияси учун, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини котиби. – Нуфузли клиникадаги жарроҳлик амалиётидан сўнг у қўлтиқтаёқда бўлса-да, юра бошлади. Бундан ниҳоятда қувондик. Бироқ... Ҳа, шу «бирок» ортида анча машава ва кўнгилхиралик бор. Йигит шунча ёрдам ва мададдан кейин ҳам маҳалладагилар устидан турли идораларга арз қилишдан чарчамапти, негадир...»

Бунақа кимсаларнинг минглабини ўзингизам кўзингиз билан кўргансиз, юзлабининг номини бўлса бемалол айтиб беришингиз ҳам мумкин. Мана шунақа ҳолатларда беихтиёр Генри Форднинг сўзлари ёдга тушади-да. Ўша буюк тадбиркорнинг айтишига кўра камбағалликнинг коди бор эмиш. Ушбу код ҳар қандай таклиф ва тавсияга йўқ деб қатъий жавоб беришдан, бетиним зорланишдан ва бировлар кўмак бермаётганидан арз қилишдан бошланар экан. Ушбу кодли одамлар ҳар доим бировлар кўлига қарам бўлишга ўрганиб қолган, ўзлари олдинга интилмай, кимлардандир ҳамиша ёрдам кутиб яшашни, янада ҳам аниқроғи, кунини бир амаллаб кечиришни, тирикчиликларини қилишни афзал билишар экан.

Кун бўйи эмиш, егулик излайвериб ниҳоят даражада ҳолдан тойган бир одам йўлда тинмай Худога нола қилиб борар эди.

– Эй Худо, мен ҳам одамларга ўхшаб яшагим келади. Аммо, сен ҳамиша мени ўз неъматингдан бенасиб қолдирасан. Шу сабаб ишлаб пул топишга билагимда мадорим йўқ, – дерди у тинмай.

Шу пайт унинг рўпарасидан дарахт барглари аста шитирлаб, олтиндек товланиб беш дона кип-қизил ширин олма тап этиб ерга тушди. Тавба, ҳозир у дарахт барглари орасидан мева излаган ва битта ҳам тополмаган эди. Шошиб-пишиб уларни ейишга тушди.

Унинг билагида эса анча-мунчагина куч-қувват пайдо бўлди. Бироқ, у ерга ётиб олди, ухлаб қолди. Уйғониб яна нола қилишда давом этди. Аммо энди на кўкдан, на ердан бирор садо бўлди...

Ўша кимса минг йиллар синовидан мардона ўтиб келаётган

«Сендан ҳаракат, мендан баракат» нақлини унутиб қўйган эди.

Ўзбек давлатчилигининг илк даврида, яъни бундан уч минг йиллар муқаддам бобокалон китоб «Авесто»да ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди. «Вандидод» («Девларга қарши низом») китобининг учинчи фаргарди, биринчи бўлими 24 – 29-бандларида берилган текинхўр, ишёкмас, боқиманда ва тайёрхўр кимсаларга нисбатан қилинган огохлик сари даъват ханузга қадар ҳам ўзининг бебаҳо аҳамиятини тўла-тўқис сақлаб келмоқда:

«Узоқ замон экилмаган ва омов тегмаган замин бахтсиздир. У омовни орзу қилади. Бундаин замин балоғат палласига кирган бир соҳибжамол киздир. Бу киз (келажакда) фарзанд кўришга ва яхши ниятли ҳамдард, ҳамкор ёстикдошга интиқдир.

– Эй, Спийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонликни ҳам бахш этади. У беҳад гўзал ҳамда покиза кизга ўхшайди. Бу киз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ёстикдошига ҳалол фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам ўз навбатида, мўл-қўл меваларни инъом этади.

– Эй, Спийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан (қўшқўллаб) шудгор қилса, замин унга шундай дейди:

– Эй, мард! Эй, мени чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан (қўшқўллаб) шудгор қилган зот!

Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга қираман, сен учун турли-туман емиш, хўрақлар ва мўл-қўл буғдой (озиқ-овқат) етиштираман.

Эй, Спийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан (қўшқўллаб) шудгор қилмаса, замин унга шундай дейди:

Эй мард! Эй, мени чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан шудгор қилмаган (ялқов, тайёрхўр, текинхўр) кимса!

Сен бегоналарнинг эшиги остонасида нон истовчилар билан бирга бўлурсан. Кўзларинг йўл кўради. Улар бўлса сени ўз эшиги остонасидан (бутунлай) ҳайдаб юборадилар» (Авесто: тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015, 230-бет).

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ(МИ)?

Ўзингизам жуда кўп бора эшитган, ўқиган бўлсангиз керак, айрим бир олигархлар – беҳад улкан моддий бойликлар соҳибига айланган ё аждодларидан мерос олган кишилар ўта қимматбаҳо тошларга эга бўлишга, барча воситаларни қўллаб, интиладилар.

Шундай бизнесменлардан бири аукционда ҳажми нақ товук тухуми сариғидек келадиган катта олмосни сотиб олди. Бироқ, маълум вақт ўтганидан сўнг мутахассислар унда дарз борлигини аниқладилар. Эгаси, турган гапки, бундан ўта қаттиқ хафа бўлди. Тошни заргарга кўрсатиб, бирон-бир жўяли маслаҳатни сўради.

Уста асбоб-ускуналарини қўлига олиб роса синчиклаб кўрди ва олмоснинг эгасига қарата хижолатомуз астагина шундай деди:

– Жаноб! Бу тош икки қисмга бўлинса, улардан икки ажойиб бриллиант чиқади ва уларнинг ҳар биттаси олмоснинг ўзидан ҳам қимматроқ бўлади. Бироқ, муаммо шундаки, бу тошга эҳтиётсиз зарба берилса, у бир ҳовуч майда тошчаларга бўлиниб кетади ва улар бир пулга қиммат бўлиб қолади. Мен таваккал қилолмайман ва бу беҳад мураккаб ишни бажаришни зиммамга ололмайман.

Қимматбаҳо тошнинг соҳиби тадбиркорлиги юзасидан кўп мамлакатларга сафар қилганида ўша ерлардаги заргарлардан ҳам худди шунақа жавоб оларди. Унга Париждаги қўли ниҳоятда гул, олам-жаҳонга донғи таралган кекса заргарга мурожаат қилишни маслаҳат беришди. У Парижга учиб кетди ва дарҳол ўша устани топди. Заргар тошни синчиклаб текшириб, хавф тўғрисида бошқа усталар айтган гапларни такрорлади. Эгаси уни эшитишни асло хоҳламагач, кўмак беришга кўнди ва жуда катта иш ҳақини, зора нархидан кўркиб кетиб, аҳдидан қайтса деган ўйда, белгилади. Олмос эгаси рози бўлгач, уста ушбу ишни бажаришни нарироқда ўтириб ишлаётган ёш шогирдига топширди. Йигит тошни олиб ўз кафтига қўйди ва олмосга болғачани бир урди. Тош икки қисмга бўлингач, устозига қайтариб берди. Ҳаяжонланган олмос эгаси:

– Бу йигит сизда кўпдан бери ишлайдимми? – деб сўради.

– Бор-йўғи учинчи кун. Йигитча тошнинг чинакам нархини билмайди. Шунинг учун қўли қаттиқ бўлди ва асло титрамади...

МАНФААТ ВА ДЎСТЛИК

Ўзингиз ҳам жуда яхши биласизки, бизнесда «беғараз ёрдам, кўмак» деган тушунчанинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Бизнесдаги ҳар қандай ўзаро ҳамкорлик, энг аввало, манфаатларнинг қақшатқич тўкнашувидир. Бугун сен кимгадир 1000 сўм бераётган экансан, эртага айнан шу пулинг 2000 сўм сифатида чўнтагингга қайтиб тушишига имонинг комил бўлмоғи даркор. Мабодо, ишончнинг ўзи йўқми, демак, энди орага мана шундай кафолат бера оладиган учинчи тарафнинг қўшилмоғи ҳам шарт бўлиб қолади-да. Бизнес ҳамкорлигида бўлса қариндош-уруғ, оға-ини, ака-ука, куда-анда, дўст-биродар деган тушунчаларнинг ўзиям мавжудмас. Бизнесда, ўзаро муносабатларда, оғиздан чиқаётган ҳар бир сўзда, аста ёхуд жадалроқ босилган ҳар қадамда тараққиёт ғилдирагини ғижирлаб ўзга бир кишилар ғашига тегмаслиги учун мудом мойлаб турувчи фақат биттагина манфаат, манфаат ва яна манфаат деган тушунча танҳо тарзда, ёлғиз ўзи мутлақ ҳолда ҳукмронлик қилади, холос.

Шу ўринда машҳур қизикчиларнинг ҳаётида ўтган XX асрда юз берган бир бениҳоя ибратли ҳангомага диққат-эътиборимизни қаратсак, кўрилайотган, бошимизни роса оғритиб мағзини чақишга уринилаётган мужмал масала ҳам янада ойдинлашган бўлар эди:

Юсуфжон қизик билан Охунжон қизик ёзнинг одамларнинг жизғанагини чиқариб юбораётган жазирама кунларидан бирида катта бир кўл атрофида бемалол айланиб, сайр қилиб юришибди. Ҳамма шу кўлда роса мириқиб чўмиляпти, иккита устоз бўлса ўз йўлларида кетишяпти. Охунжон қизик бир ерга келиб, деворга қараганча худди бошини аста тебратиб турган кўзойнакли илон – кобрага кўзи тушиб қолган бечора бақадай такка қотиб қолибди.

– Ҳа, нимага гўё ёғочга қокқан қозикдек қаққайиб турибсан, имилламасдан, тезроқ юрсангчи, Охун, – дебди Юсуфжон қизик.

– Э-э, бу ёққа тезроқ келинг, уста, – дебди унга қарата роса баланд овозда Охунжон қизик. – Мана, мўмайгина пул топадиган жой! Мана, мен сизга бир ўқиб берайин: «Қимки чўкиб кетаётган кишини олиб чиқса – 50 сўм мукофот». Кўрдингизми, ана! Ҳа-а, ўзимни шартта сувга ташлаб юбораман, Сиз бор овозингиз билан: «Дод!» деб бақирворасиз; мен бўлсам кўзларимни ола-кула қилиб

тураман – эвазига бўлса 50 сўм мукофот! Ана кўрдингизми, мен бир кунда ўн мартагача қайта чўкаман, пешона тери билан ишлаб топилган пулни бўлса иккаламиз бўлишиб олаверамиз – дебди.

– Юсуфжон қизиқ: «Ташла ўзингни!» деган экан, Охунжон қизиқ кўлнинг бир чукур жойига ўзини шартта ташлаб юборибди. Шўнғиб чиқиб, кўзларини ола-кула қилиб турса ҳам, кулоқларига сув кириб кетаётган бўлса ҳам, Юсуфжон қизиқ эса қоқ тепасида индамай, миқ этмай, бояги қозикдек қакқайиб қараб турган эмиш.

– Ҳа-а, уста, тезроқ «дод!» демайсизми ўзи? Сувнинг тубига кириб, чўкиб кетяпман-ку, – деб бақирибди Охунжон қизиқ.

– Чўкавер, бемалол чўкавер! – дебди Юсуфжон қизиқ.

– Ахир у ёғигаям ўтиб кетсам чўкиб ўламан-ку! – деб бор овози билан бақирибди оғзи сувга тўлиб кетган Охунжон қизиқ.

– Киравер, киравергин, – дебди Юсуфжон қизиқ, – сен ўзинг ана шу эълон тагидаги ёзувни ўқимаган экансан-ку, чўкиб кетган одамнинг ўлигини олиб чиққан кишига 100 сўм берилар экан...

Бундан эса, юқорида қайд этилганидек, яққол кўринадики, энг яқин дўстлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик асосида, дўстликнинг ўзи эса фақатгина моддий ё маънавий жиҳатдан тенг инсонлар орасидагина бўлади.

Дўст деганлари ким ўзи? Умумий манфаат ва қизиқишларга асосланган ҳар қанақа ўзаро яқинликниям дўстлик деб айтаверсак бўладими? Қиёматли дўст, деган иборани минг бора эшитгансиз. Қайсидир маконларда ва бир вақтлар охиратда учрашиш шарти билан яқин дўст тутинишар экан имони бус-бутун инсонлар.

... Ҳисоб-китоб они (қиёмат куни)да кўприк олдида сўроққа тутилган бир одамга хайрли иши камлик қилгани сабабли дўзахга тушиб қолиш хавфи таҳдид сола бошлабди. Эҳ-ҳ, не-не кишилар ёнига бориб ўтиниб, худонинг зорини қилмабди, дейсиз, озгина савобингиздан беринг деб. Ака-укаси, опа-синглиси, ҳатто дунёга келтирган ота-онаси унинг илтижосини рад этибди: қандай қилиб берамиз, ўзимиз кейин нима қиламиз, биз яна кимга ялинамиз?

У нима қиларини билмасдан, роса ҳайрон бўлиб турганида:

«Бор савобимни бердим, майли у дўзахдан кутулсин», дебди бир яқин дўсти. Дўстга нисбатан ҳиммат ва садоқат Ҳақ-таолога хуш келибдими, ҳар иккала дўстни ҳам жаннатга ҳукм этибди.

Файласуф Афлотун дейдики: «Дўст ота-онадан яқинроқдир,

чунки икки дўстни яхшилиқ «фарзандлари» яқинлаштиради».

Энди олдимишга яна бир саволни кўйиб кўрайлик. Жоҳиллар орасидаги битишув, келишувни ҳам дўстлик деб атаса бўладими? Бу саволга қандай жавоб қайтариш эса ўзингизга ҳавола этилади.

Ҳинд ёзувчиси Премчанднинг «Нажот йўли» деган ҳикояси бор. Ҳикоя қаҳрамонлари нафақат бошқа инсонларга, бир-бирига ҳам жуда кўп зиён-заҳмат етказган икки ёвуз. Ҳа, Жҳинкур билан Ҳарихар бир-бирига қаттол душман, айни чоғда бир-бирини роса мушкул вазиятда қўллаб-қувватлайдиган «содик дўстлар». Улар гапни доимо бир жойга қўйишади: фитна уюштириш, уни қачон, қаерда ва қанақа амалга ошириш йўллари келишиб олишади...

Чинакам ЗИЁ аҳлини «яхшилар», аксини бўлса «ёмонлар» деб ҳисоблаган Премчанд шундай ёзганди: «Яхшиларда қанчалик ғайирлик бўлса, ёмонларда шунчалик даражадаги меҳр-муҳаббат бўлади. Олим олимни, садҳу (дарвеш) садҳуни, шоир эса шоирни кўргани кўзи, отгани ўки ҳам бўлмайди. Қиморбоз қиморбозни, ичкиликбоз ичкиликбозни, ўғрилар ўғриларни ҳар доим қўллаб-қувватлайди, бир-бирининг кўлтиғигаям киради. Борди-ю, бирор пандит (браҳман) коронғида беҳосдан қокилиб йиқилгудек бўлса, бошқа бир пандит келиб унинг кўлтиғидан олиш ўрнига яхшилаб тағин бир-иккита тепади. Бироқ ўғри ўз ҳамкасабасининг бошига кулфат тушганини кўриб қолса, дарҳол унинг жонига оро киради. Ўғрини талаб, ўғри-қароқчилар фақатгина нафрат топади, холос. Агар бир олим иккинчи олимни ерга урса, унинг номини булғаса, ғийбат қилса, унинг шон-шухрати янада ҳам ошиб кетаверади»...

Француз утопик (хаёлий) социалисти Шарль Фурье бизлар учун ёзиб қолдирган куйидаги фикр мағзини чақишга уринишам фойдадан холи бўлмаса керак: «Ҳар бир киши бошқа бир кишига ёмонликни тилашдан манфаатдор, ҳамма жойда ва ҳамма замонда шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатлардан устун кўйилади. Ҳуқуқшунос ҳамма бадавлат оилаларда ўзаро жанжаллар ва унда судлашиш учун эзгу даъволашиш бўлишини истайверади. Врач ўз ватандошларига яхши иситмалаш ва шамоллашни раво кўради, зеро, одамлар узоқ касал бўлмасдан, шифохонада ётмасдан ўлиб кетсалар, у хонавайрон бўлиши мумкин; агар ҳамма жанжаллар ўзаро самимият билан ҳал этилиб қолса, адвокатнинг бошига ҳам худди шундайин катта кулфат тушиши мумкин. Ҳарбий одамлар

Ўзининг унвони тагин ошиши учун ўз ўртоқларининг энг камида ярми кирилиб кетадиган яхшигина бир уруш бўлишини чиндан ҳам хоҳлайдилар. Рухоний эса яхши ўлимлар бўлиб туриши, унга минглаб франк фойда келтиришидан жуда ҳам манфаатдор...

Архитекторлар, гишт терувчилар, дурадгорлар ва бўёқчилар бўлса юзлаб уйларни бутунлай йўқ қилиб юборадиган, уларнинг касбига харидорларни ҳаддан ташқари кўпайтирадиган яхшигина ёнгин бўлишини истайдилар. Шундай қилиб, цивилизациямиз ҳар бир қисмининг бари уринишлари, хатти-ҳаракатлари умумий бир бутунликка қарши чиқишидан иборат ўта кулгили механизмнинг кўз олдимизда рўй-рост, яққол гавдаланишидан иборатдир».

БУРГУТ ВА ЧИҒАНОҚЛАР ҲАЁТИ

Ибтидода Худованди Карим шарқ тарафдаги Адан ўлкасида боғ яратиб, Ўзи ясаган одамни у ерга қўйди. Сўнг Парвардигори олам кўзга ёккан, емоққа яхши бўлган ҳар хил дарахтларни ерда ўстирди. Боғнинг ўртасида бўлса ҳаёт дарахтини, шу билан бирга яхшини ва ёмонни билиш дарахтини ҳам ўстирди. Худо Одамдан ким бўлишини сўради. Одам ҳали ўта ғўр ва тажрибасиз эди, шу боисдан ҳам бу саволга «Мен билмайман», деб жавоб қайтарди.

Худо одамни қўлидан маҳкам тутиб олиб, улкан денгизнинг лабига етаклаб борди. Парвардигор Ўзи яратган (28 ёшли) одамга денгиз тагида сочилиб ётган беҳисоб чиғаноқларни кўрсатди:

– Агар хоҳласанг, сен ўзингга чиғаноқ ҳаётини танлашинг мумкин. Сувнинг тагида, худди ўзинг сингари миллионларнинг орасида бўласан, озиқ-овқатинг мўл-кўл, бугунги кунинг кечаги кунингдан мутлақо фарқ қилмайди, бутун умринг хавф-хатарсиз ўтиб кетаверади. На ғалаба, на мағлубият сени ҳаяжонлантиради.

Одам гўё оғзига толқон солиб олгандек, сира ҳам индамади. Яратган яратилганни чўққилари оппоқ қордан салла ўраб олган осмонўпар пурвиқор тоғлар томонга етаклаб борди ва булутларга илиниб, лиқиллаб тургандек туюладиган бургут уясини кўрсатди:

– Лекин, истасанг, сен бургутнинг ҳаётини танлашинг ҳам мумкин. Ўзинг хоҳлаганингча осмону фалакка парвоз қилишинг мумкин, кўнглинг (қалбинг, дилинг) тусаганидек яшайверасан ва

энг юксак чўққиларга қадар етиб худди ўзинг сингари шиддатли, қудратлиларни учратасан. Қаерга, қачон ва қандай учишни ўзинг танлаб олаверасан. Бирок, билиб қўйишингни истайман, сендан ҳаракат мендан бўлса баракат бўлади, ҳеч нимага, ҳеч қачон осон эриша олмайсан. Ҳар куни эрта тонгдан то қаро тунга қадар озиқ-овқат топишга кетасан, емишингни тер ва қонинг билан топасан.

Шундан бери олам-жаҳонда, бутун дунёда, ўзларига чиғанок ҳаётини танлаб кун кечираётган одамлар жуда ҳам кўплаб бўлди. Бургутнинг бекиёс машаққатли ҳаётини ихтиёрий тарзда танлаб, чинакамига яшаётганлар ўта озчилигини эса ўзингизам биласиз...

ҚУЛ НИМА ДЕГАНИ?

Ҳар қанақа мустабид ва тоталитар тузум ҳар қандай замон ҳамда маконда фикр-мулоҳазали, мустақил, озод, эркин, эрксевар ва ўзининг манфаатларини ўзи ҳимоялашга журъат этган инсонни сира ҳам ҳазм қила олмайди. Шу боисдан ҳам Шўролар замонида шахс, жамоа, жамият ва давлат манфаатларига атайлабдан чуқур раҳна солинган эди. Большевистик сиёсат давлатни ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан сира ҳадиксирамай бемалол бошқариш, ўзининг асл ниятини яшириш мақсадида, пинҳоний тарзда шахснинг моддий-иктисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини бешигидаёқ бўғиб, чала ўлик аҳволига солиб, «тирик мурда»га айлантириб ташлаган эди. Бошқачасига ифодалаганимизда, коммунистик давлатнинг ўзи жамият ва шахс манфаатларининг устига, гўё уни от ёки эшак деб ҳисоблаб, минволиб, уни қул, аниғи, малайга айлантирганди.

Гомернинг «Одиссея» достонида ўша қуллар ҳақида шундай фикр-мулоҳазалар билдирилган эди: «Қул жуда ишёқмас бўлади, хўжайини қаттиқ туриб, уни ишлашга мажбур қилмаса, у ўзининг хоҳиши билан ишга қўлини ургиси ҳам келмайди». Қадимги Рим империясида қуллар шундай таърифланган: «Улар экинзорларга катта зарар етказадилар. Чорва молларини ҳам ёмон боқадилар. Ерниям ўта ёмон ҳайдайдилар; сепилган уруғнинг яхшироқ униб чиқиши тўғрисида бўлса жон ҳам қуйдирмайдилар, ҳосилни доим ўзлари пинҳоний равишда ўғирлаб олиб, дарҳол еб қўядилар, уни бошқа талончилардан ҳам унчалик яхши эҳтиёт қилмайдилар».

Луғатларда «кул» атамаси, эксплуататорлик жамияти билан боғлиқ тарзда, оддий бир буюм қатори олиб-сотилган, хўжайинга бутунлай қарам бўлган, ҳақ-ҳуқуқ ва мол-мулкдан тўла маҳрум хизматкор сифатида талқин этилади. Чиндан-да, қулликда одам оддийгина бир матоҳга айланади, унинг манфаати ва эҳтиёжлари билан эса ҳеч ким ҳисоб-китоб қилиб ўтирмайди. Дарвоқе, кўҳна римликлар, «Кул ё меҳнат қилиши ёки ухлаши керак», деган бир нақлни доимо такрорлаб юрганлар. Тагин луғатларга мурожаат қилсак: «Кул – бирон-бир кимсага кўр-кўрона хизмат қилувчи ва унга бўйсунувчи; итоатгўй, малай, хизматкор». Бунақасига бўлса олимлар «сервизизм» деган махсус терминниям ўйлаб топганлар.

Сервизизм – асл, ҳақиқий қуллик психологияси ҳисобланиб, ўзгага саждакорлик, лаганбардорлик, лаббайгўйлик, малайлик ва хушомадгўйлик каби қатор иллатларда ўзининг ифодасини топиб олади. Бундай тоифага мансуб кимсалар ўз хўжасидан айрилган тақдирда ҳам асло эркин бўла олмайди. Чунки, қуллик уларнинг вужуд-вужудига ва хужайраларига қадар сингиб кетган бўлади.

Қадим Хитой мутафаккирларидан бирининг бундан 3 минг йил аввал айтган қуйидаги сўзлари айнан шуларга қаратилгандек гўё: «Агарда золимни тахтдан ағдармоқчи бўлсанг, энг аввал, ўз қалбингда унга ўзинг ўрнатиб олган тахтни парчалаб ташлагин!» Ҳаётий тажрибалар ва илмий асосланган тадқиқотлардан маълум бўлишига кўра, қуллик психологияси аксарият ҳолларда доимо таҳқирланган ҳамда камситилган одамларда шаклланади. Бундай психология жуда кўп шакллар ва белгиларда ўзини яққол намоён этади. Масалан, қадимги юнон мутафаккири Аристотель бу ҳақда фикр юритиб, «Ҳеч қандай жойда, қуллар орасида бўлгани каби, кўп ғазаб, ҳасад, гина-кудурат ва нафрат мавжуд эмас, бу қадар тарқоқликни топиш ҳам ниҳоятда душвордир», деб ёзган эди.

Қадимги Рим империяси (салтанати)нинг қулашига ҳам бош сабаб айнан унда ғоятда қутуриб кетган қулдорлик тузуми бўлган эди. Албатта, ташқи таъсирларни эса сира ҳам инкор этолмаймиз. Аммо, шундай бир қонуният ҳам борки, кўп ҳолларда ташқимас, айнан ички таҳдидлар ҳамда зиддиятлар давлат асосларини худди қурт сингари кемиради ва емиради. Хуллас, Рим империясидаги қулчилик одамлар онгини бутунлай бузиб, руҳиятини эса издан чиқариб юборгани ҳамда бир пайтлар ниҳоятда қудратли бўлган

римликларни заифлаштириб қўйган, уларни нафс ва хирс-шаҳват бандасига айлантириб ташлаган эди. Мана шу ўринда шуни қайд этиш жоизки, куллик феноменининг яна бир жиҳати ўзини яққол намоён қилади: кулчилик фақатгина куллар эмас, шу билан бирга кулдорларнинг руҳиятига ҳам беқиёс салбий таъсир кўрсатади. Куллик одамлардаги мавжуд, озгина бўлса-да, одоб-ахлоқни ҳам ўлдириб қўяди, маънавиятни бўлса бутунлай мажақлаб ташлайди.

Ушбу маънавий хасталик эпидемияга айланган ва авж олган жойда бузуклик ҳам қутуриб кетади. Рим империясида куллардан фахш мақсадларда бемалол, уялиб-нетиб ўтирмай фойдаланиш, ҳозирги замонда Ғарб давлатларидаги бир жинсли нусхаларнинг никоҳига ўхшатиб, қонунлаштириб қўйилганди. Ушбу салтанатда хўжайинининг шаҳватини қондиришга мўлжаллаб сотиб олинган куллар бўлган. Римликлар фоҳишалликни эркин фуқаролар учун – гуноҳ, куллар учун эса – зарурат деб ҳисоблаган эдилар. Бироқ, бузуклик фақат кулларни эмас, шу билан бирга эркин инсонлар тафаккурини ҳам, тузатиб бўлмас даражада, заҳарлаб ташлаган эди. Римликлар бошқа мамлакатлардан қурол кучи билан тортиб олинган моддий бойликлардан бошлари айланиб кетиб, тўқликка шўхлик қила бошлаган. «Нон ва томоша!» шиоридан бошқасига сира ҳам амал қилмай қўйган жамият бесоқолбозлик, зоофилия (ҳайвонлар билан жинсий алоқа) ва бошқа турли-туман иллатлар, касофатларга мубтало бўлган эди. Кўнгилхушлик йўлида дастлаб куллар ҳайвонлар билан жинсий алоқага киришга мажбурланар эди. Лекин, шунинг ортидан уларни мажбурлаган кимсаларнинг ўзлари ҳам беихтиёр мана шундай тубан «ишлар»нинг гирдобига, қаърига «боши билан», янада аниқроғи, «калласи билан» шўнғиб кетганларини ўзлари ҳам англолмай, билолмай қолган эдилар...

Нигоҳимизни мозийдан бугунга қаратайлик, ажабки, куллик фақат ўтмиш билангина боғлиқ ҳодиса бўлмасдан, у бугунги дунё ва даврларда ҳам баъзи одамлар ҳамда бутун бошли халқларнинг таназзулига олиб келмоқда. Ўзларини бутун дунёнинг ҳаками деб жумлаи жаҳонга эълон қилган Ғарб олами сиёсатдонлари «инсон ҳуқуқлари», «демократия», «либерализм»... ғояларидан бичилган гўзал либосларга ўраб-чирмаб, жаҳонга кулликнинг ўта даҳшатли шаклини барча воситаларни қўллаган ҳолда ёймоқдалар. Бу ҳам бўлса, чекланмаган нафс ва тийилмаган шаҳватнинг куллигидир.

Бузуқлик кораланиш у ёқда турсин, очикчасига тарғиб-ташвиқ қилинмоқда ва фазилат сифатида тақдим этилмоқда. Бу борадаги куруллардан беҳад хавфлиси эса – одамни инсонлик шарафидан маҳрум этиш ва уни ҳайвон қавмига айлантириб ташлашга ҳолис хизмат қилаётган «оломон маданияти, бозор маданияти ва бемаза маданият»дир. Бугунги кунда бесоқолбозлар паради, намойиши, одамларнинг ҳирсини жунбишга келтирадиган турли хил эротик фильмлар ва тунги клублар Ғарб ҳаёт тарзининг сираям ажралмас қисмига аллақачон айланиб бўлганлигини ўзингиз ҳам биласиз.

Аслида, зўрлик билан кулликка солинган, қайси бир каслар тарафидан сотиб юборилган ёхуд сотиб олинган, эрки ўғирланган одамлар кул эмас, балки миясида кулларча фикр ўрнашиб олган, кулликка маънан кўникиб қолган айрим бир кишилар – ҳақиқий кул саналади. Ўзингиз ҳам жуда яхши биласизки, кулдорлик деб аталмиш тузум барҳам топиб кетганига анча-мунча бўлди. Бирок, руҳиятида куллик нуқси мустаҳкам ўрнашиб қолган ва кимгадир ўзини «кул» ҳисоблашидан бахтиёр бўлувчи туғма кул табиатли кимсалар бугун ҳам беҳад кўп. Пулнинг қули, мансабнинг қули, хотиннинг қули, емиш-ичмишнинг қули, латта-путталар қули...

Минг афсуслар бўлсин, булар хокисор ва имонли инсонлар эмас, балки ниҳоятда хавfli мавжудотлардир. Бундайлардан ҳеч ким ҳеч қачон бирор наф, фойда, манфаат кўрмайди: охир-оқибат эл-юртга, давлатга, жамоага, ўз «хожаси»га ва ҳатто, натижада... ўз-ўзига ҳам душман бўлиб чиқади. Бунақа кимсалар ҳеч қачон ўзлигини англаб етган шахс бўла олмайди, истеъмолчилик ва ҳар қанақа шароитга бош эгиб кўникиш, зўравонга куллуқ қилишдан бошқасига асло ярамайди. Уларнинг ҳаётдаги, янадаям аниқроғи, кун кўриш ёки тирикчилик қилишдаги шиори «Оч қорним – тинч қулоғим», «Нон берганнинг қорнига теп!» Бунақа нусхалар ҳар қанча салобатли, моддий бойлиги, мансаб ва унвонлари бўлсаям, аслида ботинан туғма кул бўладилар. Донишманд аждодлардан бири роса топиб айтганидек, «Хурриятга ўзи эришмай, бошқалар тарафидан ҳалос қилинган кул энди буёғига қандай яшаш керак эканлигини мутлақо билмайди. У ёки кулликда кечирган кунини, яшаганмас, тирикчилик қилган кунини қўмсаб ёки ўзига янги бир соҳиб – хўжайинни умри охирига қадар қидириб юраверади»...

Буюк рус физиологи, академик Иван Павлов «эркинлик ва

куллик рефлексини» атамасини илмий истеъмолга киритиб, бундай ёзганди: «Эркинлик рефлексини ҳайвонларнинг умумий хусусияти, ташқи таъсирларга жавоби, энг муҳим туғма рефлекслардан бири ҳисобланади. Агарда ушбу рефлекс бўлмаганида эди, ҳайвонлар тўқнаш келиб қолган ҳар бир тўсик уларнинг ҳаётига хотимани ясарди. Барчамизга аёнки, эркинликдан маҳрум этилган ҳайвон, айниқса, одам қўлига туширилган ёввойи жонивор тутқунликдан қутулиб қолишга жон-жаҳди билан уринади, талвасага тушади... Тагин бир бор таъкидлаймизки, ибтидоий туғма рефлексларнинг рўйхатини тузиш ҳамда уларни тавсифлаш ҳайвонларнинг барча хатти-ҳаракатларини тушуниб олиш учун жуда зарур. Буларсиз, умумий тушунчалар ҳамда фикрлардан нарига ўта олмаймиз ва ҳайвонларнинг мураккаб хатти-ҳаракатларини илмий жиҳатдан ўрганиш масаласида бўлса олдинга ҳам асло силжий олмаймиз.

Сираям шак-шубҳа йўқки, ҳайвонлар туғма реакцияларини тизимли тарзда ўрганиш одамларни, яъни ўзимизни тушунишга – ўзимизни бошқариш лаёқатимизни англаб олиш, ривожлантириш жараёнига ёрдам беради... Маълумки, туғма эркинлик рефлексини билан бирга кулларга хос итоаткорлик рефлексини ҳам мавжуддир. Кенг тарқалган бир факт – кучуклар, майда итлар аксарият катта кўппаклар олдида чалқанча йиқилиб, оёқларини бўлса юқорига кўтариб олади. Бунинг маъноси – ўзини чинакам куч ихтиёрига топшириш бўлиб, одамлардаги тиз чўкиш ва мукка тушишга роса ҳам ўхшаб кетади. Бу – куллик рефлексининг ифодаси ва албатта, унинг ҳаётий асослари бор: атайлабдан пассив заифлик ҳолатига кириб олиш кучлилардаги агрессив реакцияни бирозгина бўлса-да пасайтиради, аксинча эса, яъни заифларнинг озгина бўлса-да, қаршилиқ кўрсата бошлаши эса кучлиларни янги таҳдид солиш, хуруж ва ҳамла қилишга чорлайверади» («Тафаккур» ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнали, 2016, 1- сон, 32- бет).

Куллик инстинкти, айти бир вақтнинг ўзида, кулларни ҳам, кулдорларни ҳам ўзаро бирлаштиради. Бунинг устига эса, Платон айтмоқчи, золимнинг ўзи ҳам – ўзига хос бир кул. Золимлар ҳам, мазлумлар ҳам қатъий равишда рад этмагани сабабли истибодга асосланган муносабатлар ҳам яшайверади ҳамда бир одам зўрлик билан бошқаси устидан ҳукмронликни қўлга киритган пайтларда, бунақа аҳвол мустабидни ҳам, унинг табаасини ҳам тўғри йўлдан

тойдириб юборади. Кулликнинг ҳар қандай шакли, у хоҳ сиёсий тизимга, хоҳ ҳақсиз меҳнат ё оилалардаги зўравонликка дахлдор бўлсин, энг аввал, инсонни, сўнгра жамиятни ҳамда давлатни ҳам чинакам таназзулга етаклай бошлайди. Тарбия таянчи – Тарихда бунга мисоллар жуда ҳам кўп. Аммо, биргина XX асрнинг ўзида Германия ва Италияда ўрнатилган фашистик тартиботни ва унинг аянчли оқибатларини, фожиаларини яна бир марта эсга олишнинг ўзигина бизга кифоя қилса, етарли бўлса керак, деб ўйлаймиз...

ТАДБИРКОР ВАЗИР

Қадим тарихда бир мамлакат ҳукмдорининг жуда ҳам гўзал, Искандарнинг «Буцефал»и, сарбаланд Соҳибқирон Амир Темур «Хонўғлон»и, Алпомишнинг «Бойчибор»и каби ажиб қорабайир оти мавжуд эди. Пешонасига ёзиб қўйилган экан, ҳоконнинг мана шу ажойиб оти касалланиб ўлиб қолди. Ҳазоби отига бир сакраб миниб олган шоҳ эса узоқ йиллар ўзига асл садоқат билан хизмат қилиб келган отбоқарининг бошини танасидан жудо айлаш қасд-қасосида ҳузурига чақиртирди. Ҳукмдорнинг жуда доно вазири бор эди. Вазир орага тушиб шоҳни ушбу аҳдидан қайтара олди:

– Подшоҳим! Сабр қилинг, энг аввал, бу ярамас отбоқарнинг қилиб қўйган жинояти қанақа оқибатга олиб келганлигини ўзига бирма-бир айтиб, кўзини мошдек очиб қўяйлик. Гуноҳига иқроп бўлганидан кейин, бемалол ўлдириб ташласангиз бўлади, – деди. Вазир саройга чорланган отбоқарга, гўё ғазабланган бўлиб деди:

– Эй аблаҳ, ярамас отбоқар, ялангоёқ! Амалга оширганинг жиноят қанақа оқибатга олиб келганини тушунасанми ё йўқми? Билмасанг, мен сенга батафсилроқ айтиб берайин. Агар айбингга иқроп бўлсанг, ўлимдан қутулиб, тагин хизматда давом этасан.

Биринчидан, биламиз, олампаҳоқимизнинг отини яхшилаб боқдинг, унинг ўлишинигина эмас, ҳаттоки касал бўлишини ҳам истамадинг, аммо, бечора от қазоси етиб ўлиб қолди. Бало-қазони қайтариб, отнинг умрини узайтиришга нега кучинг етмади? Ёки бор кучингни бошқа бемаъни нарсаларга сарфлаб юборгансан-да? Ана шунинг учун ғирт айбдорсан, тўғрими? Эй нобакор отбоқар, отнинг умрини чўзишга кучингни сарфламаганингга иқроп бўл!

Иккинчидан, жудаям яхши биламиз, отни сен ўлдирмадинг, ўз умри поёнига етиб ва қазоси келиб ўлди. Лекин, ҳукмдоримиз сендан гумон қилиб, шу даражада қаҳр ва ғазабнинг отига сакраб миниб олдиларки, муборак қўлларига ахсикандий қиличларини олиб, қовок каллангни сапчадек узиб ташламоқчи бўляптилар. Бу иш учун бутун олам-жаҳонга кулги бўлишларига жичча қолди-я. Бунинг учун эса сен айбдорсан, тезда жинойтингни бўйнингга ол!

Учинчидан, олампаноҳимиз биргина миниладиган отни деб сени ўлдириб юборсалар эди, бутун башарият: – «Фалон ҳукмдор бир хайвонни деб содиқ отбоқарини ҳалок этган. Инсондан бир хайвонни ортик кўрган, фуқаро ҳуқуқлари, кадр-қимматини ерга урган», – деб валинеъматимизга лаънат ўқирдилар. Оқибатда эса давлатимиз соябонининг муборак номи булғаниб қоларди. Бунга тагин сен сабабчи бўлар эдинг. Кел, шохимизга узрингни айтгин, барча айбларингга гап-сўзларсиз иқроп бўлгин. Ундан кейин эса шаҳаншоҳимиз қанақа тўғри қарорга келсалар, ўзлари биладилар. Менинг барча сўзларимни англаб етдингми, эй, ярамас отбоқар?

Ҳукмдор жудаям узоқни кўзлаб иш юритадиган, давлатнинг манфаатларини барчасидан устун кўрадиган вазирининг кинояли сўзларидан ниҳоятда таъсирланиб, кўлидаги қиличини улоқтириб юборди. Садоқат билан елиб-югурган ўз отбоқарини ўлдиришдан бош тортиб, уни яна аввалги хизматига кўзда ёш билан қайтарди.

Шундай қилиб, тадбирли вазир ўлган отининг ўрнига ғазаб отига миниб олган шаҳаншоҳни ножўя ҳаракатдан қайтарди, уни огоҳлантирди, шу билан бир бегуноҳ одамни ўлимдан қутказди...

ҒИЙБАТЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Агар бу дунёдаги барча давлат ҳукмдорларининг вазирлари, юкорида ўқиганингиз сингари тадбиркор, ақлли-заковатли бўлса эди, миллионлаб мушкулотлар осонгина ҳал бўлиб кетаверарди. Лекин, ҳар қандай макон, замонда ҳам вазирларнинг бари эгаллаб турган жуда ҳам юксак лавозимига муносиб бўлавермайди-да...

«Темур тузуклари»да кўрсатилишича, «Қайси вазир софлик, тўғрилиқ билан ишига киришиб, давлат мол-мулклари ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузуклик қилмасдан, омонатга хиёнат

этмасдан бажарар экан, ундай вазирларни энг олий мартабаларга етказсинлар. Қайси бир вазир бузуклик қилиб, ёмонликнинг йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай салтанатдан хайру барака ҳам кўтарилиб кетади».

Ўзингиз ҳам мактабдаги тарих дарсликларидан биладиган Салжуқийлар салтанати султони Санжарнинг вазири бир киши билан анча вақтлардан буён ғанимлашиб юрарди. Мавриди келиб қолган кунлардан бирида бўлса ўша кишини султонга ёмонлади:

– Фалон киши ғоятда ярамас кимса. У Сизнинг устингиздан ҳар хил бўлмағур иғво гапларни тарқатиб юрибди. Уни жиловлаб қўйиш менинг қўлимдан келмаяпти. Ўша нухса давлатимиз учун ниҳоятда кўркинчли, уни дарҳол жазолашимиз даркор, – деди.

Унинг гапларини диққат билан тинглаган Султон Санжар:

– Жуда яхши, вақтида мени огоҳлантирганинг учун раҳмат! Эртагаёқ шу бадбахтни саройга чакиртириб, худди айтганингдек, қилмишига яраша жазолайман, – дея вазирига ваъда қилворди.

Вазир бўлса муғомбирона илжайиб, ишшайиб, юз-кўзларида мамнунлик зоҳир ҳолатда уйига равона бўлди. Султон эртасигаёқ ўша одамни саройига чорлади, бироз суҳбатлашди. Унга от, тўн, пул мукофоти берди. У киши Султоннинг инъом-эҳсонидан роса хурсанд бўлиб севинч кўзёшларини оқизганича бола-чақасининг олдига қайтиб кетди. Ҳукмдорга ўзича беҳад муҳим маълумотни етказиб берган вазир султоннинг бу ишидан жуда таажжубланиб:

– Олампаноҳ! Ахир сиз унга жазо бермоқчийдингиз, билъакс инъом-эҳсонингиз билан мени чексиз ҳайратга солдингиз, – деди.

Салжуқийлар салтанати султони Санжар сўлакмонни сўкиб:

– Агар ўша одам сенинг ҳамтовоғинг, ошнанг ва биродаринг бўлганида, туянинг думи ерга теккандаям, охир замон бўлганида ҳам асло уни ёмонламасдинг ва ғийбат қилмас эдинг. У сенинг қинғир-қийшиқ, салтанат манфаатларига зид турли ишларингдан бохабар бўлгани боис душманам, деб ҳисоблаяпсан. Шу сабабдан тўғри сўзнинг тўқмоғидан кўрқиб, менинг қўлим воситасида қасд олиш ниятида, уни ёмонлаб сўзладинг. Мен ўша кишининг ким эканлигини ўзга кишилар орқали суриштириб билиб олдим. Мен сен сингари ғийбатчи, чақимчи, иғвогар палид кимсаларнинг гап-сўзларига парво қилмайман. Агарда жазо бериш роса зарур бўлса, унга эмас, биринчи галда сенга бериш даркор. Ҳар хил қаламғи-

қасанги, ғийбатчи, иғвогар нусхаларнинг сўзларига кулок солиб, туйқусдан фармон чиқариб юборсам, халқимнинг менга нисбатан умиди ва ишончини ўлдириб қўяман ва салтанатим бўлса кумдан бунёд бўлган сарой сингари кулаб тушади, – деб жавоб берди.

Ғийбатчи вазир шарманда-шармисор бўлиб қолди, хижолат чекди. Лекин, ўқ камондан учиб чиққанди. У юксак лавозимидан буткул мосуво бўлди. Ўша вазирнинг жабридан жафо чекаётган эл ҳам бу ишни маъқуллади, хукмдор ҳаққига дуойи хайр қилди.

БАХТ ВА МУҲАББАТ ИТТИФОҚИ

Бахт ва муҳаббат хусусида неча минг йиллардан бери олам-жаҳоннинг манамаман деган шоир, ёзувчилари, файласуф олимлари бош қотириб келадилар. Уларнинг нима эканлиги хусусида неча миллион кишидан сўраб қолсангиз, деярли шунча жавобга дучор бўлишингиз ҳам турган гап. Келинг яхшиси, шунақа миллионлаб жавоблардан бирини эшитиб, аниқроғи, ўкиб чиққанимиз маъқул.

– Муҳаббат қаёкка кетади? – деб сўраб қолди ҳамма нарсага беҳад даражада қизиқадиган ёшдаги кичкинтой Бахт ўз отасидан.

– У вафот этади, яъни оламдан ўтади, – жавоб берди отаси ўз ўғлига. – Ношукр, шошқалок, бесабр одамлар, одатда ўзлари эга бўлганларини унчалик ҳам авайлаб-асрамайдилар. Улар шунчаки бир-бирларига меҳр-муҳаббат кўрсатишнIAM яхши билмайдилар.

Кичкинтой Бахт узоқ ўйланиб қолди ва отасига қарата деди:

– Ўзим катта бўлганимда бутун куч-ғайратимни одамларга ёрдам беришга сарфлайман. Уларнинг барчасини ўзим тарафга ва меҳр-муҳаббат томонга чорлайман. Одамзодга кўмаклашаман.

Орадан кўпгина йиллар шамолдек шув этиб ўтиб кетди. Бахт ўсиб-улғайиб, вояга етди. Бир пайтлар отасига берган ваъдасига мувофиқ одамларга кўмаклашишга тиришар, бетиним уринарди. Лекин, одамлар уни мутлақо эшитмас эдилар. Бунинг оқибатида Бахт озиб-тўзиб аввалгидан кичик ва нимжонга айлана бошлади. Охири у бутунлай йўқолиб кетишдан кўрқиб, ваҳимага тушиб ўз дардига дармон излаб узоқ сафарга равона бўлди. Бахт йўлда ҳеч бир кимсага йўликмай жуда узоқ юрди. Ниҳоят даражада толиқиб қолгачгина, бироз нафасини ростлаб олиш учун тўхташга мажбур

бўлди. Улкан шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб кетган баҳайбат дарахтни танлаб, унинг остига беҳолгина чўзилди. Бироз мизғиб олиш учун мудрай бошлаган эди, у тарафга яқинлашиб келаётган кадам товушларини эшитиб қолди. Кўзини астагина очиб қараса, ўрмон томондан оҳори бутунлай тўкилиб кетган жулдур либосни кийиб олган ва қўлида ҳасса тутган мункиллаган кампир келяпти. Бахт ўрнидан ирғиб туриб, кампирга пешвоз чиқиб шундай деди:

– Ача (буви, момо, эна...)! Мана бу салқин жойга ўтиринг, роса чарчабсиз, инқиллаб юришингиздан ҳам кўриниб турибди. Дамингизни олиб, бирор нарса тамадди қилиб, куч йиғишингиз даркор. Росаям қариб-чириб, куч-ғайратдан ҳам қолиб кетибсиз...

Бахт кўлтиғига кириб етаклаб олган кампирнинг оёқлари эса дармонсизлигидан чалишиб кетди ва у худди арраланган дарахт янглиғ чим устига деярли гурсиллаб кулади. Бирозгина нафасини ростлаб, ўзига келиб олгач, Бахтга қараб майин товушда деди:

– Ким бўлишидан қатъи назар, менга одамларнинг раҳмлари келиб, ташқи кўринишимга қараб хунук, мункиллаб қолган, деб ҳисоблашса асло чидолмайман. Мен ҳали жуда ёшман. Эҳтимол, кулоғингга чалинган бўлса ҳам керак, менинг исмим Муҳаббат!

– Сиз ўшами?! Сизмисиз ўша Муҳаббат! – ҳайратланганидан бор овози билан ҳайкириб юборди Бахт. – Лекин, менга бир пайт, ёшлигимда ОТАМ Муҳаббат дунёда энг гўзал деган эдилар-ку!

Муҳаббат унга синчиклаб, диққат билан назарини ташлади:

– Негадир сени ғанимайроқ турибман, исмингни айт-чи?

– Мен туғилганимда ота-онам Бахт деган номни қўйишган.

– Шунақами? Менгаям билмайдиган одамлармас, биладиган инсонлар БАХТ беҳад ўктам, оловдек бир ўғлон деб айтишганди.

Муҳаббат уст-бошиданам жулдурроқ хуржунидан бир кўзгу олди ва уни Бахтга аста узатди. Бахт ойнадаги ўз аксини кўриб, хўрлиги келиб, қаттиқ ингради ҳамда ҳиқиллиб йиғлаб юборди. Сал ўзига келиб олган, ийиб кетган Бахт Муҳаббат ёнига ўтирди ва уни меҳр-муҳаббат билан кучоқлади, боши ҳам бироз айланди:

– Муҳаббат ва Бахтнинг нималигини англаб етишга ожизлик қилган бу ёвуз одамлар (кимсалар, нусхалар, каслар, палидлар...) ва бешафқат тақдирнинг ўзи нима хунарларини қилдилар-а?

– Сен асло қайғурма! – деди унинг бошини силаб Муҳаббат. – Агарда биз ҳамиша бирга бўлсак ва бир-биримизга инсонларча

эзгу меҳрли муносабатда бўлсак, тезда асл ҳолатимизга қайтиб, тагин аввалги ёш ва гўзал ҳолимизга бемалол қайтиб борамиз.

Ва ўша ўта баҳайбат, илдизлари беҳад чуқур кетган сершоҳ дарахтнинг пойида Муҳаббат ва Бахт ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолда ҳам мутлақо ажралмаслик тўғрисида мангу иттифокни туздилар. Ўша замонларда ҳали қоғоз кашф қилинмаганлиги туфайли унга муҳр босиб, имзо чекиб ўтирмадилар. Чунки, ўша пайтда ҳозирги даврлардагидек қасамхўрлик ўз авжига чиқолмаган, алдоқчилик, фирибгарлик ва товламачилик росаям қутуриб кетмаган эди-да.

Ўшандан бери кимнингдир шунчаки кечираётган ё яшаётган ҳаётини Муҳаббат тарк этгудек бўлса, унинг ортидан дарҳол Бахт ҳам кетиб колар эди. Муҳаббат ва Бахт аҳдлашувига зид равишда алоҳида-алоҳида тирикчилигини қилишга уринишса, иккаласиям беҳад даражада жулдурлашиб, оҳорлари тўкилиб, яғирлари чикиб кетарди. Одамлар бўлса бунинг сирини мутлақо тушуна олмасдан ва англаб етмай, хуноб бўлар, пешонаси тиришиб, энсаси қотиб тажанглашиб бораверардилар. Одамлар учун бунақа тушунарсиз ҳол бугун ҳам давом этаётганини ўзингиз жуда яхши биласиз...

ҚАҲР-ҒАЗАБ ОЛОВИ

Қадимги ва бугунги макон ва замонларда бўлгани каби бир золим, пулдан бошқа ҳеч нарсани калласига сиғдира олмайдиган, сўзда Аллоҳга, амалда сарик иблисга, пулга сиғинадиган дилозор савдогар аслида яшамаган, кунини кечирган, тирикчилик қилган экан. Ижтимоий жиҳатдан ўзгалар, давлатнинг кўмагига муҳтож бўлган камбағал-бечораларга жабр-зулм кўрсатиб, улар бозорга келтирган мева-чевалар, ўтинларни арзимаган нархга сотиб олиб, уларни икки баравар баҳосига пулларди. Камбағал меҳнаткашлар бу ўтин савдогари дастидан кўп озор чекдилар ва етказган жабр-жафосидан аҳволлари ниҳоятда танг бўлди. Бозорқўм ҳам, турган гапки, оғзини мойлаган ўша олиб-сотарнинг тарафини олар эди.

Бир куни шу золим тужжор бир бечора дарвешнинг ўтинини зўрлик ила тортиб олди. Унга бор-йўғи ўтиннинг ярим баҳосида пул тўлади, яъни бошқачасига айтсак, сувтекин сотиб олди. Болачақасини бир амаллаб боқаётган дарвешнинг дили қаттиқ оғриди,

лекин осмон узок, ер қаттиқ эди. Бозорда ин қуриб олган мафияга қарши курашга эса унинг мажоли етмас эди. Оқибатда, у қўлидан келганини қилди, яъни ўша олибсотарни қарғаб-сўкиб кетишга мажбур бўлди. Бу воқеани ўз кўзи билан кўриб турган бир фозил киши ҳаддидан ошиб, қутуриб кетган ва босар-тусарини билмай қолган ўша шаҳарлик бойни салгина бўлса-да, инсофга чақириб:

– Сен камбағал бечора инсонларга жабру жафо қилма, ғариб кўнгилларини вайрон этма, етимларнинг кўзларидан қонли ёшни оқизма, бундан буёғига бунақа ярамас ишингдан қайт, – дея панд-насихат қилди. Бироқ, бой кимга гапиряпсан, дегандек у тарафга қайрилиб ҳам боқмади, фозилнинг гапини бир тийинга олмади.

Бу воқеадан унчаём кўп вақт ўтмай, бир кечаси тужжорнинг ўтинхонасига ўт тушди. Яшаётган уйига жуда яқин бўлгани боис, ўтинхона ҳам, хонадони ҳам, ундаги бор бисоти ҳам куйиб кулга айланди. Эртаси куни олов нариги дунёга олиб кетган мол-мулки аччиғида куйиб ёнаётган ўша бой ўз яқинларига, ҳамтовоқларига:

– Ўтинхона ва уйимга бу ўт қаердан тушганини била олмай росаям ҳайронман, – деб сўзлаб ўтирган эди, иттифоқо улар ёнига шу тожир – хожи акага насихат қилган фозил инсон келиб қолди.

– Сен асло ҳайрон бўлмагин, бева-бечораларга кўрсатганинг жабру жафолар туфайли танг ҳолатга келиб қолган камбағаллар кўксидан вулқон янглиғ отилиб чиққан қаҳр-ғазабнинг алангаси ўтинхонанг ва мол-мулкингни ёндириб, барбод қилиб ташлади. Сен ўзинг ўша оловда куйиб кетиб, жизғанагинг чиқмагани учун ҳам шуқр қилаверганинг маъқул, – деб уни юпатди фозил киши.

ҒИЙБАТ ВА ТУҲМАТ БАЛОСИ

Дунёга дoston бўлган японлар, ўзларидан ҳам ақлли, доно, албатта бахтли бўлажак фарзандлари таълим-тарбияси жараёнида болаларни сираям бир-бирига таққосламайдилар, бировдан ўрناق олишга даъват этмайдилар ҳам. Боланинг ўзини кечаги ва аввалги кунига нисбатан «яхшироқ ҳаракат қиляпсан» ёки «яна бирозгина уринсанг, натижаси яхши бўлар эди», деган сўзлар билан сийлаб кўядилар, холос. Ёш болалар қаттиқроқ шўхлик қилгудек бўлса, «бобоп, доктор, милиция ё бўжи» билан кўрқитилмайди, бўралаб

сўқилмайди, энаси томонидан қарғалмайди, дўппосланмайди ҳам. Японияда боғча тарбиячилари жажжи болалар билан биргаликда куёнчаларга ўхшаб сакраб, худди улар сингари роса маза қилиб ўйнаб-қулиб ё чопқиллаб юрганларига кўзи тушиб қолган хориж сайёхлари ҳар доим ҳайратдан ўз «ёқаларини ушлаб қоладилар».

Япон болалари ҳаддан ташқари чиниктирилгани ва шаъни, қадр-қиммати поймол қилинмаганлиги сабабли ўта эркин, ғурури баланд инсон бўлиб етишадилар. Уларда ҳам, биздагидек болалар тарбияси билан аксарият ҳолларда оналар шуғулланадилар. Улар фарзандлари оқил ва доно, одил ҳамда меҳнатсевар инсон бўлиб ўсишлари учун ўзларини оила сулоласи, жамият ва давлатнинг олдида масъул деб ҳисоблайдилар. Улар доим боғча ёки мактабга келиб, ўз болаларининг хулқ-атвори ва олаётган, ўзлаштираётган билими билан ниҳоятда кизикадилар. Тарбиячи ва ўқитувчилар ҳам улардан ҳеч бир нарса, юз берган, содир бўлган ҳолатларни сираям яширмай, болаларига доир бўлган барча маълумотларни бажонидил бераверадилар. Кўзини лўқ қилволиб ёлғон гапириш, турли хил баҳоналарни рўқач қилиш, қалаштириб ташлаш бўлса болаларнинг ҳам, улар устозларининг ҳам «етти ухлаб тушигаям кирмайди». «Алдаш яхши эмас!» деган эзгу тартиб-қоидалар эса японлар қон-қони, ҳар бир хужайрасига қадар сингиб кетган.

Японлардаги устоз-шогирд муносабатлариям шарқона шакл-шамойилга эга. Дейлик, Европада қадимги юнонлардан бошлаб бу борада рационал ёндашув, мусохаба, баҳс-мунозара, танқидий таҳлил устувор бўлиб келган. Шарқда эса шогирднинг жуда ҳам серсавол эканлиги, устоз билан баҳс-мунозарага киришиб кетуви айнан одобсизлик ҳисобланади. Худди шунингдек, Японияда ҳам шогирднинг устозига сон-саноксиз саволлар бериши шаккоклик сифатида баҳоланади. Шу боисданам шогирд устозининг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиш, икир-чикиригача ўзлаштириш ва керагича такрорлаш орқали комилликка кўтарилиши даркор.

Ўша японлар феъл-атворидаги ўзига хослик уларнинг беҳад даражадаги ҳақиқатпарастлиги, яъни «чақимчилиги»да. Айниқса, бу жиҳат ўқувчи ва талабаларнинг ҳаётида яққол намоён бўлади. Масалан, мактаб ва коллеждаги имтиҳонда бировдан кўчираётган «кўчирмакаш»ни кўрган япон бундай ҳолатдан кўзини сира ҳам юмиб кета олмайди. У, ҳатто, ўзининг жонажон дўсти, дугонаси

бўлсаям, ўша захотиёк ўз ўқитувчисига хабар беради. Бу унинг баттоллигидан эмас, балки жонажон япон миллати келажагиниям ўйлашидан. Японияликлар мана шундай фикр юритади: «Менинг дўстим кўчирмакашлик қияпти, демак, фанни яхши билмайди. Фанни яхши билмаслиги эса унинг сифатсиз иш бажаришига ҳам сабаб бўлади. Агар у ёмон ишласа, «юзи»ни йўқотиб қўяди. Мен бундай бўлишига ҳеч йўл қўя олмайман, унга зудлик билан ёрдам беришим зарур». Масаланинг беҳад қизиқ томони ҳам шундаки, ўша кўчирмакаш япон ҳам «чақимчи»ни ёмон кўриб қолмайди. Аксинча, унга «юзи»ни йўқотишга йўл қўймагани учун ҳам катта раҳматини айтади ва ташаккурини билдиради. Ана шунақа!!!

Японияда оналар ўзаро суҳбатининг 95 фоизини болаларини қандай усуллар билан тарбиялаётгани, қандай бадийий ё ҳужжатли фильмларни биргаликда кўргани, қандай китоблар ўқигани, қачон театр ёки ҳайвонот боғига борганлиги ҳамда олинган таассуротга бағишлайдилар. Ўзгалар хусусидаги бор-йўғи 5 фоиз мулоқотда ҳам улардан олиш мумкин бўлган ўрناк ҳамда ибрат масаласига диққат-эътибор қаратилади. Бизлардаги, ўзимиздаги ҳолатни эса ўзингиз ушбу битиклар муаллифидан ҳам юз карра яхши биласиз.

Биздаги айрим бир (аёл дегудек бўлсак, анча ҳаққимиз кетиб қолади) хотинлар (асли «хотин» атамаси қадимий сўғдий тилида «малика» деган маънони билдиради) суҳбатининг айнан 95 фоизи ўзга кишиларни ғийбат қилиш, уларнинг нималарни егани, нима дегани, ва нимани кийгани таърифи-тавсифига сарфланади. Ўзи ҳақидаги мулоқотнинг 5 фоизи ҳам нималарни егани-ичгани ва қандай анвойи либосларни кийгани хусусида бўлади. Шу сабабли ҳам бундан 1000 йиллар мукаддам кўҳна Шарқ дунёсида «Илм – Боғдодда, Бойлик – Шомда, Мурувват – Румда, Ҳикмат – Ҳиндда, Ғийбат – Мовароуннаҳрда» деган биз учун ниҳоятда аччиқ, лекин ҳақли хулосага келинган эди. Миллий Истиклолнинг истикболли йилларида бевосита дунёга чиқдик, ўзгаларни кўрдик ва маълум бир соҳаларда япондан ҳам, корейдан ҳам, немисдан... ҳам асло кам эмаслигимизни, ва мутлақо кам бўлмаслигимизни ҳам яхши билиб олдик. Энди Миллат бўлганидан кейин унинг иллатлариям бўлишини тузуккина англаб етдик, кеча «яхши» деганларимиз эса аслида жуда ҳам «ёмон»лиги, бизга «ёмон» деб уқтирилганлари анча «яхши» эканлигини ҳам яхшигина билиб олдик, анча-мунча

иллатларимизданам фориғ бўлдик, лекин, айнан ўша ғийбат ва ҳасад деб аталмиш қадимий, навқирон иллатлар ҳамон оёғимизга тушов бўлиб турганлигини бўлса ўзингиз ҳам кўриб турибсиз.

Шу ўринда ғийбат билан боғлиқ айрим мулоҳазаларимизни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз. Америка Қўшма Штатлари Мичиган штати Парапсихология университетининг бир гуруҳ олимлари не-не замонлардан буён башарият бошига кулфатлари оловини бетиним пуркаб келаётган ғийбатнинг одам организми, руҳияти ҳамда атроф-муҳитга таъсири борасида ҳам анча йиллар мобайнида қатор илмий-тадқиқотларни амалга оширган эдилар. Мана шундай илмий тадқиқотлардан бирига раҳбарлик қилган олима Лана Хесс хоним изланишлар тафсилоти ва натижалари хусусида АҚШда босиладиган «USA Today» газетасининг махсус муҳбирига берган интервьюсида шундай мулоҳазани билдирган:

– Биз бир хонага шаффоф идишларда тоза булок сувларидан қўйдик ва ҳар куни турли-туман тоифадаги одамларнинг мана шу хонада суҳбатлашиб ўтиришларини ташкиллаштирдик. Тадқиқот талабига биноан, ширин суҳбатлар йўналишини ғийбатлашишга буриб юборар эдик ва ҳар кунлик ғийбатлашишлардан кейин эса, хонага қўйилган идишлардаги ўша топ-тоза булок сувларининг таркибини жиддий равишда текширар эдик. Хоҳ ишонинг ва агар истасангиз ишонмаслигингиз мумкин, бир неча кун ғийбатлашиб ўтирилган ўша хонадаги шаффоф булок сувларининг таркибида одатда фақатгина балчикда учрайдиган бир неча турдаги жуда ҳам хавfli бактериялар пайдо бўлиб қолганлигини аниқладик...

Лана Хесс маълумотларига кўра, ғийбат макони бўлган ўша хонада одамзод бурнига сезилмайдиган бадбўйлик тарқалганлиги туфайли эса, тоза ҳавонинг танқислиги ҳам келиб чиққан экан.

Тадқиқот гуруҳи аъзоларидан бири – германиялик доктор Анна Мюллер айтишига биноан, ғийбат бўлаётган ўша суҳбатда иштирок этиш (диққат ва эътиборингизни жиддий қаратиб, эслаб қолишингизни сўраймиз: кимнидир ғийбат қилиш у ёқда турсин, бор-йўғи ғийбат гап бўлаётган суҳбатнинг ўзида иштирок этиш!) кишининг қувват майдони янада кучсизланишига олиб келаркан. Бунинг натижасида организмнинг кўзга кўринмас қора кучларга қаршилиқ қилиш хусусияти камаяди ва у аста-секинлик билан ўша ёвуз кучларнинг таъсир доирасига кириб ва қопқонига тушиб

боради. Буни доно халқимиз тилида оддий қилиб, «шайтоннинг йўриғига юриш» дейилишини эса ўзингизам жуда яхши биласиз.

Олимлар таъкидлашларича, ғийбатчининг руҳий, жисмоний ҳолатидаги бузилишлар ҳаётда беҳад ачинарли оқибатларга сабаб бўлади. Ғийбат қилишни яхши кўрадиганлар ўз умри мобайнида бир қатор руҳий бузилишларга, асабийлик, уйқусизлик, кўз нури пасайиши, жигар ва юкори қон босими хасталикларига тез дучор бўладилар. Доктор Анна Мюллер маълумотларига биноан, ғийбат қилишдан тийила олмайдиган кимсалар организмда рак-саратон хужайраларининг фаоллашиши ҳам кўп кузатилар экан. Бироқ, бу ғийбат касофатининг ҳаммаси эмас. Аниқланишича, ғийбатчилик кишининг тезроқ қаришига ҳам сабаб бўларкан. Ғийбат қилаётган кишининг юз мускуллари ғийбат пайтида ноодатий мимикаларни бажаришга мажбурлиги важдан юзда қон айланиши тартиби ҳам бузилиб, юзнинг ранги ўзгариб кетади, одамни эртароқ ажинлар босади. Бошқа биров устидан кулаётган одамларнинг кўз нурида салбий ўзгаришлар сезилади, нигоҳлари совуқ тус олади. Бу эса исломдаги «ғийбатчининг имон нури кетади» накли исботидир.

Ўша ғийбат, ҳасад, тухмат отлик балолар туфайли қанчадан-қанча оилалар бузилиб, болалар етим (сағир), ёшгина аёлларнинг бева (есир) бўлиб қолганлари билан бевосита боғлиқ мисолларни эса керагича, ва ҳаттоки керагидан ортиғини ҳам бемалол келтира оласиз. Фурсати келиб қолгани боис тухмат балоси хусусидаги айрим бир фикр ва мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этсак.

Жаҳонга машҳур қадим замон олими Архимеднинг «Ернинг таянч нуқтасини топиб беринг, мен уни тесқарисига айлантириб юбораман», деган гапи ёдингиздан унчалик кўтарилмаган бўлса керак. Аслида эса, айрим бир шубҳали масалалар каби худди шу шаккокликда ҳам шак-шубҳасиз анча-мунчагина ҳақиқат мавжуд. Чунки, ернинг таянч нуқтасини ахтарган, истаган ва қидираётган киши, турган гап-ки, аслиятга ҳам анча яқинлашиб қолади-да.

Ўзбек халқи орасида минг йиллар мобайнида элнинг бошига ибрат уруғини сепиб юрган юзлаб-минглаб ибратли ривоятлардан бирига биноан, кураги ҳалигача ерни искаб кўрмаган полвон бир даврада ҳаддидан ошиб кетиб: «Агарда ернинг балдоғи бўлганида эди, уни ҳам даст кўтариб, кифтимдан ошириб отиб юборардим», – деворибди. Зиёфатдан кейинок уйига қайтаётиб, йўлда нуроний

оқсоколга йўлиқиб қолибди. Нуроний отахон полвонга юзланиб, «Ўғлим, сендан бир илтимос, мана бу қопимни елкамга олишимга кўмаклашиб юборгин! Ҳа, қарилигам курсин-а, қарилик!» дебди.

Савлати, ҳайбатидан ҳатто манаман деган девлар ҳам хуркиб кетадиган шу полвон бўлса мийиғида кулиб, миниб олган отидан тушишни ҳам ўзига унчалик эп кўрмасдан, қўлидаги қамчисига қопни шартта иддириб, кўтаришиб юбормоқчи бўлибди-ю – ўша қоп эса, зил-замбил эканлигидан мутлако қимир этмабди ҳам.

Полвон энди салгина жиддий тортибди. Эгаридан эгилиб, улоқдагидек ўнг қўли билан қопни маҳкам чангаллаб кўтармоқчи бўлибди – жойиданам ҳеч кўзғата олмабди. У аввалига бирозгина ажабланган бўлса, энди росманасига ҳайратга тушибди. Шартта шамолдан ҳам учқур отидан сакраб тушибди-да, қамчисини бўлса ерга улоқтириб юборибди. Қопни кучоклаб олиб даст кўтармоқчи бўлиб роса уринибди – ўрнидан қилт этмабди, беҳад оғир экан бу қоп. Полвон ҳолдан тойиб қок ерга ўтириб қолибди. Саволчан нигоҳини бўлса ҳатто парилар ҳам билмайдиган нарсалар ҳамда жумбоқларнинг мағзини гўё ёнғокдек чақиб ташлайдиган қарияга тикибди: «Бу қопингизда ўзи нима бор, ота – намунча оғир?!»

– Қопимда бор-йўғи битта кичикроқ тош бор, холос – тухмат тоши: одам тили шаклида тарошланган у!» – дебди чол маъноли жилмайиб. Сўнгра суҳбатдоши – забардаст полвонни унча маҳтал қилиб ўтирмасдан, ўша қопнинг оғзини астагина очиб, ичидаги тошни кўрсатибди. Қоп тубида эса биргина тош бор экан, холос!

Қопнинг худди похол билан тўлатилгани сингари типпа-тик тургани бўлса жуда ажабланарли эди. Чол бу саволга ҳам жавоб берибди: «Болам, бу қопим оддий бир қоп эмас – гуноҳлар қопи. Тухмат тоши туфайли тўпланган гуноҳлар билан тўлиб-тошган у. Гуноҳлар кўзга ташланмай туради, бироқ, у ниҳоятда залворли тош босади – уни ўз жойидан кўзғата олмаганинг сабаби ҳам ана шундан», – дебди нуроний. Сўнгра ўша қопини енгил бир ҳаракат билан елкасига ортмоқлаб олиб: «Тухматнинг тоши жудаям оғир бўлади-да ўғлим, – уни фақатгина ер – Она заминнинг ўзи кўтара олади», – дея манзили сари кетаётган йўлига равона бўлган экан.

Ростданам тухмат – тил офатларидан бири. Унинг оқибатида бўлса дунё олов, ўт ичра ёки сув остида қолгани каби ниҳоятда аянчлидир. Шунинг учун ҳам кекса, нуронийлар ва умрбоқийлар

Аллоҳдан омонлик сўраб, дуога қўл очганларидаям, «Ўт балоси, сув балоси, тухмат балосидан Ўзинг асра», деб юзларига фотиҳа тортадилар. Чунки, ўзга халқлар унчалик даражада билмаса ҳам, биз ўзбеклар олис ва яқин ўтмишда унинг тахир-талхини ўта кўп бора татиб кўрганмиз. Бунинг исботини жудаям узоқдан кидириб ўтирмай, XX асрнинг 30-, ундан кейинги 50- йиллари ва яқинда беҳад катта фалокат сифатида содир бўлган Шўролар салтанати бошкенти – Москва томонидан «пахта иши», «ўзбеклар иши» дея номланган даврларни бир ёдимизга, эсимизга олсак ва унутмасак, шунинг ўзи ҳам ҳозирча барчага сабоқ учун кифоя килса керак.

ҲАСАДНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚУРБОНИ

Ҳозирги Ироқдамас, қадимги замон, ўрта асрлардаги Боғдод шаҳрида беҳад ҳасис ва ҳасад хасталигига мубтало бўлиб қолган бир бизнесмен – бойнинг ахлоқ-одобли, тарбияли ва халқ қошида иззатга ва ҳурматга эга бўлган, турмуши фаровонлик билан ўтиб турган бир қўшниси бор эди. Ҳасадчи бой бунга асло чидолмай, гўёки тўкилса, ўзиникига қўшилиб қоладигандек, қўшнисининг обрўсини бир амаллаб тўкиб ташлашга ва эл-юртнинг назаридан, бирорта чиқинди ташланадиган чуқурга, тушириб юборишга ҳар қанча уринсаям, муддаосига етолмас, кўлидан ҳеч бало келмасди.

У замонларда, ҳозирги даврдагидек пинҳона, яширин эмас, очикдан-очик қул ва чўри сотиш сингари ўша макон учун одатий, бизлар учун ғайриоддий ярамас одат бемалол давом этаётган эди. Бунинг учун ҳеч ким ҳеч кимни одам савдосида айблаб, жинойий жавобгарликка тортмасди, суд муҳокамалариям бўлмасди, аввал махбуслик, ундан кейин бўлса маҳкумлик қисматига дучор этиб «ичкари»га олиб кириб қўймас эди. Ҳасадчи бой куйиб-ёнишига чидолмай; бир қул сотиб олди. Уни махсус, алоҳида хизматларни кўрсатиши учун кунт билан, келажакда ёвуз ҳунарлар килдириши гаразида тарбиялади. Бир куни қулини чорлаб, унга шундай деди:

– Биласанми, мен сени бозордан харид қилиб, қай мақсадда тарбиялаб юрибман. Шу ниятимни бажо айласанг, сени буткул озод қилиб юбораман, бунинг устига кўпгина олтин ҳам бераман, ўзга шаҳарга кўчиб кетиб, роҳат-фароғатда кунингни кечирасан.

Кулнинг кимлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, у бир зомби, манкурт, қорнидан ўзга ташвиши йўқ. Ўша кул ҳам хожасининг хизматини шаксиз бажаришга тайёр эканлигини билдирди. Унинг гапини эшитиб, бой мамнун бўлди ва дилидагини ошкор айлади:

– Мана шу кўшнимизнинг фаровон турмушини, эл-юртдаги обрўси ва иззат-хурматини кўргани кўзим йўқ. Вужудим ҳасад алангасида ёниб туради. Ён кўшнимни барча воситаларни ишга солиб, халқ назаридан қолдириш учун ҳар қанчалик уринсам ҳам бефойда, бенаф бўлиб чиқяпти. Энди ўзим кўзлаган энг охири чора қолди, холос: шу бугун тунда иккаламиз кўшним хонадони томига чиқамиз. У ерда сен мени ўлдирасан. Эртасига эса менинг жасадим кўшнининг тоmidан топилганидан кейин, турган гапки, уни қамайдилар, халқ ундан шу пайтгача асл башарасини яшириб юрганлиги учун нафратланади. Мана шу йўл билан ундан ўчимни олволаман. Мана, сенга қулликдан озодлик қоғози, мана олтин, ишингни бажариб бўлсанг, тўрт томонинг қибла, кетаверасан...

Кул эгасининг бу аҳмокона сўзларини эшитиб, ҳайратланди:

– Ахир, бу қанақа бемаъни иш? Ўлиб кетганингиздан кейин кўшнининг обрўси тушиши ё тушмаслигидан сизга нима фойда? Эс-хуши ўз жойида бўлган одам бунақа тентакликка сираям рози бўлмайди, – ҳар қанча жавраса ҳам ҳасадгўй унинг сўзларини бир тийинга олмади. Агарда кўнмаса касофат хожасидан ҳар балони кутиш мумкинлигини яхши билган қул ноилож қолиб, ўз эгасини ўша томда тиғ санчиб ўлдирди, ўзи эса ўзга юртга равона бўлди.

Эртасига бу қотиллик туфайли халқ орасида роса ғавғо, шов-шувлар кўтарилди. Шаҳар миршабларининг бошлиғи етиб келиб, ўша бегуноҳ кўшнини югурдақларига калтаклатиб, оғиз-бурнини қора конига белаб, турли газандалар роса болалаб, бит, бургалар тўлиб-тошиб ётган зиндонга шартта ташлаб юборишни буюрди.

Кўшнининг жинояти криминалист, терговчилар томонидан қатъий далиллар воситасида исботланмаганлиги, халқнинг унинг ҳимоясига чиқиб кетиши ҳам мумкинлиги сабабли жазо бериш жараёни кечиктирилди, текширув ишлари яна чуқурлаштирилди. Ҳасадгўй бойнинг бошқа кўшниси турмуш ташвишлари туфайли ўша кул ўз кунини кечириб турган шаҳарга борган эди. Ногаҳон, туйқусдан «қотил» қулга кўзи тушиб қолди. Эгасига «садокатли» кул билан ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, ўша бойни кўшнисининг

томида кимдир чавақлаб кетганини айтиб берди. Кул эса кулиб:

– Бу ишда ўша покиза қўшинининг ҳеч қандай гуноҳи мавжуд эмас. Хасис, ҳасадгўй бойни ўзининг таҳдиди, зуғуми билан мен пичок санчиб ўлдиргандим, – деб ҳамма воқеани батафсил айтди.

Бошқа яхши қўшни қулнинг сўзларига бир неча кишиларни гувоҳлантириб, тилхат ёздириб, ёза олмаганларининг эса қўлини қўйдириб, яъни бармоғини қоғозга бостириб ўз шаҳрига қайтди. Шаҳар миршаблари бошлиғи ишни тағин текширтириб, қўшинини беайб, бегуноҳ топиб, зиндондан халос қилди. Касофат бой бўлса, ўзи қовлаган чоғга ўзи қулаб тушди, ҳасаднинг ҳақиқий қурбони бўлди. Бунга ўхшаш ўзга мисолларни ўзингизам келтира оласиз.

ЭСКИ ВА ЯНГИ НИМА ДЕГАНИ?

Биз яшаётган дунё ҳар куни, ҳар соатда бетиним янгиланиб туради. Чексиз тарзда ўзгараверади. Олам ҳамда одамнинг ярим кучи ўзгариш, ярим кучи бўлса турғунлик томонида. Шу боисдан ҳам эски билан янги ўртасида азалий ва абадий, мангу, ибтидодан интиҳога қадар бетиним тарзда кураш мавжуд. «Янги» деганимиз асли нима ўзи? Нима «янги» ўзи? Чинакам, том маънода янги ёки янгилик бўлган бирон-бир нарсанинг ўзи борми бу ёруғ оламда?

Улуғ Донишмандлар «Ҳар қандай янгилик, асли унутилган эскиликдир», деганлари ҳам унчалик бежиз эмас. Назаримизда, кўз ўнгимиздаги ариқчада оқаётган сув – янги. Ўсаётган ниҳол – янги. Аста-секин ўзгараётган кун – янги. Ҳаракатдаги фикрлар – янги. Оқмасдан қолган сув қўлмак деб аталишини ҳам биласиз. У эски. Қуриб қолган чинор, гарчи у жудаям баҳайбат, баланд ва улуғвор бўлса-да, эски. Кечагидан ҳеч фарқи йўқ бугун, ўтмишга ўхшаган бугун – эски. Тўнғиб қолган ҳис-туйғулар, турғун фикр (догматизм) – эски. Эскилик – умри буткул тугаган ва ён-атрофга берадиган ҳеч нарсаси ҳам қолмаган, сарғайиб-сўлган хазон. Бу хазонни бўлса супуриб олиб, тоза ҳавони булғамаслиги учун ёкиб юбормай, кўмиб ташлашимиз керак. Акс ҳолда у чириб, ёниб бад бўйини таратади. Эскилик – жонсиз бир жасад ҳисобланади. Уни ўзининг қабристонига тобутига солиб элтиб, зудлик билан кўмиб ташлашимиз, лекин унинг қачондир янгилик, мавжуд бўлганини

сира ҳам ёдимиздан чиқармасдан, ахён-ахёнда бўлса-да, бу ёруғ дунёнинг мушкулотлари, талотумларидан сочлари кордек оқариб кетган мозийнинг сохир сабоғи сифатида эслаб турмоғимиз шарт.

Эскилик билан янгиликнинг орасида эса хотира деб аталган ўта мустаҳкам бир кўприк бор. Шу кўприк туфайли бу хазонлар илгари ям-яшил дарахт ва жасадлар бизнинг буюк аждодларимиз эканлигини ёд этиб юрамиз. Хотиранинг мамлакатидан унутиш юртининг турли хил кушларини чўчитиб, хуркитиб учирворамиз. Аслида, биз хотира деб атаганимиз умрнинг иккинчи номидир. У Оламдан ўтиб кетди, деганимиз бўлса унинг аслида ҳар замонда тушларимизга кириб, хотирамизга аста кўчиб ўтиб, унинг тўрида ҳамон яшаяпти, умргузаронлик қиляпти деганимиз бўлади-да!..

Қадимий аждодларимиз Зардуштийлик таълимотига биноан, бу дунёнинг ибтидоси бўлгани сингари интиҳоси ҳам муқаррар, яъни борлик вақт ўлчамида мутлақо чексиз эмас. Зардуштийлар бутун дунёнинг асосини иккита бир-бирига буткул карама-қарши бўлган ходиса – эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ҳамда ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, ёруғлик ҳамда қоронғилик, нур ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, тириклик ҳамда ўлим, тана ва жон, поклик ҳамда ифлослик, эркинлик ҳамда тобеликнинг ўртасидаги азалий ва абадий кураш ташкил қилади, деб ҳисоблаганларидан ўзингиз ҳам мактабда ўқиганларингиз ва бошқа китоблардан бохабарсиз.

Шунинг учун ҳам улар бу дунёдаги барча ижобий ходисалар – фазилатларни эзгулик тангриси – Ахурамазда (Хурмуз), ҳамма салбий нарсалар – иллатларни бўлса ёвузлик худоси – Анхара-Майню (Аҳриман) иродасига бевосита боғлиқ деб тушунганлар.

Аҳриман лашкарлари таркибига эса девлар, олдинги замон худолари ва танбаллик, ҳасад, ялқовлик, лоқайдлик, тайёрхўрлик, иғво ва ёлғончилик каби жонлантирилган ёмон тушунчалар, ёвуз кучлар ва жодугарлар кирган бўлиб, улар башарият ҳаёти асоси бўлмиш олов, ер, сув, чорвага тинимсиз равишда зарар етказишга уринганлар. Аҳриман ўлим, киш, совуқ, жазирама иссиқ, зарарли хайвонлар ҳамда ҳашаротларни яратган, деб ўйланган. Аҳриман табиат ҳамда одамзод аҳлига тинимсиз ҳужум қилиб инсониятни Ахурамазданинг измига юрмасликка бетиним тарзда даъват этиб, бутун дунёни вайрона, харобазорга айлантиришга интилаверади. У инсонларга ҳужум қилганида, кишиларнинг юраклари сиқилиб,

кўзига кенг дунё росаям торайиб кўринади, дили хуфтон бўлади, «ичига чирок ёкса, сира ҳам ёришмайди», деб тасаввур қилинган. Аҳриман бўлса ҳасад ва нафс воситасида одамлар ўртасига нифок солишга ҳаракат қилиб, улар орасига ёлғон-яшиқ, тухмат, бўҳтон, миш-мишлар уруғини тинимсиз сепиб, инсонларни эзгу йўлидан адаштиришга бетўхтов уринаверади. У бузғунчи кирдикорларини ўзининг яқин ёрдамчилари – иблислар, ёвуз рухлар ва шайтонлар орқали, янадаям аниқроғи, айнан уларнинг воситасида бажаради.

Аҳриманнинг жуда яқин кўмакчилари «Дайва» (ёвуз кизлар) деб номланганди. Ака Мана (ёвуз ўй-ният), Таурви (сулиш ҳамда ковжираш), Бужи (кўркитув, ваҳима), Айшма (кутуриш, адоват), Зарик (ўлим) Аҳриманнинг бевосита ҳамкорлигида эзгу ниятдаги кишиларга доимий тарзда хуруж, хужум қилиб туради. Масала, Айшма адоват, хусумат, зўрлик ва қаҳр-ғазаб ҳомийси сифатида уруш-жанжаллар, нифокни, мастлик ва тўс-тўпоюнларни ҳамиша илҳомлантириб туради. Бугунги кунлардаям айш-ишратдан сира қалласи чикмаётганлар, Она табиатга зуғум қилиб, уни ниҳоятда булғаетганлар айнан ўша Айшманинг йўл-йўриқлари бўйича иш қилаётган, «ўз хунарини кўрсатиб қўяётган» ярамас нусхалардир.

«Яшт» («Мақтов», «Алқов», «Қутлов») китобида эса айнан шунга дахлдор, барча кишиларни оғохликка даъват этувчи фикр мавжуд: «Мастлик кетидан келар, Қонхўр Дайва – Айшма»...

Аҳриман томонидан яратилган иблислар орасида унутилиш ёдсизлик, хотирасизлик, бугунги замонда жудаям кенг тарқалган атамаларни ҳам қўллагудек бўлсак, манқуртлик, зомбилик билан бевосита боғлиғи «Маршаван» деб аталган эди. Унутилиш буюк аجدодларимиз томонидан турли авлодлар ўртасидаги маънавий узилиш деб билинган ҳамда улар ўзларини доимо ушбу ярамас хотирасизлик иллатидан асраб-авайлашга интилганлар. Шўролар даврида ҳам бутун жамиятга ва дунёқаранимизга хуруж қилиб, тарихимизни, аجدодларимизни деярли унуттириб, ҳар бир киши каттик – экстремизмга ва терроризмга асосланган коммунистик мафкура асосида ягона тутум манфаатларига итоат эттирилганди.

Инсонни бахтдан бенасиб қилиш мумкин, ҳаётданам маҳрум қилиш мумкинлигини биласиз... Лекин, ақл-идроққа ва хотирага – инсоннинг энг азалий муқаддас бойлигига тажовуз қилишданам оғирроқ жиноятнинг ўзи бормикан? Шубҳасиз иқрор бўлмоғимиз

даркорки, манқурлаштириш ғояси ҳам янгиланган нусха ҳолатида бугунги дунё ва даврда ҳам оғир муаммо сифатида яшамокда...

Тагин эскилик ва янгилик масаласидаги мулоҳазаларимизга қайтиб, уни якунига етказиб қўйсақ. Ҳар қандай эскилик, агарда таъбир жоиз бўлса, қуриб қолган тўнка. Энди унда ҳаётдан асар ҳам йўқ. Агар четга олиб ташланмаса, у энди янги йўлдан дадил кетаётган инсонларнинг оёғидан чалиб йикитади. Ё бўлмаса, янги йўлдан олға қараб, маррани жуда баланд олиб, лекин ўз оёғининг остига қарамай югуриб кетаётган айрим бир одамлар, ва айниқса, ёшларнинг ўзлари эса унга қоқилиб тушишлариям мумкин. Ҳаёт ҳақиқатлари жуда аччиқ бўлса-да, барчамизни ўзининг қудратли кучига ҳам ишонтира олади. Барчани ўз измига бўйсундиради. Ахир, худди шу тўнка бир пайтлари навниҳол бўлган эди. Униб-ўсиб гуркираган азим бир дарахтга ҳам айланди. Соя берди. Мева берди. Энди эса бор-йўғи қуриб, чириб бораётган тўнка. Начора. Энди бўлса давр уша тўнкадан олдинга ўтиб кетиб қолди. Энди у келажакка, эзгу янгиликларга халақит бермаслиги керак. Энди...

Тўғриси айтганимизда, биз учун тўнка ҳам, яъни эскилик ҳам азиз. Чунки, янгиликка эскилик орқали ўтилади. Шу боисдан эскилигим мутлақо изсиз кетмайди. Эскиликнинг ниҳоятда буюк хизмати айнан шундаки, у янгиликнинг ҳамиртурушидир. Демак, тарихини унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ҳамда жамиятнинг келажаги ҳам йўқ. Кечаги тарихимиз биз учун чинакам ҳаёт мактаби, бамисоли тиник бир кўзгу. Биз унга қараб сабоқ оламиз, хулосаларни чиқарамиз, келажак йўлининг эса энг тўғриси (гарчи жуда ҳам машаққатли бўлса-да) белгилаймиз...

Ҳозирги глобаллашаётган ғоятда мўрт ва таҳликали дунёда йилдан-йилга қарашлар ва муносабатлар худди либослар сингари, балки ундан ҳам тезроқ ўзгариб, янгиланиб бораёпти. Албатта, содир бўлаётган янгилик ва ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳам бизга маъқул эмас. Лекин, бу бизга маъқул эмас деб сунъий тўсиқларни яратиб бўлмайди-ку! Балки биз ўзимиз тушунмаётган нарсаларни номаъқул деб қабул қила олмаётгандирмиз?! Аслида барча иллат катта ва кичик авлодларнинг бир-бирини тушунмаётганлиги ёки тушунишни истамаётганида. Агарда Ёшлар бизни тушунмасалар, бу улар учун айтарли даражадаги оламшумул муаммо ҳам эмас. Ёшлар ўзларининг йўлларида ва ўзларининг ўзанларида бемалол

дадил қадамларини босиб ёки сузиб кетаверадилар. Бирок, Биз – катталар ёшларни яхшироқ тушунишга интилмасак ҳамда билиб ёндашиш ўрнига ёки тўсик қўйиб ё куп-курук насиҳатлар қилсак, мана буниси ёмон! Бизнинг ўзимиз болаларимизни тушунмасдан қолиб, ҳозирги Ғарб дунёсидаги каби ёш авлодимизни йўқотиб, қўйиб, кейин топа олмай қолишдан қаттиқ қўркишимиз керак!..

ИҒВОГАРНИНГ КАСОФАТИ

Ўрта асрлар Шарқ мамлакатларининг қайси биридадир бир киши оиласидаги тузук-курук, майда-чуйда ишларда фойдаланиш учун харид қилиш ниятида қул бозорига борди. Ўзингизам яхши биласизки, ҳозирги даврда, гарчи жуда озчилик бўлса-да, айрим инсофли инсонлар (одам, нусха, кимса, қаланғи-қасанғи каслар, олибсотарлар эмас) сотилаётган товарлар кусурларини харидорга аввалдан шартта айтиб қўядилар. Қуллар сотувчи тожир унга бир қулни таклиф қилиб, ўша замон қоидаларига кўра, шундай деди:

– Биродар! Қаршингиздаги қўлини ковуштириб турган қул жуда уста, хунарманд. Фақат битта илллати мавжуд, ҳар замонда тили кичиб кетса, чақимчилик, бузғунчилик қилиб туради. Агар унинг бу айбига қарамай, унинг хунармандлигига диққат-эйтибор берсангиз, шу қул сизга муносиб хизматини кўрсатиб қўя олади.

У одам умрида бунақа кимсаларга тўкнаш келмагани боис, қулнинг айбига сираям парво қилмади. Келишилган пулни тўлаб, худди хўкиз ёки эчки харид қилгандек уни етаклаб уйига қайтди. Қул бу оилада бир неча ой хизмат қилганидан кейин, ўзига нон-чой, кийим-кечак бериб юрган кишининг хотини олдига бориб:

– Сизнинг ўзимга доимий кўрсатаётган меҳр-шафқатингиз ва ёрдамингиз беҳад бисёр бўлгани боис махфий бир сирни сизга айтиб қўймасам, инсофсизлик қилган бўламан. Агарда бу сирни сизга айтсам-у, эрингиз билиб қолса, шўримга шўрва тўкилади. Турган гапки, у мени бу даргоҳдан бадарға қилади. Лекин, сирни айтмасам, сизга сотқинлик қилган бўламан. «Айтсам ўлдирурлар, айтмасам ўлам», деганларидек, менинг сўзларимни ҳеч қачон ҳеч кимга айтмасликка қасам ичинг, – деди. Сочи узун, акли калта бу хотин сирни ҳеч кимга айтмасликка ваъда бериб, қасам ичворди.

Кул ўша ишонувчан аёлнинг қулоғига шивирлаб, шундай деди:

– Эрингиз сизни талоқ қилиб, қўйиб юбориб, бошқа ёшроқ хотин олиш ниятида ишларини аллақачон бошлаворман. Дарҳол бу ишнинг чорасини кўришга киришмасангиз кейин кеч бўлади, кейин бўлса сочингизни юлиб, бошингизга тупроқ сочиб, дод-вой солиб, кий-чув қилганингиздан сира ҳам наф, бирор фойда йўқ.

Бечора хотин росаям ташвишланиб кулдан маслаҳат сўради. Бунақа касофат ишларни қилавериб, пихи қайрилиб кетган кул:

– Қўшни шаҳарда нафаси ўткир, суф деса дарёниям тескари окизворадиган азайимхон бор. Ҳозироқ йўлга чиқиб, унинг ёнига бориб, эрингизни ўзингизга иситиб келаман, – деб кўчага чиқди. Кечкурун қайтиб келиб, лакма хотинга қарата мана шундай деди:

– Ўзингизга иситиб олиш учун эрингизнинг энгаги тагидан бир неча тола мўйидан олиб берар экансиз. Тунда эрингиз ухлаб ётган чоғида, устара билан бемалол кесиб олсангиз бўлаверади.

Хотин эса палиднинг шартини ғинг демасдан қабул қилди. Ишини осонгина битирган иғвогар кул хожасининг олдига бориб, кўзига тупугини сурволиб, йиғламсираб, уни аврашга киришди:

– Эй, менинг меҳрибон хожам! Ўзимнинг ҳузур-халоватим, бахт-саодатим ва роҳат-фаоғатим йўлида чеккан заҳматларингиз, қилган шафқатларингизни умрбод, сўнги нафасимга қадар асло унутмайман. Сизга доим хайрихоҳман. Сизнинг келажагингизга оид бир сирдан воқиф бўлиб қолдим. Буни холи жойда айтаман.

Кул жаллобнинг огоҳлантиришини буткул эсидан чиқариб юборган, паққос унутган киши эса қули билан холироқ бир жойга бориб, бўлажак воқеанинг тафсилотини сўради. Иғвогар кул гўё эгасига ачинган бўлиб, йиғламсираб унга шундай ҳасрат қилди:

– Сизга ўзича садоқатли ва меҳрибон бўлиб кўринишга бор кучи ва маккорлиги билан тиришиб ётган хотинингиз бир одамга кўнгил бериб қўйган экан. Тунда ухлаб ётган пайтингизда сизни чавақлаб ташлаб, ўша нусхага эрга тегволмоқчи. Сизнинг эҳтиёт бўлишингизни ўтиниб сўрайман. Мен шафқатли эгамдан ажралиб қолишни мутлақо истамайман. Сизсиз мендек бир бенавонинг куни қандай кечишини сира ҳам тасаввур қила олмайман, хожам.

Ўша кимса малъун қулининг гап-сўзларига буткул ишонди. Кечаси ўрнига чўзилиб, ёлғондакам хуррак тортиб ётди. Хотини эрини ишдан чарчаб келиб ухлаб қолгандирлар, деб ўйлаб унинг

ёнига эмаклаб келди. Кўлидаги устара билан эри ияги(жағи)дан бир неча тола мўйни кесиб олмоқчи бўлди. Пайтини пойлаб ётган эр эса ўрнидан ирғиб туриб, хотини кўлидан шартта ушлаб олди. Кули кўмагида қаҳр-ғазаб отига миниб олган эр кўлига ўтган ўша устара билан хотинини ўйлаб-нетиб ўтирмай сўйиб ташлади.

Фожиадан хабар топган хотинининг уруғ-аймоқлари бўлса поччани – куёвни ўласа қилиб савалаб, тепкилаб бир қоп гўштга айлантириб, дабдаласини чиқариб ташладилар. Оқибатда, қанча пайдан буён кудачилик – минг йилчилик, анъанасига амал қилиб келаётган Эр-Хотин қариндош-уруғлари орасидаги жанжал қасд-қасос урушига айланиб кетди. Натижада, кўзлари қонга тўлиб, мушлари тугилиб ёвлашаётганларнинг ҳар икки тарафидан бир неча киши ўлдирилди, анчаси бўлса умрбод ногиронга айланди...

Ва шундай қилиб, ифвогар нусхаларга қандай муносабатда бўлишни, ўзингиз ушбу битиклар муаллифидан яхшироқ биласиз.

ФАРИШТАНИ ЧАЛҒИТГАН ОНА

Бир болакай оғриб қолган, оғир хаста эди. Жигарбандининг ёнида кўзларини юммасдан тунни тонгга улаворган бечора ОНА Яратгандан кўмак сўраб, илтижо қилди. Мушкулот, беморлик ўз чўққисига ўрмалаб чиқиб борган қаро тунларнинг бирида ОНА ўлим фариштасининг қанотлари шитирлаганини эшитиб қолди.

– Фарзандимни олиб кетма! – бор овози билан хитоб қилди она. – Ўғлим жудаям ёш, болам ҳаётдаги энг асосийсини – севги-муҳаббат нима эканлигини ўз бошидан кечириб улгурганиям йўқ ҳали. Унга бирозгина тегмай тургин! Олиб кетишга ошиқмагин!

– Боланг фалакда яхшисини, албатта учратади, – шивирлади одам каби тупроқдан эмас, оловдан бунёд бўлган ўша фаришта.

– Бирок, зурриёдим ўзи билан нимани олиб кетади? Боламга ҳеч бўлмаганида бир неча томчи севги-муҳаббат, ишқни йиғишга ижозат бериб тур! Томчини тўплаб бўлиши биланок менинг ўзим уни осмону фалакка қўйиб юбораман! – нола қилди Онаизор.

– Майли, сен айтганингдек бўла қолсин. Мана шу ангишвона муҳаббат томчиларига тўлмагунча фарзандингни олиб кетмасдан тураман, – дебди ўша фаришта ва ОНАнинг олдида кичкинагина

ёрғути олий даражадаги олтиндан ясалган ангишвонани кўйибди.

Орадан маълум бир фурсат ўтгач бола буткул соғайиб кетди. Вақти-соати етиб келгач вояга ҳам етди... ОНА фарзандига унинг ёшлигида содир бўлган ўша машъум воқеа ва ҳодисаларни айтиб берди ҳамда ўғлидан қаттиқ илтимос қилди, беҳад ўтиниб сўради:

– Болам! Бизнинг келишувимиз ёдингда бўлсин, эсингданам чиқмасин, шунинг учун кимнидир севиб қолишга, ишк-муҳаббат домига тушиб қолишга, чўкиб кетишга сал шошилмай тургин!

Лекин, қалб (юрак,кўнгил, дил)га буйруқ бериш, уни инсон измига солиш ғоятда мушкул эканлигини ўзингиз яхши биласиз. Йигитчанинг юраги севги, меҳр-муҳаббатни бетиним тилар эди. Ва у бу улуғ неъмат, ҳадяни яқинларига аямасдан улашаверарди. ОНА эса чексиз ҳадик, хавотир билан ўша олтин ангишвонанинг тўлиб-тошиб кетишини ва ўлим фариштаси қайтишини кутар эди.

Орадан шамолдай шошиб, чор-атрофдаги чанг, тўзонларни тўзғитиб йиллар ҳам шув этиб ўтиб кетди. Ўғил чинакам ўғлонга айланди. Ёлғизлик фақат Аллоҳга ярашади, деганларидек оилали бўлди. Қиличдек йигит ўз оиласини, барчага манфаат келтирувчи ишини ҳамда ёр-биродарларини, ошна-оғайнилари ва дўстларини жуда яхши кўрарди. Меҳр-муҳаббат, садоқат билан ўзини бу ёруғ оламга келтирган падари бузруквори ва волидаи мухтарамасига ғамхўрлик қилди, бироқ ўша олтин ангишвона барибир тўлмади.

Вақти-соати етган паллада ОНА ўлим фариштасини кўрди.

– Эй, ОНА! Сен мени ўзингнинг ақл-заковатинг ҳамда ҳийла билан барибир енгдинг, – ўз одатига зид равишда жилмайди ўша фаришта. – Бу ёруғ оламдаги ҳеч бир идишга ўзининг ҳажмидан кўпроқ нарса сиғмайди, аммо севги-муҳаббат, ишқ идиши тубсиз!

АЁЛЛИК, ХОТИНЛИК, ОНАЛИК БУРЧИ

«Намунавий муслима» китоби муаллифи Муҳаммад Алий ал-Ҳошимий шундай ёзганди: «Тарихда улуғ кишиларнинг вояга етишида донишманд оталарига нисбатан оқила оналари ҳиссаси кўпроқ. Мана шу сабабдан бўлса керак, ислом уммати орасида ўз онасидан миннатдор, ОНАнинг олдида қарздор бўлмаган бирорта ҳам фозил кишини тополмайсиз. Бундан келиб чиқадики, тарихий

жараёнларнинг ривожланишига ҳам айнан оналар ўз фарзандлари орқали билвосита бағоят улкан ҳисса, улуш кўшиб турганлар».

Абу Асвад Дувалий деган улуғ зот ўз болаларига: «Сизларга болалигингизда ҳам, ёшлигингизда ҳам, катта бўлганингизда ҳам, ҳатто туғилмасингиздан олдин ҳам яхшилик қилганман», – деди. Болалари «Болалигимиз, ёшлигимизда ва катта бўлганимиздагиси ҳамон эсимизда турибди. Бирок, туғилмасимиздан олдин қандай яхшилик қилгансиз?» деб ҳайрон бўлишса, отаси «Мен Сизларга энг яхши онани танлаган эдим», деган экан. Улуғ халқимиз «Етти пуштини суриштириб уйлангин!» деб бекорга айтмаган. Яхши ва солиҳа оналардан одобли ва тарбияли болалар бу дунёга келади. Бола солиҳа она бағрида меҳр кўриб вояга етса, ибратли инсон бўлиб улғаяди. Имом Термизий ривоятида пайғамбаримиз (с.а.в.) «Ҳеч бир ота фарзандига гўзал одобдан ҳам афзалроқ ҳадяни бера олмайди», деган. Бирон-бир егулик ёки чиройлироқ кўйлак олиб берилса, фарзанд қанчалик даражада хурсанд бўлади. Бирок, ўз вақтида одоб ва тарбия олган фарзанд эса бир умр ота-онасидан миннатдор бўлади. Ота-она ҳам фарзандига шундай бебаҳо ҳадя берганидан ҳеч қачон афсусланмайди. Бундай ҳадянинг ўзга бир совғалардан афзаллиги айни мана шунда. Манбаларда келишича, фарзанд ота-онага берилган омонат, тенгсиз гавҳарга ўхшатишган. Агар фарзанд яхши одоб ва тарбия олса, ота-онаси бу дунёда ва охирада катта ажр-савобнинг эгасига айланади. Агар бола ёмон тарбия олса, унинг жазосига ҳам ота-оналар икки дунёда шерик бўладилар. Фарзандга омонат ҳамда гавҳар сифатида қаралгани туфайли у беҳад эҳтиёт қилинади. Бирок, боланинг омонатлиги ва гавҳарлиги кўпчиликни кизиктирса ҳам, одоби ва тарбиясига старли равишда эътибор берилмавермайди. Чунки, ҳали ақли тўлиб улгурмаган бола-атроф-муҳитга таъсирига жудаям тез берилади. Шу боисданам ота-оналар боланинг юриш-туриши, овқатланиши, бошқалар билан муомаласи учун ҳам жавобгардир. Агар фарзанд борасидаги шаръий ҳақлар ўз вақтида мукамал адо этилса, ота-она зиммасидан жавобгарлик ҳам соқит бўлади. Бундай шаръий ҳақлар мўътабар манбаларда тўлиқ ва батафсил баён қилинган.

Илмий тадқиқотчи Севара Аҳророва «Тафаккур» журналида (2004 йил, 2- сон, 85 – 86- бетлар) нашр қилинган «Аёллик ўрни» сарлавҳали мақоласида шундай ёзганди: «Ровийларнинг гувоҳлик

беришларича, Туронзаминда барча кишиларнинг тилида дostonга айланиб кетган беҳад вафодор аёл бўлган экан. У уй-рўзгоридан бошқа нарсани ўйламас, эрини юмушга кузатгач, фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, қошларига ўсма қўйиб, ўзига оро бериб ўтирар экан. Унинг эри эса оддий мардикор бўлиб, дуч келган оғир ишни қилиб кетаверар, қандай бўлмасин, ўз оиласини оч қолдирмаслик ғамидан бошқа ғам-ташвишни билмас экан. Эри ҳафта-ўн кунлаб йўқ бўлиб кетар, ундан кейин ҳориб-толиб беш-ўн танга маблағ топиб қайтар экан. Рўзгорининг камчиликларини бутлаб қўйгач, тагин ўша аввалдан бажариб келаётган юмуши – мардикорликка отланаркан. Ойлар, фасллар мана шу зайлда ўтиб кетаверар, аммо бу оиланинг турмуш тарзи ва ҳаётий тутуми асло ўзгармас экан.

Одатдагидек, эр тагин беш-ўн танга топиб келиш илинжида ишга кетибди. Кутилмаганда қўшни қишлоқдан бир киши келиб:

– Кекса онангиз бетобланиб қолдилар, кизи сифатида унинг ҳол-аҳволи ва иссиқ-совуғидан бир хабар олиб, йўқлаб қўйсангиз, ўзингизга жуда ҳам катта савоб бўлар эди-да, – дебди ўша аёлга.

Хотин эса шу кунни кўзлари тўрт, тик этса қулоғи динг бўлиб эрининг йўлини пойлабди, аммо ундан сираям дарак бўлмабди.

Эртаси кунни қўшни қишлоқдан яна бошқа бир киши келиб:

– Онангизнинг аҳволи ҳийла оғирлашиб қолди, рози-ризолик сўрашга улгурсангиз ниҳоятда яхши бўларди-да, кейин армонда қолиб кетишингиз ҳам мумкин, – деб уни огоҳлантирибди.

Онаси ўлим тўшагида ётганини яхши билса-да, мушфик аёл яна эри йўлини пойлабди. Бироқ, эри бу оқшом ҳам қайтмабди.

Учинчи кунни айни ўша киши аёл туғилиб-ўсган, вояга етиб, турмушга чиққан қўшни қишлоқдан шум хабарни келтирибди.

– Онангиз бандаликни бажо келтирдилар...

– Худо раҳмат қилсин!

– Агарда марҳума онангизнинг дийдорини кўраман десангиз пешинга қадар етиб боринг – ундан сўнг тобут кўтарилади.

– Худо хоҳласа, албатта, етиб бораман! – деб қолибди аёл

Бироқ пешинга қадар, ундан кейин ҳам эри қайтиб келмабди, у фақат пайшанба кунни хуфтон маҳали уйига кириб келибди...

Жума кунни бомдоддан сўнггина хотин содир бўлган воқеани айтиб бериб, эридан рухсат сўраб, онаси қабрини зиёрат қилгани қайнисинглиси билан қишлоғига жўнабди (улар ортиданок йўлга

чиққан эр ҳам қайнонасининг руҳига фотиҳа ўқиб қайтибди).

Албатта, ҳадиси шарифдаям «Жаннат – оналар оёғи остида», деб бежиз айтилмаган. Она – мўътабар зот. Бир қарашда ривоятда накл қилинган аёл ўз ОНАсига нисбатан бемехрдек туюлиши ҳам мумкин. Бироқ, бу ўринда гап аёлнинг бурчи тўғрисида кетяпти. Яъни, ривоят мазмун-моҳиятига кўпроқ эътибор қаратмоқ шарт. Энг асосий гап вафодорлик ҳақида эканини таъкидламоқчимиз.

Мен шу ҳамма учун ўта ибратли ривоятни япониялик Сакура хоним исмли элшунос (этнолог) олимага айтиб берган эдим.

– Илтимос, яна бир марта такрорланг, – деб у ўша ривоятни магнитофонига ёзиб олди-да: – Буни япон тилига таржима қилиб, оммавий нусхада чоп эттираман. Ишончим комил, ўзбекларнинг ажойиб ривояти японларнинг оиласида ҳам ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга беминнат равишда хизмат қилади, оилавий бурч нақадар муқаддас эканлигини ёш келин-куёвларга тагин бир бора эслатиб қўяди, – деди Сакура хоним ниҳоятда тўлқинланиб.

Сакура хонимнинг ривоятга муносабатидан таъсирланибми, ўзбек хотин-қизлари (таниш-билишларим) ўртасида ўзига хос бир тест синови ўтказгандим. Бироқ, уларнинг жавобларини эшитиб, гапнинг очиғини айтадиган бўлсам, хушимдан кетиб қолаёзим!

– Бемехр экан! Окмодар экан, башараси курсин! – деди жуда қаттиқ ғазабланиб, қошлари чимирилган семизгина бир қайнона.

– Вой, бор-йўғи онамникига бориб келиш учун ҳам эримдан рухсат сўрайманми?! Нима, эр дегани анқонинг уруғи бўптими – ана, Сайилгоҳда роса очеред бўлиб туришибди... Тавба, бурунги замоннинг хотинлари ғирт аҳмоқ бўлишган экан-да, – деб лабини буриб, қошини қокди пардоз-андози келишган танноз келинчак.

– Ғирт жинни экан-ку, уни зудлик билан Чуқурсойга олиб бориб даволатиш керак, – деб ўзича шартта «диагноз» (ташхис)ни қўйворди бўлажак шифокор (айни чоғда – бўлажак келинчак).

Хуллас, амин бўлдимки, хотин-қизларимиз жамият олдидаги мажбурият, бурчига нисбатан масъулият билан ёндашгани ҳолда, оила олдидаги бурчни унчалик ҳам теранроқ ҳис қилмас эканлар. Албатта, мен бу билан барча ўзбек хотин-қизлари ана шунақа деб хулоса чиқармоқчи эмасман. Лекин, аёлларимиз «ўчоқбоши»дан тобора узоклашиб бораётганини ҳам қайд этишга мажбурман...»

Ўзингизам шу хулосани тасдиқловчи мисолларни керагича,

ва ҳатто керагидан ортиқроғини ҳам бемалол келтира оласиз...

Японияда ўта кўп сонли кўнгиллилар устида олиб борилган узок йиллик илмий текшириш якунида кўпчиликни жуда ҳайрон қолдирган хулоса жаҳон оммавий ахборот воситаларидаям эълон қилинган эди. Бу хусусда Буюк Британиянинг «The Daily Mail» газетаси шундай фикрларни ёзган эди: «...Текширишлар якунида маълум бўлишича, бир соғлом аёл нечта фарзанд кўрса (биттами ё ўнтами) уларнинг ҳар бирига шу аёл (она)нинг табиати ва феъл-атворидан 17 фоиз турли-туман ўхшашлик ва хусусиятлар ўтади. Отадан эса болага 10 фоиз хусусият ва феъл-атвордаги ўхшашлик ўтиши мумкин экан, холос. Лекин, шунда ҳам бу ўхшашликлар болаларнинг ҳаммасига бирдек ўтмайди, яъни 3 – 4 фарзанддан биттасигагина ўтиши мумкин. Ҳаттоки, ўз отаси феъл-атворидан 1 фоиз ҳам «улуш» ололмаган фарзандларам учраб турар экан...»

Дунё энди билган ҳақиқатни бизнинг улуғ аждодларимиз, бобо-момоларимиз минг йиллар муқаддам теран тарзда англаган ва ўзларининг ҳақли ва асосли хулосасини чиқариб қўйгандилар:

Отаси ёмон – биттаси ёмон,

Онаси ёмон – ҳаммаси ёмон!

ИТ – ВАФО

Ўзингиз ҳам гарчи анча-мунча маълумотга эга бўлсангиз-да, бўрисимонлар оиласига оид уй ҳайвони – ит ҳақидаги айрим бир битикларни тағин эсингизга солиб қўймоқчимиз. Ит бу дунёнинг барча мамлакатларида тарқалган. Ёввойи аждоди бўри. Мезолит даврида (мил. авв. 15 – 10 минг йиллар) хонакилаштирилган эди. Уларнинг ҳид билиш, эшитиш ва кўриш органлари жудаям яхши ривожланган. Урғочиси 7 – 8 ой, эркаги 10 – 12 ойда вояга етади. Эркак итлар *арлон* деб аталади, *қанжиги* (урғочиси) йилига икки марта куюкади. Итнинг янги туғилган боласини *кучук* дейилади. Жаҳонда итларнинг 400дан зиёд тури мавжуд. Улар учта асосий гуруҳга: хизмат итлари, овчи итлар, декоратив итларга бўлинади. Инсонлар учун энг яқин ёрдамчилари чўпон итлари ҳисобланади.

...Қадим ва яқин ўтган замон ва маконларнинг бирида меҳр-муҳаббат асосига қурилган бир оила тирноққа ўта зор, бефарзанд

экан. Ўзларини одамлар орасида ёлғиз сезмаслик ниятида ёш эр-хотин якин қариндошлари бўлмиш бир чўпондан бўрибосарнинг боласини илтимос қилиб олишган экан. Улар кучукни жуда яхши кўришар ва унга ўз боласидек меҳрибонлик қилишарди. Кучукча меҳр-муҳаббатнинг оғушида парваришланиб каттагина чиройли, энг асосийси, ақлли итга айланди. Жудаям кўп марта ёвуз ниятли «ўғригина бола» ва катта-кичик қароқчи кимсалардан оиланинг мол-мулкини асраб-авайлади. Хожалари – эгаларини жуда қаттиқ севар, муҳофаза қилар, уларга вафодор ва беҳад садоқатли эди.

Орадан 7 йил шув этиб ўтиб кетди. Юрагида меҳр-муҳаббат тўлиб-тошиб, кўпириб ётган бу ёш оилага Аллоҳ тирноқ ато этди, улар ҳам фарзандли – ўғилли бўлдилар. Улар ниҳоятда бахтиёр – кичкинтой (чакалок, гўдак) деярли ҳамма вақтларини эгалларди. Энди улар итга деярли эътибор бермай қўйган эдилар. Эгаларига умрини бахшида айлаган ит ўзини ўзи ўсиб-улғайган хонадонда кераксиз нарса сифатида ҳис қила бошлади. Аста-секин гўдакни эгаларидан – ота-онасидан рашк қилиш тарафига ўтиб кетди.

Бир куни эр-хотин ўз бешигида пишиллаб ухлаётган болани уйда қолдириб, ҳовлидаги ўчоқда тушлик таом тайёрлаш билан банд бўлгандилар. Бир пайт гўдакдан хабар олиш керак эканлиги эсларига тушиб қолиб, у тараф сари қадам босганларида, болакай хонасидан ит чиқиб келаётганига кўзлари тушиб қолди. Итнинг оғзи қон ва у хурсандлигидан лабини ялаб, думини ликиллатарди.

Эгалари рангида қон қолмади ва оёқларига қалтироқ кирди. Хотин «Боламини сизнинг итингиз еб қўйди!» дея бор овози билан дод-войни ҳам бошлаб юборди. Ота якингинасида овга тайёрлаб қўйилган милтиғини зудлик билан қўлига олиб, ўзига мўлтираб, яхши гап-сўз ва мақтов илинжида қараб турган итни дарҳол отиб ташлади. Эр-хотин шундан кейингина боласи ётган хонага кириб келишди. Не кўз билан кўришсаки, болакай ҳамон ширин уйкуда, унинг бешиги ёнида чамаси бир ярим қулоч, қалласи мажаклаб, ўзи бурдалаб ташланган бир илон арқон каби чўзилиб ётар эди.

Эр – Ота – Хожанинг томоғига нимадир қаттиқ тикилди, кўз ёшларини тийиб тура олмади, бўғзидан армонли ҳайқирик отилиб чиқди. Ҳозирги пайтдаям неча минг йиллар мобайнида тасдиғини муқаррар тарзда топиб келаётган «Ит – вафо» нақлининг маъно-мазмунини ундан ҳам яхши, теранроқ англаган киши йўқ эди.

ГЎЗАЛЛИК НИМА ДЕГАНИ?

Биз фикр кучи ва қуввати ҳақида жуда кўп бора эшитганмиз. Аммо, қанчалик кўп эшитмайлик, бундай кучнинг мавжудлигига шубҳа билан қараймиз ҳамда унга унчалик ҳам ишонавермаймиз. Чунки, инсоният азал-азалдан ўзининг кўзи билан кўриб, қўллари билан ушлай оладиган нарсаларнинггина мавжудлигига ишонади. Аслида ҳам шундайми?! Айтишларича, бу ёруғ дунёмиз биргина «БЎЛ!» деган сўздан яралган. Яъни, ушбу сўздан кейин ўн саккиз минг олам лаҳзада пайдо бўлганлиги таъкидланади. Тангри бутун коинотни яратишдан олдин «БЎЛ!» дея амру фармон берганлиги ҳақида бўлса қадимий китобларда ҳам айрим муқаддас битиклар мавжуд. Демак, сўзнинг кучи ва фикр қуввати инсон ҳаётининг асоси, десак, сира ҳам муболаға қилмаган бўламиз. Бугунги кунда фикр кучининг инсон ҳаётига кучли таъсири ҳақида кўп олимлар илмий изланишларини амалга ошираётганлиги асло бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, фикр кучи ҳаётимизни бошқаради. Бизнинг ўй-фикрларимиз бизнинг чинакам ҳаёт тарзимиздир. Инсон қандай фикрласа унинг ҳаёти ҳам худди шундай кечади. Агар бу фикрга ишонмасангиз, одамларни диққат билан кузатинг. Ҳаётдан доимо нолийдиган ва ҳаммадан бетиним айб-нуқсонларни кидирадиган, тушкунлик, бадбинлик ботқоғидаги одамлар ҳаёт тарзи ҳам ғирт ўзига ўхшайди-да. Чунки улар ўзларининг фикри кучи билан ўз ҳаётининг вайронкорига айланиб қолганлар. Улар қандай ўйлаб юрсалар, шунақа ҳаётни танлаганликларини ҳатто сезмайдилар...

«Азалда Худо осмон билан ерни яратди. Ер ҳали шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсизлик узра қоронғилик ҳукм сурарди. Худонинг Руҳи эса сув юзида парвоз этарди. Худо: «Ёруғлик бўлсин», – деди. Худо ёруғликнинг яхши эканини кўриб, уни қоронғиликдан ажратди... Худо ёруғликни кундуз, қоронғиликни эса тун деб атади. Кеч бўлди, эрта бўлди – бу биринчи кун эди» (Тавротдан).

Сўз яратилган илк даврлар эди... Сарвари Олам ҳар куни ер юзига нималарнидир тухфа қиларди. Бир куни У Гўзаллик билан Хунуқликни танлади. Улар жаннатдан ерга айна субҳидам пайти етиб келиб, қўл бўйига аста қўндилар. Ер ўзининг чанг-тўзонлари билан янги меҳмонларни ҳам обдан сийлаган, чўмилмаса сираям

бўлмас эди. Ердаги ҳаёт ҳақида эса на Гўзаллик, на Хунукликда бирон-бир тасаввур мавжуд. Улар ҳеч иккиланмай кийимларини ечишади-да, шир яланғоч кўйи кўлнинг совук сувига сакрашади...

Куёш тик кўтарилган, одамлар уйғонган. Ернинг исини тезда олган Хунуклик билса ҳазил, билмаса чин деган ҳаёлда қалтисроқ бир ўйинга кўл уради. Ҳамроҳи кўл ичкарасига сузиб кетганида кирғокқа чиқади-да, Гўзалликнинг либосини шартта ўғирлаволиб унга бурканганича жуфтакни ростлаб қолади. Соҳилга қайтгач, Гўзаллик танг аҳволда қолганини англайди: «Одамлар не сабабга кўра йиғилганлар? Ҳа, ахир мен шир яланғочман-ку!» – минг бир истиҳола ва уят ила каловланиб, кийимларини шоша-пиша ахтара бошлайди. Минг афсус, уни чор-атрофдан излаб топа олмайди!

Хунуклик қайси гўргадир ғойиб бўлган. Гўзаллик куёшнинг шармсиз нури остида кийимсиз қолади... Томошага ўч ҳафтафаҳм тўда аёвсиз қаҳ-қаҳ отар, ҳиринглар ва кўлларини бигиз қилганча нималарнидир пичир-пичирларди. Олам эса одам шивир-шивири, туссиз товушларига тўлиб-тошиб кетганди. Ўз ғаними томонидан беҳад хўрланган Гўзаллик ноилож кирғокда шундоққина ташлаб кетилган ўша палид Хунукликнинг кир-чир, исқирт кийимини ўз эгнига ташлашга мажбур бўлади-да, аста хўрсинганича, боши ҳам ва маҳзун ҳолда ўзининг асл гўзал либосини қидира кетади...

Гўзаллик ҳанузгача ўз либоси ва ўрнини излагани излаган... Минг йиллардирки, сарсон-саргардон. Ҳалига қадар мутлако топа олгани йўқ. Хунуклик эса сираям тутқич бермаяпти. Негаки яхши билади: Гўзалликнинг кийимсиз ерда унга асло кун йўқ. Ҳозир ҳам худди аввалгидек баркамоллик ортида яширинганича ҳаётдан ўзининг номуносиб улушини олиб келяпти. Агар Хунукликнинг чинакам, асл киёфасига (башараси, туркига, афт-ангорига – Б. И.) дуч келиб қолсанг борми, бир неча сония бўлсин, сира тоқат қила олмайсан. Айнан шунинг учун Хунуклик ўзининг асл башараси – бадбин юрагини доимий равишда яшириб юришга мажбурдир.

Танишиб кўйинг: у кўпинча ўз рашкини муҳаббат деган ном билан атайди, бадгумон ўйларига эса майда-чуйда ҳақиқатларини рўқач қилади, «меники» деган эгалик туйғусини «севаман» деган никобида бекитади. Ожизликни бурч, биқик руҳни бўлса садоқат, деб иддао ва даъво қилади... Хуллас, Хунуклик ўзининг мажруҳ дунёсини яшириш нияти, илинжида Гўзалликдан-да қулайроқ ва

маъқулроқ пардани ханузга қадар ахтариб топа олгани йўқ...

Хусн ва гўзалликка ошуфталик инсон зоти яралганидан буён у билан биргадир. Шу боисдан ҳам инсон зоти миллати, дини ва иркидан қатъи назар, гўзалликни бирдек қадрлайди. Инсон учун ҳаётда хотиржамлик, тани сиҳатлик, ва шунингдек, тўрли моддий неъматлардан ташқари, гўзаллик ҳам ниҳоятда зарур. Буюк рус алломаси Фёдор Достоевскийнинг ибораси билан ифодалайдиган бўлсак, «инсоният инглизлар бўлмаса ҳам, Олмония бўлмаса ҳам, хусусан рус халқисиз ҳам, илм-фансиз, нонсиз ҳам яшайверади, илло гўзалликсиз яшаши асло мумкин эмас. Гўзалликсиз бу ёруғ дунёнинг чинакам инсонлар учун мутлақо қизиғи қолмайди».

Гўзаллик, аслида нисбий тушунча. Яъни, энг «ўтмас» дидли кимсаларда ҳам айнан ўзининг тасавуридаги гўзаллик мавжуд. Шу сабабга кўра, ҳар кимнинг гўзаллик ҳақидаги тасавурларини муҳокама ва танқид қилиш ёхуд камситиш мутлақо мумкин эмас. Масалан, Лайли деганлари қорачадан келган, озғингина бир қиз. Унинг нимасига Қайс (Мажнун) шўрлик девонага айланиб, дашт, чўл ҳамда саҳрони кезгани-кезган? Гап шундаки, Лайлининг асл гўзаллигини кўриш учун унга Шохнинг эмас, Мажнуннинг кўзи билан боқиш даркор. Кимларгадир оқ, кимга сарик ва малласоч/бошқаларга бўлса кўмир рангли ё шоколад янглиғ ҳабашларнинг гўзали ёқади. Дидлар хусусида баҳслашилмаслигидан ўзингизам жуда яхши бохабарсиз. Энг асосийси – гўзаллик доимо яхшилик, эзгулик сингари ижобий тушунчалар билан ёнма-ён туради ҳамда юради. ГЎЗАЛЛИК – беҳад даражада улуғ, «универсал» тушунча бўлгани сабабидан ҳам, уни деярли барча ижобий хусусиятларга ҳамда ҳолатларга нисбатан бемалол кўллаверишимиз мумкин.

Масалан, севиш ҳамда севилиш – гўзал, очик кўнгиллилик – гўзал, меҳр-оқибат – гўзал, адолат – гўзал, беғубор кулги – гўзал, инсонларнинг узоғини яқин қилувчи автомобиль – гўзал, қомати сарвгулдек қиз – гўзал, хуш кайфият – гўзал, очик чехра – гўзал, баланд ва ҳашаматли бино – гўзал, сеvimли ёрнинг табассуми – гўзал, гўдакнинг ўз онаси томон талпиниши – гўзал ва ҳоказо...

Одатда, гўзаллик хусусидаги қараш ва назариялар марказига «Гўзаллик нима?» деган мангу савол кўйилади-ю, аммо ударнинг аксариятида эса «Нима гўзал?» деган саволга жавобни кўрамиз. Бу саволга жавоб бериш, «гўзаллик» моҳиятини очиб беришдан

анча осон (бунинг исботини юкоридаги мисолларда кўрдингиз).

Шунинг учун ҳам, «Гўзаллик оламини кутқаради», дейишса, – Сиз сўзсиз равишда ишонаверинг! Манфаатдорлик, туғёнийлик, мафтункорлик, қулайлик, фойдалилик ва нафлилик сингари қатор тушунчалар, аслида, гўзалликнинг сифатларидир. Дейлик, гўзал манзара ёки гўзал бир қизга «шунчаки» қарашдан инсонга қандай манфаат, наф ёхуд фойда бор? «Кўнгил яйрайди, кўз қувнайди», деб айтяпсизми? Демакки, гўзаллик шунчаки, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган биронта нарса эмас экан-да. У Инсон яратилишидан аввал махсус, илоҳий равишда «дастурлаб қўйилган». Бинобарин, «Тангри гўзалдир, у гўзалликни севади» (ҳадис). Зотан, энг буюк илоҳий гўзаллик – Аллоҳ жамолига мушарраф бўлмоқликдир.

ҚУЁШНИНГ АЛАНГАСИ

Ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, одамдан фаркли тарзда қуёш одамларни яхши ёки ёмонга ажратиб ўтирмай барча кишига заррин нурларини барабар сочаверади. Биз кун кечираётган ёки яшаётган Сомон йўли деб аталмиш галактикада бор-йўғи 300 (уч юз) миллиард (!!!) сайёра мавжуд эканлиги аниқланган. Бир (1) миллиард дегани қўлимиздаги соат миллиардаги сониялар бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, 37 (ўттиз етти) йилни ташкил этади, яъни шунча йил мобайнида 1 миллиард сониягина вақт ўтади. Бундан ташқари тагин 30 миллиард галактикалар бор. Уларнинг ҳар бири энг камида 300 миллиард юлдузга эгалигини инобатга оладиган бўлсак, Курраи Замин деб аталувчи Ер сайёрасидаги қум-тупроқ зарраларидан ҳам мўлроқ қуёшлар мавжудлигига амин бўламиз...

Ўзимизнинг Қуёшдан таралаётган Нур бир куни унга айтди:

– Ҳар куни Ерга учиб бораман ва барчани – ўсимликлардан тортиб ҳайвонот олами-ю одамларнинг ўзиниям иситаман. Аммо, мен Инсон юрагини ҳам иситишни ниҳоят даражада хоҳлар эдим.

– Тилагинг, мақсадинг ўта яхши. Майли сен бир томчигина оловимдан одам юрагига беришинг мумкин, – рухсат берворди Қуёш. Менинг берган алангам одамнинг улуғ ижодкор бўлишига кўмаклашиб юборади. Бироқ, сен уларнинг бўлмағурига дучор бўлмагин, синчиклаб текшириб, инсоннинг яхшисини танлагин!

Нур осмону фалақдан Замин сари учиб борар экан бетиним бошини роса қотириб ўйлар эди: «Онам Қуёш айтган, тайинлаган одамларнинг яхшиси ким эканлигини одамларнинг ўзлари яхши билмайди-ю, ўзга юртдан келган мен қаёқдан ҳам билар эдим?»

Шу паллада Ер сари ўқдек, товушдан ҳам тезроқ, йўк-йўк, ёруғликнинг тезлигида ҳар сонияга 300 минг километр тезликда учиб бораётган Нур бировнинг уйида мардикорлик қилиб юрган бир кишининг беҳад ғамгин ва маҳзун товушини эшитиб қолди.

– Мен қўлидан ҳеч нарса келмайдиган бир нотавон кимсага айланиб қолдим шекилли. Ёшлигимда ўта зўр суратлар чизардим, зўр мусаввир бўлмокчи эдим. Ўз хунаримни парваришламаганим учун касбим ҳам мендан қасд-қасосини оляпти, шекилли. Мана кимга айланиб қолдим, оддийгина бўёқчиман, холос. Ижодимга эътибор қаратган бир санъатшунос қизни севгандим, у эса мендан кўнгли қолиб, назарини ҳам ташламади, менинг ўзимни ташлади.

– Ахир сенда истеъдод, лаёқат, қобилият мавжуд. Уларниям меҳр-муҳаббат билан парвариш қилсанг, қалбингда мудраб ётган иктидоринг (даҳолигинг) ҳам уйғониб кетади. Ҳали ёшсан ҳамда бекиёс даражада эпчил қўлинг бор! – яраклади ўша Нур ва одам қалби (кўнгли, дили)га Қуёш берворган алангани ҳады килворди.

Боягина минғирлаб ва қилаётган ишидан нолиб юрган инсон юрагида аланга ёниб кетди, мунгли кўзларини беҳад чараклатиб, умрбоқийларники сингари (90 ёшдан ошиб кетган кексалар мана шундай аталади) осилиб қолган елкалариниям ростлашга мажбур қилди. Собиқ мусаввир Она табиатнинг ўзидан анвойи ранглари олиб, севган қизига бағишлаб ажойиб гулдасталарнинг суратини бирпасда мўйқаламида чизиб ташлаганини ўзи ҳам билмай қолди.

– «Бу чинакам мўъжиза-ку!» Бу ўша санъатшунос қизнинг ана шу ажойиб асарни кўрган чоғида берган холис баҳоси эди.

Ғайрати қўзиб, илҳом париси қаршисига келиб кета олмай қолган ўша киши уйни шу даражада безадик, буюртмачи койил қолиб ва ҳаяжонланиб деди: «Мен сизни оддийгина бўёқчи, деб ўйласам, Моний сингари чинакам мусаввир экансиз-ку! Менинг уйим ҳақиқий санъат асари, кўرғазмалар залига айланиб қолди!»

Нур ўз онаси Қуёшнинг олдига қайтиб боргач, ўзини айбдор сифатида ҳис қилиб, гуноҳкорлардек бошни ҳам қилиб деди:

– Мен одамларнинг яхшисини топиш қанақа бўлишини ҳеч

билолмадим. Одамларнинг ўзлари ҳам яхши билишмас экан. Ана шу сабабдан, оловингизни биринчи учраган одамга бервордим!

Она Куёш эса, вазифасини аъло даражада бажариб, барчага бирдек эзгулик улашиб келган Нурнинг бошини аста силаб деди:

– Йўқ, сен илинжини ва умидини йўқотиб қўйган инсоннинг қалбига ҳақиқий ишончни бердинг. Бу унга, одамларнинг барига яхши бўлишига ва гўзалликнинг яратилишига катта ёрдам берди.

ЎЗБЕКНИНГ ОРЗУСИ

XX аср ўрталарига келибгина Одам авлоди, охир-оқибатда, илмий фалсафий, диний ва мифологик дунёқарашлар орасидаги чегара нисбий эканлигини, улар аслида, бир-бирларини бетиним тарзда тўлдириб бораверишини ҳам анча-мунча англаб етди.

Альберт Эйнштейннинг илм-фан динсиз тўла-тўқис ҳақиқат бўла олмаслиги, дин эса фансиз оламни аниқ-тиник, аслидагидек кўролмаслиги ё Вернер Гейзенбергнинг табиатшунослик фанлари «шароб»идан бир қултум тотиб олган одамлар даҳрийга айланиб қолиши, бироқ, худди ўша «май» тўлатилган қадахни туб-тубига қадар симира, сипқара олган инсонгина Худони топиши ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Халқаро Назарий ва амалий физика институти директори, Россия Федерацияси Табиатшунослик фанлари академиясининг академиги Анатолий Акимов фикрига кўра, Оламни билишнинг бор-йўғи иккита йўли мавжуддир: биринчиси – Ғарб йўли бўлиб, унда билим исбот этиш ҳамда тажриба ўтказиш воситасида ҳосил қилинади; иккинчиси бўлса – Шарқнинг йўли бўлиб, унда билим эзотерик (сирли, яширин, хос инсонларгагина тааллуқли) усулда, яъни ўзига хос медитация (фикрлаш, мулоҳаза юритиш) ҳолатида юзага келтирилади. «Таассуфки, – дея фикр юритган эди олим, – Шарқ йўли унутилиб, Ғарб йўли ривожланди. Ҳолбуки, иккинчи йўл ҳақиқатга жудаям секин ҳамда қийин олиб борувчи энг тўғри йўл эди. Мана шу тариқа, биз минг йиллар мобайнида айнан ўша Ғарбнинг йўлидангина юриб, донишманд Шарқ оламида уч минг йиллар аввал эгалланган билим даражасига энди етиб келдик...»

Бугун мазкур икки йўлни синтезлашга мойиллик аста-секин

кучаяётганини ҳам алоҳида таъкидлашимиз даркор. Бу тамойилга биноан, Ҳақиқат манбаи (Ҳақ), асли, якка-ягонадир (Аҳад). Айни шу жиҳатдан олинганида, мифология ҳам, дин ҳам, фалсафа ҳам ягона илмнинг турли хилдаги шаклларида иборат, холос...

Психолог олим Карл Густав Юнгнинг «Замонавий одамнинг руҳий муаммоси» мақоласида шундай хулосага дуч келамиз: «Биз ҳалигача англаб ета олмаган шундай ҳақиқат ҳам мавжудки, биз Шарқнинг моддий оламини ниҳоятда қудратли техникамиз билан алғов-далғов қилаётган бир паллада Шарқнинг ўзи юксак руҳий тажрибаси, санъати билан бизнинг руҳий оламимизни жунбишга келтирмоқда. Бизлар зоҳиран Шарқ устидан баландроқ келаётган вақтимизда, у бизни ботинан ўз доирасига янада мустаҳкамроқ камраб олаётганлиги ҳамон онгимизга етиб бора олмаяпти...»

Жаҳон Олимпия қўмитасининг собиқ раиси Жак Рогенинг жуда ибратли, одатда кўпчилигимиз унчаям ўйлаб ўтирмайдиган, фикр-мулоҳазаларига бутун диққат ва эътиборимизни жиддийроқ равишда қаратсак, ҳамма нарса ойдинлашган бўлар эди: «Очиғи, сизга ғоятда ҳавас билан қараймиз. Чунки, сизнинг интиладиган порлоқ келажагингиз мавжуд. Минг афсуслар бўлсинки, аксарият Ғарб ва океан ортидаги мамлакатларнинг келажаги йўқ. У ердаги аҳолининг 50 – 60 фоизини кексалар ташкил қилади. Барча айб бизнинг ўзимизда... Сизда аксинча – туғилиш, кўпайиш кўп. Сиз эртанги кун умиди билан яшайсизлар. Фарзандларингиз эртаси ва саломатлигини ўйлаб, спорт мусобақаларининг тизимини яратиб, амалиётга чинакамига жорий қилганингиз ҳам ана шу – келажак тўғрисидаги орзу-ўй ва мақсадингизнинг энг ёрқин ифодасидир».

Француз адиби Анатолий Франснинг фикрига кўра, «Орзулар дунёга асл маъно ва иштиёқ бахш этади. Улар изчил ва оқилона бўлса, ўз шакл-шамойилига мос муайян бир дунёни яратса, янада кўпроқ жозиба касб этади». Инсоннинг тўлақонли ҳамда маъноли ҳаёт кечирмоғи учун айнан мана шундай – изчил, оқилона, мудом ўсиш-ўзгаришда бўлган, амалга ошиш имкони, шарт-шароитлари мавжуд орзу, ўйлар, ниятлар, ғоялар ниҳоят даражада зарурдир.

Агарда инсон орзу қилиш қобилиятдан маҳрум бўлиб қолса борми, маданият, санъат ва фаннинг манбаи бўлган энг қудратли туйғу – гўзаллик учун кураш истаги ҳам барҳам топган бўлар эди. Бироқ орзулар мавжуд борликка мувофиқ бўлиши керак. Орзулар

истикболни акс эттириши, ундан маълум бир шаклда далолатни бериши ва бизга шундайин таассуротлар уйғотиши зарурки, токи ўзимизни худди ўша келажак бағрида яшаётгандек ҳис этайлик, ўзимиз ҳам бошқача одамларга айланиб борайлик. Ҳар бир авлод кишилари ўзларидан олдинроқ ўтган авлод вакиллари билан нима биландир фарқ қилади. Шу тариқа, бошқа турли-туман маънавий қадриятлар каби миллий орзу маъно-мазмуниям ўзгариб боради.

«Орзу» – форсча сўз, арабча – «шаҳватун». Биз эса шаҳват сўзини фақат эркак-аёл ўртасидаги истакларга оид қилган ҳолда қўллаймиз. Арабчада ундай эмас. Қориннинг истагиям, шиддатли емоқ орзуси ҳам – «шаҳват-ул батн» дейилади. Яъни меъданинг шаҳвати, иштаҳаси дегани. Биз бу ўринда «иштаҳа» деган сўзни ишлатамиз. Араблар бўлса айнан «шаҳват» сўзини қўллайдилар.

Халқимиз нимага «Орзуга айб йўқ» дея нақл қилади? Орзу – инсонни ҳаракатга ундаш фалсафаси. Бинобарин, инсонларга сув ё ҳаво қанчалик зарур бўлса, орзу ҳам худди шунчалик даражада керак, у – зарурат, у – ҳаётининг эҳтиёж ҳисобланади. Чунки, амалда инсонийликка номуносиб ишларни ниҳоятда кўп кўрган ҳамда иштирокчиси бўлган одамзод ҳар сафар ҳаёлининг дарёсига бир шўнғиб олиб, яхши ният билан олға интилаверса, бунинг нима ёмон? Асли инсоннинг мукаррамлиги, музаффарлиги, буюклиги ҳамда қудрати ҳам мана шунда-да! У ҳаёлдан ва орзу-ниятлардан куч-қудрат олиб, чинакам бунёдкорлик билан машғул бўлади.

Болалик – орзуларнинг оғушидаги ўзига хос бекиёс оламдир. Болаликдаги орзуларнинг адоғи, сарҳади йўқ. Сирасини айтганда, болалик, ҳаёт орзулар билан беҳад беғубор, сирли, жозибалидир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам инсон болаликда мукамалроқ бўлиб туюлар. У улғайгани сайин орзулариям реаллашиб, ҳаётини яшашиб, осмондан астагина ерга туша бошлайди. Ҳаёт – беҳад шафқатсиз, орзуларни беаёв мажаклаб, топтаб ташлайди. У фаришта янглиғ бокира орзуни ҳам бир лаҳзада қартайган, шафтолининг қокига менгзалган бир кампирга айлантиради-қўяди. Бунақасини эса, биз аксарият ҳолларда бу одамга энди ақл кирибди, дея изоҳлаймиз. Аслида, ўзингиз ҳам бир ўйлаб кўринг-чи, ҳар қандай инсоннинг юксак орзу-ҳаёлларидан воз кечиб, ҳаётининг кундалик эҳтиёж ҳамда талаблари асосида яшай, янадаям аниқроғи кунини кечира бошлаганлиги ақллиликнинг белгисими? Аммо, мана шу «ақл»ни

билан бу беҳад шиддатли ҳаётдан оҳ-воҳ қилмай ва нолимайгина яшаса-ку, майли эди. Бирок, аксарият одамлар бир кунимас, бир куни келиб, бирибир, эҳ, умримнинг суви бекорга оқиб кетди, деб афсус-надоматлар чекади-да! Шундай экан, ақл билан ҳаёл уйғун равишда яшайдиган оқилона, реал орзунинг ўзи мавжудми? Агар бўлса, у нима? Менимча, бу – инсонийликдир, яъни, орзулар ҳам, ақллиликнинг ўзи ҳам инсонийлик доирасида бўлмоғи даркор.

Келинг, яхшиси шу ўринда навбатни Хуршид Дўстмухаммад каламига мансуб «Ўзбекона» орзу» сарлавҳали кичик битикчага («Маърифат саодати» газетаси, 2018 йил, 26 январь) берсак:

«Циркда томоша кўриб ўтирибмиз. Ҳаво акробатлари (эркак ва аёллар) баланд шифтда арконларга осилиб-ирғиб турли-туман трюк (хунар)лар кўрсатишяпти. Уларнинг ҳаддан ташқари кескин хатти-ҳаракатларидан юракларимиз орқасига тортиб кетади денг. Ҳам қойил қолиб, ҳам юрагимизни ҳовучлаб ўтирибмиз. Мана шу маҳал ёнимизда ўтирган ёши каттароқ бир аёл чидай олмади.

– Э, топган хунаринг ҳам куриб. кетсин, кўча-кўйда сигарет сотсанг ҳам бир амаллаб топасан-ку, шу пулни! – деб бор овози билан баралла ҳайқириб юборди. Ана, сизга «ўзбекона» орзу!»

Ўзбеклар ҳақида кимлар фикр юритмасин, барибир «содда», «тўпори», «мард», «кўнгли очик», «саховатли» каби сифатларни, биринчи навбатда, тилига олади. Бизнинг назаримизда, ўзбекнинг чинакам ўзлигини аён этадиган бир муҳим сифат ҳам мавжуд. Бу – орзуманд халқ эканлигимизнинг яна бир далолати ҳисобланади.

Ўзбекнинг ўзи ҳам чинакамига орзудан яралган халқ. Ўзбек эртадан кечгача, тонгдан тунгача орзу билан нафас олади. Бирок, ҳеч қачон бировнинг зиёнига орзу ва ният қилмайди. Яъни, унинг кўнглида заррачаям қинғирлиги, орзу-ниятларида бўлса шумлиги мавжуд эмас. Ўзбекнинг буюклиги ҳам айнан шунда-да! Ўзбек ҳеч қачон фақат ўзим бўлайин демайди, аксинча барчамиз бирга байрамлар, тўй-томошалар қилайлик, ўйнаб-кулайлик дейди...

Германиялик профессор Леонид Левитин бизлар ҳақимизда шундай ёзган эди: «Сизлар ўзингизнинг маънавий маданиятингиз ҳамда турмуш тарзингиз Ғарб мамлакатларига нисбатан анчагина устунроқ эканлигини кўпинча билмайсизлар ҳам. Ўзга юртлардан келганлар эса буни дарҳол сезиб, чин қалбдан хурсанд бўлишади. Ғарб одами ўзини яқка-ёлғиз ҳис этади. Ўзбек менталитетидаги

Ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам руҳи, одамлараро ўзаро мулоқот маданияти, маҳаллалардаги меҳр-оқибатлилик ва бошқа шу каби фазилатлар бошқа халқларда умуман мавжуд эмас ёки жуда ҳам кам, ахён-ахёндагина учрайдиган ижобий ҳодиса...

Агар ўзбеклар якка-ёлғизликни ўта ёқтирганида ҳам тарихан таркиб топган буюк анъаналар бундай ҳолга асло йўл қўймайди».

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДАГИ ПАРВОЗ

Ҳар бир кишининг ҳаётда истак, орзу-нияти ва мақсадлари бўлади. Айнан ана шулар бизни бетиним ишлашга мажбур этади. Биз нимаики қилмайлик, уни зарур бўлгани учунгина бажарамиз. Ўзимиз нималарга ишонсак ва ҳис этсак, ўша учун курашмоғимиз керак. Акс ҳолатда, гўё ҳеч қачон мавжуд бўлмаганимиздек, бир умрга синиб кетиб, хор-зор, абгор бўламиз. Аслида ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, охиригача бормаслик росаям осон, чунки йўл ниҳоятда машаққатли, биз эса қийинчиликларга унчалик ҳам ўрганмаганмиз. Ахир орзу-ҳавасларнинг бари ўткинчи туйғуларку! Ана шу тарзда орзуларимиз ҳам ҳалок бўлади. Мақсад амалга ошмайдиган бўлиб қолади. Ҳаёт аста-секин туби йўқ колоқлик ва бемаъниликка айланади. Бироқ, кунлардан бир куни барчасини ҳам унутиб, яна бошидан бошлаш учун янги кунни айнан шундай ният ва мақсадда кутамиз. Бироқ, йўлимизда тағин янги тўсиқлар пайдо бўлади. Ва биз яна тўхтаб қоламиз. Бизларни умидсизлик ва қаҳр-ғазаб, айнан ўзимизнинг ожизлигимиз туфайли, бутунлай қамраб олади. Асли умидсизлик – сўқирлик, ҳеч нарса, ҳодисани олдиндан мутлақо кўра олмаслик деганидир. Умидсизлик нафрат, зўравонлик ва қотиллик билан мураса қилиб кетаверади. Бу хил умидсизлик билан ҳеч қачон келишиб олмаслигимиз даркор.

Мантиқан таҳлил этадиган бўлсак, уруш, касаллик, мағлуб бўлиш ўзи нима эканини билмаган одамлар ҳам барибир бир кун оламни тарк этади. Бунинг устига, турли авторитар, диктатурага асосланган тузумлар шароитида кун кечириш, тирикчилик қилиш (яшаш эмас) кўпчилик одамлар учун ғирт машаққатга айланиб кетади. Бутун жамиятни-ку чеккага қўятурайлик, оддий кундалик турмушнинг бир қадар яхшиланиб кетишига-да, илинж, умид ва

ишончининг йўқолиши ва чорасизлик одамларни ҳаётдан бездириб юборади. Бу ҳолат эса руҳий кувватни сездирмай емира боради. Кишини оғир хасталар сингари бутунлай беҳафсала қилиб қўяди. Қисмат рўпара қилган ҳар қанақа воқеликка сўқирлар каби итоат қилиб кетавериш, бўйсунавериш аслини олганда одамиятданмас. Инсон яшашдан (агар чиндан ҳам яшаётган бўлса) завкланмоғи, ўз қарорида ҳамда хатти-ҳаракатида озод, эркин бўлмоғи зарур.

Гофиялик дегани аслида бахтсизлик деганидир; инсоннинг асл бахти – унинг аклини ва онгини оқилона ишлатишида, агарда умумлаштириб айтадиган бўлсак, чинакам тафаккур қилишида.

Бунда эса бир омилни зинҳор унутмаслик даркор: ҳеч қачон таслим бўлмай, курашаверишимиз зарур. Бизлар бир ёки бир неча жангларда енгилишимизнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Ҳаёт тағин давом этаверади! Энг асосий рақибларимиз эса айнан бизнинг ўзимизда мавжуд: булар – ялқовлик, кўрқув, иккиланиш, қатъиятсизлик...

Тахмин кузатувга, албатта, ўзининг анча-мунча таъсириниям ўтказди. Кузатиш эса ишончга тузуккина таъсир қилади. Ишонч бирор тажриба пайдо қилади. Тажриба бўлса хатти-ҳаракатларни юзага келтиради, бу эса, ўз навбатида тахминни ҳам тасдиқлайди.

Мақтабда ёши анча катта, Шўро замони ақидалари қон-қони ва хужайраларига қадар сингиб кетган ўқитувчи ўз шогирдларига вояга етганларида ким бўлиши ҳақида иншо ёзиш топшириғини берди. Ўқувчилардан бири иншони ёзишга жуда қийналди, орзу-умидларини оқ қоғозга тушириш, ниятини реалликда тасвирлаш учун бир неча соатлик вақтини, гоҳ-гоҳида қўлидаги ручкасини беихтиёр оғзига солиб, росаям ўйланиб сарфлашига тўғри келди.

У қачондир катта тадбиркор, мулк эгаси бўлишни хоҳларди. Бола етти варақ қоғозга майда-чуйда ва икир-чикирларига қадар бўлажак мулклари қандай бўлишини ёзди. Ҳатто барча бинолари, отхона ва йўлларнинг жойлашишини сўз билан тасвирлаган эди. Болақай эртасига иншосини ўқитувчисига қўшқўллаб топширди.

Орадан икки кун ўтгач ўқитувчи унинг иншосига семизгина «2» баҳони босиб, бетига «дарсдан кейин кетиб қолмасдан, менга учрашгин!» деган изоҳ – буйруқ билан қайтариб берди. Дарсдан кейин бола ўқитувчининг олдига келди ва ундан нимага иншоси қониқарсиз баҳоланганини сўради. «Устоз» деб аталмиш киши унга шундай жавобни қайтарганди: «Нега деганда бундай ниятни

сендай бола ҳеч қачон амалга ошира олмайди. Катта мулкдор ва тадбиркор бўлиш учун жуда кўп пул керак бўлади. Сен бўлсанг беҳад қашшоқ бир оила фарзандисан. Орзу ва ниятингни амалга ошириш учун мутлақо имконият, шарт-шароит йўқ. У ҳеч қачон рўёбга чиқмайди. Мана мен сенга нима дейман. Яхшиси, уйингга жўна, янада аниқроғи, туёғингни шиқиллат! Бундан буёғига реал орзулар ҳақида ёзиб келгудек бўлсанг, сенга бошқа баҳо кўяман».

Уйига беҳад озорланган, хўрланган, боши ҳам ҳолда келган бола отасидан жўяли маслаҳат сўради. Ота ўғлига шундай деди:

– Ўғлим, бу мураккаб масалада сенга кўмак бера олмайман, деб чўчийман, кўрқаман. Сен кўзлаган орзу-ният ўзинг учун жуда муҳимлигини ҳис қиламан. Ўйлайманки, бу биргина сенинг аҳду паймонинг, асл мақсадинг ва чинакам қароринг бўлмоғи даркор!

«Исмда тақдирга ишорат бор» ва «Исмлар самодан тушади», деган аждодлардан мерос ҳикматлардан ўзингиз ҳам бохабарсиз. Отаси роса эзгу орзу-ниятлар билан кўйган исми **ЖАСУР** бўлган бу жасур бола ўз падарининг сўзларини бир ҳафтача ўйлаб кўрди. Ва ниҳоят, ўқитувчисига иншосининг ўзини қайтарди ва шундай деди: «Сиз менга тағин бемалол «2» баҳони кўйишингиз мумкин, лекин, мен ҳеч қачон эзгу орзу-ниятларимдан ортга қайтмайман».

Орадан ғув этиб йиллар ўтди-кетди. Жасур аввал мактабни, кейин касб-хунар коллежини тугатди. Олий маълумотли бўлди. Вояга етиб келди, улғайди. Кунлардан бирида ҳузурига тахминан 30 киши қуршовида бир қария ҳам келди. Улар Жасурнинг бой ва обод гўшасини ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилдилар ва уни осмону фалакка кўтариб мақтадилар. Уй эгаси уларга ўз бошидан кечирганларини сўзлаб берди. «Асли ўта камбағал оиладан эдим. Ўқувчилик пайтида бир иншо ёзгандим. Унда келажакда ўзингиз кўзингиз билан кўриб турганингиздек ҳолатни орзу қилган эдим. Ўқитувчим бунга мутлақо ишонмади ва ўзи истаганидек «2» баҳо кўйганди. Аммо, ўзим ишонар эдим, орзу йўлида қаттиқ ҳаракат қилдим ва унга эришдим. Сиз бунинг барчасини кўриб турибсиз, ўша иншо бўлса меҳмонхона меҳробадаги рамкада турибди»...

Ҳамма жим бўлиб қолди. Кекса меҳмон ўрнидан инқиллаб туриб, хорғин овозда, афсусланиб мана шундай дейишга журъат этди: «Жасур! Биз ўша шўролар даврида «Қобил бобо» сифатида тарбияланиб, бугунги замондан орқада қолиб кетган эканмиз-да.

Мени, эски замон одамани сенга ишонмаганим учун кечирасан, деб умид қиламан. Энди эса калламни бир ишлатиб кўрсам, ўша пайтда жуда кўп ўқувчиларимнинг орзуларини «ўғирлаб олган», уларга ҳам, ўзимга ҳам ишонмаган эканман. Бундан ҳозир ниҳоят даражада афсус қиламан. Бироқ, сен орзу-ниятинг, мақсадингни асраб қолганинг ва амалга оширганингдан беҳад хурсандман».

ЭНГ УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Қадим-қадим замонлар, маконларнинг бирида бир мўътабар зотнинг, деярли аксарият эртақлар, афсона ҳамда ривоятлардан бизга етиб келгани сингари, уч ўғли бўлган экан. Ўша киши бир куни бари болаларини ўз ҳузурига чорлаб, уларга шундай дебди:

– Ўғилларим! Сизларнинг инсонийлик имтиҳонидан ўтиб, эл-юртга қўшиладиган фурсатингиз ҳам етиб келди. Бир ой муддатга саёҳатга чиқасиз. Мана шу пайтдаги умрингизни халққа фойдали, эзгу ишларга сарфлайсиз, деб умид қиламан, янада ҳам аниқроғи, мен сизга ишонаман. Қайси бирингизнинг қилган яхшилигингиз энг улуғ фазилат касб этса, бармоғимдаги мана шу қимматбаҳо узугимни ҳам айнан ўшанингизга мерос сифатида қолдираман.

Отаўғиллар эса ҳар тарафга тарқалиб, «мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан», деганларидек, отауйни тезда тарк этдилар. Орадан бир ой ҳам шамолдек елиб, бўрондек шошиб ўтди-кетди. Уларнинг барчаси ОТА ҳузурига қайтиб келди. Ота юзлари қуёш нуридан қорайиб кетган тўнғич ўғилга юзланиб, ундан сўради:

– Ўғлим! Мана шу бир ой мобайнида юртимиз ва одамлар нафи учун қандай эзгу фазилатли ишларни қилишга улгурдинг?

– Отажон! Қуёш ҳаддан ташқари ёндириб-қуйдираётган бир куни танҳо ўзим боғ кўчасидан ўтиб кетаётгандим, ерда тупроққа қоришиб ётган ғоятда қимматбаҳо олмосга кўзим тушиб қолди. Уни олиб, дарҳол тегишли маъмурларга топширдим. Уларнинг бошлиғи менга ташаккур айтиб, қўлимга мана бу тақдирномани ёзиб берди, олмоснинг эгасини топтириб унга топшириб юборди. Ана шу қилган ишим тўғрилигига бир далил. Бу хатти-ҳаракатим энг улуғ фазилат эмас-ми, Ота? – деб жавоб берди катта ўғил.

Отаси унинг елкасига қоқиб, бошини силаб, шундай деди:

– Жуда тўғри қилгансан, ўғлим, асл виждоний вазифангни адо этгансан. Лекин, ўша олмос сенинг хусусий мулкинг эмас-ку!

Акасидан кейин ўртанча ўғил жўшиб сўзлай бошлади.

– Мен бир куни катта ариқнинг бўйида кетиб борардим. Шу чоғда бир ёш бола сувга тушиб кетди. Унинг чўкиб кетиб, ҳалок бўлиш хавфининг остида эканлигига кўзим етиб турарди. Зудлик билан ўзимни сувга ташладим. Сузишни унчалик яхши билмасам ҳам, бир амаллаб болани кутқариб қолдим. Уни ота-онасига эсон-омон топширдим. Зурриёди нақ бир ўлимдан ҳалос этилган ўша ота-она менинг ҳаққимга дуойи хайр қилдилар. Ўзимнинг ҳаётим кўрқинч ва ваҳима остида қолса ҳам ёш болани ёқасидан ушлаган ажал кўлидан ажратиб олиш учун қилган саъй-ҳаракатим билан Сизнинг мукофотингизга лойиқ бўлсам керак, деб умид киламан.

Мамнун бўлган Ота ўртанча ўғилнинг ўнг кўлидан ушлаб:

– Офарин, ўғлим! Тасанно! Сени кутлайман, фақат мана шу гўзал ишинг туфайли қалбинг завк-шавққа тўлиб-тошганини ҳис қилгансан. Шунинг ўзи сен учун катта мукофот эмасми? – деди.

Кейин кенжа ўғил отасига таъзим бажо айлаб шундай деди:

– Отажон! Менга ҳасад туфайлими ва бўлак сабаби борми, билмадим, доим ғанимлик қилиб, зарар етказиб юрадиган бир кас бор. Унга ҳеч қачон ҳеч қанақа ёмонлик қилмаган бўлсам ҳам, у пайимда юради, ҳатто ўлдириш учун кулай фурсатни пойлайди. Кеча ўша нухани бир жар лабида маст-аласт ҳолда жуда қаттиқ ухлаб ётганлигини кўриб қолдим. Агарда у уйқусираб бир ёнидан иккинчи тарафига ағдарилса ёки қаттиқ товуш чиқариб, чўчитиб уйғотиб юборилса, ўрнидан туришга уриниб чуқур жарга кулаб тушишиям мумкин эди. Мен эса овоз чиқармай, аста юриб унинг ёнига бордим. Эҳтиёткорлик билан секингина ўз томонимга торта бошладим. Анча нарига судраб келиб, унинг хатар ва ҳалокатдан буткул холи эканлигига ишончим комил бўлганидан кейингина фалокат, ҳалокатнинг ғирт ёқаси бўлмиш ўша ерни тарк этдим...

ОТА кичик ўғлининг бу гўзал ишидан ва олижаноблигидан шодланиб кўзига ёш олди, боласини кучоклаб, юз-кўзидан ўпиб:

– Бор бўл, ўғлим, яша, умринг узок бўлсин! Мукофотимни олишга сен ҳақлироқсан. Чунки, ёруғ оламдаги энг улуғ фазилат ёмонликка яхшилик қилишдир, – дея беҳад қимматбаҳо узугини зурриёдининг бармоғига кийдирди, унинг ҳаққига дуо қилди.

УСТОЗЛИК БУРЧИ

Қадим-қадим замонда бир олимнинг ниҳоятда тиришқок, ўта лаёқатли шогирди бўлган экан. У тунни тун, кунни кун демай, устози берган топшириқларни елиб-югуриб бажарар экан. Орадан бир йил шу зайлда ўтгач, устози у шогирдидан юз ўгириб, ҳайдаб юборибди. Бошқалар эса бундан росаям ҳайрон. Наҳотки шундай меҳнатсевар, келажаги ниҳоятда порлоқ йигит шундай адолатсиз жазога лойиқ бўлса, деб таажжубланишибди. Олим бўлса уларга шундай жавоб қилибди: «Аслида эса, бундан баттарига ҳам лойиқ эди. Ҳозирга қадар унинг аини шу меҳнатсеварлиги учунгина аяб келаятган эдим. Шогирдимни ҳайдаб юборишимнинг асл сабаби ҳам шундаки, у ҳеч қачон ўйламайди, мутлақо фикрламайди»...

Буюк файласуф Афлотун ўзига янги шогирдлар танлаш учун бир нечта даъвогар йигитларни тўплаб олиб, уларни кенг далага бошлаб чиқибди. Сўнгра биринчи даъвогарни сўроққа тутибди:

– Қани айтгин-чи, ўғлим атрофингда нималарни кўряпсан?

– Майсаларни, қўйларини боқаётган чўпонларни, яна ўтлаб юрган, хотиржамгина кавшанаётган жудаям кўп молларни...

Бунақа жавобдан коникмаган Афлотун қўлини силтабди:

– Минг афсуски, сендан сира ҳам файласуф чиқмайди. Минг урингин, бари бефойда. Сен бунга сираям эриша олмасанг керак.

Ҳафсаласи жуда пир бўлган Афлотун иккинчи номзоднинг сўл елкасига ўнг қўлини астагина қўйибди-да, ундан сўрабди:

– Балки, сен бошқа нарсаларни ҳам кўраётгандирсан?

– Ҳа, Устоз! Осмон гўзаллигидан бағоят мутаассир бўлган ўт-ўланлар гўзалликдан янада кўпроқ баҳраманд бўлиш истагида фалак сари талпинмоқда. Тенгсиз чиройга махлиё бўлган қўйлар бўлса атрофга тарқалиб, ўт-ўланларга суқланиб боқмоқда. Бирок, шу қўйларнинг очлик туфайли пайдо бўлган эҳтиёжи, манфаати махлиёликдан устун келаятганлиги сабабидан ўт-ўланларга қирон етмоқда. Бундан мамнун эканлигини яшира олмаятган подачилар эса ҳали нақд бўлмаган фойдани ўйлаб, ҳар хил хом режаларни тузмоқдалар. Айнан мана шу вазиятда мен қарама-қаршиликлар кураши ва уларнинг ўзаро алоқаси бор эканлигини кўрмоқдаман.

Шогирдликка даъвогар яна анчагина гапни айтмоқчи экану,

аммо, Афлотун маҳкам кучоқлаб олиб, унинг исмини сўрабди.

– Арасту, деб жавоб қайтарибди шогирдликка номзод...

Ҳаётда кўпам омади чопмаган бир йигит «Агар менинг ҳам Арастудай устозим бўлганида Искандар каби дунёни олар эдим», деган эмиш. Инсон жамиятда ўз тўғри йўлини, ўрнини топишида устоз ўрни ва роли шунчалик даражада муҳимми? Буюк авлодни фақат буюк устозларгина етиштиради, деган гап-сўзлар, нахотки, рост бўлса? Ахир «Биринчи муаллим» номини олган Арасту ҳам аслида биринчи бўлмаган-ку! Аввалида у ҳам оддий шогирд эди. Ўша Афлотуннинг соҳир сабоғини олмаганида бундаин юксак шарафга эришмаган бўлар эди. Ўз навбатида Афлотун ҳам буюк Сукрот тарбияси ва таълимисиз Афлотун бўла олмасди, балки...

Ўша замонда Юнонистонда «гетералар» деб аталувчи аёллар яшаган. Улар мусиқа, рақс тушиш, ҳайкалтарошлик сингари бир қатор нафис санъат турларидан бохабар бўлишларига қарамай, турмуш қурмай эркин яшаш (аслида, кун кечириш ва тирикчилик қилиш) тарафдори бўлгани боис эл-юртда енгил табиатлиликнинг рамзи ҳисобланган. Кунлардан бир куни Александр Македонский ана шунақа аёллардан бири – гетера Фалледага илакишиб қолган. Буюк файласуф Арасту давлат, миллат манфаатларини кўзлаган ҳолда Александр(Искандар)ни минг бир марта уриниб бу қинғир йўлидан қайтара олмагач, ноилож ўз шогирдини тинч қўйишини илтимос қилиб Фалледанинг ҳузурига қадам ранжида қилган эди.

– Майли, шогирдингни тинч қўяман, менда унақалар росаям кўп, яъни, ўзбекчасига айтганда «сочимдан кўп ошиғим», – дейди мийиғида жилмайиб туриб париваш. – Фақат битта шартим бор. Мени эшак сингари ўз елкангга миндириб олиб, сайр қилдирасан.

– Агар шартингни бажарсам, сўзингда туришингга худолар номи билан қасам ича оласанми?! – деб сўрайди устоз Арасту.

– Қасам ичаман! Биздақалар бир сўзли бўлишини биласан!

Ўша гетеранинг худолар газабидан ҳақиқатанам кўрқишидан умид қилган ва шогирди камоли учун ҳеч нарсадан тоймайдиган донишманд тўрт оёқлаб суюқоёқни елкасига миндириб турса, бу воқеанинг устига кутилмаганда, кўкқисдан Македония хукмдори Филиппнинг ўғли бўлмиш Александр Македонский келиб қолган.

– Кўрдингни ўғлим, – деган ўша ҳолат туфайли уятдан юзи анор доналаридек қип-қизариб кетган Арасту. – Аёл устозингни

не-не кўйларга соляпти, не-не ҳунарларни қилдирыпти! Илтимос, бу сен – бўлажак жаҳон ҳукмдорига бир умрлик сабоқ бўлсин!..

Хусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» номли китобида мана шундай мулоҳазаларини баён этган: «Агар комил устоз ким деб сўрасалар, у пок мазҳабли, ўз айбини кўрадиган, доно, тамизли кишидир, деб айтгил. Устоз инсонда ҳасад, гина ва бахилликдан асар ҳам бўлмаслиги даркор. Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродатнинг устига, деб айтгин. Иродат нима деб сўрасалар, устоз ниманики айтса, уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуднинг аъзолари орқали амалда адо этишдир. Агар ўша шогирд учун нима яхшироқ деб айтсалар, пок эътиқод, деб айтгил, чунки фақат эътиқод кишини мақсад-муродга етказди...»

Бу фикрдан ҳам кўриниб турибдики, азал-азалдан устоз ва шогирдлик юки тегирмон тошидай зил-замбил, ўта масъулиятли. Бу иккала кутбнинг муддаоси яқдил, қадами собит, сув симирар булоғи бир бўлган. Номи шараф билан тилга олинган, тилларда дoston бўлган. Хўш, ўз замонамиз устозлари ва толиблари азалий удумларимизга содиқларми? Бу ришта ҳали ҳам мустаҳкамми ёки ўзимизнинг ҳаддан ташқари глобаллашиб бораётган беҳад мўрт ва мураккаб дунёдаги манфаатлар даври уни ҳам тамоман емириб ташладими? Ушбу ниҳоятда мушкул саволнинг жавобини излаб, кидириб, ахтариб топишни эса Сизнинг ўзингизга қолдирамиз.

Муаллимлик – дунёдаги энг беғараз касб. Мазкур касб эгаси хоҳлайдими ёки истамайдими ўз билимини ўқувчиларга беришга мажбур. Натижада, муаллим бўлган ҳар қандай шахс хоҳ сахий, хоҳ бахил бўлмасин, унда беғаразлик хусусияти ва фазилати ҳам шаклланиб бораверади. Бугунги кунда дунёда мавжуд 50 мингдан зиёд ҳеч қайси бир касб-ҳунар эгаларида муаллимлардагичалик беғаразлик хусусиятини учратиш ниҳоят даражада мушкул.

Ўзингиз ҳам «касб касаллиги» хусусида эшитган бўлсангиз керак. Масалан, қурувчиларга ўзи бунёд этган иншоот қийшиққа ўхшаб кўринади, боғбонга мева-чевалари аввалги йилга нисбатан сал камҳосилроқ, чорвадорга росаям емлаб боқилишига қарамай, ҳайвони, яъни кўчқори ёхуд буқаси озғиндек туюлаверади. Худди уларга ўхшаб муаллимлар ҳам бирор номаъқул кирдикорни кўриб қолсалар, бепарво, лоқайд ўтиб кета олмайдилар, дарҳол танбех,

дакки бергилари келиб кетади. Бу касб эгалари ёшлари улғайгани сайин (камина ҳам шу тоифага мансуб) нисбатан кўп гапирадиган бўлиб қоладилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар назарида тингловчи, ўқувчилари масалани тушунмай қолаётганга ўхшайди, натижада эса, улар нутқидаги қисқалик қисқариб, кўпроқ гапириб юбориш ҳоллари ҳам учраб туришидан эса ўзингиз бохабарсиз.

Муаллим асли ёруғ дунёга берилган саломдир! Бу саломга — эзгу тилакка жавобни ҳар бир даврнинг ўзи ҳар хил фасонда ва оҳангда айтади. Бу саломга олинган алик бўлса ўша давр, жамият кишилари камолига гўёки куёш нуриддек бевосита таъсир этади. Бундан улуғ Сукротнинг бир хулосаси ёдга келади: «Эътиборсиз шогирд ўзи учунгина зарур бўлган нарсаларни йўқотиб қўяди. Уни жалб эта олмаган устоз эса ўз келажагини ҳам бой беради!»

Энди эса «Авлиёларнинг авлиёси...» Алишер Навоийнинг бу борадаги фикрига бир кулоқ тутсак: «Мактабдор домла гуноҳсиз бечораларга жафо қилувчидир. У ёшгина болаларни азоблашга ва калтаклашга ўрганган; ўзи раҳмсиз, мияси пўлатдан, кўнгли эса тош кабидир. Ҳазабидан қоши чимирилган ва гуноҳсизлар билан аччиқланишга одатланган. Улардаги кўриниб турган кўполлик ёш болалардаги келишмаган хатти-ҳаракатни силлиқлаш учун йирик эговдир. Уларнинг иши одам тугул, ҳаттоки девларнинг қўлидан келмайди. Лекин, инсоф билан айтганимизда, ҳар қандай иродали одамни ҳам биргина боланинг таълим-тарбияси чарчатиб қўяди. Мактабдор домла эса бир тўда болага илм-адабни ўргатади. Бунга нима етсин. Лекин, шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми, идроки нисбатан озлари бўлади. Устоз бўлса бу каби ҳолларда юзлаб-минглаб машаққатлар чекади. Агар ўша шогирд улғайгач, беҳад юксак подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўзига таълим-тарбия берган муаллимига минг бора қуллуқ қилса арзийди».

Инсон учун энг муқаддаси саналувчи ОНА, ВАТАН сингари тушунчалар қаторида МАКТАБ ва ЎҚИТУВЧИ деган сўзларнинг туришини ҳам ўзингиз жуда яхши биласиз. Дунё иморатларининг энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг улуғи, илохийси, турган гапки, ўқитувчиликдир — бу теран маъноли иборанинг ҳақлигига барчамиз бирдек ишонч ҳосил қилганмиз. Ишонч ҳосил қилмаган кимсалар эса ўзидан кўрсин. Қачонлардир бу ҳисобли дунёнинг ишларини кўравериб, ниҳоят боши тошга теккан паллада ишонч

ҳосил қилади, албатта. Унда эса кеч қолган бўлиши ҳам мумкин.

Ўқитувчи, Устоз, Мураббий. Бу улуғ зотларга бўлган қайнок меҳр ва эъзозни энг буюк истеъдод эгалари ҳам айтиб адоғига ета олмайдилар. Бу мақом соҳибларини аждодларимиз оталар билан бир сафга қўйиб беҳад тарзда улуғлаганлар. Сайёралар салтанати султони Мирзо Улуғбек ҳазратларидан «Сиз қандай сабабларга биноан сиёсатга нисбатан илм ва фанга кўпроқ қизиққансиз?» деб сўраганларида ул зот шундай жавоб берган экан: «Мен илмнинг куч-қудратини бобомдан билдим. Бир сафар бобомнинг тиззасида ўтирар эдим. Баногоҳ ҳузури муборакка бир киши кирди. Бобом шошиб ўрнидан турдилар. Мен унинг тиззасидан тушиб кетдим. Бобом бунга парво ҳам қилмасдан, ҳалиги одамни қарши олишга ошиқди. Кейин билсам, ўша киши бобомга бир пайт илм ўргатган устози экан. Олимликнинг мартабаси подшоликдан ҳам улуғроқ эканлигини ўшанда жуда яхши билиб олгандим. Ўшанда менинг кўнглимда келажакда олим бўлиш орзу-ҳаваси уйғонган эди...»

Тарихнинг энг суронли даврларида ҳам ўқитувчи – устозлар алоҳида эҳтиромда бўлган. Аллома Маҳмудхўжа Бехбудийнинг авлодларга васиятидаям шу эътироф мужассам: «Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимлар бошини силангиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар!»

Жафокаш жадидларнинг «Таржимон» газетасида (1884 йил, 1- сон, иқтибос манбаи: «Тафаккур» журнали, 2000 йил, 3- сон, 31- бет) айнан шу масалага доир куйидаги фикр ҳамда ўқинч баён қилинган эди: «Агарда бизни орамизда яхши фазилатли одамлар бўлсалар, бошлаб мактаб муаллимларидирлар.

Агар бизда фойдали одамлар бўлсалар, булар ҳам – улардир.

Агар орамизда ўзларига ҳеч бир ҳурмат, мактов ва шуҳрат талаб этмай, бутун ғайратини ўқув-тарбия ишига, ҳақиқат йўлига сарф этган кишилар бўлсалар, улар ҳам – муаллимлардир...

Шараф сизга, мухтарам ўқитувчилар!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз қадрига етмаганлигимиз учун, сизни фақирлик ва муҳтожликда қолдирганимиз учун бизларни, таълим-тарбия берган болаларингизнинг оталарини кечирингиз».

Аждодларимиз устознинг мартабасини ҳамиша жуда баланд қўйиб келганлар. «Устоз отангдан улуғ», деган ғоятда ҳикматли нақл бежиз айтилмаганлигини ўзингиз ҳам биласиз. Ота-оналар

Ўз болаларини «Эти – сизники, суяги – бизники» деб муаллимлар кўлига топширганлар. Таълим-тарбия жараёнида танбеҳу койиш ва талабу танқидларнинг негизида биттагина эзгу мақсад ётади, У ҳам бўлса – билим бериш. Муаллим ҳам инсон. Бирор ўқувчисига қаттиқроқ дашном бериб қўйган куни бўлса туни билан кийналиб чиқади. Ҳеч ким болалар ички дунёсини муаллимларчалик яхши билмайди. Орамизда шундай мураббийлар ҳам борки, ўқувчилар ўз ота-онасига асло айта олмаган юрак сирларини уларга бемалол ишониб айтади. Кўпинча ота-оналар орасида фарзанди ҳақида сўз кетар экан, «Мен айтсам сира ҳам қилмайди, устози унга айтган заҳотиёқ ўша ишни дарҳол бажо айлайди», деган гаплар гоҳида кулокка ҳам чалиниб қолади. Дарҳақиқат, болалар учун, айникса, кичкинтой ўқувчилар учун муаллим – комил инсоннинг беҳад асл ва чинакам тимсоли ҳисобланади. Ўз устозининг бари гапларини бола гўё мутлақо ўзгартириб бўлмайдиган қатъий қонундек қабул қилади. Устозининг бир оғизгина мактов, алқов, ширин сўзи ўша ўқувчи, ўша бола учун ҳар қандай мукофотдан ҳам аълороқдир...

Устоз-шогирдлик. Ҳам меҳр, ҳам маҳорат ришталарини бир-бирига боғлайдиган ўта қутлуғ анъана. Ҳар қандай иш, фаолиятда авлодлар давомийлиги, ворисийликни таъминлайдиган, соҳанинг мавжуд ютуқларини келажак сари элтувчи тош-метиндек кўприк.

«Устоз отангдан улуғ» дейилади халқ нақлида, энди айрим бир кимсалар бўлса уни, ўзларича, «отангдай» деб тўғриламакчи бўляпти. Аслида мақол муболағаси билан беҳад гўзал, қолаверса, оталарнинг ўзлари ҳам болаларига ўз жонини куйдириб таълим-тарбия берувчи устозларнинг ўзларидан анча-мунчагина баланд қўйилишига сираям қарши эмаслар. Устоз мавқеини баланд олган ва уларни бекиёс даражада улуғлаган мақоллару нақлларимиз ва ривоятларимиз ҳам анча-мунча эканидан ўзингиз бохабарсиз...

Шунисиям диккатга сазоворки, «Авесто»да аёлларнинг номи рамзий маънога эга эканлиги изоҳланган. Масалан, ёдгорликнинг матнида хотинлар «Рита Сиябону» ёхуд «Ошабону» деб аталган. Бунинг маъноси эса «поклик ва ростлик нури»дир. «Бону» сўзи ҳам «чароғон, ёруғлик» деган маънони англатади. «Матри» яъни «ОНА» сўзи «тарбияловчи, устоз» маъносида изоҳланган. Энди ўзингизам англаб етгандирсиз «Устоз отангдан улуғ», деган неча минг йиллар муқаддам дунёга келган мақол маъно ва мазмунини.

«Авесто»да сингил атамаси «Совасри» шаклида қўлланган бўлиб, «Муқаддас ва хайрихоҳ» маъносини билдиради. Ушбу сўзлар асл маъносини билиб олиб, ўзгаларни ҳам билимингиздан баҳраманд айласангиз, нақ савобнинг тагида қолиб кетган бўлар эдингиз...

ДАВЛАТ ИМТИҲОНИ

Ўзингиз ҳам кўп марталаб гувоҳ ва амин бўлгансизки, айрим бир каслар кириб кетган хиёнат, ўғрилиқ кўчасидан ўтмаган, пок, соф қалбли инсонгина эл-юрти иззат-хурматиغا сазовор бўлади.

Қадим ўтган замонда Турон заминида ўз инсонпарварлиги ва элига ҳалол хизмати билан машҳур хоқон ҳукм сураб эди. Баъзан нобакор, палид ва коррупция балчиғига беланиб кетган кимсалар ҳукмдорнинг ишончини суиистеъмом қилардилар. Хоқон кимни хазиначи, ҳозирги замон атамашунослигига таяниб ифодаласак, молия вазири этиб тайин қилса, орадан маълум бир фурсат ўтгач унинг хиёнати юзага чиқиб қолаверарди. Шунинг учун ҳам хоқон хазинадорлик лавозимига (одам, кимса, кас, нусха эмас) номусли, пок виждонли бирор инсонни топа олмай қайғуланиб юрар эди.

Кунлардан бир куни давлатчилик борасида катта тажрибага эга бўлган Чин (Хитой) юртидан бир донишманд меҳмон бўлиб келиб қолди. Хоқон ўша донишманд билан дилдан суҳбатлашиб ўтирганида дилидаги дардини ошкор қилиб унга шундай деди:

– Эй, азиз меҳмоним! Сиз жуда кўп юртларни кезганингиз натижасида одамларнинг табиати ва хулқ-атвори билан танишиб чиққансиз деб ўйлайман. Номусли, матонатли ва эл-юртига асло хиёнат қилмайдиган, мол-мулкни ўғирламайдиган бирон одамни топишнинг соғлом усулини ҳам яхши биласиз, деб ишонаман.

Донишманд чуқур ўй-хаёлга ботиб, хоқонга қарата деди:

– Шунақа инсонни топишдан ҳам қулайроқ бирор нарса йўқ. Бир кунни тайинлаб, хазиначи бўлишни орзу қилган кишиларни саройга чорласангиз. Уларни эса биттадан ҳузурингизга чақириб чолғу навоси, оҳанги остида рақс туширтиринг, улардан қай бири чаққонлик билан ўйнаса ана ўшани хазиначиликка тайинланг.

– Сиз менга ўта қулгили латифани айтиб беряпсиз, шекилли. Жуда чаққонлик билан рақсга тушган одам энг номусли, моҳир

хазиначи бўла олади, деб даъво қилиш менинг назаримда унчалик ҳам тўғри бўлмаса керак, – деди хокон роса ҳам хайрон бўлиб.

Донишманд Турон ҳукмдорига қарата шундай жавоб қилди:

– Сиз ишонаверинг, ҳазрат олийлари! Хазиначини тайинлаш учун бундан ҳам самаралироқ, яхшироқ имтиҳон усули йўқдир.

Тайин қилинган кунда хазиначи бўлишни истаган кишилар бари интизорлик (кутиш) хонасига тўпландилар. Улар роппа-роса 64 (олтмиш тўрт) киши эдилар. Ҳукмдор қабулига кириш тартиби шундай тарзда ўрнатилганди, кутиш хонасида ўтирганлар навбат билан чақириларди. Чорланган кишини иккинчи бир – олтинлар ва ёқутлар турган хонада ёлғиз ўзи бирозгина кутиб ўтирганидан кейин ҳукмдор ҳузурига чақириб олар эдилар. Хокон бўлса унга чолғу навосига мувофиқ рақсга тушиш топшириғини берар эди. Даъвогар киши ўйнаб бўлганидан сўнг бошқа бир хонага таклиф қилиб, имтиҳон натижасини кутиб ўтиришни буюрар эдилар. Ва ниҳоят, 64 хазиначи лавозимига даъвогарнинг бари рақс тушиш имтиҳонини ўзича «муваффақиятли тарзда» топшириб бўлди.

Хазиначи бўлишни истаган 64 номзоддан 63таси ниҳоятда ёмон ва нўноқ рақс тушдилар. Улар ўйнаш чоғида, қўллари билан чўнтақларини бекитиб турарди. Хокон ёнида ўтирган донишманд улар рақсини томоша қилиб, «Ҳа, ярамас ўғрилар!» деб кўяр эди.

Уларнинг орасидан фақат биттаси, яъни олтмиш тўртинчи номзод беҳад чаққонлик ва эркинлик билан мириқиб рақс тушди. Тажриба тамом бўлгандан сўнг хокон чаққон раққосни кучоқлаб кутлади, уни хазиначи сифатида тайинланганлигини эълон қилди. Жуда ёмон «ўйнаган», бироқ «ўйнаш»ни билган кимсалар бўлса ўғирликда айбланиб, жазо маҳкамасига топшириб юборилди.

Бунинг сабабини билишни ўзингиз ҳам интиқиб кутяпсиз-а? Сабаби шу: кутиш хонаси ёнидаги иккинчи бир хонага жуда кўп олтин, кумуш, лаъл, ёқут каби қимматбаҳо тошлар уйиб қўйилган эди. Кутиш хонасидан чақириб ўша хонада тагин жичча кутишга буюрилган ҳар бир номзод, нафсини жаловлашга мажоли, курби етмай қолиб, чўнтақларини жавоҳирлар билан тўлдириб оларди. Рақс палласида эса кинғирликлари билиниб қолишидан кўрқиб, қўллари билан чўнтақларини босиб аста ўйнарди. Ҳаммасиданам чаққонроқ рақсга тушган, нафсига қул бўлмаган озод киши бўлса шунча бойликка назарини ташламаган виждонли, асл инсон эди.

ИНСОНИЙ ҒУРУР НИМА ДЕГАНИ?

Кўнгил мулкида ўзаро яқин, лекин бир-бирини инкор этувчи туйғулар ниҳоятда сероб. Биз кимнидир ўз кадр-қимматини яхши биладиган мағрур деймиз, кимнидир эса баъзан мутакаббир деб койиб ҳам қўямиз. Аслида бўлса мағрурлик билан мутакаббирлик орасида қилча масофа бор, холос. Бироқ, мағрурлик кишига фойда, салобат бахш этса, такаббурлик одамни инсондан узоклаштириб юборади. Ғурур – қалбнинг шижоати, қуввати. Ажабки, ақл ила ғурурнинг орасида азалий келишмовчилик, зиддият мавжуддир. Ақл ғурурни чеклаш, жиловлашга ва тушовлашга интилаверади. Ғурур бўлса бир зумда ақлнинг кучи билан бунёд этилган пишиқ-пухта режани барбод этиб юборади. Ақли ғолиб келган инсон эса: «Тишимни тишимга қўйдим. Шайтонга хай бердим», дейди бир ички изтироб билан. Кўнгил майлига кўра иш кўрган одам бўлса: «Ўзимни босиб туrolмадим. Ғурурим йўл қўймади», дейди ички бир таскин билан. Ғурур ғолиб келган пайтларда инсон ниҳоятда нурланиб кетиб, ҳеч ким ундан ҳеч қачон кутмаган ғайритабиий хатти-ҳаракатларни қилиб юборганига эса ўзингиз ҳам кечирган кунингиз, яшаётган ҳаётингизда жуда кўп бора гувоҳ бўлгансиз.

Инсоний ғурур дегани, шаън, кадр-қиммат, ор-номус дегани нени англатади? Миллий ғурурнинг ўқилдизи қайдан бошланади, инсон онгида қай йўсинда шаклланади ё улар ген орқали ўтувчи туғма инстинктмикан? Балки улар замонасининг зайлигаям қараб аста-секин ўзгариб боровчи нисбий тушунчалардир? Ёинки у катгий меъёрларга асосланувчи беҳад турғун туйғулармикан?

«Ғурур» истилоҳи ўзининг келиб чиқишига кўра, арабча сўз. Тўғридан-тўғри ўтирилса, «манмаълиқ» дегани бўлади. Каттазанг кишиларни эса бирон-бир дин ва бирортаям прогрессив таълимот асло ёқламайди. Шу жумладан, Қуръони карим нозил бўлган араб тилида «кибр», «такаббур», «мутакаббир» бир ўзакли сўзлардир. Мутакаббир бўлса Аллоҳ таолонинг зоти сифатларидан биридир, унга маънодош бўлган ғурурга берилган кишилар эса ўзини Буюк Яратувчига тенг ҳисоблаган бўлиб чиқади-да. Бинобарин, ғурурга кетган кимса эса Аллоҳнинг қаҳрига учраши баробарида ўзининг ён-атрофидаги кишиларнинг ҳам назаридан четда қолиб кетади.

Аммо, ушбу атама ўзлашма сўз эканлигини эътиборга олиб, истилоҳий маъносига назар солинса, ўзгача мазмунни билдиради: инсоннинг ўз кадр-қимматини англаши, уни ҳимоя қилиш ҳисси ҳамда иззат-нафси. Демак, арабчадаги «ғурур» билан тилимизга ўрнашиб қолган «ғурур» истилоҳи ўртасидаги фарқ ўзини катта олмоқ илллати билан камситишларга йўл қўймаслик фазилатининг ўртасида туради. «Ор-номус», «шаън», «кадр-қиммат» ва «орият» сўзлари ҳам шунга ёндошроқ тушунчалар ҳисобланади. Шуниям алоҳида таъкидлаш жоизки, инсондаги ғурур ориятнинг негизида шаклланади. «Орият» ҳам аслида арабча атама бўлиб, луғатларда «омонатга олинган буюм» маъносини англатади. Гарчи халқимиз орасида «орият»ни ўзининг мана шу бирламчи маъносида қўллаш ҳам гоҳ-гоҳ учраб турса-да, аммо у бугунги мулоқотларда у аксар ҳолларда ор-номус, иззат-нафс деган маънода ишлатилади. Мана шу ўринда ориятнинг маънодошлари сифатида уят, ҳаё, иффат, шарм, иснод ҳамда ҳоказоларни тилга олиш мумкин. «Орият» ва «виждон» тушунчалари ўзаро шу даражада уйғунки, айни сабабга кўра бот-бот ўзаро маънодош атамалар сифатда ҳам ишлатилади.

«Ор-номус бу – ташқи виждондир, виждон бўлса – ички ор-номусдир», деган эди буюк немис файласуфи Артур Шопенгауэр муштарак тушунчаларга урғу берган ҳолда. Аслида эса, виждон ҳамда ориятнинг ўзаро муносабати сабаб ва оқибат муносабати сингаридир. Бунда виждон – сабаб, орият бўлса оқибат мақомида туради. Бошқача айтилганида, виждонли инсонгина ориятли бўла олади. Виждонсиз одам эса, айни чоғда, ориятсиз ҳамдир. Одам виждон измидан чиқиб кетган заҳоти орият ўз бошини қўтаради. Зеро, қай бир инсоннинг қалбида орият устувор бўлса, у ҳар доим виждоннинг овозига қулоқ тутган, ирода кучига-таянган ҳолатда мутгасил эзгулик сари интилади ва шу йўлда минг машаққатлар билан қўлга киритилган ютуқлардан, турган гапки, ғурурланади.

Агар ғурур одамнинг кадр-қимматига мувофиқ бўлсагина, буни маънавий-ахлоқий зийнат дейишимиз мумкин. Бирок, ғурур одамнинг асл кадри-қимматига номувофиқ бўлса, бундай демокқа мутлақо номуносиб. Шарқ ахлоқшунослигида эса айни «ғурур»га нисбатан «манманлик» истилоҳи қўлланади. Чин ғурурли инсон нафақат ўзи, шу билан бирга ўзга кишилардаги шундай туйғуни ҳам астойдил хурмат қилади. Манман одам эса ўзига асоссиз баҳо

бергани ҳолда ўзгаларга жоҳилона паст назар билан қарайди. Ана шундай каслар ўзга инсонлар олдида ўз обрўйини ошириш учун ҳуда-беҳуда мақтанчоқлик қилади, турли-туман ёлғон-яшиқларни ўргимчакдек тўқийди. Бироқ, уларнинг асл афт-ангори, турки ва башараси эса, эртами-кечми, барибир, эл-юртга ошкор бўлади.

Ҳар қандай инсон нафақат ўзидан, шу билан биргаликда ўзи мансуб бўлган сулоладан, миллатдан ҳам ғурурланиши мумкин. Бундай ғурурга, энг аввало, шу сулола ҳамда миллатнинг шонли ўтмиши асос бўла олади. Ҳар бир сулола ва миллатнинг нечоғли даражада буюклиги бўлса уларнинг миллий ва башарий тамаддун (цивилизация)га қўша олган ўзига хос ҳиссаси билан ўлчанади...

Ўзингиз ҳам ўқиганларингизни бир ёдга олинг-а. Алпомиш зиндонда ётган чоғида дўсти Қоражон енгини шимариб уни озод қилгани Чилбир чўлига боради. Қалмоқлар ғафлатдалиги сабабли уни сезмай қолади. Қоражон дўстининг халоскорига айланишига, Алпомишнинг зиндондан халос бўлиб, қалмоқнинг додини бериб, Ота маконига ёруғ юз билан қайтишига бир баҳя қолади. Лекин, бунга биргина нарса – инсоний ғурур йўл бермайди, тўсқинлик қилади. Бу буюк воқеа бахши тилидан шундай ифода қилинган: «Ипак арқонни зиндонга ташлади. Алпомиш белига боғлаб олди, Қоражон чирпиниб тортди, қараса, тортиб олиб кетгудай ғайрати. Алпомиш туриб айтди: «Бу зиндондан тортиб олиб кетиб қолади, шекилли. Чоҳдан чиқариб олиб борар ва элимда маърака-мажлис бўлар, бир тошиб гапириб ўлтирган вақтимда «Зиндонда чириб кетадиган одам эдинг, фалокатдан қутқарган одам фақир-да», деб бетимга улгу қилиб юрар», дея орқасини бериб, оёғиниям қаттиқ тираб турди. Алп Қоражон бор кучи ила чирпиниб тортди, ипак арқон шарт узилиб кетди, Алпомиш эса зиндонга тушиб кетди»...

Шу дамда дўстининг кўнглидан нималар ўтганини Қоражон сезган. Негаки, у замонда бирон-бир кишининг кўмагига таяниб жон сақлаб қолиш алпик мақомига номуносиб иш ҳисобланган. Аммо, Қоражон ўзининг жонажон дўстини бунақа мушкул ҳолда ташлаб юртига қайтиб кета олмасди-да, унинг дўстига садоқати ва ваъдага вафоси бунга асло изн бермасди. У Алпомишга:

*Шаънингга Қоражон номард бўлами,
Қилган хизматини улгу қилами?
Хаёлингга Қоражон номард бўлибди,*

Кўнглингда шундай гаплар келибди,

Ўйлаган шумлигинг бекор бўлибди, – дейди.

Кўнғиротга қайтган чоғимда хушхабар кутиб югуриб чиққан Қалдирғочойимга қандай жавоб қиламан, деб аврайдим – ҳарчанд ўтинмасин, уни душман чоҳидан озод бўлишга кўндира олмайди.

Эй, азиз ҳамюртлар, ўзбеклар! Алпомиш ўлим билан юзма-юз турган бўлса-да, бир оғиз таъна-маломатдан кўрқиб, синалган дўстининг мададидан юз ўтирган! Биз бўлсак арзимаган моддий неъмат ёки кичикроқ бир амалнинг курсисига етишиш мақсадида дўстми-душманми тузук-курукроқ суриштирмасдан, дуч келган одам қаршисида жилпанглаймиз. У бирон-бир қаромат кўрсатмай туриб қилган бир илтимосимизни неча марта юзимизга солса-да, хушомадни янада баландроқ пардада давом эттираверамиз. Не сабабдан бунақа ночормиз, нега бунчалар хор ва забунмиз?

Телевизор ҳамда интернет орқали бетиним кашф этилаётган «юлдуз»ларнинг ўзини ҳар хил мақомга солиб чиранишини бир кўринг, ҳаммангни лақиллатиб бойиб оламан дея кўзбўямачилик йўлида турли-туман ўйин ва лотереяларни бошини қашлаб ўйлаб топаётган, ёлғонларни минг бир оҳангда қалаштириб ташлаётган ўзимиздан чиққан «бало-қазо» – лўттибозларни ҳам бир қаранг!..

Аллақаерлик «акахон»лари берган садақага кун кечирини одат қилиб олган, содда, ишонувчан ҳамюртларини алдаб-сулдаб, уларни одам савдоси билан машғул манфур кимсаларнинг ифлос кўлига қўшқўллаб топшириб келаётган худди ўша палидлар ҳам ўзларини буюк Алпомишнинг авлоди деб билармикан?.. Бунақа ялтоқилик, ҳаёсизлик, ғурурсизлик, беорлик, бошқа-бошқа қатор-қатор палид иллатлар қаёқдан кириб келди ўзи Ота маконимизга?

Корея Республикасининг собиқ Президенти бўлмиш Ли Мён Бак томонидан ёзилган «Мўъжиза содир бўлмайди» (Тошкент – Сеул, «Ўзбекистон» – «Ewhan», 2009) номли ажойиб китобниям ўзингиз ўқиган бўлсангиз керак. Бу китоб моҳиятан инсон қадр-қиммати, шахси, ғурури ҳақида. Қашшоқ бир оиланинг фарзанди бўлган болакайнинг онаси ўз қўшнилариликка меҳмон кутишга кўмаклашгани чиқаради. Уй эгалари ҳарчанд қистамасин, бола, тўкин дастурхондан бир лўкма ҳам оғзига солмайди. Чунки, унга онаси ўзга одамларга беғараз ёрдам қилишни, ўз қадр-қимматини билиши шарт эканлигини ҳар доим уқтириб ва ўргатиб келган.

Егани фақат сувда қайнатилган гуруч, ҳатто шунгаям бирор марта қорни тузукроқ тўймаган норасиданинг анвойи неъматлар билан безатилган дастурхон қаршисида ўтирган ҳолини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг! Ўша вақтда болақай нафсини тийиш учун қанчалар куч сарфлаган экан? Муаллиф ўша кунни эслаб шундай ёзганди: «Мён Бакнинг оиласи бошқача. Улар камбағал бўлса-да, болалари ўз қадрини ҳеч ерга урмайди. Ота-оналари уларни тўғри тарбия қилган» дер эди кўшнилари биз ҳақимизда ҳурмат билан».

Тагин бир ўринда Ли Мён Бак Таиландда ўзи бирга ишлаган Че деган прораб васияти ҳақида ёзганди. Орадан йигирма йилча ўтиб, унга бир аёл қўнғироқ қилади-да, «Мен Таиландда қурилиш объектида прораб бўлиб ишлаган Ченинг рафиқасиман. Агар уни эсласангиз олдингизга бораман, унутган бўлсангиз, бормайман», дейди. Келганидан кейин маълум бўладики, марҳум Че хотинига агар қийналиб қолса Мён Бакдан ёрдам сўрашни тайинлаган экан. Аёл ўғлини улғайтирибди, саноат мактабини битирганидан кейин уни ишга жойлаштириш масаласида кўмак сўраб келибди. Бу аёл илтимосини бир зумда бажарган Мён Бак ундан яна қандай ёрдам кераклигини сўраган пайтида у, эрим фақатгина бир марта ёрдам тилашимни айтган, шунинг учун бошқа нарсани сўрай олмайман, дебди. Унинг ғурурли аёл эканлиги яққол сезилиб турарди, деб ўз эҳтиромини изҳор этганди ажойиб китобнинг ажойиб муаллифи.

Нафсиламрини айтадиган бўлсак, ғурурсиз кимсалар ҳамма замонларда барча миллатлар орасида бўлган, бор ва келажакдаям бўлишини инкор эта олмаймиз. Халқ мақолида айтилганидек, «Ўз қадрини билмаган – бировнинг қадрини на билсин». Шуларнинг қасофати уриб инсоният неча-неча бор талотўпларни ўз бошидан кечирган. Бундай кимсалар Ватан дарвозаларини ёвларга доимо очиб берган, ўз бегуноҳ ватандошлари қонини керагича тўккан. Ўз қадрига, шаънига эга бўлмаган, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилувчи, шахс сифатида шаклланиб улгурмаган киши. «бўш одам» дейилади. Бундай одам ҳаётда жудаям кўп тўсиқларга дуч келади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатида емирилиши ҳам осон кечади. Энг аянчлиси, мақсадини, орзу-ҳавасларини амалга оширишни эрта-индинлар билан ортига суриб, бебаҳо умрини ҳам бой бериб қўяди, шамолга совуради...

Ғурурли, ориятли кишилар мардлиги ва фикрида собитлиги

билан ўз атрофидаги инсонларнинг ҳурматини қозонади. Бундай фазилатларга эга бўлмаган кимсаларнинг иззатталаблик қилиши бўлса мутлақо акс натижани беради, унга нисбатан бошқаларнинг чексиз нафратини қўзғайди. Келинг, шу ўринда мавридиям келиб қолганлиги сабабидан Бекзод Иброҳим қаламига мансуб «Орият» сарлавҳали битикни («Шарқ зиёси», 2018 йил, 17 май) ўқисак:

« – Ҳамро полвоннинг орига ким чиқа олади? Ораларингда Ҳотам полвонга бас келадиган биронта мард инсон борми?»

Ҳамма сукутда. Бари полвонларнинг дами ичида. Ҳотамни Ҳамро полвон юта олмагач, кимнинг ҳам юраги дов берарди...

– Менга дуо беринг, мулла бова, – дейди жиккак, котмадан келган Ҳаким тўсатдан ўрнидан сапчиб туриб. – Акамнинг орини ўзим оламан.

Ҳамма гурр этиб унга қарайди. Ҳотам уни биринчи қўлдаёқ чирпирак килиб ташлайди-ку? Одамлар юз-кўзларидаги ифодани яхши уққан Ҳаким ниятини янада қатъийлаштиради.

– Акам учун, кишлоғимиз учун...

Полвонлар даврани уч марта айланиб бўлиб, энди курашга чоғланган маҳал Ҳотам полвон қўлини юкорига кўтаради.

– Мен таслимман, ана шу боланинг орияти учун мағлубман, мана шу полвон йигитга беринг совринни...

«Халқ ҳар иккала полвонни олқишлайди».

Чинакам орият ва ғурур туйғуси пахлавонлар, чавандозлар ва чапани табиатли инсонларда нисбатан кучлироқ бўлади. Доно ва жудаям кўпни кўрган халқимизда «Юрагида чинакам ёли бор», «Юраги иккита отнинг калласидек», «Ўтданам, сувданам тоймас чапани» каби иборалар бежиз дунёга келмаган. Аслида-ку, ўзлик ва ғурурнинг асосий сув ичадиган чинакам ўзани АҚЛ дарёсидир. Турмушнинг икир-чикирлари орасида бутунлай ўралашиб қолиб кетиб, ақл ва билимнинг асл булоғини бемаънилик билан бекитиб қўйган ҳар қандай орияти ҳамда ғурури юксак инсон ҳам бачкана ҳамда ҳар хил майда-чуйда одамчалар, икки кўзли, тахминан 80 – 90 килограмм келадиган танадан заррача фарқи бўлмай қолади.

Ақл ва ғурур – инсоннинг икки ўқ илдизидир. Дунёни дунё қилишда ақлли, заковатли инсонларнинг улуши бекиёс. Ўз ақли туфайли инсон Курраи Заминдан ташқарига ҳам интилди, бошқа сайёраларга кўзини тикди. Ақлнинг етагида ғурур кучая борди.

Хуллас, ақл бирламчи-ю, ғурур эса иккиламчими? Йўқ, шундай пайтлар бўлиб турадики, ғурурнинг бош кўтариши ақл-заковатга бекиёс даражадаги янги имкониятлар эшигини ҳам очиб беради.

Ғурур инсоннинг ўзлиги ҳамда миллатнинг чинакам кўрки. Ғурури мавжуд элнинг санокда ҳисоби, оламда ҳурмат-эҳтироми, эъзози бор. Бу ёруғ оламда тарафкашлик ва эллар аро зиддият бор экан, ғурур ҳам зинҳор ўзининг қадри ва қимматини йўқотмайди.

Жангу жадалда зафар кучган, ғолиб келган ғаним мағлубият аламини ичишга мажбурланган эл ғурурини эринмай, мунтазам тарзда поймол этиб, ғижимлаб, пачағини чиқариб аста-секинлик билан синдириб, бурдалаб бораверади-да. Поймол этилган ғурур ўрнига кўрқув уруғлари бетиним равишда сепилади. Ўзликда ҳам кўрқув пайдо бўлдимиз, энди элнинг косасиям оқармайди, хиёнат, сотқинлик, элфурушлик ва ватанфурушлик авж олиб кетаверади. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, Миллий истиқлолимиз ўзбекнинг амалда адои тамом бўлаёзган ғурурига қайтадан жон бахш этди.

Эндиги вазифа – ўша ғурурни юксалтириш, ухлаб қолганини уйқуси, мизғиётганини мудрашдан уйғотиш, ўзлигини англатиш, одамларни инсонга айлантиришнинг жадал жараёнидан иборат. Бу борада турли-туман ички-ташки тўсиқлар ниҳоятда кўплигини жараён иштирокчиси бўлмиш ўзингизам ниҳоятда яхши биласиз.

ЎВУЗЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

Қадим ўтган замонларда Эрон деган маконнинг Исфохонида истиқомат қилувчи ёр-дўстлар сайр-саёҳатнинг орзусида сафарга чиққан эканлар. Тоғ пойидаги бир гўзал қишлоққа етганларида Арслон деган шериклари аввал амалга оширган саёҳати давомида бошидан кечирганлари ҳақида шундай ҳикоя қилиб берган экан:

– Саёҳатга чиққан чоғимизда ёнимда ўн минг сўмлик олтин пул солинган халтам бор эди. Хуррамободда турган пайтимизда шу халтачамни ҳеч ким кўрмайдиган жойга бекитиб қўйган эдим. Шунинг эсимдан чиқариб, қолдириб кетган эканман. Шу қишлоққа етиб келганимиздан кейин эсимга тушиб қолди. Хуррамободга қайтиб, халтам қолдирилган жойга қарадим. Халтачани қандай қўйган бўлсам, шундайлигича турган экан. Беҳад хурсанд бўлиб

уни олдим. Қуёш ботиб, қоронғи туша бошлаган палладагина бир қишлоққа етиб келдим. Тунни шу қишлоқда ўтказмоқчи бўлдим. Шу қишлоқлик ўрта яшар бир киши уйига таклиф қилди. Унинг уйи бир неча хонадан иборат экан, биттасига мени бошлаб кирди, иззат-икром билан ўтказиб, таом келтирди. У билан биргаликда овқатланиб, дунёнинг ишлари, у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтирдим.

Истироҳат, яъни уйкуга ётиш вақти яқинлашгач, у киши:

– Азиз меҳмонимиз, тунни мана шу хонада ўтказасиз, кўрпа, ёстиқ, ҳамма нарса анови тахмонда турибди. Мабодо ёнингизда олтин ёхуд бошқа қимматбаҳо нарсаларингиз бўлса, менга бериб қўяверинг, ўғрилар олтинингиз борлигини сезиб қолган бўлсалар, сизни бу ерда холи топиб, зиён етказиб қўйишлари ҳам мумкин.

Мен унга дарҳол ишониб, халтамни кўлига тутқазиб қўйдим.

Бир фурсат ўтганидан кейин эса эр-хотин турадиган хонадан уларнинг алланималар ҳақидаги товушларини эшитиб, ташвишга тушиб қолдим. Асло танимаган, билмаган кишига олтинларимни топширганимдан афсусланиб, дарҳол хожани хонасидан чақириб:

– Биродар, мен эрталаб жудаям барвақт кетаман! Сизни тонг саҳарда уйғотиб бесаранжом қилишни сира истамайман. Шунинг учун халтамни қайтариб беришингизни сўрайман, деган эдим, у одам зудлик билан келтириб, ўз хонасига қайтиб кириб кетди.

Халтанинг ипи ечилмаган, муҳри ҳам жойида эди. Шундай бўлса ҳам оғзини очиб, олтинларни санаб чиқдим. Бир дона ҳам олтин ўғирланмаган, ҳаммаси ўз жойида эди. Мен ўша одам пок виждонли, омонатга хиёнат қилмайдиган киши эканига ишондим.

Орадан бир озгина ўтар-ўтмас эр-хотин ўртасида кўтарилган жанжал – ғавғо саси эшитилиб қолди. Ирғиб ўрнимдан турдим. Улар турган хона эшигига астагина яқинлашиб ғиди-бидиларига кулоқ тутдим. Хотин эрига қаттиқ-қаттиқ сўзлаб шундай дерди:

– Росаям тентак, нодон, телба киши экансиз-ку! Қўлингизга Худо бериб шунча бойлик тушган пайтида, уни бой бердингиз, у мусофирни йўқ қилиб, олтинига эга бўлсак, ким билиб ўтирарди?

Уларнинг гапини тинглаб, юрагимга қаттиқ ваҳима бостириб кирди. Зудлик билан халтамни олиб, ўзим жойлашган хонанинг ёнгинасида бўлган дарахтнинг энг юқори шохига ўрмалаб чиқиб, барглари орасига яшириниб олдим. Уларнинг 20 ёшлар чамасида бир ўғли шаробхўрлик хасталигига дучор бўлиб, айш-ишрат ва

маст-аластлик балчиғига ботиб қолган экан. Ўша кеча қайдадир бўлган зиёфатда бўкиб майпарастлик қилиб, ўзини билмайдиган даражада ғирт маст бўлиб келиб, менинг хонамга гангираб кириб келди. Ухлаш учун эндигина солган ўрнимга гуп этиб кулади ва дарҳол хурракни ота бошлади. Пок виждонли отасининг: «Олтин, бошқа қимматбаҳо нарсаларингиз бўлса, менга бериб кўяверинг, ўғрилар сизнинг олтинингиз борлигини мабодо пайкаб қолишган бўлса, холи топиб, зиён етказиб кўйишлари ҳам мумкин», деган огохликка даъвати ўзининг ўғлига ишоралигини энди пайкадим.

Эри ухлаб қолгандан кейин хотин секингина ўрнидан турди. Катта бир тошни кўтарволиб, мен боя ётган хонага кириб келди. Хона эса қоп-қоронги, зимистон эди. Ўрнимда ғишт-монтировка бўлиб ётган ўғлининг ёнига мушукдек писиб, лабини ялаб келди. Мени гумон қилиб, ўғлининг калласига харсанг билан туширди. У ўша заҳотиёқ тил тортмай ўлди. Ундан кейин хотиржам бўлиб халтачамни излашга тушди. Тополмасдан эри қошига қайтишга мажбур бўлди. Ҳеч нарсадан беҳабар эрини уйқусидан уйғотиб:

– Мен ўша мусофирни ўлдирдим. Тезда ўрнингиздан туринг. Унинг ўлигини бир илож қилиб кўмиб ташлайлик ё бирор жойга йўқотайлик, халтасини бўлса кейинроқ топиб оламиз, – деди.

Бечора эри ўрнидан сакраб турди, падарлаънати хотинини роса бўралатиб сўкиб, у билан ўғли ётган хонага кириб келишди. Чирокни ёкиб қарасалар, ўлдирилган мен эмас, ўз ўғли эканини кўрган хотин сочини юлиб, юзини тирнаб дод-вой сола бошлади. Хотин мана шу тарика ўзини юлқиб-юлқиб оҳ-воҳ қилди, ниҳоят қайғу-аламига чидай олмай, ўғлини урган тошга ковок калласини уриб, ўзини ҳалок қилди, нариги дунёга ихтиёрий равона бўлди.

Дард-ғам дарёсига ғарқ бўлган, бирпасда ўғлидан ва галварс бўлса-да, хотинидан ажралган уй эгаси мени излашга тушди. Мен дарахтдан сирғалиб тушиб, унинг ёнига келишга мажбур бўлдим.

– Азиз меҳмоним, мухтарам биродарим, – деди у, – қолган ишларим билан банд бўлиб сенинг ҳолингдан хабар ололмадим. Менинг узримни қабул қилишингни сўрайман. Тунда бошқа ерга яшириниб олиб жуда яхши иш қилибсан, бўлмаса ёвуз хотиним ва ўғлим сени ўша олтининг ҳирсида талардилар, ўлдирардилар.

Шундай қилиб, Арслон билан бояги номусли инсон самимий дўстларга айландилар. Бир умр борди-келдиларини узмадилар.

ОМОНАТ НИМА ДЕГАНИ?

Кейинги пайтда ҳар хил давраларда одамлар билан бафуржа суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, кимдир бирон-бир таниши ёхуд қариндоши ваъдасига вафо қилмай алдаб кетганлиги ёки бировга катта миқдордаги қарз бериб, энди ололмаётганлигидан нолийди.

Бундан уч минг йилларча аввал улуғ аждодларимиз эътиқод қилишгани зардуштийлик дини муқаддас китоби – «Авесто»нинг «Вандидод» («Девларга қарши низом») наски (бўлаги) тўртинчи фаргарди, 1- бўлим, 1- бандида бу муҳим масала ҳақида шундай дейилган эди: «Кимда-ким қарзини ўз эгасига қайтармаса, унинг ушбу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, ушбу амали омонатни иккинчи марта қайта ўғирлаб олгани билан баробардир, теппа-тенгдир»...

– Агар шунчалик даражада ишончсиз одам экан, нимага унга ўйлаб-нетиб ўтирмай бор пулингизни бериб юбордингиз? – деган саволни бериши ҳам табиий уни эшитиб турган ўзга кишининг.

– Бошига қаттиқ ташвиш тушиб қолганлиги учун у бечорага жудаям раҳмим келганди-да, – деган жавобни эшитамиз кўпинча.

Дарҳақиқат, раҳмдиллик ила меҳр-шафқатлилик инсондаги (ҳар қандай одам, кимсадагимас) энг олий фазилат. Шу сабабдан ҳам меҳр-шафқатли инсонларга Яратган ҳамиша меҳр ва саховат билан қараши ҳадисларда кўп бора такрорланади. Бироқ, ҳамма кишилар ҳам бунни тўғри тушуна олармиканлар?! Шундай юксак фазилатли инсонлар меҳри, оқибатидан ўз манфаати йўлида бир амаллаб фойдаланиб қолишга уринаётган, уларнинг омонатига хиёнат қилаётган худди ўша кимсаларни не деб аташимиз керак?

Ислом оламининг буюк мутафаккирларидан, Шарқ дунёсида «Хужжат ул-Ислом» рутбаси билан машҳур Абу Ҳомид Ғаззолий қаламига мансуб «Мукошафат-ул қулуб» («Қалблар кашфиёти») номли китобда келтирилган битикдан ҳам бир баҳраманд бўлсак.

«ОМОНАТ сўзи ИМОН истилоҳидан ясалган. Аллоҳнинг амрларидан ташкил топган омонатни кимда-ким яхши муҳофаза қилса, Аллоҳ ҳам унинг имонини жуда яхши муҳофаза қилади. Мана шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с. а. в.) шундай буюрадилар:

– Омонатни яхши сақламаган кишининг Имони ҳам йўқдир.
Ахдида турмаганнинг дини йўқдир.

Шоир дейдики:

Хиёнатга қўрқмай борган, ҳалок бўлгай,

Омонатни асрамаган, қурир гулдай.

Дини билан инсонлиги ташлаб кетгай,

Уни бир-бир мусибатлар таъқиб этгай. (44 – 45- бетлар).

ОМОНАТ калимасининг ўзаги АМИНдир. Амин бўлмоқ эса, кўркув ва андиша эҳтимолидан холи бўлмоқдир. Омонатга риоя қилинган жойда бировнинг ҳақи ўтганлиги тўғрисида андишага борилмайди. Омонатнинг тескариси хиёнатдир. Бу сўзнинг ўзаги ҳайн бўлиб, нуқсон, етишмовчилик маъносида келади. Чунки бир жойда кимгадир хиёнат қилинса, унга етишмовчилик (камомад) етказилган, яъни унинг бирор нарсаси йўқотилган (ё ўзлаштириб олинган) бўлади» (62 – 63- бетлар).

Ориятли, номусли ота-боболармиз бировларнинг омонатига хиёнат қилишни ниҳоятда оғир гуноҳ, деб билганлар ва агар ўша омонатни берган инсон тўсатдан вафот этиб қолган тақдирда ҳам унинг мулкини яқинларига етказишни ўзлари учун муқаддас бурч ҳисоблаганлар. Келинг, ўзингиз яхши биладиган «Бобурнома»да битилган бир воқеани яна эсимизга олсак. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз отасининг ҳаёти-фаолияти ҳақида ҳурмат-эҳтиром билан битган ёзувларини, ҳозирги замон нуктаи назаридан ҳайрат билан ўқиб, ажойиб хусусиятлар, фазилатларнинг анча-мунчаси унга буюк аждодларининг насли ва қонидан ўтганлигига ўзимиз ҳам яққол амин бўлишимиз мумкин: «Умаршайх мирзо... покиза эътиқодлиқ киши эди... Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эрдилар...

... Адолати бу мартабада эдики Хитой карвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлуқ («ўй») ҳозирги даврда бизлар ўйлаганимиздек, уйнимас, чорвани, яъни сигир, қўй ва отларни англатади. Масалан, отлар тўдасини уюр деганимиз каби) корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб мухаллис (қутқарувчи, халос этувчи)ларни йибориб, корвоннинг жамиъ жиҳоти (мол-мулки)ни забт қилди.

Ҳар чандиким вориси йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини

тилаб келтуруб, молларини (бўлса) солим (эсон-омон ва саломат) топширди». Яъни, Умаршайх ўзгалар мулкани эгасига топшириш учун, ворисларини ахтариб топиш учун бир-икки йиллик умрини сарфлаб, меросхўрларига топширганидан сўнг енгил нафас олган.

Бироқ, кейинги пайтда бу буюк қадрият анча қадрсизланган, унутилган, омонатга хиёнат қилиш эса айрим «олғир, тадбиркор» кимсалар учун оддий ҳолга айланиб қолгандек ҳам туюлади...

Ахир «Икки кунда, дарров қайтариб бераман-да», «Мен бир сўзли одамман!», «Наҳот, Сиз менга ишонмасангиз?», «Бировлар ҳақиқага хиёнат қилишдан кўрқаман», дея ўз ишини тезроқ битириб олиш мақсадида ўзини ўзи ҳалол – лафзли инсон қилиб кўрсатган кимсаларнинг айтилган муддатда сувга тушган тошдек йўқ бўлиб кетиши унга роса ишониб, бор-будини берворган инсон учун ҳам ниҳоятда оғир ҳолат ҳисобланади. Чунки, у раҳмдиллик қилиб, ўз оиласи, фарзандларининг ризқ-рўзини кўкка совургани учун бир эзилса, яқин дўстим деб юрган кишининг бунақа даражадаги мунофиқлиги, палидлигидан бир минг баравар эзилади. Шундай пайтларда наҳотки арзимас мол-мулк ҳамда икир-чикирлар инсон лафзидан устунроқ бўлса, дея чуқур, оғир ўйга ҳам толасан киши.

Бир қашшоқ балиқчи катта балиқ тутиб олиб, жуда хурсанд бўлиб кетаётганида, йўлидан девсифат баҳайбат зўравон безори чиқиб қолибди. Агар жонидан умиди бўлса, дарҳол балиқни унга кўшқўллаб топширишини сурбетларча талаб қилиб, ўта қирчанғи, яғир эшак каби оёғи(туёғи)ни жуда қаттиқ тираб туриб олибди.

Бечора балиқчи эса бу ўлжани сотиб, фарзандларига егулик олиб бориши кераклигини ва болалари оч-яланғоч ўтиришганини айтибди. Бироқ, хумкалла зўравон бор кучини ишлатиб, балиқни бечорадан тортволибди. Балиқчи оч болалари учун қанча ялиниб-ёлвормасин, муштумзўр барзанги пинагини ҳеч бузмай, чорасиз қолган балиқчининг тутиб олган балиғини олиб жўнаб қолибди.

Зўравон ўлжани олиб йўлда кетаётса, балиқ жуда ҳам қаттиқ типирчилабди-ю, тўрдан пастга тушиб кетибди. Дилозор одам эса уни тутиб, қайта тўрига жойлаштиришга уринаётган маҳал, балиқ унинг бош бармоғини тишлаб олиб, жароҳатлабди. Бармоғидан қон оқа бошлабди. Бунга унчалик аҳамият бермаган безори ўйига келиб, ҳеч нарсани ўйламай балиқхўрликни бошлаб юборибди.

Жароҳатланган бармоғи бўлса тунни билан уйқу бермай жуда

каттик оғриб чиқибди. Лўқиллаётган оғриққа чидай олмаган одам эртасига табиб хузурига ҳаллослаб чоғиб борибди. Ўша табиб эса жароҳат жуда жиддийлигини, яъни гангрена (чириш) касаллиги бошланиб кетганлигини айтибди. Агар бармоқ кесиб ташланмаса, бу хасталик бутун қўлига ўтиб кетиши ҳам мумкинлигини айтиб, огоҳлантирибди. Табиб безорининг бармоғини кесиб ташлабди. Оғриқ сираям тўхтамабди. Бунинг натижасида бўлса, табиб унинг жароҳатланган қўлини тирсагига қадар кесиб ташлашга мажбур бўлиб қолибди. Оғриқ барибир тўхтамабди. Оқибатда, ўша қўлни елкагача кесиб ташлашдан ўзга ҳеч қандай чора ҳам қолмабди.

Беҳад даражада азоб бераётган оғриқдан қаттик азият чеккан одам авлиё даражасига кўтарилган донишманднинг хузурига бош эгиб, мадад ва малҳам сўраб, янада ҳам аниқроғи тилаб борибди. Донишманд воқеаларни миридан-сиригача суриштириб билгач:

– Сен зудлик билан ўзинг озор етказган балиқчини қидириб топгин. Сенинг дардингнинг асосий илдизи унинг норозилигида. Тезда ундан кечирим сўраб, бечора балиқчини рози қилолмасанг дардингга бирор даво топа олмаслигинг ҳам турган гап, – дебди.

Зўравон, безори кимса ўша балиқчини излаб топибди. Унинг оёқларига йиқилиб кечирим сўрабди, роса тавба-тазарру қилибди, бўлган воқеани миридан-сирига қадар айтиб берибди. Бағрикенг балиқчи ўйлаб-негиб ўтирмай, барзанги талончини кечирибди.

Шунда у одам ўша балиқчидан ҳадиксираб, аста сўрабди:

– Сендан балиқни тортиб олган куним ўзинг Аллоҳга нима деб йиғлагандинг ёки нималарни сўраган, илтижо қилган эдинг?

Шунда бечора балиқчи баҳайбат барзангига қарата дебди:

– Ўша кимса билакларидоғи кучи билан менга зўравонлик қилди. Менинг кучим етмади, аммо, мен бу ишни беҳад кудратли Аллоҳга топширдим деб, кўзимда ёш билан уйга оч болаларим олдига куруқ қўл ила қайтдим. Аллоҳ ризқимизни ўзи етказди...

Бир қўлидан айрилиб қолган ўша хумкалла кимса эса фарёд қилиб, роса бўкириб йиғлабди, аммо энди жуда кеч бўлган эди...

Халқимизда «Алдаганни алдайдилар», деган гап борлигидан ҳам бохабар бўлсангиз керак. Ҳақиқатан ҳам кузатган бўлсангиз, ёлғончи, каззоб, лафзсиз ва бировлар ҳақидан ҳазар қилмайдиган кимсаларнинг иши вақтинчалик гуркираб кетгандек туюлса-да, аммо, бора-бора уларнинг касодга учраётганлиги, кимлардир чув

тушириб кетаётгани ёхуд фарзандлари ноқобил чиққанлигининг гувоҳи ҳам бўлгансиз. Бошқаларга ҳам айтиб бергансиз, огохлик сари чорлагансизам. Баъзи бир каззоблар барча кўргуликларнинг бош айбдори ўзи эканини билиб, дарҳол ўзлари «қон қақшатган» инсонларни тезроқ рози қилишга уринади. Бунақасини ўзингиз ҳам «Кичкина табиб» бадийий фильмида хасталикка дучор бўлган Нигоранинг бобоси тимсолида ҳам кўргансиз. Бироқ, қаллоблар ва фирибгарларнинг кўпчилиги бунинг сабабини ўзга жойлардан кидириб, ғафлатда қоладилар. Ўзларини алдаб кетган одамларни яниб, улардан эса доимо домангир бўлиб кунларини кечирадилар. Бундай кимсаларни эса кўнгил кўзи сўқир, кўр одамлардир, десак сира янглишмаган бўламиз. Чунки, қалб кўзи очилмас экан, одам адашиш, қоқилиш, қайғу-алам чекишда давом этаверади. Унинг шодлигидан кўра қайғули кунлари кўп бўлиши эса ҳаммага аён.

Шу ўринда мавриди росаям келиб қолгани туфайли қадимги Ҳиндистоннинг «Ману қонунлари»идан айнан жазо билан боғлиқ бир неча моддани ёдга олсак, мутлақо ортиқчалик қилмаса керак:

«Жазо одамларни бошқаради. Жазо одамларни кўриқлайди, Жазо ҳамма ухлаганда сергак туради, Жазо ҳаётнинг асосидир.

Агар шоҳ Жазога лойиқ одамларни жазолаб турмаганида эди кучлилар заифларни баликни сихда пиширгандек еб қўйишарди. Ноҳақ жазо одам шаънини тўқади одамлар ўртасидаги обрўйини кетказади, шу боисдан ҳам ундан нарироқ юрмоқ даркор...»

Гарчи ўзингиз ҳам яхши билсангиз-да, Арастунинг шогирди Искандарга насиҳатларининг жазога доир бўлагини эсга олсак:

«Эй Искандар, сен жиноятчиларни жазолашга буюриб, буни уларнинг қилган гуноҳи учун берилган жазо ёхуд уларнинг тўғри йўлга киришига сабаб бўладиган бир тадбир деб ҳаёл қилурсан. Шундай ишга жазм этган экансан, аввало ўз қалбингга мурожаат қилгин... Жиноятчига жазо белгилашдан асл мақсадинг яхши ном чиқаришми ёки қаҳру ғазабингга таскин беришми, шуни аниқлаб олгин. Агар бу ишдан кўзлаган мақсадинг қасд олиш бўлса, яхши билгилки қаҳру ғазаб аччиқдир, аччиқ дарахт бўлса ширин мева бермайди... Билгилки, сен ҳакамлик қилаётган чоғингда жазони белгилай туриб ҳаддан зиёд қаттиққўллик қилсанг ва белгилаган жазоларинг ҳақиқатга хилоф бўлса, мақсадинг жиноятчини тўғри йўлга солиш бўлмаса у ҳолатда жазолаш орқали ўзингга етказган

зараринг жазоланувчига етказган зиёнингдана анча-мунча ортиб кетади. Ана шундай бўлгач, сен қозилик қилган чоғингда диққат ва синчковлик билан иш тутгилки, токи бегуноҳ инсонлар сенинг шамширинг ва қамчингдан ноҳақ балоларга гирифтор бўлмасин. Ўзи онгли тарзда қилган жинойтини шамшир ва қамчисиз тузатиб бўлмайдиган кимсалар бўлса сендан асло омонлик топмасин...»

Ўрта асрларда яшаган итальян адиби Николло Макиавелли «Хукмдор» асарида шундай деб ёзган эди: «Хукмдор халқни икки усулда бемалол бошқариши мумкин: Биринчиси – қонун билан, иккинчиси – қуч билан. Биринчиси инсонларга хос хусусиятдир, иккинчиси бўлса йиртқич ҳайвонга мосдир. Мамлакатда тартиб ўрнатишни истасанг давлат бошқарувининг ҳар иккала усулидан фойдаланмоғинг шарт. Оқил кишиларни иззат-ҳурмат қилишни ўрганиб олгин ва қонунларга риоя қилгин; итоатсиз кимсаларга нисбатан қуч-қудратингни ишлатгин! Бошқа муқобил йўл йўқ».

ИЛЛАТЛАРНИНГ ОНАСИ

Бугунги ҳаётимизда учраб турган жудаям кўп иллатларнинг онаси **кибр** деб аталади. У бўлса, ўзингизга ҳам яхши маълумки, нафсдан, яъни ўзимизни ҳаддан ташқари яхши кўришимиздан ва севишимиздан бинога келади. Аслини олганда, моҳиятимизнинг тенг ярми нафсдан иборат экан, ўз-ўзини яхши кўриш, севиш ҳам зарур ва табиийдек туюлади. Фақат, ўртага яна худди ўша меъёр масаласи тушадики, унга риоя этиш ўта мушкул, ўзни севишнинг меъёридан ортиғи эса тўппа-тўғри кибр томонга бошлаб боради.

Кибрга бўй бериб қўйган одам бўлса ўзини ўзга кишилардан бешак устунроқ даражада ҳис қила бошлайди. Бу ҳис – иллатни у ўз фаолиятида манманлик ва ўзибилармонлик каби тамойилларга таянибгина реаллаштириши мумкинки, бунинг натижасида ўзга инсонларни менсимаслик, бировнинг шаъни, ор-номуси ва кадр-қимматини топташ, улар ҳақини ўзлаштириб олишу ҳуқуқларини поймол қилиш ҳам унга одатий ҳолат бўлиб кўрина бошлайди...

Таъкидлашимиз жоизки, бу гаплар ижтимоий мақоми анча-мунча баланд кишиларгагина тегишли деб ўйлаган кишилар хато қилади. Зеро, ушбу вирусдан деярли ҳамма кишилар зарарланади,

яъни, кишиларнинг ижтимоий мақомига касалланиш даражаси ва иситмаси боғлиқ, холос. Масалан, айтайлик, ўтиш жойида пиёда кетаётган кишиларга йўл бермаган ҳайдовчининг бу қилмишини кибрга йўйгудек бўлсак, эҳтимолки, хайрон бўлар, ҳатто эътироз ҳам қилар. Аммо, куппа-кундуз куни сира ҳам тортинмасдан, тап тортмасдан пиёдаларнинг ҳақини ўзлаштираётганининг замирида менсимаслик, кибр бўлмасдан нима? Ёки бугун соат фалонга деб туманнинг улкан залига мажлис чақириб қўйган раҳбарнинг уч – тўрт соатлаб бемалол «ушланиб» қолаверишиям айнан кибрдан, ўша залга тўпланган одамларни менсимасликдан бошқа нарсаям эмас-да. Кечиккани-ку, хўп майли, лекин кечирим сўрашни ҳаёли четига ҳам асло келтирмасдан, мажлис аҳлини ёппасига «сен»лай бошлаши, тик қилиб қўйилган «осий»ларга айтганлари – эшитса илонларам пўст ташлайдиган ҳақорат, сўкиш, дағдағалар... булар энди кибрнинг хуружи, роса жўш уриб кўпириши, агар халқона тилда ифодалайдиган бўлсак – қутуриш! Демокчи бўлганимиз ҳам шуки, ҳайдовчида ҳам, арбобда ҳам кибр ўз меъёридан ошиб кетди, фақатгина даража биринчи кимсада, борингки, мингдан бирлар билан, иккинчисида бўлса ўндан бирлар билан ўлчанади...

Буюк файласуф Эпикур шогирдлари билан турса, ўта башанг кийинган бир киши ўтиб қолибди. Файласуф уни кўриб дебдики, «Бу кибрдан!» Бироз фурсат ўтиб, энди жудаям жулдур кийинган бир киши ўтибди, устоз унга ҳам ишора қилиб дебдики, «Бу ҳам кибрдан!» Бу ривоятни эслашдан мурад эса – битта хусусиятнинг бир-бирига тамомила зид иккита кўринишига диққат-эътиборни тортиш. Зеро, инсонийлик асосларидан ғурур, викор, ор сингари сифатлар манбаи ҳам нафс, ўзини севиш-да! Яъни нафсни буткул оёқости қилиш ҳам, агарда у таркидунё қилмаган бўлса, кишини инсонийлик мазмун-моҳиятидан беҳад йироқлаштириб юборади. Дейлик, бизларнинг ҳақимизга сурбетларча тажовуз қилинишию, ҳуқуқларимизнинг поймол этилишига миқ этмасдан, лаллайиб ўзимиз йўл қўйиб беришимиз ва қадр-қимматимизни ерга уриб, шаънимизни таҳқирловчи ҳақоратларни лик этиб ютворишимиз – унинг номини ҳар қанча чиройли қилиб «истихола» ё «андиша» десак-да, аслида қуллик руҳиятининг қолдиғи, унга қайтадан жон ато этгани бўлса, юқорида алоҳида қайд этганимиз – меъёрнинг бутунлай бузилиб кетишидир. Энг ёмони бўлса, шу қолдиқ билан

кибрнинг чатишувидан «мутант» хусусият ҳам пайдо бўлганига анча бўлиб қолди. Бу ўринда биз айнан ўзи бош бўлган муҳитда ҳокими мутлақ, юкори доираларда бутунлай муте ўларок ҳаракат қилишни назарда тутмоқдамиз. Бунақа ҳолатни исботлаб берувчи мисолларни ўзингизам керагича, ҳаттоки керагидан ортиқчасини ҳам келтира оласиз. Оқибатда, ҳозирда кўпчилик орасида Шўро замонидегидек «мен бошлиқман, сен – аҳмоқсан, сен бошлиқсан, мен – аҳмоқ» тамойили ҳам қайтадан урфга кириб бораётгандек...

Одатда ўзимиз атрофимиздаги одамларга қандай кўринишни истасак, шунга мувофиқ тарзда ҳаракат қила бошлаймиз, аслида қандай инсон эканлигимизни ўзимизам маълум даражада биламиз ва илло-билло асл қиёфамиз ўзгаларга кўз-кўз бўлишини мутлақо истамаймиз. Аксари бошқаларнинг назарида қандай одам бўлсак, ўзимизни ҳам аслида шунақа одамман деб ҳисоблаб юраверамиз. Шунга қарамай, баъзан ўзгаларнинг биз ҳақимиздаги тасаввур ва баҳоларини эшитиб ҳайрон бўламиз. Ақлимизниям бир ишлатиб кўрайлик: биз ўзимизнинг ташқи қиёфамиз ҳақидаям аниқ-тиник тасаввурга эга эмасмиз-ку, аллақачон одатимизга айланиб кетган хатти-ҳаракат, имо-ишораларимизни ҳам тузук-курук билмаймиз, кулганимизда, сўзлашган чоғимизда юз-кўзимизда кузатиладиган ифодаларни ҳам кўрмаймиз. Ваҳоланки, бошқа кишилар эса айни мана шу аломатлардан келиб чиққан ҳолда бизнинг қандай инсон эканлигимиз ҳақида фикр юритадилар ва бизни баҳолайдилар.

Аслида инсоннинг учта баҳоси бўлади. Биринчиси, ўзимизга ўзимиз қўйиб олган баҳо. Иккинчиси бошқаларнинг бизга берган, ўзининг ҳаётида ишлатадиган, миясидаги «синов дафтарчаси»га қўйиб олган баҳоси. Учтинчиси бўлса, ўзимизнинг асл «мен»имиз ва моҳиятимиз. Уларнинг барчасини бир-бирига қўшган ва ҳосил бўлган йиғиндини учга (масалан, мен ўзимга ўзим «4» баҳо қўйиб олганман, ўзга биров мени «2» баҳога лойиқ деб топган, аслида бўлса «3» баҳога арзийман, ўртачасиям уч) бўлган ҳолдагина биз ҳақимиздаги нисбий маълумотларни, сал тўғрироқ деса бўлади.

Кўпинча ўзимиз ўзимизни ўраб ва чирмаб ташлаган қобикни ёриб-очиб ташлашни ва жуда узоқ йиллардан буён бошқаларнинг назаридан пинҳон сақлаб келаётган сиру синоатларимизни ошкор қилишни кўнгил тусаб қолади. Одатда бундай ниятлар ўзимиздан кўнглимиз унчалигам тўлмаган, қониқиш ҳосил қилмаган аввалги

яшаш тарзимизни бас қилиб буткул янгича ҳаёт кечириш истаги туғилган дақиқаларда пайдо бўлади. Шунга қарамасдан, айни шу қабилда иш тутадиганларам мавжуд... Натижада бўлса, у бизнинг назаримизда бутунлай бошқа бир одам сифатида гавдаланади...

Инсон асли фаришта ва иблис ўртасидаги бир махлуқотдир. Мавлоно Жалололдин Румий ҳазратлари эса дейдиларки: «Баъзан маъсумлигимизга фаришталар ҳам ҳавас қилади, баъзан бизнинг жоҳиллигимиздан шайтонлар ҳам қочарга жойини тополмайди».

Файласуф олим Блез Паскаль фикрига биноан, одамга кўп жиҳатдан ҳайвонлар каби бир махлуқот эканини кўрсатишимиз билан биргаликда, унинг мўътабар қилиб яратилганини доимо эслатиб туришимиз керак, токи ундаги ҳайвоний ҳислар ўрnidан кўзғалиб кетмасин. Айни пайтда, инсонни фақат улуғлайвериш ҳам ниҳоятда хавфлидир – у бундан кибрланиб кетади ва беҳад даражада худбинлашиб бораверади-да. Одамларга ҳамиша унинг табиати, зеҳниятидаги иккиланганликни ҳам эслатиб туришимиз даркор. Паскаль дейдики: «Нега эски қонунлар ва урф-одатларга риоя қилишади деярли барча одамлар? Улар оқилона бўлганлиги учунми? Йўқ, уларни омма тан олганлиги ва уларга риоя қилиш хотиржам яшашга имкон берганлиги учун... Турли-туман янгилик қилувчилар ҳамда бошқалар кўрқиб айта олмай турган ҳақиқатни сўзловчи инсонлар жуда озчиликдир, чунки аксарият, кўпчилик хотиржамликни истайди... Чинакам ҳақиқатни тан олишга қурби, мажоли етмайдиган кишилар унинг ниҳоятда баҳсли эканлигини баҳона қилади ва кўпчилик томонидан унинг инкор этилишига таянади, суянади. Демакки, уларнинг хатоси ҳам онгли равишда қилинган хатодир ва бунақаларни ҳеч қачон кечириб бўлмайди».

Унақаларда ибрат эмас, тақлид нисбатан кучлироқ бўлади.

Буюк даҳо, тириклигидаёқ «Абулмаъоний» яъни «Маънолар отаси» деган бекиёс даражадаги улуғ унвонга муносиб кўрилган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг барча замон ва маконларга бирдек дахлдор бўлган беҳад асосли таъбирига асосланадиган бўлсак:

*Ҳар кўзки, агар олмаса ибрат, кўрдир,
Ҳар луқма, агар бермаса лаззат, шўрдир.
Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас у кафан,
Ҳар хонаки, бирдек тураверса, гўрдир.*

ДАРВЕШ ВА МУТАККАБИР ҚОЗИ

Қадим ва яқин ўтган замон ҳамда маконларнинг бирида бир қозикалоннинг маҳкамасига ўзларини «аслзода» ҳисобловчилар тўпланиб олиб, мураккаб ва мушкул масалани муҳокама қилиб тургандилар. Шу паллада «чақирилмаган меҳмон» жулдур либос кийиб олган бир дарвеш кириб келиб, «бойлар» ёнидан жой олди.

Қози эса дарвешнинг ҳе йўк, бе йўк, уларнинг ёнига ўтириб олганини кўриб, беҳад дарғазаб бўлди, жаҳл отига миниб деди.

– Сен нега уламолар ва бойлар даврасига кириб олдинг. Ўз мартабангни билмайсанми? Дарҳол туриб пастга ўтир ё бу ердан чиқиб кет! Қатдан келган бўлсанг ўша далага йўқол! Сур бўтдан!

Қозининг ёнида арслон орқасидан чиябўри сингари кунини кўриб юрган хизматкор дарвешнинг ёқасидан олиб, эшик ёнига, пастга судраб туширишга бор кучи билан урина-сурина бошлади:

– Сен ялангоёк, давлатимиз муаммолари ечимига дахлдор бу мажлисда иштирок этишга мутлақо муносиб одам эмассан. Энди бундан буёғига ҳадингни билволгин, бунақа ишларга бурнингни ҳеч сукмагин. «Халқ дегани давлат учун» эканини унутиб кўйган бўлсанг керак, назаримда. Пашшанинг арслон билан курашишга кучи мутлақо етмайди. Сенинг фазл-камолнинг йўк, бир қашшок дарвешсан, уламо ва ҳокимиятдагилар музокараларига аралашиб юришга илмий куч-қувват керак, сенда бўлса у йўк, пастга тушиб ўтир, акс ҳолда мажлис залидан кўчага қувиб чиқараман, – деди.

Дарвеш оҳ тортди, қози ва хизматчининг гапларидан кўнгли ранжиб, ноилож пастга тушиб ўтиришга мажбур бўлди. Депутат деб аталмиш кишилар музокара қилинаётган масалалар бўйича қаттиқ тортишдилар, хўрозга ўхшаб бир-бирларига ҳужум қила бошладилар, иккита тарафга бўлиниб олиб, ғавғо кўтардилар. Ёқа бўғишишларигаям яқин қолди. Бирок, муаммо ечими топилмади. Дарвеш уларнинг қилиқлари устидан мийиғида қулиб, жимгина ўтираверди; ниҳоят чидай олмади, иккала тарафни шу жанжалдан тўхташ, масаланинг оқилона, одилона ечимини топишга чорлади:

– Бўйнингизни чўзиб ва гардан томирларингизни шишириб жанжал қилишнинг мавжуд муаммони ҳал қилишга ҳеч қанақа алоқаси йўк. Ҳеч қандай муаммо бирорта далилсиз ва ҳужжатсиз

ҳал қилинмайди. Ўзим мадраса кўрган кишиман. Сиз муҳокама қилаётган масала устидан менинг ҳам ҳуқуқий маълумотим бор. Илмда қувват-қудратим етарли даражада, саволлар ва жавобларга тайёрман. Сиз муҳтарам жаноблар, жойингизга ўтириб олинг ва бошқа жанжаллашманг! Менинг сўзимга ҳам бир кулоқ солинг!

Ҳокимият ходимлари ва вакиллар ҳайрон бўлиб, дарвешдан фикрларини баён этишни сўрадилар. Камбағал, аммо ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан миллиардер дарвеш шу қадар фасоҳат, завқ билан жўшиб сўзладики, мажлис аҳли ҳайратдан ҳайкалдек қотиб қолди. Дарвеш масалани қатъий далиллар билан ҳал қилиб кўяқолди. Уяси бузилган арилардек тўзғиган мажлислар залининг ҳар тарафидан таҳсин ва офарин товушлари эшитила бошлади.

Мутақаббир қози ҳам дарвешнинг илм-фазлига қойил қолиб, ўз эғнидаги ипакли тўни ҳамда катта салласини хизматчисининг кўлига тутказиб қўйди. Буларни неча кундан буён ечимини топа олмаётган масалани бирпасда ечиб ташлаган дарвешга кийдириб қўйишни буюрди. Ўзи эса эгилиб-букилиб, дарвешдан узр сўраб:

– Эй, биродар, мен сизнинг кадр-қимматингизни билмабман. Бу тўнни кийиб, саллани ўраб, юқорига чиқиб ўтиринг, – дебди.

Хизматкор эса чор-ночор илжайиб, дарвешга таъзим қилиб, салла ҳамда чопонни кийдирмокчи бўлибди. Дарвеш бўлса, ўзини нақ ҳоким ҳисоблаётган хизматчини ўзига яқинлаштирмай дебди:

– Сал нарироқ туринг, такаббурлик ва ғурурга сабаб бўлувчи бу тўн билан салла менга мутлақо керак эмас. Эски-туски либос ақл-фаросатимни камайтирмагани сингари ипакли тўн, каттакон салла заковатимни оширмайди. Ақл кийим-кечак, сарпо-суруқда эмас, инсоннинг бошидадир. Шундай қимсалар бор, қимматбаҳо либосларга бурканиб олганлар, ўзларига керагича оро берганлар, бироқ илм-маърифат ва одоб-тарбиядан буткул бебахралар. Ўзим кийимлари ночор бўлса-да, не-не инсонларни кўрдим. Шу билан бирга қанчадан-қанча кийимларни кўрдим, аммо уларнинг ичида бирортаям одамни кўрмадим. Ақл-идроқ учун кийимдан ҳам кўра илм-маърифат, ўқиб-ўрганиш, фаросат керак, азиз биродарлар!

«Ўзига эмас, сўзига қара!» нақлидан ўзингизам бохабарсиз. Беҳад мураккаб ҳаётда одамнинг либосига, зоҳирий суратигамас, фазл-камоли, ақл-ирфони, сўзи, ахлоқ-тарбиясига эътиборимизни қаратсак, ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам катта наф, фойда бўлади...

ФАҲМ-ФАРОСАТНИНГ ТАНТАНАСИ

Қадим замонларда бува-бувилар, ота-оналар келажак авлод тарбиясида зийраклик ва синчковлик масаласига алоҳида эътибор қаратгандилар. Ўзларини Она табиатдан айро кўрмаган аждодлар бугунгидек экологик тарбияга ҳам унчалик муҳтож бўлмаганлар.

Куйида ўқийдиганингиз ривоятни қачонлардир ва қаердадир эшитган бўлсангиз ҳам керак. Камина ҳам уни Наманган давлат университети талабаларига, маънавий-маърифий давраларда кўп йиллардан буён айтиб келяпман, синчковликка даъват қияпман:

Қадим замонда Турон деган заминда фаҳм-фаросатли, зукко Нажмиддин, Фазлиддин, Ҳусниддин исми уч ака-ука ўз падари бузрукворлари – Шамсиддин отанинг дуосини олволиб, сафарга жўнаб кетдилар. Йўлда кетишар экан, ўша сўқмоқдан ўтиб кетган бир туянинг изи улар эътиборини ўзига жалб этди. Туя бир қанча белгилар қолдириб кетганди. Уч йигит туя қолдирган белгиларни жуда диққат билан текшириб йўлларида давом этавердилар. Бир оз юргандилар, ҳовлиқиб, ўпкасини кўлтиклаб, тилини осилтириб югуриб келаётган ўрта ёшли кишига кўзлари тушиб қолди. Ўша юз-кўзларидан тер шовуллаб куйилаётган киши ҳансираб келиб:

– Йигитлар, мен бир туямни йўқотиб қўйдим, мабодо унга кўзингиз тушмадимиз? – деб сўради. Нажмиддин унга қарата:

– Туянгизнинг бир кўзи кўр, унинг устига бўлса бирида ёғ, иккинчисида асал солинган икки идиш осгансиз, тўғрими? – деб мурожаат қилди. Ҳалиги киши хурсанд бўлиб кетиб: «Роса тўғри айтдингиз», деб гапини тасдиқлади. Кейин эса Фазлиддин айтди:

– Ўша туянгизнинг битта тиши тушиб қолганмиди?

– Ростдан айтдингиз, туямнинг бир тиши йўқ эди, – деди.

Ҳалиги киши бўлса йўқолган туясининг белгиларини тўғри айтиб берганларидан ҳайратланиб: – Йигитлар, туямнинг ҳамма белгиларини топдингиз, айтинг-чи, унинг ўзи қаерда? – деди.

Ака-укалар унинг туясини учратмаганларини айтдилар. Ўша киши бўлса шошиб-пишиб бир сакраб ғазаб отига миниб олди:

– Бекорчи гапларни айтманг, менга! Туямни кўргансиз, агар назарингиз тушмаган бўлганида, унинг асл белгиларини кўрсатиб бера олмаган бўлардингиз. Сиз уни тутиб олиб, бир ерга яшириб

қўйгансиз ёки бирор кимсага сотворгансиз. Агарда туямни топиб бермасангиз, устингиздан ҳокимгаям дод соламан. Мабодо ҳоким иложини қилмаса, шоҳ қабулхонасигача бораман ва устингиздан ёзаман. Шоҳ, албатта, бунинг чорасини кўрдириб, сиз ўғриларга тегишли жазони бердиради, – деб дўк-пўписа қила бошлади.

Йигитлар туяни кўрмаганларини қайта-қайта таъкидласалар ҳам ўша киши оёғини қайсар ҳанги сингари тираб олди. Шундан кейин улар яна йўлга тушдилар. Ҳалиги киши бўлса зудлик билан ҳокимият томонга шикоят қилиш ниятида югуриб кетди. Ҳоким жаноблари унинг бахтига объектга чиқиб кетмай, тушлик қилиш учун кабинетига келган экан. Аризани ўзим кўриб чиқаман, деди.

Ҳоким бу уч йигитни тутиб келтириш учун бир неча отлик аскар, яъни милиция, ўша замон тилида миршабларни жўнатди. Ички ишлар органлари ходимлари уларнинг қўлига кишан солиб ҳоким олдига келтирдилар. Ҳоким улар қўлини қўшбилакузукдан халос эттириб, ўтиришга буюрди. Сўнг уларга карата хитоб қилиб:

– Йигитлар, туянинг эгасига барча белгиларини тўппа-тўғри айтиб бергансиз-у, кейин уни кўрмаганмиз, деб тонгансиз. Одам кўрмаган нарсасининг белгиларини қаердан билади? Бунга ким ҳам ишонар эди? Агарда туяни бекитиб қўйган бўлсангиз, эгасига олиб келиб беринг! Сотворган бўлсангиз тезда пулини тўланг-да, эгасини рози қилинг, бўлмаса жудаям аёвсиз жазолайман, – деди.

Йигитлар ҳалиги кишига айтган ўша гапларини ҳокимга ҳам такрорлаб, туяни кўрмаганларини сўзладилар. Ҳокимнинг қаттиқ жаҳли чиқиб, уларни махфий хизмат зиндонига ташлатворди.

Орадан бир неча кун ўтгач, ҳалиги киши йўқолган туясини ўзга вилоят ҳудудидан топиб олди. Ака-укаларга тухмат қилгани учун кўп ўқинди. Дарҳол ҳоким қабулига навбатга туриб, кириб:

– Минг марта узр сўрайман, ўзим бечора йигитларга тухмат қилган эканман. Ҳақиқатан ҳам улар ўғри эмас, пок виждонли йигитлар экан. Туям асли бошқа вилоят тарафга ўтиб кетган экан. Сиздан йигитларни зиндонингиздан халос қилишингизни ўтиниб сўрайман. Лекин, улар туямнинг белгиларини қандай қилиб топа олганларига ҳайронман. Сизнинг ҳузурингизда улар шуни айтиб берсинлар. Бу билан сизни ҳам, мени ҳам ҳайратдан ва гуноҳдан кутқариб қоладилар, – деб бошини эгиб сўради, илтижо қилди.

Уялиб қолган ҳоким хижолатдан юзлари қип-қизариб кетган

туячининг оғзаки мурожаатига кўра, ака-укаларни зудлик билан зиндондан чиқариб қабулхонасига келтирди, кўп илтифотларни қилиб, ноилож илжайди, йигитлар кўнглини кўтаришга уринди:

– Йигитлар, Сизлар туяни кўрмай туриб унинг белгиларини қандай қилиб билиб олдингиз? Шунисига ҳайронман, бизга айтиб бериб, ҳайрат ва олдингиздаги хижолатпазликдан қутқарсангиз!

Нажмиддин ўрнидан туриб, таъзим қилиб шундай деди:

– Йўлда келарканмиз, бир туянинг изларини кўриб қолдик. Туя бир тарафдаги ўтларни еб бораверган-у, иккинчи томондаги кўкатлар жойида қолган. Шунда мен туянинг бир кўзи кўрлигини англадим. Тагин йўлнинг бир тарафида юмронқоziк бир жойни маза қилиб ялаб турарди, иккинчи томонда эса пашшалар ғужғон ўйнар, ғувиллашарди. Бундан бўлса туянинг ўркачида бирига ёғ, иккинчисига асал тўлдирилган икки идиш борлигини пайқадим. Идишлар чайқалиб бир оз ёғ ва асал тўкилгани билиниб турарди.

Ақаси сўзларини Фарғонада (минг йил муқаддам Аҳсиқент шундай аталган) мадраса кўрган ука Фазлиддин давом эттирди:

– Туя тишлари билан ўтти тортганида, ҳар тишлаб тортилган кўкатлардан биттаси ўз ўрнида қолиб кетаверган. Бу бўлса унинг битта тиши тушиб қолганлигидан яққол далолат бериб турар эди.

Ҳоким йигитлар фаҳм-фаросатига, зийраклик, синчковлик ва сезгирликларига таҳсин айтиб, офаринни ҳам тақдим этиб, устига ҳомийлар томонидан келтирилган совғаларни ҳам бериб юборди. Ака-укалар ҳокимга узр айтиб ва кетишга ижозат сўраганларига қарамай, у оёғини тираб, зукко йигитларни ўз ёнида олиб қолди.

Йигитлар ҳар кеча узоқ вақтгача қуллар сингари еган-ичгани эмас, кўрган-билганларидан, чўрилар каби кийганидан эмас, дунё ишлари, мушкулотлари ва уларнинг оқилона ечимидан сўзлашиб ўтирардилар. Англаганларидан бир-бирларини огоҳ этардилар.

Ҳоким бир куни кечаси ака-укаларга ажратилган хонадонга келди. Йигитлар тагин жумлаи жаҳоннинг муаммолари хусусида сўзлашиб ўтиргандилар. Ҳоким эшик орқасида туриб, ака-укалар суҳбатига пинҳона қулоқ тутди. Бир оздан кейин йигитлар улар дастурхони устига қўйилган шароб ва қабоб ҳамда ҳоким ҳақида ўз мулоҳазаларини айта бошладилар. Фазлиддин шундай деди:

– Мана бу ичиб турган шаробимиз қабристонда ўсиб турган узумдан тайёрланганга ўхшайди, чунки ундан гўристоннинг хиди

келиб турибди. Акасининг фикрини Хусниддин давом эттирди:

– Бизга кечки овқат сифатида келтирилган кабоб эса итнинг сутини ичган кўзи гўшtidан қилинганга ўхшаб кетяпти, – деди. Нажмиддин ҳам ўзаро суҳбатга аста қўшилиб укаларига қарата:

– Бизга хурмат-эҳтиром кўрсатаётган ҳоким ҳам, назаримда, ҳокимнинг ўғлига унчалик ўхшамаяпти. Хатти-ҳаракатларидан у аслида ошпазнинг боласи бўлса кераг-ов, деб ўйлайман, – деди.

Эшик орқасида гап пойлаб турган ҳоким йигитларнинг гап-сўзларини эшитиб, ҳуши бошидан қаёққадир учиб кетди. Чунки, ниҳоятда фаҳм-фаросатли ака-укалар чиқарган хулосалари тўғри, аниқ-тиник бўлишига ростданам ишониб қолган эди-да. Шунинг учун ҳам йигитлар ёнига кирмай, шартта саройига қайтиб кетди. Эрта тонгдаёқ шароб келтирувчи хизматкорини хилватроқ жойга чорлаб, йигитларга берилган шаробни кимдан олиб келганлигини сўради. Биладиганини айтадиган хизматкор биладиганини айтди:

– Ўзимизнинг-саройга тегишли боғдан келтирган эдим.

Унинг кетишига изн берган ҳоким боғбонни чақиртирди ва:

– Кеча азиз меҳмонларим учун шаробкашимга берилган май қайси токзорнинг узумидан тайёрланган эди? Менга анигини ва тўғриси асло яширмасдан айтиб бер! – деди. Боғбон олдини таниб турса ҳам, ҳоким аста-секинлик билан ғазаб отига миниб, қисталанг қилавергани туфайли, бало-қазоларнинг олдини олиш ниятида мазкур масаланинг тўғриси айтишга мажбур бўлди.

– Ўтган йили кузда узум бошини еб ҳосилини берган пайтда боғимизга ўғри оралаганди. Қарасам, ҳаммаёқни пайҳонлаб, хом ва пишган аралаш узумларни оҷофатларча оғзига тикиб, тобига келмаганларини ҳар томонга ирғитиб юрибди. Унга «Эй, хомини исроф қилма, пишганида келсанг, ўзим узиб бераман», деганимга қарамай қоча бошлади-да. Ғазабим қайнаб, жаҳлим чиқиб қувлаб бориб кўлимдаги белкурак билан калласига туширган эдим, тил тортмай ўлиб қолди. Қилган ишимдан кўрқиб кетиб, бир токнинг тагига майитни кўмиб қўяқолган эдим. Кеча саройингизга бериб юборганим шаробни ўша – остига мурда кўмилган ток узумидан тайёрлаган эдим, – деди боши ҳам, кўзлари аланг-жаланг бўлиб.

Ҳокимга шаробнинг хусусияти хусусидаги ҳақиқат маълум бўлгач, энди хузурига ошпазни чорлаб, дағдаға қилиб, сўради:

– Йигитларнинг кечки овқати учун кеча бир кўзини сўйиб,

таом, кабоб тайёрлаган эдинг. Ўша кўзини кимдан олгандинг?

Ошпаз воқеадан беҳабарлиги боис хотиржам жавоб берди:

– Уни ўзингизнинг чўпонингиздан олиб кетган эдим.

Ҳоким ошпазга бориб ишини қилаверишини айтиб, чопарига чўпонни саройига чақириб келиш топшириғини берди. Офтобда қорайиб, афт-ангорига қараб бўлмайдиган чўпондан ўша кўзичоқ тарихи ҳақида сўради. Чўпон эса гапнинг тўғриси айтди-қўйди:

– Ўша кўзичоқ туғилган пайтда онаси ўлиб қолганди. Бошқа кўйлар бетиним маъраётган, ўз боласидан ортмас эди. Бир содиқ итим айни кунларда болалаган эди. Мен ночор қолиб, кўзичоқни ўша итга эмдиргандим. Кўзичоқ ўзи ўтлайдиган бўлгунига қадар итнинг сутини эмиб улғайди. Кеча ошпазингиз бир кўзи беришни сўраб келган пайтида анча семириб қолган ўшани берворгандим.

Ҳоким жаноблари бу сирнинг тагига ҳам етай деб қолдилар.

Шароб ва кўзичоқ муаммосидан, охирига қадар бўлмаса-да, қутулган ҳоким, энди онасининг ҳузурига қадам ранжида қилди. Кеча-кундуз ўй-хаёлини банд қилган масала ечимини сўради:

– Онажон! Сиздан ўтиниб сўрайман, ростини айтсангиз, мен кимнинг ўғлиман? Менинг отам ўзи аслида ким бўлган эди?

Бунақа бошоғрик саволни сира кутмаган она ҳар қанчалик:

– Марҳум отанг шаҳар ҳокими эди, сен унинг ўғлисан, – деб айтса ҳам, ўз наслидан шубҳаланаётган ҳоким қайсарлик қилиб:

– Онажон! Яшириб ўтирмасдан тўғриси айтма беринг, мен аслида ошпазинг ўғлиманми? Отам ким бўлган? – деб сўради.

Ноқулай аҳволда қолган онаси ўзини у ён бу ёнга уриб:

– Марҳум отанг шаҳарнинг ҳокими эди, сен унинг ҳақиқий ўғлисан, – деса ҳам ҳоким асло унамасдан, тикилинч қилиб:

– Онажон! Мени алдаб ўтирмай, ҳақиқатни айтаверинг, мен ошпазинг ўғли эканлигимни фаҳм-фаросат эгаси бўлмиш – ўша уч йигит, ака-ука гаплашиб ўтирганларида эшитиб қолган эдим. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, хулосаларида хато бўлмайди, ўзим бунга қатъий ишонаман, – деб волидасини қўярда-қўймай кистай бошлади. Ниҳоят, онаси асл ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди:

– Сен ўзинг аслида, бизнинг эмас, ошпазимизнинг зурриёди сифатида бу дунёга келгансан. Отанг билан узоқ турмуш вақтида Аллоҳдан минг бора фарзанд сўрасак ҳам бир тирноққа зор эдик. Эрим – шаҳар ҳокими ҳам, мен ҳам фақат ушбу масалада қаттиқ

қайғурардик. Кунлардан бир куни ошпазимизнинг хотини сени туғди. Лекин, орадан бир ойча ўтар-ўтмас онанг бечора пешонаси шўр экан, хасталаниб, вафот этди. Биз ўйлаб-нетиб ўтирмасдан сени ўз тарбиямизга олдик. Тукқан онанг ўлимидан бир фурсат ўтгач отанг ҳам хотинининг қайғу-ҳасрати оловида куйиб-ёниб бу оламдан ўтиб кетди. Сен ҳақиқий ота-онангни билмайсан, биз ҳам улар ҳақида ҳеч гап айтмаганмиз. Мен сенга – она, эрим – ота бўлиб қолди. Эл-юрт ҳам сени шаҳар ҳокими – эримнинг ҳақиқий ўғли, деб тушунди, билди, ҳеч бир нарсадан асло шубҳаланмади. Иккинчи маънавий отанг – эрим вафотидан кейин унинг вориси сифатида сен шаҳар ҳокими бўлдинг, ўғлим, – деб йиғлаб-сиктаб бўлиб ўтган воқеаларни яширмай бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Ҳоким кўзларида жикқа ёш билан онаси юз-кўзларидан ўпиб унга тасалли бериб ғам-ташвишга чўкиб кетган кўнглини кўтарди.

Ҳоким уч йигитнинг гап-сўзлари, хулосалари тўғри, роппарост бўлиб чиққанидан ҳайратланиб, уларнинг фаҳм-фаросатига офарин ўқиди ва тасанно айтди. Ўша куни кечаси йигитлар ёнига бориб, ҳар соҳадан, дунё ишларидан сўзлашиб ўтирганидан сўнг, барибир гапи ичига сиғмай, тошиб кетиб, уларга шундай деди:

– Йигитлар! Ўтган кеча эшигингиз ёнида туриб, ҳар қандай одамни ҳайрон қолдирадиган баъзи сўзларингизни эшитиб қолган эдим. Шаробнинг гўристонда ўсган ток узумидан тайёрлангани, кўзичокнинг ит сутини эмганлиги, менинг ошпаз ўғли эканимни айтдингиз. Сизлар қандай кўзга кўринмас, аломат ва далилларга асосланиб ана шу хулосага келганингизни айтиб берсангиз:

Кичик ака Фазлиддин, бир фурсат сукут саклаб сўз бошлади:

– Ичиб юрган киши яхши биладики, одатда шароб кишига маълум даражада хурсандлик ато этади. Мен кеча бизга юборган шаробингиздан татиб кўриб, кўнглимда қандайдир ғашлик пайдо бўлганини сездим. Ундан сезилар-сезилмас қабристоннинг ҳиди келарди. Шу асосга таяниб, май гўристонда ўсган ток узумидан таёрланганлиги хусусидаги хулосага келган эдим, – деди.

Хусниддин томоғини бир қириб олиб, сўз бошлади:

– Ўзингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак, одам нима билан овқатланса, еган озиғи унинг табиатига таъсир қилади. Олимлар буни илмий жиҳатдан ҳам исботлаб берганлар. Ошпаз тайёрлаган кабобдан татиб кўрганимдан кейин, руҳиятим ит табиат ҳолига

тушиб қолди. Ўтирган ўрнимдан ирғиб туриб, бирор кимса билан ёқалашиш фикри мени ўшанга даъват эта бошлади. Мана шундан кабобни ит сути эмган кўзи гўштидан тайёрланганлигини англаб етдим, – деди. Ҳоким ҳам унинг хулосаси ҳақиқатан ростлигини аниқлаганини тасдиқлади ва катта ака Нажмиддинга юзланиб:

– Менинг ошпаз ўғли эканлигимни Сиз сўзлаган бўлсангиз керак, – деб ўйлайман, айтингчи, буни қаердан билдингиз? Бунга бирон-бир далил-исбот кўрсата оласизми? – деб мурожаат қилди:

Нажмиддин ҳокимга қарата гапини шундай бошлади:

– Жаҳон тарихида ёрқин юлдуз янглиғ порлаган донишманд Сукрот, Мавлоно Жалолиддин Румий сингари инсонлар ҳақида эшитгансиз. Улар одамнинг аслида ким эканини гап-сўзларидан бемалол билиб олса бўлади, деганлар. Бундан ташқари, ҳар бир касб-хунар эгаси ўзи машғул бўлган соҳани мақтайди. Савдогар тижорат ишлари, деҳқон зироатчиликдан, домлалар эса таълим-тарбия, табиблар хасталиклар ва уларни даволаш муаммоларидан сўз очади. Мабодо уларнинг ўғиллари тақдир такозоси билан ўзга соҳаларда фаолият юритсалар ҳам, барибир ота касби уларнинг руҳиятида чуқур из қолдирган бўлади. Чунки, улар ўзларининг падари бузруквори тарбиясида бўлиб, ота касбидан нон еганлар. Мана шунинг учун, агар ўзингиз ҳам эътибор берган бўлсангиз, фарзандлар қаерда бўлмасинлар, ота касб-хунаридан сўз очишга беихтиёр мажбур бўладилар. Мана ўзингизни олайлик, биз билан суҳбат қурган пайтингизда, доимо озик-овқатдан гап бошлайсиз, ундан бошқасига асло аҳамият қаратмайсиз. Агар сиз ҳокимнинг ўғли бўлганингизда эди, овқатдан эмас, давлат бошқаруви, сиёсат муаммолари хусусида гапирган бўлар эдингиз. Доим таомдан сўз очаверганингиздан кейин ошпазнинг ўғли эканингизни сездим.

Ҳоким дастлаб Ўнғортоғ пойидаги «юксакликдаги кўрғон» – Паромон мактабида, сўнгра укалари ва масжид имоми Замирбек домла каби Ахсикент мадрасасида таҳсил олган Нажмиддиннинг топиб айтганларидан ҳайратда қолиб, унинг фаҳм-фаросати ва зийраклигига таҳсинларини айтди. Йигитлар маълум бир фурсат ҳокимнинг меҳмони бўлиб турганларидан кейин оилалари, болачақалари қошига қайтишга руҳсат сўрадилар. Ҳоким оташсухан ака-укаларга беҳад кўп инъом-эҳсон қилиб, отаюрт – Паромонга, ота-она, уруғ-аймоқлари бағри сари отланишларига изн берди.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ

Якин ўтган замонларда Паромон деган томонда, бир пайтлар Карвон деган тарафдан кўчиб келган, Сотимкул исмли ниҳоятда меҳнаткаш одам яшарди. У кеча-кундуз ким нималарни илтимос қилса, ўша юмушларни адо этиб, ёлғиз ўғли Жанарбек ва хотини Холбувининг келажагини ўйлаб тўрт-беш танга пул жамғарганди. Бир куни эҳтиёжимизга яраб қолар, деган умид билан пода боқиб юрганида Устухон овули билан чегарадаги Кўчкантош жанубида кўкарган чилонжийда тагига бир кўзачага солиб кўмиб қўйди.

Орадан анча вақт ўтгач пулга мухтож бўлиб қолиб, кўзачани яшириб қўйган жойига келди. Бироқ, кимдир дарахтнинг остини қовлаб олиб, уни гумдон қилган эди. Кунини зўрға ўтказиб юрган Сотимкул жиғибийрон бўлиб, қирғизча қилиб ўғрилар гўригаям гишт қалади. Унинг хонадониди майда-чуйда ишларини бажариш пайтида қаймоқлашиб қолган бир фозил таниши бўлган. Дарҳол ўша кишнинг олдига бориб, бўлган «фожеа»ни айтиб берди. Ўша олим Сотимкул билан етаклашиб дарахтнинг ёнига келди. Ўйлаб-ўйлаб бирор натижа чиқара олмади. Мана шу паллада улар ёнига мактабдан бошқа жойда ўқимаган, аскарлик пайтларида «дедлар» тарафидан калтакланиб, девонасифат бўлиб Паромонга қайтган, бола-чақа қилмаган Миркарим деган беғубор киши келиб қолди. Сотимкул ва ҳалиги мадраса кўрган киши содир бўлган воқеани унга айтиб, фикрини сўрадилар. Миркарим деганлари бир муддат бошини қашиб ўйланиб туриб, фикр-мулоҳазаларини билдирди:

– Қишлоғимиз Тоштепасидаги табиб чилонжийда илдизини хасталикка даво бўлади, деган эди. Демак, илдизни қовлаган одам кўзачани ҳам олиб кетган, – деди. Шу пайт Устухонда мол боқиб юрган Мираҳмад отанинг Тўқир деган ўғли келиб қолди ва деди:

– Кўзачани топволиш осон. Миркарим ака чилонжийданинг илдизини дори, дедилар. Демак, Неъматжон домла бирон касалга чилонжийда илдизини олиб кел, деган бўлса керак. Бемор киши шу ерга келган-да, илдиз билан бирга кўзачани ҳам олиб кетган. Сиз ундан сўранг-чи, кимга шу кунларда чилонжийда илдизини олиб кел, деган бўлса, иш жойида, олам ҳам гулистон бўлади.

Сотимкул, олим киши ва Миркарим бараварига аслида исми

Абдуқахҳор бўлган, аммо барча паромонликлар ёппасига Тўқир деб чақирадиган боланинг ақл-фаросатига тасанно айтдилар.

Кўрғон арик бўйлаб уйига қайтган Сотимкул қўшнисининг эшагини бир-икки соатга сўраб миниб олиб, Тоштепага жўнади. Ҳамқишлоқлик ҳукуқидан фойдаланиб, табиб қабулига бенавбат кириб, унинг талабига кўра, воқеани қисқача баён айлади: Табиб:

– Ўзинг ҳам танийдиган, Юқори маҳалладаги Тоживой акага ўтган ҳафтада чилонжийда илдизини топиб келишни айтгандим. У олиб келди, роса зўр дори қилиб бердим, олди, кетди, – деди.

Аслида пулидан умидини узиб қўйган, эндиги хушxabардан боши осмонгача етган Сотимкул бечора эшагини ниқтай-ниқтай Тоживой аканикига йўл солди. Ўзбеклар билан ҳам қирғизчасига сўйлашадиган, ўлсаям тилини сотмаслигини таъкидлайверадиган Сотимкул Кийиквойчўққи пойида қўй қайтариб юрган Тоживой акани кўриб, аллақачон оламдан ўтиб кетган отасини кўргандек хурсанд бўлиб кетди. Унинг юриш-туришидан, турмушидан жуда яхши хабардор Тоживой ака Сотимкулга қарата шундай деди:

– Гапларинг роппа-рост. Ўзингам яхши биладиган ўзбеклар ва қирғизлар ери чегарасидаги шу ердан кўриниб турган Тумшук тагида чилонжийда илдизидан озгина олиш учун остини ковлаган эдим, пул солинган кўзачага ҳам кўзим тушиб колди. Униям олиб уйимга обкелдим. Эгаси чиқса, албатта, топшираман, деб ўйлаб юргандим. Қани энди кўзачанинг аломатларини, ичида қанча пул борлигини айтиб кўргинчи, агар тўғри бўлса ўзингники, нотўғри бўлса, тағин бориб ўртоғинг Андир (асли исми Ҳайитвой, ранги сариклиги боис ҳамқишлоқлар уни рус Андрейга менгзардилар) билан лойингни кечиб, подангни боқиб юраверасан-да, – деди.

Ҳамма фозил деб ҳисоблайдиган одам билан бирга келган Сотимкул, кўзачанинг шаклини, рангини, ичида қанча пули бор эканлигини айтиб бергач, Тоживой ака унга кўзачани қўшқўллаб топширди. Кейин унга: – Сотимкул сени Паромонга кўчиб келган пайтингдан биламан, топганингни хотининг-болангга сарфлагин, Маъмир «газовой» (у «ГАЗ» машинаси шофёри бўлган) улфатинг билан тағин ичиб қўймагин, – деб таъкидлашни ҳам унутмади.

Шундай қилиб, ҳамма асл фозил деб ҳисоблаб юрган киши йўл топа олмаган муаммонинг оқилона ечимини ўқимаган содда бир девонасифат одам ва ёш бола ҳал қилиб берган эдилар...

ОТАЎҒИЛ (МАРД)

Қадим ўтган замонларда ўз эл-юртига садоқат билан хизмат қилган бир мўътабар инсоннинг кўлгина эртақлар ва ривоятларда қайта-қайта айтилганидек, биргина, ёлғиз эмас, нақ учта ўғли бор эди. Бу кишининг кичик, кенжа ўғли отаҳовлида ота-онасининг измидан чикмай, уларни иззат-хурмат қиларди, мўмин-қобилгина бола бўлиб улғайганди. Иккита катта ўғли эса, эртароқ отамерос уйдан шаҳарга ўқишга бориб, назоратсиз қолиб, отабезориларга қўшилиб улар билан отамлашиб, маъносизроқ кун кечирардилар. Бирон-бир фойдали ишнинг бошини тутмаган акалар ота-оналари қилган насиҳатларни кулоққа олмасдан, уларни қаттиқ ранжитар эдилар. Бироқ, иш отақарғишга қадар етиб бормаганди. Бир куни бечора она ўта қаттиқ хасталикка йўлиқиб нариги дунёга қайтиш қилди. Орадан унчаём кўп вақт ўтмай, ота ҳам тузатилиши анча қийин касалликка дучор бўлди. У ўзининг вафоти, бу дунёни тарк этиши анчагина яқинлашиб қолганлигини ҳис қилиб, уч ўғлини ҳузурига чорлади ва уларга қарата хаста товушда шундай деди:

– Болаларим, вафотим яқинлашиб қолган кўринади, мендан кейин фақат учовингиздан биттангиз меросхўр бўласиз. Ғарбдаги сингари майорат (катта ўғилнинг меросхўрлиги), ўзимизда қадим замонлардан бери ҳукм суриб келаётган минорат (мулк, албатта кенжа ўғилга қолдирилиши) бўлмайди. Қози ва обрўли инсонлар қайси бирингизга ҳукм қилса, ўша ворис бўлади. Уларнинг бари менинг кўнглимдагини топиб ҳукм қиладилар, деб ўйлайман.

Орадан бир неча ҳафтача ўтиб ўша мўътабар инсон оламдан ўтди. Уч ўғил отасидан қолган меросни талашиб, қози ҳузурига келдилар, падари бузрукворининг айтган сўзларини билдирдилар. Қози бу муаммони ҳал қилишдан ожиз эканлигини уларга айтиб:

– Ўзим бу масалани еча олмайман. Отангиз қайси бирингиз меросхўр бўлишингизни очикроқ айтиб кетмаган, «учовингиздан бирингиз ворис бўласиз», деб қўя қолган, холос-да. Шаҳарда бир донишманд инсон бор. Сиз унинг ҳузурига бориб, отангизнинг васиятини айтинг. Бу мушкулотни эса ўша фозил инсон ҳал қила олади, деб ўйлайман. У қандай ҳукм қилса, менам тасдиқлайман, – деб маъюс ака-укаларни ўша донишманднинг ҳузурига юборди.

Ака-укалар донишмандни излаб топиб, юз берган воқеани баён қилдилар. Донишманд ўзича беҳад ғазабланган киши бўлиб:

– Шунақаям мужмал васият бўладими? Боринглар, бунақа тутуриксиз васият қилган отангизнинг қабрини бузиб, ер билан битта қилиб, сўнгра хузуримга келинглар. Келганингиздан кейин мендан тўғри, ҳаққоний ҳукми эшитасиз, – деб дағдаға қилди.

Эртасига икки катта ўғил кетмон кўтариб, кичик ўғил бўлса кўлига ахсикандий қиличини олиб, қабристонга келдилар. Икки отабезори ўғиллар отамерос илинжида қабрни бузишга чоғланган паллада кенжа ўғил қиличини кескин ўқталиб, акаларига қарата:

– Сизлар қанақа одобсиз, бетарбия, виждонсиз кимсаларсиз? Мол-дунёнинг илинжида ўз отангиз қабрини бузиб ташлашданам асло тоймайдиган аблаҳ нусхаларга айланиб кетибсиз-ку. Мен бу палид ишингизни амалга оширишингизга сираям йўл қўймайман. Қани гўрга бир кетмон уриб кўринг-чи, иккингишни ҳам ўлдириб ташлайман. Мен меросдан воз кечдим, мол-мулкнинг бари сизга бўла қолсин. Ота-онам ҳаётлигида уларни хурмат қилмадингиз, улар дилини оғритдингиз. Энди қабрда ҳам тинч қўймайсизми? – дея ҳайқирди. Акалар укаларининг арслондек ҳайбатидан чўчиб, кўрқиб, ваҳимага тушиб ота қабрини бузишга ботина олмадилар.

Уч ўғил донишманднинг хузурига қайтди. Катталари унга:

– Укамиз сизнинг буйруғингизни бажаришга йўл қўймади, – деб шикоят қилдилар. Кичик ўғил ҳам не сабабдан бундай ишга қўл урганини айтиб берди. Донишманд катталарига хитоб қилиб:

– Отангиз сизлардан қай бирингиз меросхўр бўлишингизни очик айтмай, бу муаммони ҳал қилишни нима учун бизга ҳавола қилганлиги аниқ бўлди. Сизни синаш мақсадида отангиз қабрини бузишга буюрган эдим. Сиз икки ноқобил фарзанд шу жирканч ишга рози бўлдингиз, укангиз эса қабул қилмай, ҳатто сизларни ҳам бу ифлосликдан қайтарган. Энди сиз инсоф қилиб айтингчи, ҳақиқий меросхўр сизларми ёки уми? – деди. Кейин бўлса кенжа ўғилнинг пешонасини силаб, офарин ўғлим, отангнинг чин ўғли аслида сен экансан, отангнинг меросига фақат ўзинг эга бўласан. Менинг чиқарган хулосам, қатъий ҳукмим мана шу, – деб айтди.

Эртасига қози уч ўғилни ўз хузурига чорлади. Донишманд чиқарган ҳақли хулосани тасдиқлаб, отанинг мол-мулкни кичик ўғилга ҳукм қилди. Икки катта ўғил ҳам ана шу ҳукмга кўнди.

ТОШТАРОШЛАР СУҲБАТИ

Мактаб дарсликларидан ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, ҳар қандай жаҳон динида (буддавийлик, христианлик ва ислом) ибодат маскани сифатида саждагоҳлар ва масжидлар қурилишига алоҳида диққат-эътибор қаратилади. Насронийлик ўрта асрларда Европада ўзига хос идеология (ғоя) вазифасини ҳам адо этганди.

XIV аср Ғарбий Европасида мухташам собор (ибодатхона)га эҳтиёж ва зарурият тобора ошиб борган эди. Уларнинг қурилиши баъзи ҳолларда 20 – 30 йиллаб давом этарди. Шунақалардан бири барпо этилишига бош руҳоний раҳбар сифатида тайинланган эди. У энг камида 1000 йил туриб берадиган иншоотни бунёд этишдан олдин барча қора ишчилар ва ҳунармандлар фаолиятини обдан, синчиклаб кузатиши керак эди. Руҳоний тоштарошлар маҳорати билан танишиш мақсадида унга махсус тавсия этилган учта уста олдига келиб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида мулоқот қилди.

– Қани биродар, қилаётган ишинг ҳақида сўзлаб бергин-чи, – деди биринчи тавсия қилинган тажангрок устага мурожаат қилиб.

У қилаётган ишини таққа тўхтатиб, беҳад зардали, ғазабнок товуш билан руҳонийнинг саволига жавоб қайтара бошлади:

– Ўзингиз кўриб турганингиздек, мен баландлиги бир метр, қалинлиги ярим метрлик тошнинг олдидаман. Чопқининг ҳар бир зарбасидан кейин ҳаётимнинг зарраси ҳам кетаётганини сезаман. Кўлларим қаварган, башарам қорайган, сочларим оқариб кетган. Бу иш ҳеч қачон поёнига етмайди, чексиз равишда давом этади. Бу мени ҳолдан тойдиради, ишимдан мамнун бўлиш мутлақо йўқ. Мен бу ибодатхона қуриб бўлинишидан олдин ўлиб қетаман...

Руҳоний иккинчи тоштарош уста олдига борди ва сўради:

– Биродар, қандай ишляяпсан? Ўз ҳаётингдан розимисан?

– Кўриб турганингиздек, яхши ишляяпман. Оилам тўқис, ҳар жиҳатдан таъминланган. Олдингидан яхшироқ, қулай хонадонда кун кечираман ва болаларим мактабга қатнайди. Шак-шубҳасиз, улар ўз ҳаётида менга қараганда кўпроқ ғалабаларга эришадилар. Буларнинг барига шу ишим туфайли эришдим. Мен ибодатхонага ўзимнинг бор маҳоратимни беряпман, у ҳам яхшилик қилади.

Руҳоний учинчи устанинг олдига бориб ҳол-аҳвол сўради:

– Ҳорманг ука, – деди у, – ишларингиздан қонияқсизми?

– Ҳа, албатта ҳазратим, – деди у чехрасида табассум, шодон овозда. – Зўр иштиёқ билан мириқиб ишляпман. Тешамнинг ҳар сафар тошга тегишида, гўёки ўз толеимни битаётганга ўхшайман. Йўнилаётган тошларнинг сиртида, қаранг, қанақа жимжимадор шакллар пайдо бўляпти. Бу ерда биргина лаёкатим, маҳоратим ва хунаримнигина намойиш этаётганим йўқ. Шу билан бирга ўзим чин қалбимдан ишонган, беҳад даражада кадрлайдиган ишга ўз ҳиссамни қўшаяпман. Бу ибодатхонада ўз аксини топган коинот ҳар биримизга эзгуликни тухфа этажак. Бу ерда, тош олдида мен ўзимнинг оламимда яшаётгандекман. Ибодатхонанинг қурилиши ўзининг поёнига етганини кўра олмасам ҳам, у ҳақиқатни ўзида мужассам этиб, Худо бизни не сабабдан яратганлигини ҳаммага англаган ҳолда энг муқаддас мақсадга хизмат қилиб, тагин минг йиллар мобайнида кўркини кўрсатиб, салобат тўкиб тураверади.

Рухоний усталардан эшитганлари хусусида узок ўйлади. Ва эртасига ибодатхона қурилишига раҳбарлик лавозимини айнан ўша қилаётган ишига содиқ учинчи устага ишониб топширди.

МЎЛЖАЛ

Бир донишманд устоз сайр қилиб юрган чоғларида беҳосдан ўзининг йўлдошлари бўлмиш шогирдларидан сўраб қолди:

– Нимага дераза ойнасига тош отилса, у синиб қолади?

– Чунки тош оғир бўлади-да, – жавоб берди биринчиси.

– Сабаби оддий. Ойна синувчан бўлади, – деди иккинчиси.

– Чунки тошни айнан дераза томонга ирғитган қўл кучли, зарба эса аниқ йўналтирилган бўлади, – жавоб берди учинчиси.

– Учовларнинг ҳам тўғри жавобни айта олмадингиз, – деди Устоз. – Дераза шунинг учун синганки, у очикмас, ёпик бўлган!

Ниҳоят даражада мураккаб ва мўрт ҳаёт йўлида, энг аввало, барча кирдикорларимиз фoш бўлиб қолишидан чўчиб, писмиқлик қилмасдан, очик юришни ўрганиб олмағимиз даркор. Фақат ана шундагина бизни бетиним тарзда пойлаётган ғаним, ёв, душман деганлари аниқ мўлжал ололмайди, унинг отган ўқи бўлса ёнлаб ўтиб кетади ва қалбимиз, дилимизни сира ҳам синдира олмайди.

ПАШШАЛАРНИНГ АҲВОЛИ

Паромонлик жуда меҳнаткаш, урушда бир кўзидан ажралган Боймирза овчи жазирма ёз кунларидан бирида ишлари бошидан ошиб-тошиб ётганлигига қарамай, Наманганга тушишга мажбур бўлганди. Чорсу бозоридан турмушга керакли лаш-лушлар харид қилиш умидида юрганида, ҳалвофуруш таниши Ҳафизхонга кўзи тушиб қолди. Анча вақтлардан буён кўришмаган бу икки оғайни беҳад шодландилар. Ҳалвофуруш биродарини дўконига таклиф этиб, Ўнғортоғ атрофидаги масалалар бўйича бир оз суҳбатлашиб ўтириш орзусини билдирди. Дўконининг овқатланиш ва суҳбат қуриш учун ажратилган жойига Боймирзани ўтқизиб қўйиб, ўзи овқат тайёрлашга уринди. Дастурхонни ёзиб нон, чой ва бир коса тўла Нанайнинг асалидан қўйиб, ширингина суҳбат қурдилар.

Пашшалар одатларига кўра дарҳол асалга хужум қилдилар. Ҳафизхон уларни косага яқинлаштирмаслик учун қанча уринса ҳам пашшалар парво қилмадилар. Уларнинг баъзилари косанинг лабига, айримлари чини ичига, устига қўниб «улушларини» ола бошладилар. Ҳалвогар коса устини ёпиб қўйишга уринган чоғда, чини лабига қўнган пашшалар беозоргина учиб кетдилар. Лекин, коса ичига, асал устига қўнганлари оёғи болга яна ботиб қолиб, учолмай ҳалокатга учраб, очкўзлик жазосига гирифтор бўлдилар.

Боймирза мерган буни кўриб, афсусланиб шундай деди:

– Пашшаларнинг бу ҳоли қаноатли инсонлар билан тамағир, кўзи тўймас кимсаларнинг аҳволига жуда ҳам ўхшайди. Сиз асал тўла коса устини ёпиб қўйишга ҳаракат қилганингиздаёқ, лабига қўнган пашшалар ўзларига зиён етказмасдан дарров учиб кетди. Бироқ, сизлар «чини» деб атайдиган коса ичидагиларининг оёғи асалга ботиб қолгани туфайли, ҳалок бўлди. Шу пашшалардаги яхши ва ёмон ҳоллар одамларда ҳам бўлади. Пешона тери тўкиб, ишлаб топгани кундалик маишатига етарли бўлса, шунга сабр ва қаноат қилиб, мол-дунё кўпайтириш васвасасига тушмаган одам умрини хотиржамлик ва роҳат-фароғатда ўтказиши мумкин.

Тамағир, очкўз кимсалар эса оёғи асалга ботиб ўлиб қолган пашшага ўхшайди. Ортиқча мол-дунё кўпайтириш пайига тушиб қолган очофат нусхалар бир куни ҳалокатга дучор бўлади...

БУ ЯХШИ!

Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) ҳудудида жойлашган Свазиленд киролининг ёшлигидан бирга ўсиб-улғайган бир дўсти бўлган. У ҳаётда содир бўлган ҳар қандай ҳолат, вазият, жараёнга баҳо берган чоғида, ижобийми ё салбийми, қатъи назар, ўрганиб қолган одатига кўра, ҳар доим «бу яхши!» деб қўяколар эди.

Бир куни қирол дўсти билан кийик овига жўнади. Биродари, одатдагидек, унинг учун милтиқларни тайёрлади ва ўқлаб қўйди. Қирол милтиқдан ўқ узганда, нимадир бўлиб, унинг бош бармоғи узилиб кетди. Дўсти эса вой-войлаб азоб чекаётган қиролнинг шу ҳолатида ҳам «бу яхши!» деган хулосасини айтди. Оғриқдан афти буришиб кетган қирол: «Бу яхши эмас!» деди-да, дарғазаб бўлиб соқчиларига дўстини қамокка ташлаш топшириғини берворди.

Орадан бир йилдан мўлроқ вақт шув этиб ўтди-кетди. Қирол ўзи хавфсиз ҳисоблаган милтиқ билан овга жўнади. Ўрмонда эса ўз шериклари билан у кутилмаганда каннибаллар (одамхўрлар)га асир тушиб қолди. Қирол ва шериклари қабила маконига судраб олиб кетилди. Устунга маҳкам боғлаб, оёғи остига ўтин ташлаб, пиширишга саъй-ҳаракат қила бошладилар. Синчковроқ бир овчи асирлардан шоҳона кийиниб олганининг бош бармоғи йўқлигини айтди. Қабила иримига биноан, танасида бирорта кусури бўлган одам асло ейилмасди. Қиролнинг қўли ечилиб, озод қилворилди.

Қирол саройига қайтиб, панжасидан ажралган кунни эслади, дўстига қилинган муомаласи учун виждони азобланди. Дарҳол у билан гаплашиш ва кечирим сўраш учун қамокхонага жўнади.

– Сен ҳақ бўлиб чикдинг, – деди унга. – Панжасиз қолганим яхши бўлган экан. У ўз бошидан кечирганларини айтиб берди. – Сени бу ерга жўнатганимдан афсусдаман. Мендан ёмонлик ўтди.

– Асло йўқ, деди дўсти. – Асли тўғри қилгансан. Бу яхши!

– Нима деяпсан, ахир? Бегуноҳ бўлатуриб бир йил менинг қаҳр-ғазабимга учраб қамокда азобланинг. Шу ҳолат яхшими?

– Менинг гуноҳсиз эканлигим-ку, рост. Агар мени қамокка ташлатмаганимда, овга сен билан бирга борган бўлардим ҳамда, турган гапки, одамхўрлар учун тап-тайёр емишга айланардим...

МАЗМУНСИЗ ЎТИБ КЕТГАН УМР

Узоқ ва яқин ўтган замон ва маконларнинг биридаги қашшоқ ва ҳароб овулда навбатдаги чақалок (дунёга келмади) туғилди. У чақалоклик, гўдаклик, болалик, ўсмирлик ва йигитлик даврини эл қатори кечирди, яшамади. Ҳаёти ҳамманики сингари ейиш-ичиш, тирикчилик каби бир маромдаги ташвишларга кўмилиб кетганди. Бир тунда унинг тушига мавжланиб, тўлкинлари қирғоққа беҳад шиддат билан урилаётган денгиз кирди. Овул аҳлидан ҳеч бири ўз ҳаёти давомида денгизни кўрмаганди. Шу боис улардан ҳеч бири дунёда бунақа чексиз сув ҳавзаси мавжудлигини айта олмас эди.

Йигит овулдошларига тушида кўрган ўша денгизни қидириш ниятида эканлигини айтган пайтида ҳамма кўрсаткич бармоғини чаккасида айлантириб, улардан айрим бетамизроклари бўлса, бош бармоғини кейинги иккиси орасига суқиб кўрсатиб, ғирт телбага чиқардилар. Бироқ, йигит уни тентак, жинни сифатда баҳолаётган кимсаларга парво қилмай йўлга отланди. Узоқ вақт олам жаҳонни бирорга улови бўлмаган қашшоқлиги сабабли, пиёда кезиб чикди. Юра-юра йўлларнинг айрилиш жойига ҳориб-толиб етиб келди. Тузук-курук ўқимаганлиги, унга ҳеч ким фикрлашни ўргатмагани туфайли фақат тўғрига олиб борадиган йўлни танлади. Бир неча кундан кейин аҳолиси ўз овулидагидан тинчроқ, фаровонроқ ҳаёт кечириётган қишлоққа етиб келди. Йигит уларга тушида кўрган денгизни топиш орзу-умидида оламни кезиб юрганини айтганида, улар: «Узоқдаги сомондан яқиндаги похол яхши! Сен вақтингни бекордан-бекорга исроф қилиб юрибсан. Яхшиси, қишлоғимизда қолиб, эл қатори бахтли ҳаётни кечириб юравергин!» дедилар.

Овулида мол-қўй ва амалда уларга ўхшаб қолаёзган кишилар орасида қашшоқ ҳаётни бошидан кечирган йигит бу маслаҳатга кўнди-қўйди. Орадан маълум бир фурсат ўтгач унинг тушига яна денгиз кириб келди. Босинқираб уйғониб кетган йигитнинг эсига амалга ошмай қолган нияти лоп этиб тушди. Орзуси йигитни яна йўлга чорлади. Анча-мунча яшаб эмас, биргаликда кун кечириб қўйган ўша қишлоқдошлари билан хайр-хўшлашди. Хуржунини елкасига ташлаганича қишлоқни тарк этди. Аввалроқ учратгани айрилиш жойига қайтиб бориб, бу сафар ўзга тарафга йўл солди.

Чориғини судраб узок юриб, каттакон шаҳарга кириб келди. Шаҳарнинг говур-ғувури, шовкин-сурони, шиддати, ранг-баранг эканлиги уни ўзига махлиё айлаб қўйди. Бунақасини умрида бир марта ҳам кўрмаган йигитнинг боши айланиб кетиб, шу маконда тирикчилик қилишни дилига тугди. Ўқиди, ишлади, айш-ишрат, кайф-сафо ва вақтичоғлик қилди. Орадан йиллар ҳам ўтиб кетди. У ўз саёҳатининг асл мақсад-мазмунини, моҳиятини буткул эсидан чиқариб юборди. Лекин, бир неча йилдан сўнг тушига яна денгиз кирди. Чўчиб уйғониб кетган йигит агар ҳозир ниятига эришмаса, умри буткул бесамар ўтиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйлади.

У яна йўлнинг айрилишига келиб, энди учинчисини танлади. Бу йўл анча улғайган кишини куюқ ўрмон бағрига бошлаб борди. Каттакон ялангликда ёғочдан қурилган уй турарди, олдида бўлса, ёши жиҳатидан салгина оҳори тўкилиб қолган, бироқ, истараси иссиққина малласоч аёл кулимсираб турарди. Ўрмонда ёлғиз кун кечириб юрган хотин унга ўзи билан бирга яшаб қолишни таклиф қилди – эри Афғон урушига кетиб, темир тобутда қайтган экан. Анча пайтдан буён аёлга яқинлашмаган эркак тезда рози бўлди...

Орадан йиллар ўтди, улар ўзларича бахтли ҳаёт кечиришди, болалар кўпайтиришди. Лекин, кун келиб қартайиб қолган киши тушига яна ўша йигитлигидаги денгиз кириб олди. У шартта кўп йиллар мобайнида ўзи боғланиб қолган жой, болаларини ташлаб тагин йўл айрилишига етиб келди. Энди буткул нотаниш, тошлок сўқмоқдан сўнгги сафарга жўнади. У хансираб ва оёғини судраб, имиллаб борар, калласида кучдан қолиш ваҳимаси ҳукм суларди.

Ниҳоят, оппоқ қордан салла ўраб олган пурвиқор тоғ пойига деярли эмаклаб келди. Нақ бир кун нафасини ростлаб олгач, ҳеч бўлмаса, тушларидаги денгизни узокдан кўриш умидида, чўққига кўтарилишга қарор қилди. Кечга яқин, дармони деярли тугаёзган паллада чўққига чиқиб борди. Унинг қаршисида бепоён кенглик ястаниб ётарди. Унда йўллар айрилиши, аҳолиси бахтли кунини кечираётган қишлоқ, улкан шаҳар ҳамда ўрмон, ялангликдаги аёл билан тирикчилик қилган уйга кўзи тушди. Йироқ-йироқлардаги уфқда бўлса мовий, чек-чегарасиз денгиз чайқалиб ётарди...

Сўнгги нафасини олаётган, ҳаяжондан энтиккан чол афсусга тўла кўзёшлари ила кўрдик, у юрган йўлларнинг бари денгизга олиб борарди. Бироқ, у биттасини ҳам охирига етказмаган экан...

АЛДАШ БОРМИДИ?

Ўзингизга жудаям яхши маълумки, одамда деярли ҳар доим «сен бўлмасанг бошқаси...» деганларидек, танлаш имкони бўлади.

Бир сатанг, тантиқ, кийим-кечак, тақинчокларга беҳад ружу кўйган қиз тикувчига янги урфга кирган кўйлак буюртма бериш ниятида унинг устахонасига келди. Бу чеварнинг овозаси атрофга тарқалган эди, чунки у ҳунарини ардоқлар, ишини доим чиройли ва виждонан бажарарди. Аммо, модапараст қиз чеварнинг хизмат ҳақини ҳаддан ташқари қиммат, деб ҳисобларди. Шу сабабданам устахонага келган заҳоти, нархини келишиб олишга қарор қилди.

– Нимага ишингиз учун жуда кўп ҳақ оласиз? – арз қилди у.

– Шунақами? Мен сиздақа ўйламайман. – Рад қилди чевар.

– Ўзингиз ҳам бир ўйлаб кўринг, биттагина кўйлакни тикиш учун бор-йўғи 2 метр атрофида газлама сарфланади, шунақами?

– Ҳа, тўғри айтяпсиз, – қизнинг гапини тасдиқлади тикувчи.

– Унақада, газлама нархига ип, игна, ҳатто кўйлак бичадиган қайчи нархини қўшсак ҳам, барибир анча арзон бўлади. Шундай экан, сизга айтганингиздан икки баравар кам ҳақ тўлашим керак.

Тикувчи бир пас жим турди, кейин эса жавоб қайтарди:

– Хўп, ойимтилла, сиз мени деярли кўндирдингиз. Нархнинг ярмини олишга ҳам розиман, агар сиз шунақа талаб қилсангиз...

– Албатта, талаб қиламан-да! – ўта хурсанд бўлиб кетди қиз.

– Келишдик. Ҳозир мен сиздан керакли ўлчамларни оламан, келаси ҳафтада шогирдим буюртмангизни уйингизга етказди.

Бу орада қиз дугоналарига кўйлагини арзон тиктираётганини айтиб мактанди. Улар эса аввалига ишонмадилар. Чевар шогирди қутини олиб келганида, тантиқ қиз дугоналари олдида қопқокни тантанали тарзда очди ва қути ичидан... Икки метр газлама, икки ғалтак ип, ниналар ва қайчини олди... Жаҳл отига миниб олганча чеварнинг олдида чопди ва нарсаларни унинг олдида улоқтирди

– Мени алдашга қандай журъат қилдингиз?! – кичкирди у.

– Ҳеч қандай алдаш бўлмади. Мен қутига ўзингиз айтган ва ҳисоблаб чиққан нарсаларнинг барини солгандим. Агар нимадир етишмаётган бўлса, эхтимол, сиз менга буюртма беришни унутиб кўйганингиз учун бўлса керак. Шу боис уни қўшмагандирман...

БАХТ ФАҚАТ МОДДИЙ БОЙЛИКДАМАС

Тобора глобаллашиб бораётган бугунги дунёнинг тайёрхўр «бола»ларидан бири, «иши йўқ ит суғоради», «бекорчи безоридан хавфли» деганларидек, сурадиган бирор нарса тополмай, бетиним яхши ҳаёт ҳақида ҳаёл суриб, шифтга тупуриб, қорнини қашлаб, телевизорни (кўриб эмас) томоша қилиб ётар эди. Унга отасининг ўз кўли билан қурган уйи, кийган кийимлари, хуллас, атрофидаги барча нарсалар ёқмас, ўзига ўзи бетиним савол берарди: «Нимага кимнингдир орзу қилган нарсалари бор, менда эса ҳеч бало йўқ? Агар замонавий икки қаватли уйим, машинам, гўзал аёлим, роса кўп долларим бўлганида, маза қилардим, жуда бахтли бўлардим».

Текинхўр йигит бир куни уйда сеҳргарга дуч келиб қолди.

– Орзу-ниятларингдан бохабарман, – деди сеҳргар. – Сенга кўмак беришга тайёрман. Айт, нимани хоҳлайсан, уни бажараман.

Ишлашни ҳам, ўқишни ҳам хоҳламайдиган «йигит» сўради:

– Наҳотки! Мен орзу қилган ўша кунлар ҳам етиб келдимиз? Фақат сўрасам бўлдимиз? Унинг эвазига ҳеч нарса қилмайманми?

Сеҳргар йигитдан ўзига ҳеч нарса керак эмаслигини айтди.

– Хайрият-ей! – хурсанд бўлганидан боши кўкка қадар етди ажойиб ҳаёлпарастнинг. – Менга икки қаватли, барча қулайлик ва замонавий техника билан тўлиб-тошган уй, бирор бойнинг гўзал, пазанда қизи керак. Тағин менинг жуда-жуда кўп пулим бўлсин!

– Яхши, – жавоб берди сеҳргар. – Ўзинг бемалол ёнбошлаб олиб, «Эл-классико, Реал – Барселона» футболнинг эрталабгача томоша қилиб ётавер! Қачон ухлаш ва қачон уйғониш ўзингнинг ихтиёрингда. Кўзингни очганигда айтганларинг муҳайё бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, эртаси қуёш терак бўйи кўтарилганида ўша йигит ҳашаматли уйда кўзини очди. Гўзал хотини табассум билан ётган жойига кофе кўтариб келди. Нонушта тайёр эканини айтди. Банкда унинг валюта ҳисоб рақами очилган. Қанча сарфламасин, пули кўпайгандан кўпайиб бораверарди. Аввалига йигит бахтига унчалик ҳам ишонмади, туш кўраётган бўлсам керак, деб ўйлади. Кейин эса чинлигига кўникиб, беҳад даражада хурсанд бўлди.

Бирок, кунлар, ойлар, йиллар физиллаб ўтиб бораётганлигига қарамай, унинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармасди. Бечора йигит ўзига

Ўзи савол берар эди: тагин нимани хоҳласа, истаса, кўнгли тусаса экан, ахир унинг ҳамма нарсаси бор, ҳеч нимага муҳтожлиги йўқ. Назарида, атрофида ўта шиддат билан кечаётган, ҳамма нималар биландир банд бўлган бу ҳаётда ўзи ҳеч нарсага эришмагандек.

Ношукр яратилган бу банда яна сеҳргарни ҳузурига чорлади.

– Не сабабдан ҳамма нарсам бор-у, лекин жуда бахтсизман? – деб сўради у Сеҳргар уйига зудлик билан етиб келган пайтида.

– Мен сенга сўраган барча нарсаларингни дарҳол бердим-ку! Энди бўлса бундан буёғига ўз бахтингдан роҳат қилиб кунингни кечириб юравермайсанми, эй, ношукр, бесабр, шошқалок банда?!

– Сизга айтишга осон. Айтганингиздек роҳат қилолмаяпман! Ўзим беҳад улкан уйимда ниҳоятда ёлғизман, гўзал хотиним ҳам энди хурсанд қилолмаяпти. Айш-ишрат, кайф-сафо деганлари ҳам жонимга тегиб кетди. Банкдаги пуллар қониктирмаяпти. Нимага?

– Ўзинг мендан уй сўрадингми? Сўрадинг! Лекин, уйингдаги фэйзни ва самимиятни сўрадингми? Сўрамадинг! Беҳад чиройли хотин сўрадинг. Лекин, мендан меҳр-муҳаббатни, ўзаро тушуниш ва оқибатни сўраганинг йўқ-ку! Уларнинг нималигини англашга эса ақлинг етмаслиги кундек кўриниб турибди. Сен бу дунёдаги барча каллаварамларга ўхшаб мендан ўта кўп пул сўрадинг, лекин у бериши мумкин бўлган эркинликни, кучни ва бахтиёрликни ҳам сўрадингми? Сўрамадинг! Ўзинг асли моддий бойликларнинг асл эгаси эмассан, уларнинг кули, малайига айланиб қолгансан-ку! – деб жаҳл билан амри-маъруф, нахий мункар қилди ўша Сеҳргар.

Моддий бойликлар юкини кўтара олмай, маънавий-ахлоқий жиҳатдан охори тўкилиб, жулдуриям чиқиб, яғирлаша бошлаган ўша эркакнинг калласи бирданига ишлаб кетди ва хурсанд бўлди.

– Мен ўзбек академик шоири битган «Тақдирни кўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона», деган сатрлари маъносини эндигина тушуниб етдим, – деб ҳайқириб юборди у. – Энди ҳозир айтганларингнинг ҳаммасини хоҳлайман! Илтимос, уларнинг барини мен – «адашган ит каби» бир бандага ато этгин!

– Яхши, агарда англаган бўлсанг, бор, уларнинг ҳаммасини ўзинг яратволавергин! – деди Сеҳргар ва бир зумда ғойиб бўлди.

Аввалига фақат орзунинг ўзидан яралган эркак ўзига келди: Олдингидек, хотинсиз, пулсиз, отаси курган уйда. Лекин унда ўта қудратли куч – ўз ақл-заковатига бўлган **ИШОНЧ** мавжуд эди...

ЭНГ ДАҲШАТЛИ ДУШМАН

– Ох, Муҳаббат! Ҳамиша сен каби бўлишни орзу қиламан.
– Завқ-шавқ билан такрорларди Ошиқлик. – Мендан қудратлисан.

– Менинг чинакам куч ва қудратим нимада эканлигини ўзинг
яхши биласанми? – деб сўради Муҳаббат бошини хомуш чайқаб.

– Биламан, сен одамлар учун мендан ҳам муҳимроқсан-да!

– Йўқ, топа олмадинг азизим, мутлако бунинг учунмас, – уф
тортди Муҳаббат ва Ошиқнинг бошини аста силади. – Мен кечира
олиш қобилиятига эгаман. Мана шу хусусият мени кучли қилади.

– Сен Соткинликни кечира оласанми?

– Ҳа, кечира оламан. Чунки, У кўпинча атайлаб, олдиндан
режалаштириб эмас, аксарият ҳолда билмасликдан содир бўлади.

– Хиёнатни ҳам кечириб юбора оласанми?

– Ҳа, чунки хиёнат қилиб ва қайтиб, одам яхшисини танлай
олиш имкониятига эга бўлади. У ҳам айни манфаат билан боғлиқ.

– Ёлғонни-чи? Уни ҳам кечира оласанми?

– Ёлғон ўзи нима дегани? Ёлғон – ёмонликнинг энг кичиги,
жажжиси. У кўпинча иложсизликдан, ўз айбини тушунмаслик ва
бировнинг дилини оғритишни хоҳламасликдан бўлади. Бунисини
эса биз ижобий кўрсаткич сифатида баҳоласак ҳам бўлаверади.

– Мен эса бошқача ўйлайман. Ахир ёлғончилар мавжуд-ку!

– Албатта, ёлғончилар бор, жуда кўп десак ҳам бўлаверади.
Аммо унинг менга асло дахли йўқ, чунки улар сева олмайдилар.

– Сен тагин нималарни кечира оласан?

– Қаҳр-ғазабни кечиришим мумкин, чунки у қисқа муддатли.
Кўполликни ҳам кечиришим мумкин, у кўпинча хафагарчиликка
йўлдош бўлиб юради. Хафагарчиликни олдиндан пайқаб ҳамда
назорат қилиб бўлмайди, чунки ҳар бир киши ўзича хафа бўлади.

– Яна уларга кўшимча қилиб нимани кечира оласан?

– Тагин Ранжишни ҳам кечира оламан, чунки улар кўпинча
бири иккинчисидан келиб чиқади. Кўнгил қолишнIAM кечираман,
негаки ундан кейин азоб-уқубат келади. У эса дилни тозалайди.

– Эҳ, Муҳаббат! Сен ҳақиқатан ҳам беҳад ажойибсан! Барча-
барча нарсаларни бемалол кечириб юборишинг мумкин. Мен эса
биринчи синовнинг ўзидаёқ ёниб битган гугурт чўпидек ўчаман-

қоламан. Муҳаббат! Мен ҳақиқатан ҳам сенга ҳавас қиламан!

– Шу ўринда салгина адашиб кетдинг, Ошиқ. Бу дунёда ҳеч ким барча-барчани буткул кечира олмайди. Ҳатто Муҳаббат ҳам.

– Наҳотки, бу гапни Муҳаббатнинг ўзи айтаётган бўлса?!

– Ҳа, бу ёруғ оламда мен ҳам кечира олмайдиган нарса бор. Чунки, у туйғуларни ҳалок қилади, ўлдиради, қалбларни емириб ташлайди, атрофдагилар ҳаётини заҳарлайди, ёлғизлик ботқоғига шартта улоқтириб юбораверади. У шунчалик даражада Оғриқни етказадикки, мўъжиза ҳам уни муолажа қила олмайди. У Хиёнат ва Сотқинликдан кучлироқ жароҳатлайди. Ёлғондан, Ранждан ҳам, тошданам қаттиқ тарсиллаб тегади. Қачондир У билан тўқнашиб қолган чоғингда ўзинг дарҳол тушуниб олаверасан. Эслаб қолгин, Ошиқлик ва Муҳаббатнинг даҳшатли душмани – **Эътиборсизик**.

ҲАЁТ САБОҒИ

Ҳали катта ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган шогирд Устозига минғирлаб, тажанглашиб, пешонасиам тиришиб арз-дод қилди:

– Устоз! Беҳад чарчаб кетдим, ҳаётим оғир, муаммолар ҳам шунчалик кўпки, гўё оқимга қарши сузаётгандекман. Нима қилай?

Устоз жавоб ўрнига бир хил сув қуйилган уч идишни оловга қўйди. Бирига сабзи ва иккинчисига тухум ташлади. Учинчисига янчилмаган қаҳва солди. Бир оздан сўнг, сувдан сабзи ва тухумни олди. Учинчи идишдан эса «Тошкент пиёласи»га қаҳва қуйди.

– Қани айтгинчи, нима ўзгарди? – сўради у шогирдидан.

– Тухум ва сабзи пишди, қаҳва сувда эриди, – деди шогирд.

– Йўқ, – деди Устоз. – Бу нарсаларга юзаки қарашдир. Қара, сабзи қайноқ сувда юмшади. Бўш тухум бўлса қаттиқлашди. Улар ўз шаклларини ўзгартиришди, холос. Одамларам шундай: ташқи тарафдан кучли синовда мўртлашади, нозиклар бақувватлашади.

– Қаҳва-чи? – шошиб-пишиб сўради бесабр шогирд.

– О, бу энг қизиғи-ку! Янчилмаган қаҳва ёт муҳит таъсирида ўзгарди ва тўлиқ эриб кетди-да. Қайноқ сувни хушбўй ичимликка айлантирди. Вазиятлар таъсирида ўзгармайдиган одамлар мавжуд шароитни ўзгартирадилар. Янги билим ва тажриба тўплаб олгач, қандайдир фойдали янгилик ва гўзалликларни кашф этадилар...

ДОНОЛАР ТАСАВВУРИДАГИ УМР

Бир донишманд шогирдлари тарафидан ҳаёт ҳақида берилган саволга жавоб қайтариш ниятида бўш кўзани кўлига олди ва уни бўғзигача тош билан тўлдирди. Ва шогирдларидан сўради: «Қани, айтингларчи, менинг кўзачам тўлдими?» Шогирдлар бараварига жавоб қайтаришди: «Ҳа, тўлиб-тошиб кетди». Шунда донишманд нўхат тўла идишни олиб, ичидагини кўзага аста тўкиб бўшатди. Нўхат тошлар орасидаги бўш жойларни бир пасда эгаллаб олди.

Энди донишманд шогирдларидан «Энди кўзача тўлдими?» – деб сўради. Толиби илмлар тагин биргалашволиб тасдиқлашди. Энди донишманд кумли идишни кўлига олди ва уни ҳам кўзачага қуя бошлади. Майда кум нўхат ва тошларнинг орасидан астагина сизиб ўта бошлади, ўзига муносиб бўлган бўш жойни эгаллади. Устоз ўзи амалга ошираётган тажрибадан кўзини узмай тикилиб турган шогирдларидан кўзачамиз тўлами ёки йўқми, деб сўради. Шогирдлар шовқин-сурон солиб «Ҳа, энди бутунлай тўлди», деб қайтаришди ва ўзларининг донолик, топқирликларидан мамнун, хурсанд, шод бўлиб кетиб, мийиқларида жилмайиб ҳам қўйишди.

Донишманд келажакда кўп яхши-ёмон, енгил-мушкул ишлар кутиб турган шогирдларига қарата, тажриба моҳиятини англата бошлади: «Ўғилларим! Мен сизларга шуни айтиб, огоҳлантириб қўйишим керак: Кўза – бу сизнинг ҳаётингиз. Тошлар – ҳаётнинг энг асосий унсурлари: фарзандлар, дўстлар, соғлиқ-саломатлик.

Нўхат деганимиз эса – ҳаётимизнинг ёқимли, лекин, унчалик даражада муҳим бўлмаган, ўшаларсиз ҳам кун кечирса бўладиган турли жиҳатлари: уй-жой, иш, машина, қимматбаҳо буюмлар ва шунга ўхшаш ҳар хил ашқол-дашқол, қақир-сукур, лаш-лушлар.

Кум эса ҳар бир кишининг беҳад тошқин, мураккаб ҳаётини тўлдириб-тошириб юборадиган минглаб майда-чуйдалар. Агарда кўзани аввалроқ кум билан тўлдириб ташлагудек бўлсак, ҳалиги тошлар у ёқда турсин, хатто нўхатга ҳам жой қолмаган бўларди.

Болаларим! Одамнинг умри ҳам худди шунга ўхшаб кетади: агар ҳаётни сира арзимайдиган майда-чуйда, бўлмағур нарсаларга сарфлаб юборилгудек бўлса, энг асосийсига асло хоҳиш-истаклар ҳам, шароит ҳам, имконият ҳам, фурсат – вақт ҳам қолмайди»...

СОВАСРИ – СИНГИЛ

Ақл эмас, кўнгил йўриғига юриб шаробхўрлик хасталигига чалинган бир киши сархуш ҳолатда зиёфатдан қайтиб келаётиб, ариққа ағанаб тушди-ю, ўрнидан қайта тура олмади. Унинг жони узилганди. Жума кунининг тонги эди, айрим бир кишилар ҳайрон бўлди – майхўр одамлар ҳам муборак жумада вафот этаркан-да?

Имомнинг энсаси қотиб, пешонаси тиришиб ва ижирганиб жаноза намозини ўқиб бўлганидан сўнг аҳли жамоага юзланиб:

– Бу инсоннинг орқасидан ёмон гапириш бизларга фарзмас, аммо, ўзгаларга ибрат бўлиши учун уни қўшни қишлоқдаги эски гўристонга кўмамиз. Бизнинг қабристонда ҳожи бобо ва момолар ётибди, улар орасига бошдан-оёқ гуноҳга ботган кимсани қўйсақ, «мардона руҳи ёр» аждодларимизнинг қарғишига қоламиз.

Одатда тобутга ҳамма ёпишарди. Бу сафар эса унга ҳеч ким яқинлашмади. Буни кўтаришда савоб йўқ, деб ўйлашди шекилли.

Бу тобутни марҳумни улуғлаган тўртта улфати елкага олди. Қўшни қишлоқдан ўтишда туйқусдан ўша тобутдан товуш келди:

– Тоштепа қишлоғидан ўтяпмизми, биродарлар? Дўстлари донг қотиб қолди. Шу фурсатда олдиларига бир чол келиб қолди.

Оқ соқолли чол оппоқ кийиниб, бошига оқ салла ўраб олган эди.

– Нега тўхтаб қолдинглар? Манзилига тезроқ етказинглар!

– И-я-я, марҳум дўстимиз кўкқисдан гапириб юборди-ку!

Нуроний кафанни очган эди, ўлган киши чор-атрофга аланг-жалаң назарини ташлаб, бояги саволини тағин такрорлади.

Ҳақиқатан ҳам Тоштепадан ўтаётганларини унга айтишди.

– Айбга буюрмасанглар, бир соат вақтингларни олсам, ўша Новнинг гўристонигаям барибир борамиз-да. Шу қишлоқда хаста синглим яшайди, ҳолидан сўнгги бора хабар олиб қўяй. Ҳар икки кунда кўргани келардим. Бугун келишим керак эди, ўлиб қолдим.

Соқоли кўксига тушган нуроний – умрбоқий чол жилмайди.

– Мен одам суратидаги Азроилман. Ўрнингдан ирғиб тур-да, бемор синглингнинг уйига боравер! Ҳол-аҳволини сўраб, унинг кўнглини кўтаргин! Ундан кейин Паромонга қайтиб кетавергин! Ҳаётингни истаганингча яшайвер! Сенга жаннат нақд қилинди.

Тобут кўтарган тўрт киши ҳайрон бўлиб чолдан сўрадилар:

– Ҳақиқатан ҳам бу ижодкор дўстимизга жаннат нақдми?

– Ҳа! «Онангни елкангда кўтарсанг, синглингни бошингда кўтар!» деганларини ўзингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак. Ким бўлишидан қатъи назар, ўз синглисидан доим хабар олиб турган, унинг ҳаётий юklarини кўтариб юборишга, мушкулотларига елка кўйган ҳазрати инсонларга Худо жаннатни нақд қилиб қўйибди...

Бундан энг камида 4 минг йил аввал ўзбек давлатчилигининг ибтидосида мафкура вазифасини шараф-шавкат билан бажарган бобокалон китоб «Авесто»да сингил атамаси «Совасри» шаклида қўлланган бўлиб, «Муқаддас ва хайрихоҳ» маъносини билдиради.

«Дон-дунни босиб, оёғости қилиб эмас, буғдойзорни оралаб сингиллардан доим хабар олиш» кераклигини эшитгансиз. Айрим бир яллачилар сўз маънисига етиб-етмай, «Сингиллардан хабар олинг, кўнгил учун!» дея жар солаётганига асло қулоқ солманг. «Кўнгил учун» деганлари «Сираям кўргим келмаяпти, синглимни кўргани кўзим йўқ. Бироқ, одамлар гап-сўз қилмасликлари учун бир кўриб қўйишим керак», деган маънони билдиради, аслида.

Ҳар бир сўзнинг жони, шакл-шамойили ва руҳи бўлади. Бу ўринда бўлса биттагина ҳарфнинг ўрнини алмаштирамиз холос. «кўнгил» эмас, «кўнгли учун». «Акам қачон жиянларини кўргани келаркинлар», дея кўзи тўрт бўлиб, интиқиб кутаётган «Муқаддас ва хайрихоҳ» онангиз ўрнига ОНА бўлиб қолган синглингизнинг «кўнгли учун!» Гапнинг буёғини эса катта ҳаётий тажрибага эга бўлган инсон сифатида ўзингизам бемалол давом эттира оласиз...

НЕЧТА ДЎСТИМ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ошна-оғайнигарчилик, жўрачилик, биродарлик каби мангу мавзулар хусусида ўйлай-ўйлай ўзига мақбул бўладиган жавобни қидириб тополмаган бир киши чор-атрофга донғи таралиб кетган донишманднинг ҳузурига келиб, бош оғритар саволини берибди:

– Устоз, Сиздан ниҳоятда муҳим бир нарсани сўраб, билиб олмакчи эдим. Одамнинг нечта дўсти бўлиши керак? Одамлардан «Юз тилланг бўлмаса ҳам, юзта дўстинг бўлсин», деган мақолни эшитиб қолдим. Лекин, барча юмушимни ташлаб қўйиб, атайлаб дўст қидирадиган бўлсам, ишим ўнгидан келишига ишонмайман.

Ахир қаршингдаги одам асли қанақалигини билиб бўлмайди-ку!

Бундан ташқари, у ошна ёки оддий ўртоқ эмас, чинакам дўст бўлишга лойиқми-йўқми – бунисини ҳам олдиндан айтиш қийин. Бунинг устига эса, ўзимнинг ҳам бошқа кишиларга қай даражада дўст бўла олишим ҳозирча ўзимга ҳам унчалик аниқ-тиник эмас.

– Майли, ўғлим, берган саволингга жавоб қайтараман. Янада ҳам тўғрироғи, жавобни ўзинг топиб оласан, – дебди донишманд. – Хув анави боғдаги осмонга роса бўйини чўзган, худди теракка ўхшаб кетадиган олма дарахтига кўзинг тушдими? Боғбони унга ҳеч қачон шакл бермаган. У бу атрофдаги энг баланд олма оғочи ҳисобланади. Бориб ўша дарахтнинг энг учида узилмасдан қолиб кетган меваларидан териб келсанг, саволга жавоб топиб оласан.

Асл дўст дардидаги одам ўша тарафга қараб, дарахтнинг энг баланд шохида олтиндек товланиб турган олмаларни кўрибди ва:

– Лекин, устоз, дарахт ҳақиқатан ҳам жуда баҳайбат экан. Унинг меваларини қандай қилиб узиб оламан? – деб сўрабди.

– Шуни ҳам муаммо қиялсанми? Бирорта дўстингни чақир, биргалашиб оларсизлар, – деб йўл-йўриқ кўрсатибди донишманд.

Ҳалиги киши бир дўстини Ўнғортоғ пойидан, ўз молларини боқиб юрган жойидан топиб келибди. Ўртоғи эса унинг елкасига чиқиб олиб, қўлини чўзибди, лекин, турган гапки, ололмабди.

– Йўқ, бунақада ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, – дебди роса асабийлашиб, аста жаҳли ҳам чиқа бошлабди дўст изловчининг.

– Нима бало, умуман, мана шу молбоқардан бошқа биронта дўстинг йўқми? – дея кулимсираб савол берибди донишманд.

Таниш-билишларини чорлаган киши анчагина одамни йиғиб кўйибди. Улар бир-бирларининг елкасига миниб, терлаб-пишиб юқорига интилишибди... Бирок, бу жонли ҳавоза (шоти, нарвон) олмагача етмабди. Бунинг устига бир нечтаси кулаб тушибдиям.

Ҳалиги кишини ёнига чақирган донишманд ундан сўрабди:

– Одамга нечта дўст кераклигини энди тушунгандирсан?

– Ҳа, устоз! Аслида, жуда кўп дўст керак экан. Кўпдан куён қочиб кутула олмаслигини бу хомкаллам билан энди англадим.

Доно киши афсус-надомат билан бош чайқаб, шундай дебди:

– Тўғри, дўстлар кўп бўлгани яхши. Лекин, калласига шоти келтириб, олмани узиб олиш келадиган бор-йўғи биттагина ақл-фаросатли дўстинг бўлса ундан ҳам яхшироқ бўлар эди-да.

ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК, ЖЎМАРДЛИК

Тинчликпарварлик деган тамойил уруш, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор қилади. У оддий одамнинг тинч-тотув яшашга бўлган муносабати билангина чекланиб қолмайди ва бир пайтнинг ўзида зўравонликка қарши курашни ҳам талаб қилади.

Тинчликпарварлар – фидойи инсонлардир. Улуғ давлатчилик руҳи ҳукмрон давлатларда бундай шахслар қувғин қилинади ва қамалади. Лекин улар ўз принципларидан қайтмайдилар. Шундай беқиёс сиймолардан бири инглиз файласуфи, Нобель мукофоти соҳиби Бертран Рассель (1872 – 1970) эди. 36 ёшидаёқ Қироллик Жамияти аъзосига айланган файласуф, ёзувчи, социолог шундай фаолияти сабабли 2 бора инглиз маъмурияти томонидан қамокқа ташланган. Бироқ, «Инсонпарварлик ва хурфикрлик ҳаворийси» фахрли унвонига сазовор бу улуғ инсон умрининг охирига қадар ўзи танлаб олган тинчликпарварлик тамойилидан асло тонмаган.

Жўмардлик тамойили бўлса Шарқ оламида қадим-қадимдан мавжуд. Европада эса уни альтруизм номи ила файласуф Огюст Конт илмий муомалага киритган. Жўмардлик – кишидаги ночор аҳволга тушиб қолган қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фарвонлик тилаш туйғусидан туғилади, моҳиятан бўлса беминнат хайрияга асосланади. Ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини устун қўйиб «ўз оғзидагини ўзга оғизга тутиб» яшаш (кун кечириш ёки тирикчилик қилиш эмас) жўмард инсоннинг ҳаёт тарзига айланиб кетади. Бу оддий хайрия эмас, шу билан бирга, мухтожликнинг ҳар қандай кўринишига қарши ўзига хос курашдир. Бироқ, ушбу кураш инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари қатъий жамият ёхуд жамоанинг ахлоқий-меъёрий талабларидан келиб чиқмайди.

Жўмардлик фақат ва фақат хусусийлик табиатига эга ва ҳар бир шахснинг эркин ихтиёри билан боғлиқ ахлоқий тамойилдир. Чунончи, бирор кишининг инсонпарварлик ёхуд ватанпарварлик талабини бажармаслиги ўзгаларда унга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотади. Жўмардлик қилмаган бунақа маънавий жавобгарликка тортилмайди-да. Зеро, жўмардлик моҳиятан «оддий одамликнинг қобиғидан чиқа олиш», илоҳийлик сифатларига эга бўлиб бориш дегани. Бунақаси бўлса энди ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да.

ВАТАН ҲИССИ

Ўзингизам ўқиган, билган, анча-мунча кўйлақларни тўзитиб ташлаган бир киши сифатида биласизки, ҳар замонда башариятга турли хил эпидемия, пандемия деб аталмиш юқумли хасталиқлар таҳдид солади. Қадим замон ва маконларнинг биридаям вабо деб аталмиш бало-қазо тарқалиб, бутун шаҳар аҳолиси қирилиб кета бошлаган экан. Шаҳаншоҳ фармониға кўра ўша шаҳар аҳолисини асраб қолиш мақсадида, ўзга юрт худудига кўчириб юборилибди.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетгач кўчқиндилар ўз юртларини ўта қўмсаб, соғиниб зерика бошлабдилар. Улар учун киндик қони томган ота макон, дунёға келиб илк бора ҳавосидан нафас олган сўлим гўша ҳамма нарсадан ортиқ эканлигини ҳис қилишибди.

Соқоли кўксига тушган, тўриданам гўри яқинлашиб қолган, ота юртини ҳаммадан кўпроқ қўмсаган умрбоқий (90 ёшдан ошиб кетган) отахон таклифига биноан ҳаммалари аввал вабо тарқалган Ватан сари йўл солишибди. Ўзга мамлакатда туғилган ёшлардан кўра катталарнинг қалби Ватан ҳисси билан тўлиб-тошган экан.

Улар ўз шаҳарларига қайтиб, кечираётган ҳаётларини осуда давом эттираверибдилар. Аллоҳнинг инояти ё Ватан ишқими ёки амалга оширилган профилактик чора-тадбирларми, бошқа сабаб туфайлими, ишқилиб, бало-қазо, мўр-малахлар янглиғ қўққисдан бостириб келган ўлат, вабо ўша худудни ташлаб кетиб қолибди.

Шунда, ўзингиз ҳам юқорида танишиб олган донишманд ота ҳамшаҳарларига қарата, амри маъруф, наҳий-мункар қилиб, орзу ва ниятларни ҳамиша пок тутишни тайинлаб шундай деган экан:

– Биродарлар, тобуткашлар, ўғил-қизларим! Туғилиш гумон, ўлим ҳақ, лекин Ватан ишқи, муҳаббати ундан ҳам аввал ҳақдир! Мана ўзингиз ҳам кўрдингиз, бошингизданам кечирдингиз Аллоҳ бизнинг сабр-тоқатимизни обдан синовдан ўтказди. Имтиҳондан ҳеч биримиз йиқилмадик. Орамиздан одамни имон-эътиқодидан ажратиб ташловчи бесабр ва ношукр кимсалар чиқиб келмади.

Хасталиқ, касаллик, айниқса юқумлилари орасида энг ёмони вабо бўлса, унинг чинакам давоси орамиздаги ҳар хил аравакаш, ошпаз ва бошқалар эмас, айнан табибларнинг маслаҳатига қатъий равишда амал қилиш, бирдамлик, сабр-тоқат ва покликдир...

ИСКАНДАР ВА МАҒРИБ ПОДШОСИ

Искандар Зулқарнайн кўшини Мағриб салтанати остонасига келиб тушди. Кечки пайт хизматкор жаҳонгирга хабар келтирди:

– Қандайдир киши ҳузурингизга кирмокни истайди, ўзининг айтишига қараганда, у Мағриб подшосининг элчиси эмиш.

– Майли, айт, уни олиб киришсин! – рухсат этди Искандар.

Юз-кўзида кўркувдан асар ҳам йўқ одам Искандар чодирига аста кириб келди ва хотиржам ҳолда унинг ҳаққига дуо қилди.

– Хўш, бизга айтадиган қандай гапинг бор, – деди Жаҳонгир.

– Навкарларингга буюр, қўлларимни боғлашсин, сўнг бизни ёлғиз қолдиришсин, ундан кейин сўзимни айтаман, – деди элчи.

Искандарнинг амрига кўра, элчининг айтганлари адо этилди.

Фақат шундан кейингина ўша мағрур элчи Искандарга юзланди:

– Аслида мен элчи эмасман. Мағриб ҳукмдориман. Энди эса хоҳласанг ўлдиришинг, истасанг ҳаёт бағишлашинг мумкин!

Искандар шохнинг жасоратига қойил қолди. Ўрнидан ирғиб туриб уни кучди, чақноқ кўзларидан ўпди. Хизматкорини чорлаб, қўлларини ечтирди. Ўша кеча унинг шарафига зиёфат берди.

Мағриб ҳукмдори қайтишда Искандарга таъзим қилиб деди:

– Эрталаб кўшининг билан майдонга сафлансанг, сизларга бир катта тўй бериб, кучим етгани қадар иззат-икром кўрсатсам.

Мағриб султони кечаси билан тўй анжомларини ҳозирлатди. Улкан дошқозонларда анвойи таомлар тайёрланди. Султоннинг Искандар ҳузурига бориб-келганини эса ҳеч ким билмай қолди.

Тонг отиши биланок Искандар лашкари айтилган майдонга кириб борди. Қараса, султон аскарлари униқидан уч баравар кўп экан. Искандар отидан тушди. Икки ҳукмдор майдон ўртасидаги чодирга кириб кетишди. Ўша куни беҳад тантанали тўй бўлди.

Мағриб шоҳи билан хайрлашаётган Искандар ундан сўради:

– Эй, саховатли султон! Шунча улкан кўшининг билан нега қарши уруш қилмадинг, аксинча, келиб остонамга бош урдинг?

– Эй, Искандар! – деди Мағриб шоҳи, – кўшинингдан эмас, адолатингдан кўркдим, чунки, Яратган кимга саодатни ато этса, унинг қўли устун бўлади. Устунлик лашкарнинг кўп ё озлигига боғлиқ эмаслигидан ўзинг ҳам яхши бохабарсан, деб ўйлайман.

ОМАД ЎЗИ НИМА ДЕГАНИ?

Ҳар-ҳар замонда ўзимизга, ўзимиздан кетибмас, ўзимизнинг ичимиз ичидан чиқиб, четдан туриб назар ташлай оламизми? Йўл қўйган хатоларимизни, дўппимизни бошдан кўрпача устига олиб, бафуржа таҳлил қилдикми, ҳеч? Кимнингдир хатоларини англаб, уни иллатлардан огоҳ этдикми? Ўз ёнимиздаги адашган кимсани ўзига англатмасак, биз ўзимизнинг жамият одами бўла оламизми? Бу масала ҳақида жичча ўйлаб кўрсак, сира ҳам зарар кўрмаймиз.

Давраларда суҳбат роса қизийди. Кимдир бировнинг ножоиз хатти-ҳаракатларига ўзича «баҳо» беради, сўнг бошқа кишининг хатосидан сўз очади... Хатолар... Ким ҳам хато қилмайди? Аммо, гап бунинг ўзидагина эмас-да. Ён-атрофдагилар аралашуви билан шу хатолар тўғриланса... Хуллас, асосий гап мана шунда! Бунинг учун биз қачон, қаерда хатога йўл қўйганимизни ва аслида қай тарафга бораётганимизни теран тарзда тушуниб олмоғимиз шарт.

Тасаввур қилинг: лотереясига катта ютуқ чиққан бир одамни реклама қилиб, миллионлаб кишиларнинг ҳавасини келтирамиз. Гўё лотерея ўйнаган ҳар икки одамдан бири зафар қучаётгандек. Хўш, бу омад нечта одамга етади ўзи? Минглардан, миллиондан бирига. Бир одамнинг омади миллионлар омадсизлиги бўлади бу ўйинда. Бизга қанақа омад керак? Миллионлаб уловсиз одамлар орасида биргина омаднинг миллионлаб одамлар пули эвазига «от»да юришими ёхуд миллионлаб одамларнинг уловли – омадли бўлишими? Омад нима ўзи? Нимага бугун бари давраларда, ҳатто дастурхон бошидаги тилакларда ҳам мана шу «ОМАД» деган сўз ҳадеб тилга олиनावеради. Ё биз тўсатдан (кўкқисдан, туйқусдан, мутлақо қутилмаган паллада...) бирданига бойиб кетиш орзусида кун кечиряпмизми (тирикчилик қиялпмизми ё яшаяпмизми)?

Баландроқ ва юсакроқ (фақат орзу-ниятлар эмас) мақсадлар билан яшашнинг ўрнига арзимас ҳою-ҳаваслар атрофида, ноаниқ хаёлларга ўралашиб қолмаяпмизми? «Яхши ният – ярим мол» нақлини ғоятда яхши биласиз. Ўша молнинг «сигир» маъносини англатишиданам бохабарсиз. «Яримта мол»ни бир кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Каттакон қалла, бетиним ейман-ичаман, дея мў-ў-ўраб турган оғиз тарафи бизга. Мол боқишдан асосий ният нима ўзи? У бизга берган ем-хашагимиз эвазига сут берсин, бузук

берсин. У томониям ўз-ўзидан бўлмайти-да. Агар ўзимизни ўтга-чўкка уриб, олдимизга аниқ бир мақсад кўйиб, озуқа – кунжара, атала, ўт-ўлан, хашак... бермасак мол ҳам ўзидагини бермайти...

Биз кафтимизни катта очиб, «Омадимиз келсин, омадимизни берсин!» дея юзимизга фотиҳа тортганимизда нималарни назарда тутамиз? Ғойибдан бошимизга, чўнтагимизга, агарда бўлса, пўлат сандиғимиз (сейфимиз)га даста-даста пул (доллар, евро, рубль...) «ёғилиб» келишиними? Ёки атрофимиздагиларни лол қолдириб, бирпасда Билл Гейтс каби «миллиардер»га айланиб қолишимиз?

Қадимги ажодларимиз кўрғоқчилик пайтида «ёмғир сўраб» дуолар айтганлар. Ёғин-сочин мўл бўлиб, ғалла ҳам шунга яраша серҳосил бўлганида «Бу йил омадимиз келди» дея бир-бирларини суюнчилаганлар. Эл фаровонлиги, юрт тинчлиги, чақалокларнинг эсон-омон туғилиши сингари яхшиликлар ОМАД белгиси бўлган.

«Авесто»да илоҳ Ахура Мазда яратган вакил маъбудлардан бири Варахран бўлиб, анъанавий антропонимлар – шахс исмлари қаторида ўзбеклар ва тожик этнослари орасида Баҳром, Баҳрон шаклларида ишлатилиб келмоқда. «Авесто»даги «Баҳром Яшт» алқови айнан Варахранга нисбатан эътиқод анъаналарини сақлаб қолган. Аввало, Варахран – момақалди роқ илоҳи, адолат ва имон кўриқчиси. Қолаверса, у ҳарбий куч – жамият посбони. Унинг зиммасига куёш нурини тўсувчи булут – Вратрага қарши кураш вазифаси юкланган. Ўша Варахран ўзининг чакмоқ ўқлари билан иблис Вратрани ўлдириб, оламга ёруғлик, зиёни қайтариб беради. Варахран булардан ташқари олий илоҳ Ахура Мазда томонидан яратилган эзгу борлиқнинг азалий тартиб ва қоидаларини ҳимоя қилади. Унга топинган инсонларга сеҳрли жасорати ва қудратини бахш этади. Шу билан бирга, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалнинг ғалабасини таъминлайди. Айтилган сўзларни эса, худди отилган ўқлар сингари янада ҳам таъсирлироқ этади. «Авесто»нинг бошқа қисмларида эзгулик кучлари ёмонлик кучларининг устидан қачон ғолиб келган бўлсалар, уларнинг ҳаммасига чинакам ғолибликни бағишлаган қудратли куч ўша Варахраннинг ўзидир, дейилади. Бир вақтнинг ўзида Варахраннинг ўзи гоҳо кучли шамол бўлиб, гоҳида оҳу, гоҳ-гоҳ енгилмас қобон, гоҳ-ногоҳ Варағн номли қуш бўлиб, баъзида ниҳоятда гўзал йигит қиёфасида пайдо бўлиб, эзгу ниятли инсонларга ҳар сафар ёрдам беради, кўмаклашади.

«Авесто» бўйича Хварно – илохий бахт, омаднинг рамзидир. Фонетик ўзгарган кўриниши фарн, фарр. Кимнинг боши, елкаси ёхуд танасининг бирор қисмига фарн (хварно) қўнса – «тахт эгаси бўлади», деб чиндан ҳам ишонилган. Хварно доимо ёмон ниятли кишилардан қочиб юради. Аждодларимиз тасаввурига биноан, у сира ҳам тутқич бермайдиган нур кўринишида бўлади. Баъзан эса қуш (Хумо), оқ рангли кўй ва бошқа қиёфаларга ҳам кира олади. Ҳозирги давргача фарн – фар ўзаги «тахт эгаси», «бахт-саодат», «қут-барака», «шараф», «шавкат» каби ўзбек, тожик тилларидаги айрим бир, ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биладиган сермаъно яхши сўзлар (фармон, фармойиш, фаровонлик, фарахбахш, фарзанд...) ва жуда ҳам чиройли исмлар (Фаррух, Фарҳод, Фарида, Фароғат, Фарангиз...) яшаш жараёнида фаол тарзда иштирок этиб келмоқда.

Бобокалон «Авесто»нинг «Яшт» китобида шундай ёзилган:

Мастлик кетидан келар

Қонхўр Дайва – Айшма.

Ичилса агар хаома

Изидан келар Аши.

Аши зардуштийлик динида одамларнинг диний амалларини муносиб равишда мукофотлаш ва тақдирлаш мақсадида уларнинг ортидан изма-из юриб, кузатиб борувчи фаришта сифатида ҳам тушунилган. У кимга ёндашиб яқинлашса, худди ўша одамга бахт ва омад ёр бўлади, деган инонч мавжуд эди. Ҳозирги даврда биз қўллайдиган «Омад» сўзи «келди» маъносида айнан шу Ашининг инсонларга яқинлашуви туфайли ҳам содир бўладиган яхшилик ҳамда эзгулик маъносига эга. Лекин, минг афсуслар бўлсинким, «Омад» сўзининг зардуштийлик билан бевосита боғлиқ талқини ҳозирги замонда деярли унутиб юборилган. Шу боисданам айрим кишилар, ва ҳаттоки билагон журналистлар ҳам ўзлари мутлақо англаб етмаган ҳолда «Омад кулиб боқди», деган иборани тез-тез қўллайдилар. Сиз ўзингиз омаднинг хўмрайиб турган ҳолатида тасаввур қила оласизми? Омад куладими ё йиғлайдими? Бу ҳам худди руслар тилидан сўзма-сўз таржима қилиб олинган «Ёқимли иштаҳа»га ўхшаган бир гапга ўхшайди. Сиз «Ёқимсиз иштаҳа»ни кўз олдингизга келтира оласизми? ОМАД деганимиз ҳам келади ёки кетади, хоҳласа келади, хоҳламаса, ярамас ва палид одамлар ҳузурига келмасдан, уларга кўмаклашмасдан қўяқолади. Бундан

ташқари, ОМАД бирликда қўлланади, унга «лар» қўшилмайди!

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (3- жилд, 121- бет) ҳам худди ана шу маънода унга қуйидагича таъриф берилган: «келди; келиш; бахт; кирим; даромад. Ишнинг ўнгидан келиши, илгари босиши; бахт, толе. Ҳар йигитга бир омад. Мақол. Ишнинг омади – ўз вақти. Мақол. **Омад(и) келмоқ** (ё **юришмоқ**) Иши ўнгидан келмоқ, бахти келмоқ, юришмоқ. **Омади кетмоқ** Иши ўнгидан келмаслик, орқага кетмоқ, бахт йўли тўсилиб қолмоқ...»

Бугун биз омадни нимага қандайдир лотереядан сўрашимиз керак? Ўзингизам ниҳоятда яхши билган айрим кимсалар ОМАД сўраб аллақандай фолбинлар атрофида пашшалашиб юрадилар. Тижоратчи (сотувчи, чайковчи)ларнинг баъзилари ўша фолбинга харидорлардан шилиб олинган маблағдан улуш ажратиб мана шу пулига «Барака» дуосини ўқитиб оладилар. Бу пуллар ўз-ўзидан унинг «ҳузурига» ўша омадни етаклаб келаверадими? Асло йўқ!

Ўзингизам «Сендан ҳаракат, мендан баракат» нақлидан жуда яхши хабардорсиз. Дилда (кўнгилда, қалбда, юракда) каттагина мақсад, руҳ бақувват бўлса, ақл ва қўл елкама-елка туриб меҳнат қилса, БАХТ ва ОМАД инсоннинг йўлдоши, ҳамроҳига айланади.

Минг афсуски, кўпчилигимиз негадир ақл кўмагига таяниб, меҳнат қилишни эмас, нукул бирорта мўъжиза содир бўлишини орзу-ният қилаверамиз. Аслида-ку ўзбекнинг ўзи орзудан яралган халқ. «Орзуга айб йўқ»лигидан ҳам хабардорсиз. Орзу ниятдан чинакам мақсад даражасига кўтарилган тақдирда унга таяниш ва суянишимиз мумкин. Ҳавога таяниш, сувга суяниб бўлмаслигини ҳам биласиз. Суяниладиган ва таяниладиган девор, темир, тош ё мақсад каби бизга маълум даражада қаршилиқ кўрсатиши даркор.

Боқимандалик, тайёрхўрлик, текинхўрлик, эътиборсизлик ва лоқайдлик хасталиги устларига эшак қилиб миниб олган аксарият киши, кимсалар каби «Қандай қилсам омадим келади?» деган ўй-хаёлларнинг гирдобига ихтиёрий равишда тушволиб, тирикчилик қиламиз, кунимизни кечирамиз. Ички бир овоз бўлса бизга қарата «тиниб-тинчимасанг, туну кун меҳнат қилаверсанг, Аллоҳ берган ақлинг, қўлингни ишлатсанг ОМАД сеники» деётгандек бўлади.

Биз ўша беҳад қудратли товуш эгаси – виждонимизга қулок тутсак, ҳақиқатан ҳам ўша **ОМАД** бизни ҳеч қачон тарк этмайди.

ВАТАН – САЖДАГОҲ

Ота маконимизда қадим аждодимиз Ўғизхондан қолган улуг удум одат ва абадийликка айланган анъанага кўчиб ўтган. Ватан тупроғи ҳар нарсадан азиз бу юртда. Сизнинг ўзингиз ҳам жуда яхши биласизки, ўғлонлари қайси бир маконда оламдан ўтмасин, омонатини топширмасин, майитни ота юртга келтириб, тупроққа топширадилар ва ўз хилхоналарига кўядилар. Такдир шамоллари бегона мамлакатларга сочиб юборган ватандошлар эса, бир ҳовуч юрт тупроғи билан дафн этмоқни авлодларига васият қиладилар.

Неча минг йиллардан буён шундай ривоят юради элимизда. Ўғизхоннинг беҳад кучли ғанимлардан бири қирғинбаротга олиб келадиган, элнинг қони беҳуда тўкиладиган уруш очмоқ ғаразида турли-туман аҳмоқона талабларни кўя бошлаган. Дастлаб унинг Искандарнинг Буцефал, Алпомишнинг Бойчибор, Темурбекнинг Хонўғлони каби жондек суйган отига оғиз солади. Аъёнларининг кисти-басти, отни ғанимга бериб юбормаслик ҳақидаги талабига қарамай, хон уни ёвга тортиқ қилади. Эл-юрт бир йил тинчликда кунини кечиради. Кейинги сафар кўшни хон эр киши учун деярли ўлим билан баравар талабини кўндаланг кўяди. Яъни унинг беҳад севган, кўрқда тенги йўқ хотинини сўрайди. Оқсоқоллар ҳамияти зўрлик қилиб, ғанимга қарши уруш очишни таклиф қиладилар. Бу сафар ҳам ҳукмдор эл ғамини еб, гўзал маликадан воз кечади.

Ниҳоят, рақиб Ўғизхон давлати сарҳадидаги бир ташландик, қаровсиз ерни инъом қилишини сўрайди. Буни эшитган аъёнлар: «Олампаноҳ! Берворинг, шу ер билан нафси қонсин!» дейдилар. Аммо, Ўғизхон: «Мардона руҳи бизга ёр аждодларимизнинг хоки ётган бу муққадас заминда қиёматга қадар туғилажак авлодлар ҳақи бор! Бизга бировларнинг бир қарич ҳам ери керакмас, бироқ бир қарич ҳам еримизни ўзгаларга бермаймиз» дея жанг-жадални бошлаб, элни жонидан тўйдирган ғанимни мажаклаб ташлаган.

Мана шу – Ватан туйғусидир. Ота-бувалардан мерос қолган Саждагоҳни муқаддас ҳисоблаш туйғусидир. Олам жаҳондаги энг бағрикенг элимиз бошқа қавмларни ҳурмат қилади, байналмилал этнос бизнинг халқимиз. Лекин, Ватанига – Саждагоҳига кимдир даҳл қилса борми, у бамисоли шер, арслонга айланиб кетади...

БОЙЛИК – БУЮРГАННИКИ

Қадим ўтган замон ва маконларнинг бирида ниҳоятда хасис, васвасага тушиб қолган бир бой кам еб, кам ичиб, ҳаттоки оиласи ризкидан ҳам қирқиб, анча каттагина хазина тўплабди. Ўзининг мўлжалича моддий бойлиги етарли миқдорга етгач, «Мана энди бундан буёғига кайф-сафо, айш-ишрат ва роҳат-фароғат қилиб яшайман», – деб хазиналаридан бирининг эшигини аста очмоқчи бўлиб уринган экан – асло оча олмабди. Аксига олиб, иккинчиси, учинчисининг ҳам эшиги очилмабди. Шунда у ғазабининг отига сакраб миниб олиб, онасидан келиб, роса бўралатиб сўкинаётган пайтида биринчи хазинадан ширалигина бир овоз келибди:

– Эй, Аллоҳ таолонинг бандаси нимага бу эшикни очмоқчи бўлиб уриняпсан, ўзинг нимага ва кимга ғазаб қиляпсан?

– Бу ўзимнинг хазинам, очиб унга яшириб қўйган бойликдан энди кўнглим тусаганича фойдаланмоқчиман, – дебди бой.

– Агарда бу бойликлар сеники бўлса, не сабабдан ҳалигача фойдаланмадинг? Энди бу бойликлар сенга сираям тегишли эмас, паромонлик дурадгор Тойирвой устага аталган. Агарда истасанг, ўзинг бемалол синаб кўришинг ҳам мумкин, – деган овоз билан ўша очилган эшиклар тагин шовқин-сурон билан ёпилибди.

Бой «Агарда бойлик менга насиб қилмаса, бошқа ҳеч кимга буюрмайди», деган қарор билан йўғон-йўғон ходаларнинг ичини ғовак ҳолатида тешдириб, тўплаган бойликларини жойлабди-да, Подшоота дарёсига ташлаттирибди. Ўзи эса, «буёғи энди қанака бўларкин?» деган ўйда дарёда оқиб бораётган ходаларга эргашиб бораверибди. Мамай қишлоғи ёнидан оқиб ўтгач, дарё Заркент ва Паромон тарафга бўлиниб кетар эди. Дарё Паромон ва Пашамин қишлоқларининг орасидан оқиб ўтар, Паромонда бўлса чинданам Тойирвой деган чор-атрофга донғи кетган дурадгор яшар экан. У ҳар тонг дарёнинг ўнг соҳилига чиқиб, оқиб келаётган қарағай ё арча ёғочларини тутиб, бир четга чиқарар экан. Ўша тонгда туриб қараса, бир қанча ходалар оқиб келибди-ю, бироқ эгаси йўқмиш. У ёшлик чоғларида кўзлари айрим ўрисларникидек мовий рангда бўлиб, кейинчалик қорайиб кетган бўлса-да, Кўки лақабини олган

катта ўғли Мирзараҳимнинг кўмагига таяниб ходаларни сохилга чиқариб олган пайтида отига минволган ўша бой ҳам етиб келиб:

– Биродар! Сен кимсан? – деб сўраб-суриштирибди.

– Мен паромонлик Тойирвой устаман.

– Унақа бўлса, – дебди Нанай қишлоғилик ўша бой, – ана шу ходаларни уйингга олиб бориб, орасини бир ёриб кўргин!

Тойирвой уста унинг айтганини қилиб, кўзларига ишониб-ишонмай ханг-манг бўлиб турган бир чоғда уларнинг хонадонига ортидан кириб келган бой дурадгорга қарата шундай дебди:

– Маълуминг бўлсинким, бу ходаларингнинг бари мана шу ҳолда олтин ва жавохирлар билан тўлдирилган ва булар шу онга қадар менга тегишли эди. Аммо, Аллоҳ буларнинг барини мендан олиб, ҳалол инсонлигинг учун сенга беришни ихтиёр айлади.

Шунда Тойирвой уста ўша бойга қарата астагина:

– Агар гуноҳингиз бўлса тавба-тазарру қилинг, Аллоҳ таоло раҳм қилувчидир. Бойликларингизни қайтариб олинг, – дебди.

Бой бўлса, «Мен Аллоҳнинг измига қарши бормайман», деб кўнмабди. Ярмини, ҳатто бир мисқолини ҳам олишни истамабди. Ялиниб-ёлворишлари зое кетган Тоирвой уста: «Ҳеч бўлмаганда икки жуфт нон олинг, йўлингизга ҳамроҳ бўлсин», дегачгина, бой рози бўлибди. Дурадгорнинг хотини Карима хола хамир қориб, тўртта катта-катта паромонча патир ясабди-да, орасига тиллалар ва жавохирлардан солиб қўйибди. Бой эса патирларни олиб йўлга тушибди. Паромондан бир оз узоклашиб, Устухон овулидаги бир харобгина капани кўрибди. Бориб билсаки, Сотқанкул чўпоннинг хотини яқиндагина туғилган боласини бағрига босиб ўтирибди. Қўйчивоннинг аҳволи ночор, топган-тутганларини кўпинча арок олиб кўяди. Бунинг бунақа феълени билган тувғанлари ҳам унча қайишмайди. Унинг еярга нони, чайнарга эти, чақалоғини ўрашга бир парча матоси йўқ. Уни аввалдан таниган бой Сотқанкулнинг кадок қўлига ҳалиги икки жуфт патирни тутқазибди.

– Сен бу патирларни ўзинг ҳам яхши биладиган паромонлик Тойирвой устага олиб борсанг, мендан салом етказганингни яхши билади ва сенга керакли нарсаларни беради, – дебди бой.

Ана шундай қилиб, «Бойлик – буюрганники», деганларидек, патир орасига жойлашган жавохир ҳам ўша бойга насиб этмабди, тагин ҳалол-пок Тойирвой устанинг ўзига қайтиб борибди...

ЭНГ КУЧЛИ ЗАҲАР

Шундай қилиб, қадим ва яқин ўтган замон ва маконларнинг бирида Лукмони ҳаким йўлда бораётсалар бир уйдан нола, фиғон эшитилибди. Кирсалар оғриқ азобига чидай олмаётган хаста одам дод солаётган эмиш. Табиблар келиб, «Муолажадан сира наф йўқ, бир-икки кун ичида узилади», деган эканлар. «Ноумид – шайтон» деганларидек Лукмони ҳаким бемор томирини ушлаб, дебдилар:

– Дардинга даво мавжуд. Илон захри сенга шифо бергай.

– Илоннинг захрини мен қайдан топай? Бир бедаво бўлсам...

Мени шунақа аҳволда ташлаб кетаверасизми? Аллоҳ ўзи менинг зоримни эшитиб, Лукмони ҳакимни рўпара қилганида эди, у зот хаста кишини асло ташлаб кетмасдилар, – дебди ўша бемор.

Лукмони ҳаким бу нолани тинглаб, «Зинҳор ташламасман», дебдилару илонзорга бориб ёш бир илоннинг бўғзидан тутибди. Шунда тўлғонаётган ўша илон иттифоқо тилга кириб дебдики:

– Эй, Инсоннинг боласи, не сабабдан мени аямай бўғяпсан?

Аллоҳнинг берган жабр-жафоларининг ўзи каммиди?

– Аллоҳ таоло сен илонга қанақа жабр-жафолар қилган?

– Мени кўримсиз қилиб яратган, одамлар кўрса қочадилар.

Мен ертубан қилиб яратилдим, судралиб юришгаям маҳкумман. Энди бўлса қолмишига сен келиб, менинг жонимни оласанми? – дебди жон ҳолатда қутулишга уриниб, биланглаётган илон.

Ўйланиб қолган Лукмони ҳаким илонга қарата дебдиларким:

– Агар мен шунақа қилмасам, бир одам ҳаётдан кўз юмади.

– Ажаб! Бир одамнинг ҳаётини саклаб қолиш учунгина мени ўлдирасанми? – дебди илон тилчасини тезда чиқариб, вишиллаб.

– Ахир у ҳам Аллоҳ таоло яратган мен сингари бир махлуқи-ку!

Битта жонни саклаб қолиш учун иккинчисини албатта маҳв этиш, ўлдириш шартми? Эй, Инсон боласи, ўзинг айтчи: мен бировни босиб олганлиги учун қақиб олсам, захримни даф эта оласанми?

– Ҳа, – дебди Лукмони ҳаким қатъий ишонч ила, – бемалол баратараф қила оламан. Буни кўп бора амалга оширганман ҳам.

– Унақа бўлса менинг захрим кучли эмас экан, – дебди илон.

– Бу ёруғ оламда шунақа даражадаги кучли захарлар ҳам борки, сен уларни ҳеч қачон, зинҳор даф, баратараф эта олмассан.

– Қанақа заҳарни айтяпсан? Кобра ё қорақуртникими?

– Э, йўқ, – дебди илон вишиллаб, – дунёдаги энг даҳшатли, кучли заҳар – одамнинг заҳри ҳисобланади. Бунга мутлако даво мавжуд эмас. Одам одамни атайлаб, пинҳона ёхуд ошқора чақиб олгудек бўлса – албатта, ўлим муқаррардир, ҳақдир! Аллоҳ таоло биз – илонларни ўзгаларга ибрат ҳамда сабоқ учун тубан қилиб яратган. Бироқ, биз бир-биримизни асло чақмаймиз. Яратган Сиз – одам болаларини барчасидан баланд қилиб яратган, Лекин, Сиз ҳамиша бошқа жонзотларни барча воситаларни қўллаган ҳолда ва бир-бирингизни чақиб ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлаётган хаста кишига менинг заҳрим даво эмас. Янглишяпсан. Уни ўзининг ишонган дўсти чаққан. Зўр табиб бўлсанг ҳам унинг дардига малҳамни излаб тополмассан. Бунга ҳатто олам-жаҳонга донги таралган Луқмони ҳаким ҳам даво тополмайди.

Ўша «Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга» деган нақлга амал қилмаган бечора азоб-укубатлардан тезроқ қутулиши учун энди ўлимдан бошқа чора-тадбирни излаб топа олмайди.

Ўшанда, ҳатто, ҳазрат Луқмони ҳакимдек беҳад улуғ зот ҳам бу муаммонинг ечимида буткул чорасиз қолиб кетган эканлар.

ИККИ ХИЛ МУОМАЛА

Фозил инсонлардан бири ўз дўстлари даврасида фақатгина кулларга хос ейиш-ичиш, чўриларга мос кийим-кечаклар ҳақида эмас, бу дунёнинг катта-кичик муаммоларининг оқилона ҳамда одилона ечими хусусида ўзаро суҳбатлашиб ўтирган чоғларида кўзи билан кўрганларини ибрат тарзида ўзаларга сўзлаб берди.

– Бир куни, ўзинглар ҳам яхши биладиган, отимга минволиб сафарга чиққандим. Бепоён дала-даштларга етган чоғимда бўлса, нимадир жин уриб, бир бало бўлиб, йўлимни йўқотиб, адашиб қолдим. Тез орада қуёш ботиб, кеч ҳам кира бошлади. Узокдан чироғи милтиллаб ёниб турган бир уйга кўзим тушди. Дарҳол ўша уйга бориб, эшигини тақиллатдим. Уй соҳиби – эркак киши ўша пайтда йўқ экан. Шу боисдан ҳам унинг хотини ташқарига чиқиб, салом бериб кимлигимни сўради. Мен бир мусофир киши эканлигимни ва йўлдан адашиб қолганимни, агар руҳсат берилса,

бу кечани шу ерда ўтказиб, тонг саҳарда жўнаб кетиш умидида эканлигимни айтдим. Ўша аёл мен мусофирни очик юз билан:

– Хуш келибсиз, азиз меҳмон! Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан. Меҳмон атои Худо, дейдилар. Эрим бир ерга иш билан кетган эдилар, келадиган пайтлари ҳам бўлиб қолди, қани ичкарига марҳамат қилинг, – деб ҳовлисига таклиф қилди. Катта ўғиллари бўлмиш бир забардаст йигит отимни отхоналари сари етаклади. Ундан сал кичикроғи эса қўлимга сув қўйди. Мана шу пайтда эри ҳам келиб қолди. Менга кўзи тушиб, хотинидан кимлигимни сўради. Аёл менинг меҳмон эканлигимни айтганди, ғазабнинг отига минволиб, ғоятда аччиғланиб, қаттиқ товушда:

– Нега уни ҳовлига киритдинг? Менга меҳмон-пехмоннинг мутлақо кераги йўқ, йўқот уни уйимдан, – деб бақира бошлади.

Мен дарҳол отимни миниб, ўша хонадондан чиқиб кетдим. Эртаси куни тагин бир уйнинг яқинига етиб борганимда яна кеч кириб қолганди. Ўша уйнинг дарвозасини тақиллатишга мажбур бўлиб қолдим. Бир хотин ташқарига чиқиб, кимлигимни сўради. Мен мусофир эканлигимни айтгандим, у бобиллай бошлади:

– Бизга ҳеч қанақа мусофирнинг кераги йўқ. Сизни меҳмон қила олмаймиз, боринг, тез даф бўлинг бўтдан, – дея шаллақилик қилиб, дарвозани юзимга ёпмоқчи бўлаётган пайтида эри келиб қолди. Хотинидан нега бегона бир инсонга бақираётгани, у ким эканлигини сўради. Хотини менинг мусофир эканлигимни айтган эди, у киши ниҳоятда очик чеҳра билан, худди мени интиқлик билан анчадан бери кутаётган мезбонларга хос мулойим овозда:

– Хуш келибсиз, азиз меҳмон! Меҳмон атои Худо ахир, – дея мени ичкарига бошлади. Отимнинг тизгинини (юганини) ўзи қўлимдан олиб, отхонага боғлаб чиқди. У инсон очик юз, ширин тиллик билан ҳол-аҳволимни сўради. Иззат-ҳурмат қилиб уйнинг тўрига ўтказди. Анвойи, турфа таомлар билан сийлади. Шу пайт бу хонадон ва кечаги уйдаги эр-хотинларнинг қилган муомаласи эсимга тушиб, ажабланиб, табассум қилдим, жилмайдим. У киши бунинг сабабини сўради. Мен унга кечаги воқеани сўзлаб бердим.

У киши менга қарата, шунақа бўлишини билгандек деди:

– Ажабланманг! Кеча сиз тушган уйдаги аёл менинг синглим эди. Менинг хотиним эса унинг эрига сингил бўлади.

ПОРАХЎРЛИК – ХАСТАЛИК(МИ)?

Келинг, ўзбекнинг бошигаям бало бўлган, ўзингиз ҳам яхши биладиган оламшумул муаммо хусусида бир гаплашиб кўрсак.

«Порахўрликнинг ижтимоий сабабларини ҳамма гапиради. Сиз ана шу иллатнинг психологик негизи ҳақида нималарни айта оласиз? Одам нега пора олади?» – деган саволга тиббиёт фанлари доктори, профессор, нейропсихолог олим Зарифбой Ибодуллаев жавобларини биргалашиб, синчиклаб ўқиймиз («ШИФО-инфо», 2019 йил, 5 сентябрь, 36 (759)- сон, 8 – 9- бетлар):

– Ўзидаги психологик бўшлиқни тўлдириш учун порахўрлар пора олади. Психологик бўшлиқ эса сира тўлмайди ва тўймайди. У гўё галатикамиздаги қора туйнукка ўхшаб кетади. Психологик бўшлиқ болалик, ўсмирлик даврида шакллана бошлайди ва одам улғайгани сари катталашиб бораверади. У унчаям ёмон нарсамас. Бундай бўшлиқ ҳаммамизда мавжуд. Уни доим тўлдириб борсак, бизда қониқиш ҳисси пайдо бўлади. Бу бўшлиқни ҳар ким турли хил йўллар билан тўлдиришга ҳаракат қилади: олимлар кашфиёт қилиб ё ихтиро яратиб, ёзувчи чиройли асарни ёзиб, деҳқон мўлкўл ҳосил етиштириб, футболчи рақиб дарвозасига тўп киритиб, рассом эса гўзал асар яратиб, ҳунарманд кўзни қамаштирадиган анвойи буюмларни ясаб ва ниҳоят порахўр, ҳаромхўр, текинхўр палид кимса бировлардан пора олиб ҳузурланади, маза қилади...

Зигмунд Фрейд тили билан айтилганида, ҳаёт қониқишдан иборатдир. Масалан, машҳур футболчи банкда миллион-миллион доллари бўлса-да, стадионда ҳаллослаб югуриб, тўпни тепишдан тўймайди ва бундан роса маза қилади. Нега?! Чунки, миясининг хужайралари шунга ўрганган ва унга «Бор тўпни теп, рақибингни алда!» деб тураверади. Унинг мияси эса ана шундагина қониқади. (5 карра «олтин тўп» соҳиби Криштиану Роналду: «Етти ёшимда отамдан «Қачон бизнинг ҳам Майкл Жексон уйдан катта уйимиз бўлади» – деб сўрардим. Отам бўлсалар менга қараб: «Бу амалга ошмайдиган орзу», – дердилар. Вақтлар ўтиб мен ҳатто ундан-да катта уйга эга бўлдим, бироқ энди унда отам йўқ эди. Шу пайтда «Катта уйим бўлмаса-да, қанийди, отам қайтиб келса!» – деб орзу қила бошладим. Пул бу – ҳамма нарса дегани эмас экан». – Б. И.).

Порахўрлигам худди шундай. У кимсанинг ўмарган пуллари миллиондан ошади, бироқ тўхтаёт олмайди-да. Чунки, мияси ҳам шунга ўрганган ва унга «Пора ол! Пора ол!» деб буйруқ бериб туради. Демак, порахўр пул етишмагани учунгина пора олмайди, роса рохатланиш учун, коникиш учунгина харомхўрлик қилади...

Зигмунд Фрейднинг Альфред Адлер деган шогирди бўлган. Ўша Адлер «Етишмовчилик ҳисси» деган таълимотни яратган. Бу таълимотга биноан, чақалоқ бу дунёга келганидан бошлаб, яъни ҳали унинг онги ривожланмасдан туриб, ўзидаги етишмовчилик ҳиссини тўлдириш учун бетиним курашади. Бу таълимотни ўқиб чиқсангиз, порахўр нега тинимсиз текинхўрлик қилиши, машхур футболчилар улкан бойликка эга бўлишига қарамай, стадионда тинмай югуриб рақибини алдашга уриниши, илмга муккасидан кетган олим Нобель мукофотини олган бўлсаям, лабораториядан чиқмасдан, ўша ерда тунаб қолишининг чинакам сабаблари, сирасорларини ҳам ниҳоятда теран тарзда билиб оласиз...

Ёз кечаларидан бирида Томас Эдисон лабораториядан уйга хориб-толиб қайтгач, аёлининг унга раҳми келиб шундай деган:

– Анча вақтдан буён мутлақо дам олмай ишляпсиз. Сиз ҳам одамларга ўхшаб бироз ўзингизниям ўйланг. Бирор жойга бориб мириқиб дам олиб, хордиқ чиқариб келсангиз бўларди, – дебди.

Буюк олим, ихтирочи ғамини еётган хотинига назар ташлаб:

– Қани ўзинг айтгин-чи, қаерга борайин? – деб сўрабди.

Доимо элдан кўра эрнинг ташвишини қилиб юрган аёли эса:

– Бу ёруғ оламдаги энг боришни истаган жойингизга боринг.

Кўнглингиз ҳақиқатанам ором оладиган жойга боринг. Қалбингиз тинмай талпиниб турадиган жойга боринг! – дея илтижо қилибди.

Беҳад ғамхўр аёли борлигидан дили таскин топган Эдисон:

– Майли, сен айтганча бўлаколсин, эртага ўша ерга бораман, – дебди. Эртаси тонгда яна севимли лабораториясига жўнабди...

Давлат ва жамият ишонган, аслида порахўрлик, коррупцияга қарши курашадиган катта амалдорларларнинг қамокда ўтириши жамият учун, айниқса, умидли ёшларимиз учун улкан психологик зарба! Бундай ёшлар давлатга, жамията ишонмай қўяди, қўли ҳам ишга бормади. Қонун ҳимоячиларининг ўзлари ёшларга тўғри йўлдан юринглар, дейди-ю, ўзлари кетма-кет пора билан қўлга тушишади. Ана энди ўзингиз ҳам танангизга бир ўйлаб кўринг-а,

бу миллионлаб ёшлар психологиясига қандай таъсир кўрсатади?

(Гап орасига шоир Ҳол Муҳаммад Ҳасан томонидан ёзилган «Порага чора» сарлавҳали тўртликни ҳам («Муштум», 2019, 8 – 9- сон, 9- бет) қистириб кетсак, асло ортиқчалик қилмаса керак:

Порани йўқ қилса деб зора-мора,

Қозига арз қилди қора фуқаро.

Ул демиш: «Эвазига не берурсиз

Магар топсам ўшал порага чора?»)

Мен не сабабдан ҳадеб ёшлар психологияси деяпман, афсус, катталар деярли бузилиб бўлган. Улар шу даражага етишдики, ҳатто пора олмайдиган инсонларни «Бунинг ақли пастроқ бўлса керак, ахир олдиндан оқиб турган сувдан бир челагини олсанг бўлмайдими?» деб унинг устиданам кулишади. Бунақа кимсалар пора олишни эмас, айнан пора олмасликни ўзларича чинакамига (асло тузалмас, дарди бедаво бир) касаллик деб ҳисоблайдилар.

Тиббиёт илмида «Апаллик синдром» деган синдром бор. Бу хасталикка ҳозирча даво мавжудмас. Бунақа касалликда бемор на ўлади, на тирилади. Тиббиёт бу ерда ғоятда ожиз. Ривожланган давлатларда бундай беморларга раҳми келиб, «Эвтаназия» усули қўлланади. «Порахўрлик синдроми»ни «Апаллик синдром»гаям ўхшатаман. Бу ерда конун ожизлик қиляпти. Демак, бунақаларга ҳам эвтаназия усулини қўллаш керак. Ахир қамоқхоналарда ётиб, 35 миллионли халқи олдида ҳам виждони эзилиб ётибди. Шунинг учун уларни бу азобдан халос этиш даркор... Қандли диабетда гангрена сабабли чирий бошлаган бош бармоқ кесиб ташланмаса, чириш бутун оёққа ўтади ва организм ҳам ҳалок бўлади. Шу боис ҳанузгача ривожланган давлатларда ўша гангренининг давоси уни кесиб ташлаш. Унга ҳозирча ўзга бир даво мавжуд эмас...»

Давлатимизнинг раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида: «Барчамизга аёнки, ислоҳот – бу янгилиниш, ўзгариш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун, энг аввало, раҳбарлар ҳамда одамларимиз ўзгаришлари керак. Инсон ўзгарса, жамият ҳам ўзгаради», деган қатъий талабни қўйган эди.

Ўз-ўзидан шундай оғрикли савол туғилади-да: хўш, инсонни ўзгартириш, қаламга олинган ва қоғозга битилган мавзу нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, порахўрни ҳалолликка ўргатиш учун нима қилиш керак? Гапнинг аниғи шуки, шахсий моддий

манфаатдорлигининг эвазига фаолият юритишга ўрганиб қолган кимса ҳеч қачон ўз ихтиёри билан нафсини сира тиймайди. Пора олиш жамият тараққиётига ғов эканлигини, бу жиноятга қўлини тикқан кимсалар жазога тортилишини, адолатга бўлган ишончга путур етказишини ҳарчанд уқтирган, виждонли ишлашга даъват этган, чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, қарорлар қабул қилган ва талаблар қўйган билан ҳам коррупцияга қарши курашда кутилган самарага эришиш беҳад мушкуллигини ўзингиз ҳам биласиз.

Бу борада, назаримизда, энг муҳим ва самарали воситалар – биринчидан, аксар бошқарув органлари, ташкилотлар фаолияти шаффофлигини йўлга қўйиш, иккинчидан эса, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини давлат тарафидан ишончли равишда кафолатлаш ва амалда таъминлаш, учинчидан, жамиятда қонун устуворлигига, унга итоат этиш барча кишига беистисно баробар эканлигига, берилажак жазонинг эса муқаррарлигига эришишдан иборат. Бу учта омилнинг бари бошқасига бевосита, яъни, узвий тарзда боғлиқдир. Шундай йўл тутилганида шов-шувли номлар тубан қилмишларини бу қадар узоқ давом эттирмаган ва йиллар мобайнида эл-юрт кўзига хас-хашакни ташлаб, айш-ишрат қилиб, кайф-сафо суриб юрмаган бўлар эдилар. Қайсидир даврий нашр, қайсидир фидойи адолатсиз хатти-ҳаракатларга ҳеч бепарқ қарай олмайдиган журналист улар қиёфаси – афт-башарасини, турқини матбуотда анчагина илгари фош этиши муқаррар эди. Қолаверса, кирдикорлари матбуотда ёритилишидан кўрқиб, ўтақаси ёрилиб, беҳад ваҳимага тушиб, сичқоннинг ини минг танга бўлиши, аввал маҳбус, суддан кейин эса маҳкумга айланиб қолишларини англаб бу қадар тубанликка юз тутишга журъат этмаган бўлардилар...

Бугун порахўр қанча олганлиги, унинг ҳаром-хариш йўллари билан топган мол-мулклари, қачон қамокка олинганлиги, ҳозирда қандай кўрсатма бераётганлиги, қайси одами қочиб кетганлиги ва қайсинисини чегарада қўлга олинганлиги – ҳаммаси очиқ-ойдин айтиляпти ва ёзиляпти. Бугун қамокда сувга тушган мушук каби ётиб-ўтириб (бунақа кимсаларнинг юзлабини муаллифнинг ўзиям жинойи жазони ўташ муассасасида кўзлари билан кўрган), ҳаром луқманинг азобини тортаётганлар орасида илгари номлари тилга олинганда, одамлар сесканиб тушадиганлари ҳам бор. Халқнинг тавқи лаънатига йўлиқиш унинг бутун авлод-аждодига исноддир.

Эҳтимол, улар учун охиратдаги укубатлар ҳозирги ернинг юзидаги азобдан минг карра даҳшатлироқдир. Бировнинг ҳаққи ана шунақа кимсаларнинг ҳар икки дунёсини ҳам куйдириб кулга айлантириб ташлайди. Уни малъун шайтон – Ханнос ана шунақа аҳволга солади. Ханнос одамдаги нафсни бетиним кўзгаб туриш билан ўз мақсадига эришади. Нафс ҳаммамизда мавжудлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Агарда уни жиловлай олмасак ва Ханнос кутқусига учсак, ҳар биримиз худди шунақа аҳволга тушиб қолишимизам турган гап. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, эҳтимол ўз бошингиздан кечирган бўлишингиз ҳам мумкин, ҳар бир кишининг ўз замонаси ва зайли мавжуд, ҳаёти мобайнида ҳар кимса бир буюк кутқуга дучор бўлади. Кутқуга учмаса – зафар кучгани, Омади келгани, кутқуга учгудай бўлса – завол топмоғи ҳам муқаррар. Ўзи залолатга дучор бўлишдан қутулиб қолса, зебзийнат, мол-мулкка ҳаддан зиёд ружу қўйган аҳли-аёли буткул бузилиб кетади, агар улар ҳам омон қолса, кутқуга учган каснинг касофати бола-чақаларига, нақ етти авлодига уриб кетади.

Албатта, эл-юрт порахўрларнинг шунақа аҳволга тушганига асло ачинмайди. Бироқ, бунақа аянчли ҳолат бундан буён шайтон кутқусига учиб, нафсига эрк берадиган бошқа тамагир, очкўзлар, текинхўр, ҳаромхўр, еб тўймас, давру даврон суришга орзуманд, ношукрлар учун ибрат бўлармикан?! Ёки бундан кейин ҳам улар ҳеч кимсага кўрсатмай, ҳеч кимга сездирмай, ҳеч қандай шубҳа-гумон туғдирмай битта ёхуд иккитагина эмас, уч-тўрт босқичдаги воситачилар орқали олсам бўлаверади деб, ўша Ханнос тузоғига тушиб қолиб, шарманда бўлишармикан?.. Ахир ўша Ханноснинг ўзи битта бўлса, Аллоҳ фаришталари мингта-ку... Улар сира ҳам киприк қоқмай қилинаётган ишларнинг ҳаммасини кўриб-билиб туришади. Айтилмоқчи бўлган фикр мана шундан иборатки, агар одамнинг ичига ҳаром луқма кирса, унинг касофати, энг аввало, ўша одамнинг ўзига, қолаверса «ўнта бўлса – ўрни, қирқта бўлса – қилиғи, юзта бўлса – йўриғи бошқа» бўлган фарзандларига ҳам уриб кетади-да. Ҳатто неварачевараларни ҳам ёмон оқибатларга дучор қилиши мумкин. Бунисини бемалол исботлаб ва тасдиқлаб берувчи ибратли ҳаётий мисолларни ўзингизам, ўқиган, кўрган билган, 30 – 40 кўйлакни аллақачон тўзғитиб ташлаган бир инсон сифатида керагича, ва ҳатто керагидан ортиғини келтира оласиз...

ЗИЁЛИ КИМ ДЕГАНИ?

Бу дунёга келган ҳар бир сўз – илоҳий моҳиятга эга. Агар у керак бўлмаганида эди, ўша сўзни яратишга ҳожат ҳам қолмаган бўларди. Сўзнинг жони, руҳи, ифори, товланиши бор. Туғилмоқ, таваллуд топмоқ, дунёга келмоқ сўзлари ташқаридан қарайдиган бўлсак, бир маънони англатадигандек туюлади. Аммо, дўппини бошимиздан юмшоққина кўрпача устига астагина олиб қўйиб, обдан ўйлаб кўрадиган бўлсак, аслида бундай эмас-да. Ўзингизам жуда яхши биласиз, кўзичоқ ҳам, бузоқча ҳам... туғилади. Одам туғилиши ҳам шундайми? Тўғри, биосоциал мавжудот бўлмиш одам турини «туғилди», десак бўлади. Лекин, унинг ҳаёти, янада ҳам аниқроғи, кун кечирини ўша кўзичоқ ёхуд бузоқникидан қандай фаркланади? Чинакам инсон, айниқса, асл зиёли кишига нисбатан, яхшиси, «дунёга келди» ибораси қўлланганлиги маъқул бўлса керак. Чунки, асл инсонлар ҳақиқатан ҳам оила, кишлоққа, туман ёки шаҳарга эмас, чинакамига дунёга келадилар-да. Улар фақат ўзи эмас, нуқул бутун дунё ғамини ейдилар ва ташвишини чекадилар. Уларда болагидан ота-онаси, мактаб ва маҳалла тарафидан оилақараш, кишлоққараш, туманқараш ё вилоятқараш эмас, чинакам дунёқараш шакллантириб борилган.

«Умри кечди», «кунини кечирди», «тирикчилигини килди», «яшади»... Бу ибораларнинг ҳар бири алоҳида мазмун-моҳиятга эгаллигини ўзингизам биласиз. Буларнинг орасида бўлса энг зўри, шарафлиси, гўзали «яшади!» Чунки, эшакнинг ҳам умри кечади, порахўр нусха тирикчилигини қилади, ҳаромхўр кунини кўради. Лекин уларнинг ва уларга ўхшашларнинг миллионлаби ҳеч қачон «яшамайди». «Яшади» сўзи «яшнади», «яшнатди» деган сўзларга ҳам уйғунлигига эътибор берган бўлсангиз керак. Бу сира бежиз эмас. Яшамоқ моҳиятан «яшнамоқ» ва «яшнатмоқ» деганидир.

Абдулла Ориповнинг «ЗИЁЛИ» инсонларга бағишланган шеърини ёддан билсангиз керак? Боши ва охиридан ўқияпмиз:

Ҳеч кимсага зиёни тегмайди асло,

Боқсалар – кўзлари қиёлиларим.

Лекин мақтов кутар қушдан ҳам ҳатто,

Менинг азиз қавлим – зиёлиларим...

...Асл зиёлидир миллатнинг юзи,
 Ҳатто сезилади сирлилик ҳам сал.
 Унинг «Соғаясиз!» деган бир сўзи,

Юзаки таскиндан минг бора афзал. 2015 йил 1 май.

Зиёлилар, аслида бутун жамият мулки бўлган, фақат улар онги ва қалбида улкан омонат сифатида сақланиб турган махзан – маънавий бойликни, маданият ҳамда маърифатни эл-юрт орасига бетиним ёйиш, тарғиб-ташвиқ этиш орқали оммани тарбиялаб ва одамларни инсонларга, оломонни эса чинакам халққа айлантириб юбориш, жамиятни янада поклаш мақсадини кўзлаб яшаганлар, ҳозирда ҳам яшаяптилар, ва албатта кейин ҳам яшайверадилар...

Зиёлилар миллат маънавий-интеллектуал салоҳияти, юксак инсонпарварлик, ватансеварлик хислат-фазилатларини, эл ахлоқи ва идеалини ўзида мужассамлаштирган шахслардир. Ҳар қандай кишини шахс, деб бўлмайди-да. Шахс – буюк бўлишига бетиним интилаётган инсондир. Зиёлилик – турғун тушунча эмас, ҳамиша такомиллашиб борадиган, юксалишда намоён бўладиган ҳодиса. Шахс эрки, миллат ҳуррияти, Ватан мустақиллиги учун жонфидо зиёлилар зумраси жамиятнинг оловдек ловуллаган гулларидир...

2020 йил 30 сентябрида «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган, улуғ Туркистоннинг жафокаш жадидлари пешволаридан Мунавварқори Абдурашидхонов (1878 – 1931 йй.) фикрига кўра, «...зиёли (инсон) бўлмак учун ҳамиятсиз, раҳимсиз ўлмак лозимдирми?.. Агар зиёли ўлмак учун шу шарт лозим эса, балки, сиз зиёли ўлмоқингиз лозимдир. Бизнинг занимизга зиёли ўлмак ниҳоятда мушкул бир нарсадир. Зиёли Миллат, Ватан нима эдиғини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллат тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасина ташламакға муҳайё бўлур. Сизнинг билмағингиз лозимдирки, бизнинг миллатимизга садо ва сўз ила зиёли номин олғон инсонлар лозим эмас. Балки, хизмати, ҳаракати, ёрдами, ҳиммати бирлан зиёли номини олғон инсонлар лозимдир. Йўқ эса, «Миллат», «Ватан», «Маданият» – ва шунга ўхшаш сўзларни билмак билан инсон зиёли бўлмайди».

Ўзбекнинг асл зиёлиси Нажмиддин Комил фикрига биноан, «Зиёли дегани – нурли, нур таратувчи дегани. Нур таралиши учун унга талпинувчи ҳам даркор. Агар чирокни зимистон хонага олиб

кириб ёкиб кўйсангизда, хонада ҳеч ким бўлмаса, ушбу чирокдан кимга не фойда? Замон ҳам ўзгарди, якин-якинларга қадар китоб – ҳам тафаккур, ҳам завқ-шавқ манбаи эди. Албатта, ҳозирда ҳам ҳақиқий илм айни китобда. Лекин, ниҳоятда саёз, юзаки ахборот манбалари, техника воситалари кучайиб кетганлиги кўпчиликни махлиё этмоқда. Аслини олганда, бу ҳам худди зарарли «оммавий маданият»дай бир гап. Чунки, енгил-елпи ахборотни ўзлаштириш осон. Омма шунга ўч. У ҳеч қачон ва ҳеч замонда ҳақиқий илмни қабул қилган эмас. Ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда оммавий тарзда комиллик бўлмаган ва сира бўлмайди. Комиллик – ҳар қандай жамиятда хос шахслар сифати. Ҳамма гап мана шу шахсларни кадрлаш ва ҳақиқий илм-маърифатни, санъатни барча воситалар билан ҳимоя қилишдадир. Буларсиз инсонни такомиллаштириб бўлмайди. Таассуфки, бугун айни ана шу истеъдод эгалари бозор муносабатларидан бирмунча азият чекаётганим сир эмас. Оддий бир ҳолатни кўз олдингизга келтириб кўринг-а: олим ёки ёзувчи йиллаб меҳнат қилиб, кўз нурина тўкиб инсон қалби ва шуурини ўстирадиган яхши асар ёзса-ю, уни босиб чиқариш учун маблағ тополмаса, кимларгадир ялинса, боз устига бўлса асосий фойдани ноширлар олиб, муаллифнинг ўзи бўлса куп-қурук қолаверса... Бу ижобий ҳолми? Шундай шароитда илм-фан, маънавият-маърифат кадр-қиммати, зиёли инсонларнинг обрў-эътибори нима бўлади?» («Тафаккур» журнали, 2008 йил, 3- сон, 16- бет).

Илм-фан, маърифат нури сўнган мамлакатда чин зиёли эмас, балки чала зиёли ёхуд зиёлинамо кимсалар роса кўпайиб кетади. Улуғ шоир Чўлпон эса уларни «зиёлимас, зиёнлилар» деб атаган. «Бизда бир хил кишилар бор, – деганди Абдулла Қодирий, – яъни зиёлинамолар. Ўзлари амалда бир пуллик иш қилмайдилар, аммо оғизда кўча саситиб, ҳасратланиб» юрадилар. Шахсий роҳатини кўзлаб, қайғусиз, ғоясиз кун кечирувчи ночор, ношуд ва ўлғудай кўрқоқ шунақа зиёлинамо кишилар барча замонларда ҳам миллат манфаатини амалда эмас, фақатгина оғизда ҳимоя қилган, холос. Кўрқоқ кимсалар фақат бемалол хиёнат қилади ва муваффақиятга эришаётган инсонларни бемалол сотиб юборишдан кўркмайди.

Собик Шўролар даврида зиёлисини ҳақиқатни айтгани учун эмас, уни билгани учун ҳам жазолашлари мумкин эди. Айрим бир кимсалар, эскича мафкура таъсиридан тўла қутула олмай, олим ё

зиёли инсонлар мулк эгаси бўлишни истаб, тадбиркорлик йўлини тутгудек бўлса, сал бундайроқ кўз билан ҳам қарайдилар. Аслида мулкдорлик зиёлилардан бошланиши дурустроқ бўларди. Дунёда энг катта бойлик ҳамда бебаҳо мулкнинг ўзи – Ҳақиқат. Зиёли шу бойлик ишқи билан куйиб-ёнмас экан – унинг мулкдорлиги ҳам бир пул. Зиёли – миллатнинг манфаати учун ишловчи ва миллат тақдирини ўйловчи инсон. Ана шу фикрнинг мазмун-моҳиятини тўғри ҳамда теран англай олмаган киши ҳеч қачон чинакам зиёли бўла олмайди. Моддий қашшоқлик ва йўқсиллик инсон маънавий ҳаётига, албатта, салбий таъсир ўтказади. Фақатгина тирикчилик ташвишларига кўмилиб яшаган кимса, охир-оқибатда эски шалок аравани судрашдан ўзга ҳамма нарсани буткул унутган чувирга, яъни оддийгина, яғри чиқиб кетган ҳашаки отга айланиб қолади.

Одам қанча даражада авомфаҳм бўлса, унинг ҳаёт ҳақидаги, амалда миналаштириб қўйилган умр йўли хусусидаги фикрлари, тасаввурлари ҳам шу қадар аниқ, яъни жўн ва беҳад саёз бўлади.

Ўзини қай бир дин, қай бир мазҳабга мансуб деб билмасин, барибир, оломон, авомнинг дини, мустаҳкам эътиқоди бўлмайди. У аслида Худодан эмас, ўзининг бошида қиличини қайраб турган ўзига ўхшаган оддий бир бандадан кўрқади. Холикни бетиним шарафлаб, махлуқнинг пойига бўлса ерга теккунича, аллақачон ғурра бўлган бошини, янадаям аниқроғи, калласини эгади. Унинг қош-қовоғи ва ҳукмига қараб жилпанглайди, ҳаллослаб ва тилини осилтириб югуради ва елади. Юрти бошига босқинчилик офати, мазлумлик кулфатлари ёғилган мушкул паллада, ор-номус учун майдонга чиқиш эҳтиёжи ва зарурати юзага келган чоғда нодон диндор ҳам, ғофил даҳрий ҳам асл адолатни эмас – золимликни, ҳақиқатнимас – каззобликни ўйлаб-нетмай ёқлайверади...

Мулк эгаси бўлмоқ – кўп нарсаларга эга бўлмоқ эканлигини ким ҳам билмайди дейсиз? Мулк – ҳамма катори зиёлиларни ҳам иқтисодий қарамликлардан қутқаради. Ўзи истагани қадар эркин, озод, яйраб фаолият кўрсатишга имкон очиб, моддий манфаат ва эҳтиёж ҳирси билан гоҳ у томон, гоҳ бу тарафга қийшанглашдан ҳам буткул халос айлайди. Шунингдек, мол-мулк туйғуси билан тадбиркорлик туйғуси ҳам бир-биридан асло ажралмасдир.

Аммо, асл олимни илми, ёзувчини ижодидан, санъаткорни санъатидан ўта йироқлаштириб юборувчи мулкдорлик, менимча,

хатарли. Бундай «эврилиш» ҳар қандай зиёли инсоннинг ахлоқий кучиниям емириб ташлайди. Миллатнинг манфаати учун ишлаш, миллат қисматини ўйлаш шунчаки курук бир гап бўлиб қолади. Қарабсизки, кечагина ақл ва тафаккур қудратини улуғлаган киши, мол-мулк ва амал кучидан бошқасини сира ҳам тан олмайдиган мунофиқ ва жохилга айланиб қолади. Ҳақиқий зиёлилари йўлига биринчи бўлиб мана шунақа кимсалар тўсиқ кўяди ва маърифат фидойиларини дастлаб шулар таҳқирлашни бошлаб юборади.

Ота Юртимиз шўролар мустамлакасининг асоратига тушгач, миллатимиз зиёлиларига қарши аёвсиз ва қаттол қатағон, уларни ижтимоий қатлам сифатида йўқотиб юбориш кампанияси росаям авж олганлигидан бохабарсиз. Оммавий қирғинлар муттасил – ҳар 10 – 15 йилда такрорланиб, вояга етиб келаётган авлодни ҳам ўз домига тортган эди. Алоҳида таъкидлашимиз даркорки, зулм мафқурасининг қип-қизил қамчисидан қон томиб турган шундай оғир шароитда ҳам миллатнинг буюк зиёлилари ўз эътиқодига содиқ қолган. Бироқ, бу матонат уларга жуда қимматга тушган.

Минг таассуфки, қувғин, қатағон қилинган зиёлилари ўрнини коммунистик идеология ғоялари асосида тарбияланган маҳаллий «зиёлилари» тўлдириб ташлаган эди. Улар ўзларининг ўтмишидан, маданиятидан маҳрум қилинган ўзига хос сипоҳларга айланиб қолганди; аввало инсон эмас, қизил тузум сиёсатини ифодаловчи, ҳимояловчи, энг даҳшатлиси эса, эркинлик туйғуларидан мосуво бўлган «илғор ва етакчи куч» сифатида шаклланди. Бу «илғор ва етакчи куч» жамиятда хур фикр ва ғояларга қарши мурасасиз тарзда қурашувчи, эркинликка интилишларни ўз вақтида пайқаб бўғувчи, истибод асосларини мустаҳкамловчи ва ўз замонасини турли хил «унсурлардан» тозаловчи «санитар» сифатида хизмат қилди. Сирасини айтганда, эътиқодсиз, ўзлигини буткул унутган, энг олий мақсадлари бўлса нафс эҳтиёжлари ила йўғрилган, аҳли сиёсатнинг исталган йўриғига юрадиган ва чилдирмасига муқом қиладиган манкурт – «совет зиёлилари» шакллантирилган эди.

Мурасасизлик ва ўзгача фикрловчи инсонлар билан келиша олмаслик тоталитар тафаккурни тажовузкорликка бетиним ундаб туради. Зиёлиларнинг аксарияти ва оддий кишилар мавжуд тузум уларни ёт фикрловчи инсонларнинг қаторига қўшиб қўймасин деб, садокатини ошқора намоиш қилишга интилиши, ҳукмрон

идеологияга нисбатан маддоҳлик (мадҳиябозлик) қилиб, турли мажлис, йиғин, митингларда сохта фаоллик кўрсатишининг энг асосий сабаби ҳам, аслида, ўша ижтимоий кўркув ҳисобланади.

Ўзингизам биласиз, ҳар қандай олий маълумотли киши ҳам «зиёли» деб аталишга лойиқ эмас. Зиёли бошқа, сиёсатчи дегани бошқа, сиёсатшунос бўлак киши. Шўролар замонида ўзимизнинг сиёсатчиларимиз амалга оширган ҳунарлардан бохабарсиз. Зиёли сиёсатчидан ҳар томонлама устун турмоғи даркор. Чунки, зиёли инсонларга Аллоҳ таоло томонидан берилган зеҳн ва эгалланган билим, таҳлил қилиш, тўғри хулосаларни чиқара олиш қобилияти айрим сиёсатчи кимсаларга мутлақо берилмаган. Сиёсатчининг тарих, маданиятга доир фикр-мулоҳазалари субъектив (шахсий), илмий ҳақиқатдан мутлақо йироқ бўлиши ҳам мумкин. Кечирган ҳаётингиздан буни тасдиқловчи мисолларни ҳам келтира оласиз.

Ҳар бир шахс эрки ва қадр-қиммати устуворлиги – миллий тараққиётга элтувчи йўлдир. Миллатнинг адолатли жамият барпо этиш йўлидаги орзу-интилишининг амалий ифодаси эса руҳияти соғлом шахслар ақл-идроки ва имон-этиқоди асосида рўёбга чиқади. Миллат зиёлисининг адолат-ҳақиқатга хизмат қилиши ва бунда фидойилик кўрсатиши давлат сиёсатининг адолатлилиги билан амалда таъминланади. Мавжуд муаммолар бугунги миллат зиёлиси ким ва у қандай бўлмоғи даркор, унинг миллати шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилишга қаратилган маънавий кудрати қандай даражада, унинг жамият олдидаги масъулияти нималарда намоён бўлади сингари саволларга жавоб топишга ундайди. Бу борада Мустафо Чўқай бундай деган ва ёзган эди: «Миллий зиёли на демакдур? Илк қарашда масала қулай кўринса-да, ҳақиқатда бу сўроққа тўғри жавобни бера билиш ўнғай бир нарса эмасдир. Ҳар ўқиғон ва таҳсил кўрган одамни зиёли деб аташ ҳамда уни мансуб бўлғон миллати «миллий зиёлиси» сифатинда санашимиз мумкинми? Табиийки, бу мумкин эмас. Биз ёлғиз бир белгили ғоя орқасиндан юрган ва бу белгили ғоянинг теварагинда тўпланган ўқумишли инсонларнигина зиёли дея оламиз. Миллий зиёлилар синфига ўз халқига сиёсий, ижтимоий ва ҳуррияти машаққатли йўлинда хизмат этмакчи бўлғон асл зиёлиларгина кира оладилар. Зиёлилар вазифаси муқаддас бўлғони каби кўп оғирдир».

Зиёлилик оқ кўйлак кийиб олиб, бўйинбоғни такиб, костюм-

шимда юриш билан белгиланмайди. Зиёлилик, кишилар сийрати, феълида, воқеликка муносабатида намоён бўлади. Халқимизнинг «қонида бор» деб баҳолаши ҳам бежиз эмас. Зиёлилик ҳам суяк суради. Зиёли қатлами бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқ. Шу сабабдан ҳам ҳар қандай босқинчи ўз сиёсатини юргизиш учун халқнинг мана шу қатламини ўзига оғдиришга, бўйсундиришга ва, имкони келмаса шафқатсиз тарзда қатағон қилишга уринган.

Бундан уч минг йиллар муқаддам улуғ аждодларимиз руҳни фравашни атамаси билан ифодалаган эдилар. У таваллудга қадар ва ўлимдан кейин ҳам яшагучи Қалб; тавфиқли зотлар фравашни – Қалблари ўзига хос пуштпаноҳ, мадакор фаришталардир. Улар одамларга ёрдам бермоққа қодир, шунинг учун ҳам бу фравашни – Қалб имонли кишилар томонидан мададга чорланади. «Авесто» «Ясна» қисми, 23- ҳот (мадҳия), 1 – 4- бандларида мана шундай дейилган: «Бундан бурун бу хонумон, кишлоқ, шаҳар, ўлкаларда яшаб ўтган зотлар фравашийларини олқишламоқ истаيمان. Улар осмонни асраб авайладилар, кўриқладилар; сувни; заминни асраб авайладилар; жониворларни асраб авайладилар; гўдакни онаси қорнида ўлиб кетмаслиги учун асраб авайладилар... Ер юзида ҳар бир замонда яшаб, ўтган ашаванлар (яъни ҳақиқатгўй зиёлилар – Б. И.) фравашийларини олқишламоқ истаيمان. Умри давомида қаттиқ заҳмат чекиб, хизмат қилиб бу хонадондан ўтиб кетган ва бутун эзгу дуо-ю олқиш умидида ётган хоҳ аёл, хоҳ жувон, хоҳ қиз ашаванлар фравашийларини олқишламоқ истаيمان. Қудратли ва фируз ашаванлар фравашийларини олқишламоқ истаيمان. Илк дин ўргатувчилар (устозлар, зиёлилар – Б. И.) фравашийларини олқишламоқ истаيمان; аждодларнинг фравашийлари ва ўз руҳим фравашийларини мадҳ этмоқ истаيمان»... (146- бет).

«Авесто»да муаллим ва зиёлилар, амалда, табиблар билан тенглаштирилган эди: «Қай бир табиб (беморни) Ашаҳ – Ҳақиқат билан даволайди; қай бир табиб эса билим воситасида даволайди; қай бир табиб тиг билан даволайди; қай бир табиб бўлса гиёҳлар ила даволайди; мансара (муқаддас сўз) ила дармон бағишлайди.

Ашаваннинг ботиний иллатларини даволаган табиблар бўлса энг дармонбахш табибдир» (Тошкент, 2015 йил, 477- бет).

Зиёлилик – худди истеъдод, иқтидор сингари Аллохдандир ва шу боисдан ҳам, ҳарчанд тиришиб-чирангани билан, аслида

илохий зиёси йўқ кимсалар куп-қурук савлат бўлиб қолаверади.

Бизда бугунги кунларда зиёлилар уч турга бўлиниб кетган. Биринчи турга шарқона тарбияланган зиёлилар, иккинчи турга ғарбона тарбия кўрган зиёлилар, учинчисига бўлса синтезлашган зиёлилар тоифаси киради. Қадим замонлардан Шарқда ҳақиқат деб барчага ҳамма нарсани айтавериш маҳмадоналик, одобсизлик ҳисобланган. Шу сабабданам бошқарувнинг яккаҳокимлик шакли кўпроқ Шарқ оламига хосдир. Ғарбда эса аксинча – ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқатни айта оладиган шахс ўз кадр-кимматини топади, шу боисдан Ғарбдаги монархиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда демократия унсурлари нисбатан кўпроқ. Бизда биринчи ва иккинчи турдаги зиёлилар сал мўлроқ, аммо учинчи турдагилари ниҳоятда оз. Тараққиёт учун қалбан миллий, зоҳиран дунёдаги энг сўнгги янгиликларни ўзида жамлай билган зиёлилар кўпроқ керак бўлади. Агарда биз тор миллий қобикқа ўралиб қолсак, на илм ривожланади ва на ижод бўлади. Умуминсоний тараққиёти принципини байроқ қилиб олиб, уни баландроқ кўтарган, ҳақиқат учун курашадиган зиёлилар билан дунё миқёсига чиқиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, масъулиятсиз ва чаласавод вазирдан, профессорданам кўра кенг далада Навоийнинг ғазалини пичирлаб юрган деҳқон зиёлироқдир. Маънавиятли шахс, яъни ўзининг ва ўзга инсонларнинг ҳаётини маъно билан тўлдирган инсонларгина зиёлидир. Катта-катта китоблар ёзаётган олим, адиблар, шоирлар билан фарзандлари-ю, набираларининг онги ва қалбига бетиним равишда эзгулик уруғини экаётган, меҳр билан парваришлаётган, оддий зироаткор отахон зиёлилик борасида баравар, тенгдир.

Буюк балоғардон Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг муҳим фикрини эсимиздан ҳеч чиқармаслигимиз шарт: «Агар мамлакат хароб бўлса, шоҳдан сира ҳам хафа бўлмагин, ҳақиқат аҳлининг наздида бу илм аҳлининг, яъни зиёлиларнинг гуноҳидир».

Чунки, илм унга эга бўлган шахсларнинг шахсий ё хусусий мулки эмас, аслида ҳам жамият томонидан айнан уларга омонат сифатида бериб қўйилган энг буюк ижтимоий мулк ҳисобланади. Жамият шу илмга муҳтож бўлиб қолганида уни қизганган олим Аллоҳга, инсонийликка, жамиятга, Давлатга улкан хиёнат қилган бўлади. У бу дунёда кутулиб кетса ҳам, охиратда, албатта, қилган хунарига муносиб равишдаги адолатли жазосини олади...

ЭЗГУЛИК ФАРЗИ

Ўрта асрларда машхур халифалардан ал-Махдий давлатнинг бошкенти бўлмиш Боғдоднинг бир қасабасига Офия исмли бир зотни қози сифатида тайинлаган эди. Ўша Офия ниҳоятда зўр уламо, табиатан анчагина зоҳид бир инсон бўлган. Орадан анча-мунча вақт ўтгач у ҳукмдор ҳузурига келиб изн сўраб, дейди:

– Мени қозилик мансабидан озод этиб, махсус ҳужжатлар сақланадиган мана бу қутичани ўзингиз раво кўрган бошқа бир кишига топширишигизни илтимос қиламан, ўтиниб сўрайман...

«Катта, бўйни йўғон ва от минган амалдорлардан бирортаси қозини ҳақорат этган ёхуд унинг ҳуқуқларига дахл қилган бўлса керак», – деб ўйлаган халифа уни шу мавзуда саволга тутган.

– Сиз олампаҳоқнинг хаёлингизга келган ҳамда тилга олган ишларнинг бирортасиям содир бўлгани йўқ, – жавоб берди қози.

– У ҳолатда нечун мен сенга ишониб топширган лавозимдан воз кечаётирсан? – деб сўрайди ундан ҳукмдор ҳайрон бўлиб.

– Бир куни ҳузуримга иккита даъвогар кириб келди. Бири – шерозлик, тагин бири исфахонлик экан. Даъво ниҳоят даражада чигал эди. Икковида ҳам ўз фойдасига ишлайдиган далил ҳамда гувоҳлари бор эканини айтиб, бирма-бир санар эдики, мен уларни ипидан-игнасига қадар кўриб чикишим даркор эди. Шу боисдан ҳам пировард ҳукм чиқаришга унчалик шошилмадим. Ё улардан бири битимга рози бўлади ёхуд мавжуд можарони ҳал этувчи ечимни топаман, деб умид қилардим. Шу аснода даъвогарлардан бири менинг ширин хурмоларни хуш кўришимни билиб олган экан. Қаерда шундай хурмони кўрса сотиб ола бошлаган. Айнан пишиқчилик пайти эмасми, у шунчалик кўп хурмо сотиб олганки, бу иш ёлғиз амир ал-мўминнинг қўлидангина келса керак, деб ўйладим ўзимча. Даъвогар уйимнинг қоровулини ўзига ағдариб олиб, унданам пулини аямаган. Менинг йўқ дейишимга қарамай, меваларни менга олиб келиб турсин, деб шундай қилган. Ҳар гал хурмо тўла лаганни хонамга олиб кирганида мен кескин рад этиб, меваларни қайтариб олиб бориб беришни буюрар ҳамда қоровул айтганимни ғинг демасдан, бекаму-кўст бажариб юраверарди.

Бугун ўша даъвогарлар тагин ҳузуримга келишди. Бирок,

тарбиявий аҳамияти зўр бўлган қарғишлардан айримларини яна бир бора эсга олиб қўйсақ, фойдадан холи бўлмайди: «Тилингни қарға чўқисин», «Кўзингни қузғунлар чўқисин», «Ўлигинг устида ўтираин», «Йўлингда қоқилиб ўлгин», «Бошинг кесилсин», «От тепиб ўлгин», «Бошинг тагингда қолиб кетсин», «Отнинг тагида қолгин», «Сўзинг бўғзингда қолиб кетсин», «Гўштингни ғажир ғажисин», «Юлдуз кўрмай жон бергин», «Шомга етмагин», «Бир нафасликка учрагин», «Онанинг боламлаб қолганини кўрайин», «Остонага қоқилиб тил тортмагин», «Бўйнингни шайтон узсин», «Оғзингдан лахта-лахта қонинг келсин», «Бир нафасликка учра», «Дарди бедавога йўлиққин», «Униб-ўсмагин», «Уйинг чумолилар инидай бузилсин», «Сочларинг сартахтага ёйилсин», «Юзингга чечак чиқсин», «Косанг сира оқармасин», «Тилдан қолгин», «Бир қарич ер буюрмасин», «Ватангадо бўлгин», «Кўшмозор бўлгин», «Тилинг қотиб қолсин», «Бошинг азадан чиқмасин», «Кўзларинг оқиб тушсин», «Эшак тепкисидан кетгин», «Арвоҳ урсин» каби қарғишлар ўзга кишиларга ўлим тилаш билан боғлиқдир. Аммо, «Отдан йиқилиб ўлгин», «Жиғилдонингга суяк тиқилсин», «Икки кўзинг оқиб тушсин», «Бир кўзингдан йиринг, бир кўзингдан қон оқсин», «Чимилдиққа кирмагин», «Етганда йиқилгин» каби қатор қарғишлар заминиди ҳам одамларга ёмонлик тилаш, улар дилини заҳарлаш ётади! Шундай қарғишлар ҳам борки, улар кўчма маъно касб этиб, чуқур маъно-мазмунга эга. «Косанг оқармасин» деган ибораям қарғиш бўлиб, «Бошинг муҳтожликдан чиқмасин», «Бир умр муҳтожликда кунингни кечиргин», «Бир бурдагина нонга ва бир култум сувга зор бўлгин» сингари маъноларни билдиради.

Ўзингиз ҳам яхши биласизки, қарғиш муаллифлари асосан аёллардир. Улар қарғамай туролмайдилар. Болаларини, эрларини, бегоналарни, дўст-душманни, эрмак учун бўлса ҳам қарғайдилар. Қарғишнинг қарғишдан фарқи бор, албатта. Номардлик, хиёнат, адолатсизлик қаршисида ожиз қолиб, фақатгина Аллоҳнинг ўзига зорланиб, ер муштлаб қарганиш билан уйда шунчаки боланинг бирор буюрилган ишни ўз вақтида бажармагани учун қарғашни, турган гапки, бир-бирига асло тенг қўйиб бўлмаслигини биласиз.

Халқимизда «Онанинг қарғиши ўтмайди» деган гап мавжуд эканлигидан ҳам жуда яхши хабардорсиз. Яъни, она болаларини тарбиялаш, оёққа турғизиш жараёнида минг марталаб қарғайди.

Бирок, бу ўз фарзандига ёмонликни, ўлимни раво кўрганиданмас, шунчаки аёллигидан ҳамда қарғишга ўрганиб қолганлигидан, уни танбех, дашном ва дакки ўрнида ишлатаётганидан деб биламиз.

Шу ўринда қарғиш, олқиш-дуонинг таъсир кучи, халкимиз ибораси билан ифодаланганда, «тегиши» ҳақида ҳам фикримизни баён этмоқчимиз. Элимиз орасида катта-кичик тилида «фалончи отаси қарғишига қолган», «пистончини қарғиш урган», «фалончи қарғишдан учди», «пистончи қарғишга дучор бўлди», деган бир қатор жумлалар учраб туришидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Қарғишнома ва олқиш-дуономалар орасида ота-она, ер, сув, нон, туз, Аллоҳ, Қуръони Карим билан боғлиқлари энг даҳшатли, ваҳимали ва умидбахшдир. «Оқпадар», «Она сути ҳаром қилгур», «Падарингга минг лаънат», «Нон ургур», «Туз ургур», «Сигиринг сутдан қолгур», «Сув олгур», «От тепгур» сингари қарғишлар – лаънатлар, «Отанг-онанг роҳатингни кўргур», «Онанинг оппоқ сутини оқлаган», «Аллоҳ ўз паноҳида асрасин», «Қирқ чилтон кўллагур», «Нонинг ҳалол бўлгур», «Отинг учкур бўлгур» каби олқиш-дуолар ана шуларнинг сирасига киришини ҳам биласиз.

Ёхуд «фалончи кам бўлмайди, отасининг дуосини олган», «пистончининг иши ўнгидан келаверади, чунки азизлар дуосига дуч келган» каби иборалар ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам ота-она, азиз-авлиё, эл-юртнинг қарғишига қолиб, тубанликка юз тутган, хароб ҳолга келган кимсалар билан бирга олқиш – дуо туфайли ишлари ўнгидан келиб, ҳаётда, оила ва жамиятда ўз ўрнини топиб олган, униб-ўсаётган инсонлар сира оз эмас. Шундай қилиб, камида уч минг йиллик буюк тарихга эга буюк халкимиз анъанавий тарбия усулининг бош шиори «қарғиш яралайди, олқиш эса даволайди», демак, «олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?»дан иборат...

Ҳамиша дўст-биродарлар, фарзандлар, ота-онангизнинг, эл-юртимиз, кексалар, нуронийлар ва умрбоқийларнинг кўнглидаги бунёдкорлик ишлари ва фаолиятини амалга ошириб, фуқаролик бурчингизни чин дил (юрак, қалб)ингиздан адо этиб, уларнинг юксак олқишлари ва дуоларини олаверинг, азиз китобхонлар!

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Манфаат ва яхшилик.....	4
Соҳибкирон салтанати судлари.....	7
Бойлик, Омад, Севги.....	11
Қўрқув, ваҳима нима дегани?.....	13
Қувватхўрлик.....	18
Зар кадрили заргар биледи(ми)?.....	22
Манфаат ва дўстлик.....	23
Бургут ва чиганоклар ҳаёти.....	26
Қул нима дегани?.....	27
Тадбиркор вазир.....	32
Ғийбатчининг жазоси.....	33
Бахт ва муҳаббат иттифоқи.....	35
Қаҳр-ғазаб олови.....	37
Ғийбат ва тухмат балоси.....	38
Ҳасаднинг ҳақиқий қурбони.....	44
Эски ва янги нима дегани?.....	46
Иғвогарнинг касофати.....	50
Фариштани чалғитган она.....	52
Аёллик, хотинлик, оналик бурчи.....	53
Ит – вафо.....	57
Гўзаллик нима дегани?.....	59
Қуёшнинг алангаси.....	62
Ўзбекнинг орзуси.....	64
Орзулар қанотидаги парвоз.....	68
Энг улуғ фазилат.....	71
Устозлик бурчи.....	73
Давлат имтиҳони.....	79
Инсоний ғурур нима дегани?.....	81
Ёвузликнинг жазоси.....	87

Омонат нима дегани?.....	90
Иллатларнинг онаси.....	95
Дарвеш ва мутакаббир кози.....	99
Фаҳм-фаросатнинг тантанаси.....	101
Муаммонинг ечими.....	108
Отаўғил (Мард).....	110
Тоштарошлар суҳбати.....	112
Мўлжал.....	113
Пащшаларнинг аҳволи.....	114
Бу яхши!.....	115
Мазмунсиз ўтиб кетган умр.....	116
Алдаш бормиди?.....	118
Бахт фақат моддий бойликдамас.....	119
Энг даҳшатли душман.....	121
Ҳаёт сабоғи.....	122
Донолар тасавуридаги умр.....	123
Совасри – сингил.....	124
Нечта дўстим бўлиши керак?.....	125
Тинчликпарварлик, жўмардлик.....	127
Ватан ҳисси.....	128
Искандар ва Мағриб подшоси.....	129
Омад ўзи нима дегани?.....	130
Ватан – Саждагоҳ.....	134
Бойлик – буюрганники.....	135
Энг кучли заҳар.....	137
Икки хил муомала.....	138
Порахўрлик – хасталик(ми)?.....	140
Зиёли ким дегани?.....	145
Эзгулик фарзи.....	153
Қарғиш нима дегани?.....	154

Бахтиёр ИСОҚОВ

**ЎҚИНГ,
ИБРАТЛИ
РИВОЯТЛАР**

3

Мухаррир: НамДУ доценти – Зоҳиджон Мадрахимов.
Бадний муҳаррирлар: Комила Қаюмова, Фарход Исҳоқов.
Дизайнер-мусаввир: НамДУ доценти – Ҳакимжон Ризаев.
Мусаххихлар: Феруза Исакова, Дилдора Исҳоқова.
Саҳифаловчилар: Шаҳзода Исоқова, Жавохир Робиддинов.

Теришга берилди 29. 01. 2021.
Босишга рухсат этилди 14. 02. 2021.
Бичими 84x108. Ҳажми 10 босма табок.
Адади 1000 нусха. 10 рақамли буюртма.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Vodiy Media» нашриёти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36- уй.
Тел.: (+99893) 408-59-00 e-mail: vodiymedia@inbox.ru
Нашриёт лицензия рақами А1-285.
2016 йил 4 ноябрда берилган

«Vodiy Poligraf» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Наманган шаҳри, Ғалаба кўчаси, 19- уй.



Vm
PUBLISHING
HOUSE
VODIY MEDIA
NASHRIYOTI

ISBN 978-9943-5921-4-8



9 789943 592148